

37699
213

СЕБИИ ҚИССАЛАРИ

Ҳабиб Темиров

ҚОРА ҚАСР
АСИРАСИ

3

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ҚОРА ҚАСР АСИРАСИ

3

(учинчи китоб)




Тошкент
«Янги аср авлоди»
2010

84(59)6 Ғаб. асаб.

Китобхонлар қалбидан жой олинб улгурган “Қора қаср”нинг учинчи қисмида воқеалар янада шиддатли тус олади. Сиз воқеалардаги кескин бурилишларга, қаҳрамонларнинг турли кечинмаларига гувоҳ бўласиз. Бу инсонлар неки ишга қўл уришмасин, самараси сезилмавермайди. Улар ўз ҳаёт йўлларидан адашгандек. Бу бежиз эмас. Ҳалоллик, поклик, виждон, олижаноблик, иймон-эътиқодгина тўғри йўл сари злтади.

“Қора қаср-3”да янги қаҳрамонлар ҳам борки, сиз беихтиёр равишда улар ҳаётига кириб борасиз. Энг муҳими, ушбу китобни ўқиш асосида зерикмайсиз. Турли зиддиятларга бой воқеалар кўлами Ҳабиб Темиров қалами нечоғли ўткирлигини намоён этади.

1039699
213



ISBN 978-9943-08-464-3

© Ҳабиб Темиров. «Қора қаср асираси». «Янги аср авлоди»,
2010 йил

Август. Сунбула бошланиб сувлар тиниб, ҳаво бирмунча салқинланиб қолган кунларнинг бирида кечки пайт Афифа қишлоғига қайтиб келди.

– Бўлди бутунлай келдим. Энди шаҳарга қайтмайман. Шу ерда сизнинг ёнингизда бўламан, – деди онасига.

Онаси унинг юзига ҳайрон бўлиб тикилиб турди. Гапининг давомини кутди. Шу замонда шаҳарга кетган қизларнинг унча-мунчаси қишлоққа қайтмаслигини у ҳам яхши биларди.

Афифа онасининг ҳайратига эътибор бермади. Ўзини мумкин қадар бепарво тутишга уриниб:

– Ҳа, бутунлай келдим, – деди.

Табийки, куни кеча оқшом рўй берган мудҳиш воқеани онасига айтмади. Онаси унинг Субут билан ажралишганидан хабардор эди. Қайтиб келишининг сабабини шу билан боғлади.

– Тўғри қилибсан, қизим. Насиб этса... Шу ерда бахтинг очилиб кетади, – деди. Бироқ ўша заҳоти нимадир эсига тушиб, Арифадан сўради: – Ўқишинг-чи?

– Сиртқига ўтқазиб келдим.

– Унақада ишласанг бўлар экан-да, – деб сўради яна она.

– Ҳа, ишлайман.

– Ҳозирча... пахтага чиқсанг бўлармиди... Ҳамма далада. Ҳар қалай уч-тўрт сўм пул, дегандек...

Гарчи дафъатан онасининг ҳали тузукроқ ҳол-аҳвол сўрамаёқ уни далага ундаётгани Афифага бироз малол келган бўлса-да, бунга эътибор бермасликка уринди. Кўнглидан

«Отам билан онам пулга зориқиб туришган бўлса керак», деган фикр ўтди.

– Майли, энажон, эртага эрта билан далага чиқаман, – деди у ва отасининг:

– Ҳай, кампир, нима деяпсан, бир-икки кун дамин олсин, – деган гапига:

– Чарчаганим йўқ, ота, шаҳарда юриб, роса зерикиб кетганман ўзим ҳам, – дея важ кўрсатди.

Эртасига субҳи содиқда далага отланди.

Кузнинг боши бўлгани боис ҳали ҳаво барибир анча дим. Дала уфунатли. Бундай кезде пахта теришнинг завқи бор. Афифа бошига қизил дурра, оғзи-бурнига юпқа оқ рўмол танғиб, пахтазор оралаб кетди. Қиз-жувонлар хушламайроқ, эр-йигитлар энтикиб қарашди. Афифага шаҳарнинг нуқси урган, юзи қишлоқ жувонлариники сингари дала шамолдан қорайиб, тўрлаб кетмаган. Оппоқ ва тиниқ. Момикдек билаклари ҳам ҳали тирналмаган. Хуллас, Чеҳраларига пахтазор «сурати» чизилган аёллар ўртасида ола қаргадек ажралиб турар, бу моҳитобон «олақаргани» бир кўрган киши беихтиёр «яна бир кўрай», дея такрор нигоҳ қадар эди. Бу эса табиий, қишлоқ аёллари, наинки аёллар, қизларнинг ҳам ғашини келтирар, бинобарин уларнинг бир қисми орқаворотдан Афифага «оқбилак ойим», деган лақаб қўйган эдилар. Қарангки, мана шу «оқбилак», деган атамани улар ҳақорат, деб ўйлашар, бундан Афифа эзилишини, нэтиробга тушишини кутишарди. Зеро, қишлоқда, пахтазор ичида майин, тирналмаган, оппоқ билак билан юриш уят эди, гўё уларнинг назарида.

Афифа ўқишини сиртқига айлантириб, чеккан жамики заҳмат ва машаққатлари эвазига эга бўлган бир хонали кулбага ижарагир қўйиб қишлоққа жўнаб кетар экан, у ерда мана шунақа аҳволга дуч келишини билар эди. Билар ва шунга кўниб, тақдирга тан бериб келган эди. Бугина эмас, у маълум вақт ўтгач, аҳли қишлоқ унинг саргузаштлари ҳақида ҳам айрим маълумотларга эга бўлишини оғзи илдам хотин қавми унга қўшиб-чатиб, тилларда дoston қилишини ҳам билар ва кутар эди...

– Қишлоқда нима бор? Пишириб қўйибдим, – деди бир ҳафта олди мулойим, айна пайтда узиб олувчи овозда Шаҳина хоним.

– Нима қилай бўлмаса, шу ерда қолиб... яна бузуқчилик қилайми? – деди Афифа ҳам бўш келмай. У бошига тушган жамики кўргиликларнинг бош сабабчиси ушбу «қуёшдай меҳрибон» холажониси эканини тобора чуқурроқ тушуниб борар, тушунгани сари аламланиб, унга тескари иш қилгиси келарди.

– Сен нега менга иддао қиласан, ҳай қиз? Нима, мен сени мажбурлаганмидим? Ўзинг-ку...

– Қўйинг, бўлди, гапирманг, хола, илтимос. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Сиз сутдай оқ, шишадай тозасиз. Ўзим келдим сизга эргашиб. Ўзим алдандим. Ўзим... энди қайтиб кетмоқчиман. Ҳаммасини қайтадан бошламоқчиман.

– Уйингни нима қиласан? Сотиб кетасанми? Сотмоқчи бўлсанг... харидор топай.

– Ҳозирча тура-турсин. Сотадиган бўлсам, албатта сизга айтаман.

– Майли, қизим. Билганингни қил. Энди-и... ёш бола эмасан...

Кейин хоним бир иарса беихтиёр ёдига тушгандек, ўсмоқчилаб сўради:

– Ё анови... ҳуқуқшунос яна хафа қилдими?

– Кимни айтяпсиз? – деди Афифа ҳам холасининг соддамуғомбирлигига жавобан ясама гўллик билан.

– Ўша... қораялоқни-да...

Бундан анчагина олдин суд тугаб, Афифа оқланган пайтлар хола-жиян ўртасида қуйидаги мазмунда савол-жавоб бўлганди.

– Анови закончи сенга... шилқимлик қилмаяптими? – деб сўраганди хола ўшанда.

– Нима, деб шилқимлик қилади? – деганди Афифа.

– Сенга... «шунча ёрдам бердим, энди мен билан юрасан», демадими ишқилиб?

– Ёрдам берган бўлса... ҳаққини олди-ку! Кейин... ҳовли олди-сотдисида ким-кимга ёрдам берганини... Худо билади.

«Ҳовли меники, уни ҳеч кимга сотмайман. Субут акамга совға қилиб кетаман», деганимда мени ҳеч ким ҳеч нарса қилолмас эди-ку, шунақа эмасми?

– Шунақа, лекин... улар билан ўчакишиб юриш яхшимас-ди-да барибир.

– Нима қиларди? Ўлдиармиди? Қаматтирармиди? Бунақа юргандан кўра ўлиб кетганим ҳам афзал эди аслида...

– Оғзингдан ел учирсин. Унақа дема, қизим. Асабларинг чарчабди. Толиқибсан...

Бугун ҳам у холасига «закунчин» билан ораларида бўлган гапларни айтиб ўтирмади. Унга тунов кунги гапини эслатди:

– Ўзингиз айтдингиз-ку, «асабларинг чарчабди», деб.

– Тўғри. Чарчагансан. Майли, қизим, борсанг бор. Дам ол. Кейин қайтиб келаверасан, истаган пайтингда.

– Иложи бўлса... Ҳеч қачон қайтиб келмайман. Бу... шафқатсиз шаҳарга...

– Ҳай-ҳай, унақа дема! «Тошканднинг донини еган чумчуқ Маккадан қайтиб келган экан». Табаррук шаҳар – бу. Азиз авлиёларнинг макони-я! Тавба қилдим, де!

– Тавба қилдим. Лекин... шунча азиз авлиёлар яшаб ўтган шаҳарни булғаб юрган бошқа одамлар... қачон тавба қилишади?

Афифа, «холам бу гапни ўзига қаратиб айтаётганимни тушунса, бобиллаб берса керак», деб ўйлаганди. Хонимга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмади. У фалсафий қилиб жавоб берди.

– Ҳеч ким... ҳеч қачон булғай олмайди бу муқаддас шаҳарни. Уни булғамоқчи бўлганнинг ўзи булғанади. Бу шаҳар – бамисоли тўлқинланиб ётган денгиз. У бамисоли тўлиб-тошиб оқиб ётган бир азим дарё, қизим. Булғамоқчи бўлганларни хору хас каби қирғоққа улоқтириб ташлайди.

Афифа хонимнинг нақадар ақлли, мантиқли гапиришига қойил қолди.

– Сиз асли... катта шоир бўлишингиз керак эди, – деди.

– Катта шоирдан қасрим кам ўзи. Шейрлар ёзаман-ку. Сенга ўқиб бермаганимидим? Яқинда китоб ҳам чиқармоқчиман...

– Ўшанда сиз «ҳаваскорман, шеърларим шунчаки машқ», деб айтгандингиз...

– Ҳалиям... ҳаваскорман. Шоирликни касб қилиб олганим йўқ. Лекин баъзи шеърларим... унча-мунча «халқ шоири»никидан қолишмайди. Мана эшит...

Шаҳина хоним ҳалоллик, диёнат, инсоф ва ор-номус ҳақидаги бир неча рубойларидан ўқиб берди. Афифа хонимнинг артистлик истеъдодига яна бир бор астойдил қойил қолди. Одатда артистлар муайян ролга фақат саҳнада кира оладилар. Хоним эса ҳаётнинг ўзида бир неча ролларни қойилмақом қилиб ўйнайди. Ўйнайди эмас, ўша роллар ичида яшайди у. Шу тобда холасининг ақлли, билимли, истеъдодли экани ҳақида ўйлаб. Субут акасининг бир гапи эсига тушди.

– Ижодкор қавми ёмон кишиларни мудом саводсиз, истеъдодсиз ва нодон қилиб тасвирлаб келади. Бу билан адабиётга ишонган, уни ҳаётнинг акси, кўзгуси, деб тушунувчи одамларни чалғитади, алдайди. Ҳолбуки, ёмон кимсаларнинг аксарияти ақли расо, бир неча институтни битказган ва ниҳоят ё илм-фан, ё адабиёт ёки санъат соҳасида анчайин ном қозонган бўлади. Хуллас, ақлли дегани, билимли ёхуд истеъдодли, дегани ҳам, бу ҳали «яхши», дегани эмас. Яхши одам... оддий, содда қора меҳнатдан боши чиқмаган бир киши бўлиши ҳам мумкин. Умуман... яхши, ёмон, деган баҳоларнинг ўзи ҳам ниҳоятда шартли...

Дарвоқе, Субут билан хайрлашмай келди. Уни кўрмаганига бир йилдан ошиб кетди, чамаси. Охириги марта бозорда узоқдан кўрди. Афифа бозор дарвозасидан чиқиб келаётган эди. Субут сутдай оқ, чиройли бир хориж машинасидан тушиб, ичкарига йўналаётган экан. Кийинишлари ҳам ўзгариб кетибди. Чиройли, улугсифат. Кўзида қора кўзойнак. Ёнида... ўша – Фариза хоним. Афифа ўзини мажбурлаб... хурсанд бўлди. «Ана энди ўзига лойиқ ҳаётга эришибди Субут акам», деб ўйлади хаёлида. Субутнинг шу юриши ҳам омонатдек, муваққат, вақтинчаликдек туюлди. «Йўқ-йўқ, унақа эмас. Энди Субут акам бир умр бахтли бўлади», дея яна ўзини мажбурлаб хулоса чиқарди. Кутилмаганда кўнгли

суст кетди. Субут билан ўтказган ширин дамларини эслади. «У-чи, у ҳам ҳеч эслармикан?» Эсламаса керак. Эсласа шунча пайтдан бери: «Аҳволинг не кечди», деб бир хабар олмасмиди? Ахир... ўтган ойлар Афифа учун дўзаҳ азоби бўлдику. Бундай азобни у шунча пайт: на холасиникидаги шармисор кунлар, на хорихдаги саргардонлик чоғлари ва на ҳатто қамоқхонадаги аламли дамларда ҳис этмаганди. Чинакам уқубат ҳаммасидан кейин судда оқланиб чиқиб, марҳум Зоҳидийдан «ёдгорлик» сифатида теккан бир хонали ҳувиллаган квартирада тинч яшашга киришганидан сўнг бошланди. Бу яшаш айтишгагина «тинч» эди. Аслида шўришу гавғога лиммо-лим кечарди. Зоҳидийнинг ҳуқуқшуноси аввал шаъма-ю имо-ишора, кейин ошкора сурбетлик билан ундан висол талаб қила бошлади. Адвокат бир куни кечки пайт унинг уйига келиб, мақсадини очиқча айтди.

– Шунча вақтдан бери сизни бахтли бўлсин, кўчада қолиб кетмасин, дея ўлиб-тирилиб, елиб-югуриб юрганимизнинг ажру мукофоти бўлсин ахир, – деди у.

Афифа аввал ётиғи билан тушунтиришга ҳаракат қилди.

– Оға, илтимос, мени тушунинг. Ҳали... бироз ўзимга келай...

– Шунча вақтдан бери ўзингизга келмадингизми, оғаси жонидан. Келинг энди, кўп ноз қилаверманг. Эрта, дедингиз, индин, дедингиз. Ё мени... ариқ лабига олиб бориб, сувсиз қайтариб, алдаб юрмоқчимисиз? Мен унақа, сиз ўйлаган лақмалардан эмасман. Мени... Наим «закун» дейишади. Мен билан муроса қилсангиз адашмайсиз. Боқаман. Уйингизни гулдек, рўзгорингизни бут қилиб қўяман. Мой ичида ўйнаган бўғирсоқдек яшайсиз. Муроса қилмасангиз... маноми уйдан ҳам итдек ҳайдаб, кўчада тентиратиб қўяман...

Афифанинг жаҳли чиқди. Хўрлиги келди. Кўзига дунё қоронғу бўлди. «Эй, фалак, бунча хўрлайсан», дея нолаланди. Фалақданми, ерданми садо келдики, «шартига кўн, шу одамга маъшуқа бўлиб, роҳат-фароғатда яша...» Афифа ўйланди. Чиндан ҳам шундай қилса бўлади-ку. Энди боши очиқ. Субут акаси уни... чайналган сақич мисоли туфлаб ташлаб кетган бўлса... Наим «закун» деганлари, холасининг

айтишича, кўп йиллар милиция, прокуратура, суд соҳаларида ишлаган, қўли узун одам. Унга маъшуқа бўлса... ўқишни осонгина битказиб олиши, кейин бирон жойга ишга жойлашиши мумкин...

Айтганча, Муқимхонов Афифа ўқишнинг биринчи босқичини тугаллагач, уни шаҳардаги никоҳ идораларидан бирига «шоғирд» қилиб жойлаштирганди.

Афифа бир неча кун қатнагач, мудира: «хоҳласангиз келинг, хоҳламасангиз келманг, лекин сизга маош ёзавераман, меҳнат стажингиз кетаверади», деди меҳрибонлик билан. «Бўлмаса менга ёзилган маошни бемалол ўзингиз олаверинг», деди Афифа миннатдорлик кўрсатиб. Кейин бир неча марта бориб, «олинган» маошларга қўл қўйди-ю, «чиқиб ишласам майлими», деб айтолмади. «Яхшиси бошқа жойдан иш топман», деб ўйлади. Кейин ҳалиги савдолар бошланиб кетди. Энди эса иш топиш қийин. ЗАГСдан ҳам ҳойнаҳой бўшатиб юборишгандир...

Ҳуқуқшунос унинг кўнглидан кечаётган фикрларни англагандек «шартнома шартлари»ни баён қилншда давом этди:

– Агар қадрдон дўст бўлсак... ўқишингизни битказмаёқ биронта хусусий нотариал идора очиб бераман. Пулга кўмилиб яшайсиз. Ёки... Ҳеч бўлмаганда... қанотимга олиб, адвокатликни ўргатаман.

– Сиз отам қаторисиз-ку, қанақа қилиб қадрдон дўст бўламиз? – деди Афифа унинг қоп-қора бадбашара тиришган юзи, қип-қизил тепакал бошига қараб.

– Муҳаббат ёш танламас, дейдилар, Афифахон. Сиз менинг ёшимдан хавотирланманг. Ҳали муҳаббат бобида унча-мунча ёшларни бир чўқишда қочирвораман, – деди сидирга ясама олтин тишларини ярқиратиб ҳуқуқшунос.

Афифа ногаҳон: «Кечаси бу тишларини олиб, сувли стаканга солиб қўйса керак, худди Шаҳина холамга ўхшаб», деб ўйлади. Ҳуқуқшуноснинг оғзидан келаётган бадбўй ҳиддан кўнгли айниб кетди. Ўхчиб юборди. Буни ҳуқуқшуносга сездирмаслик учун бошини сарак-сарак қилди.

– Шунчалик... меҳрибон бўлсангиз уйлана қолмайсизми? Қонуний қилиб олинг, майли, тегаман...

Нега шундай деганини ўзи ҳам билмайди. Балким ҳуқуқшуносни синамоқчи бўлгандир. Ҳар ҳолда шундай деди. Ҳуқуқшунос кулди. Жиддийлашди.

– Қонунан... иложим йўқ. Чунки хотиним ҳам қонуншунос. Ўлса ҳам кўнмайди. Шаръий никоҳ ҳақида эса... пайти келса ўйлаб кўриш мумкин. Лекин ҳозир эмас.

Афифа бу қари туллак унга шунчаки ўйнаш бўлишни таклиф этаётганини тушунди. Яна алами, хўрлиги келди. Бояги таҳдидли гапнинг таъсири энди билинди. Афифа бундан икки-уч, лоақал бир йил олдинги Афифа бўлганида, шу топда эҳтимол йиғлаб, бурилиб кетган бўларди. Ҳозир эса... у ҳайтовур аввалги Афифа эмас. Шу боис ўзини хўрламоқчи бўлаётган ишратпараст фосиқни бир боплашга аҳд этди:

– Қари, хунук, ёқимсиз, одамсиз. Агар қонуний никоҳингизга олсангиз, кўзимни чирт юмиб, чидаб юришим мумкин эди. Лекин... хушторликка... хушторликка ёқтирадиган одам бўлиши керак. Мен эсам сиздан жирканаман. Афтингизга қараб, қусиб юборай, деб турибман-у...

– Ҳали шунақами, – деди ҳуқуқшунос. – «Тўйдирганнинг қорнига теп», экан-да-а? Ношукр, нодон кимса экансан! Сени бу уйга қандай киритган бўлсам шундай чиқариб юбораман! Қамоқдан қандай чиқарган бўлсам ана шундай киритиб қўяман яна! Қусиб, қусиғингни еб юрасан, ўша пайт! Шошмай тур, ҳали...

Ушбу даҳанаки жангдан бир-икки ҳафта ўтгандан сўнг Афифани яна терговга чақиришди. Терговчи уни олдин обдон кўздан кечирди. Кейин мулойим оҳангда:

– Сиз хорихда юрган пайтингизда террорчи гуруҳнинг айрим аъзолари билан муносабатда бўлган экансиз. Шу ҳақда яширмай, ҳаммасини очиқ-ошкора айтиб беринг, – деди.

Афифа яқиндагина бошланган шов-шувли суд жараёни ҳақида телевизорда эшитган, яна бир гуруҳ жиноятчилар устидан тергов бораётганидан хабардор эди. «Наҳотки, бирортаси тўхмат қилган бўлса? Мени улар қаердан танийди? Умримда кўрмаганман-ку?»

– Ким айтди шунини? Мен... бирор киши билан таниш бўлмаганман-ку, уёқда Абди акадан ташқари...

– Тўлқин Пўлатов-чи? Ахир сиз у билан бирга қочган-сиз-ку хорижга? Шундайми?

– Шундай. Лекин уёқда мен уни қайтиб кўрганим йўқ.

– Мана бу хатда эса... бошқача ёзилган. Сизни, Тўлқин Пўлатов билан яқин алоқада бўлган, ҳозир ҳам хабарлашиб турибди, дейилган.

– Вой ўлмасам, ким экан ўша туҳматчи?

– Билмадим. Имзоси йўқ. Бирон... сизни яхши билган, фаолиятингиздан яхши хабардор бўлган одамдир-да.

Афифанинг миясига «Адвокат!» деган фикр урилди. «Ай-тайми, туҳматчининг кимлигини», деб ўйлади. Айтмагани маъқуллигини тушунди. Чунки буни исботлаш қийинлигини биларди.

– Майли, текшириб кўринглар. Мен Истамбулда Аҳмад Шер, деган одамникида хизматкорлик қилганман. Қари она-сига қарадим. Асли уларнинг оиласи Германияда яшайди. Ўшалардан сўранглар.

– Сўраймиз, текшираимиз. Лекин сиз ҳозирча мана бу ерга қўл қўйинг. Бу шаҳардан берухсат чиқиб кетмаслик ҳақида тилхат.

Афифа айтилган жойга қўл қўйди. Кейин хаёлига бир фикр келиб, терговчидан сўради:

– Агар сир бўлмаса... айтинг, Наим Чоршанбиев, деган адвокат анови... террорчилардан бирортасини ҳимоя қилаётгани йўқми?

– Ннмайди, – деб сўради сал кулимсираб терговчи.

– Шунчаки сўрадим. Агар малол келган бўлса, айтмай қўяқолинг.

Терговчи – қирқ ёшлардаги жиддий қдёфалн зийрак одам, Афифанинг саволи сабабини тушунгандек бўлди. Ҳатто ўзича: «аҳа-а», деб ҳам қўйди. Кейин:

– Ҳа, Наим Чоршанбиев, деган адвокат... бор. Қатнаш-япти. Агар бу жавобим сизга бирон нарсани аниқлашга ёрдам берган бўлса, хурсандман...

Афифа терговчининг суқланиб қарашидан холасининг бир гапини эслади: «Чиройли эканинг – сенинг бахтинг. Эркак зотига ишинг тушса, тез битади».

– Ўша адвокат олдинги судда мени ҳимоя қилган. Ўша кишидан сўранг, ҳамма гапни билади.

– Хатни ҳам ўша одам ёзган, демоқчимисиз?

– Буни билмадим.

– Майли, синглим, сиз бораверинг. Керак бўлсангиз чақирамиз, – деди яна мулойим оҳангда терговчи.

Афифа уйига қайтиб келиб, нима қилишини билмай анча ўйланиб ўтирди. «Субут акамнинг ёнига бориб, маслаҳат сўрасаммикан», деди. Ботинолмади. «Энди ёрдам бермайди. Энди у бошқача одам. Бозор ёнида кўрганымда у худди... Даврбекка ўхшаб кетди. Худди ўшандай пўрим. Иши юришиб, омади келиб турган одам. Даврбек-чи? У ёрдам берармиди агар... узоқ вилоятга ишга кетмаганида? Эҳтимол ёрдам берарди. Ҳар қалай... «биринчи муҳаббат...» Лекин Субут ёрдам бермайди...»

Афифа нега шундай, деб ўйлаётганига ўзи ҳам ҳайрон эди. Лекин Субутнинг энди тамоман бошқача одам эканига негадир ишончи комил эди. «У энди тўқ. Оч-яланғоч18, қашшоқ чоғлари мутаассир, раҳмдил бўлган. Тўқ одам эса... унча-мунчага таъсирланмайди. «Тўқнинг оч билан иши йўқ», деганлари бежиз эмас. Ўша куни суд тугаган чоғда у атиги бир лаҳза Субутнинг лоқайд кўзларини кўрган. Йўқ. Лоқайд эмас... Унинг кўзларида... тамоман бошқача ўй, бошқача ташвишлар эди. У Афифа ҳақида ўйлаётган эмасди. Ўйлаётган бўлса ҳам, шунчаки йўлига, юзаки ўйлаётганди. Энди у бошқа давра кишиси, бошқа тоифага мансуб экани шундоққина билиниб турарди. Шунинг учун Афифа унинг ёнига интилмади. Бориб бағрига ўзини отмади. Кейинроқ: «Балким шундай қилмаганим учун аччиқланиб, келмай юргандир», деб ҳам ўйлади. Ажрим ҳақидаги таклифига индамайгина рози бўлгани-чи? Буларнинг ҳаммасига ўша саховатли Фариза хоним сабабчи эканини у аллақачон тушуниб етганди. Холаси: «Айтишларича, Субут Мирмаъди Садиевнинг қизи билан... шунчаки, биргаликда иш қилар эмиш, ораларида шахсий муносабат йўқ экан», деганида ишонмади. «Бунга ким ишонса-ишонсин, лекин мен ишонолмайман», деди ўзича. Чунки... у Субутнинг кўзларини кўрганиди ахир...

Яна холасига борди. Яна ундан маслаҳат сўради.

– Терговчига... беш-тўрт сўм узатиб кўриш керак, чама-си, – деди хола. – Уйинг куйгур, ким туҳмат қилди экан.

Афифа ҳуқуқшуноснинг таҳдидини эслатиб ўтирмади. Холанинг ўзи эса шунчалик ғовлаган ақли билан ўшани тушунмади. Чамаси у адвокат шу қадар пасткашлик қилишини тасаввурига сиғдиролмас эди.

– Пулим ҳам қолмади ҳисоб, – деди Афифа.

– Мен бериб тураман. Беш юз доллар узат.

– Нега ахир? Гуноҳсизман-ку! Ўша Тўлқинни кейин... тушимда ҳам кўрганим йўқ-ку?..

– Гуноҳсиз бўлсанг ҳам... бермаса бўлмайди, болам. Булар гуноҳсиз одамни ҳам бир зумда гуноҳкор қилиб қўйишади...

Афифа пулни олиб, эртасига терговчининг ҳузурига жўнади. Етиб бориб, дарвоза ёнида таниш қиёфага дуч келди.

– Ие, нима қилиб юрибсиз яна, буёқларда? – деди қиёфа. Бу – Абдининг синфдоши, Субутнинг таниши терговчи Арслон Ҳакимов эди.

– Яна... юрибмиз тергов бериб, сарсон бўлиб, – деди Афифа маъюс овозда.

– Нега энди? Ё бошқа бирон гап бўлдими? Ким тергов қиляпти? Қани буёққа юринг-чи...

Ҳар тугул терговчи жойида экан. Арслон билан қуюқ сўрашди. Афифа билан бошлашиб юрганини кўриб, ҳайрон қолди.

– Бу киши танишми сизга? – деб сўради.

– Албатта, – деди Арслон. – Ўзи яқинда... зўрға қамоқдан сақлаб қолгандик. Сиз яна чақиртирибсиз...

– Бўлди. Энди чақирмаймиз. Бугунгиси охиргиси эди. Тўлқин Пўлатов қўлга олинди. Сўроқ қиляпмиз. У «Афифа Зокировани хорижга бирга қочганимиздан сўнг қайтиб бир марта ҳам кўрганим йўқ», деб ёзиб берди. Энди ташвиш тортмасангиз ҳам бўлади, синглим.

Афифа бўшашиб кетди. Йиғлаб юборди. Арслон уни юпатди. Кузатиб чиқди. Ташқарида беш дақиқача гаплашиб туришди.

– Абди акадан нима хабар бор? – деб сўради Афифа.

– Яхши. Тошлоқсойда. Яқинда... синглим бориб кўриб келди. Кейинги амнистиядан сўнг муддати анча қисқарди. Ўзингиз қалайсиз? Субут Сокин билан... турмушларингиз бўлмапти-да?

– Кимдан эшитдингиз?

– Субут билан икки ойча аввал кўришгандик. Ҳозир у кишининг ишлари яхши экан.

– Илойим ҳамиша яхши бўлсин...

Арслон «Афифа бу гапни пичинг қилиб айтяпти», деб ўйлади.

– Ўзингиз нима ишлар билан машғулсиз?

– Бекорчилик.

– Бирон ишга кириш. Бекор юриш яхши эмас.

– Ишлармиз...

Афифа уйига келгач, «чиндан ҳам бирон ишга киришим керак», деб ўйлади. Холасининг долларини қайтариб олиб бориб бергач, ҳисоблаб қараса, қўлида арзимаган пул қолибди. Уйга кечқурун тушкун кайфиятда қайтибди. Боя холасига бир гап очмоқчи бўлди-ю ботинолмади. «Яна ўша эски қўшиқларни бошлайди: «Биронтаси билан таништираманчи... Еганинг олдинда, емаганим ортингда, мазза қилиб яшайсан». Майлийди. Лекин Афифа ўзини ҳарчанд мажбурламасин, шунга кўндиролмасди. Нуқул кўз ўнгида Наим Чоршанбиевнинг тилла тишли сассиқ оғзи пайдо бўлар, кўнгли ағдарилиб кетар, «эркак зоти шунақа бўлса, бетини тескари қилсин», деган ихтиёрсиз хулосага келарди. Бугун холасиникидан қайтаётиб, кулгули бир фикрга борди: «Нима бало, эркак зотига нисбатан аллергия пайдо бўлдими? Ё... Субут акамдан хафа бўлиб юрганам учун ҳамма эркаклар кўзимга ёмон кўриняптими? Нима бўлгандаям бир нарсага овунишим зарур. Ишлаш. Ишлаш керак. Эртага яна холамга бориб маслаҳат соламан. Танишлари кўп. Бирон корхонага жойлаб қўяр...»

Ярим тунда шитирлаган овоздан уйғониб кетди. Хонага кимдир кириб келгандек эди. Афифа «туш кўряпман», деб ўйлади. Овоз чиқармай, нафасини ичига ютиб ётди. Шарпа

яқинига келиб устига энгашигач, бу туш эмаслигини тушунди. Бор овози билан:

– Войдо-о-о-д, ёрдам берингла-а-а-ар! – деб бақирди. Шарпа унинг устига ўзини ташлаб, қўлқопли қўллари билан оғзини бекитишга уринди.

Афифа холасиникида юрган чоғлари у ерга келиб-кетиб юрувчи «қизлардан эркак киши зўравонлик қилмоқчи бўлганда қандай ҳимояланиш зарурлиги» ҳақида кўп эшитган эди. Шу топда мияси ишлаб кетди. Қўш оёқлаб туриб шарпаннинг қорнига чунонам тепдики, шарпа каравот устидан отилиб тушиб кетди. Бир зум ўзини йўқотди. Кейин яна ҳамла қилди Афифа қоронғида унинг юзини кўрмаётган бўлса ҳам, оғзидан келаётган бадбўй ҳаддан ким эканини англади: «Чоршанбиев!» Энди бунақа йўлга ўтибди. Номард, ифлос!» Чоршанбиев қонунни сув қилиб ичган, ҳуқуқшунослик соҳасида зўр бўлса ҳам, жуссаси миқти ва нимжон эди. Чамаси шу боисдан ҳам у Афифани уйқуда забт этишга қарор қилган. Бироқ эҳтиётсизлик қилди. Қўлидаги беҳуш қилувчи дорини пуркашга улгурмади. Энди унинг олдида икки йўл бор эди: бири – охиригача курашиб муродини ҳосил қилиш. Иккинчиси, ҳали обрўси борида жуфтакни ростлаш. Биринчи йўл нақадар хавфли эканини қонунчи сифатида у яхши биларди. Агар Афифа арз қилса – тамом. Шу боис у иккинчи йўлни танлади. Тура қочди. Йўл-йўлакай: «Қўлимда қўлқоп бор эди. Ҳеч қаерда из қолдирмадим», деган қоникши ҳосил қилди. Эшикни қарсиллатиб ёпди. Эшик қулфланиб қолди. «Тамом. Энди ҳеч нарсани исбот қилолмайди...»

Афифа ҳеч нарсани исботлашга уриниб ўтирмади. Ҳеч қаерга арз ҳам қилмади. Қолган-қутган пулларининг бир қисмига янги темир эшик ўрнаттирди. Қўшалоқ қулф солдирди.

Сўнгра холасиникига бориб:

– Қишлоққа кетадиган бўлдим, – деди. Юқорида ҳикоя қилинган қисқагина мунозарадан сўнг холаси билан ўпишиб хайрлашиб, бекатга жўнаб кетди.

Онаси йиғлаб қарши олди. Бу қувонч ёшлари эди, албатта. Шу тариқа у қишлоққа қайтиб, яна ўзини қадрдон ва жонажон пахтазор ичра кўрди...

Афифа кунбўйи пахта териб чарчамади. Аксинча, дам олди. Кўп йиллардан бери биринчи марта тоза ҳавода, қуёшнинг ёқимли нури остида беғам, беташвиш ўтказди кунни. Бармоқлари сал-пал тилинганини ҳисобга олмаганда, мазза қилди. Ўйнаб-ўйнаб беш этак пахта терди. Ҳар этаги салкам йигирма килодан келса, қарийб юз кило.

– Ҳозир яхши. Фермерлар пахтанинг пулини далада, кунлик беришади, – деди унга биринчи кўришиданоқ ўзини яқин ола бошлаган Пардахол исмли келинчак.

Чиндан ҳам қош қорайиб, теримчилар тарози ёнида тизила бошлаган пайт. «Нексия» минган фермер жаноблари бир халта пул кўтариб келди. Тарозибон ҳамманинг пахта-сини тортиб, тележка лиқ тўлгач, «темир дафтар»ини кўтариб, фермернинг ёнига борди. Икковлон рўйхат бўйича пул тарқатишга киришишди. Навбат Афифага келганда фермер ҳайрон қолиб, тарозибонга қаради.

– Бу – Афифа, Зокир амаки бор-ку, ўшанинг қизи, – деб изоҳ берди тарозибон.

– Мен... илгари ҳеч кўрмаган эканман...

– Шаҳардан яқинда қайтиб келдим, – деди Афифа.

– Шаҳардан, денг, – оғзи анқайиб ғудранди фермер. – Аҳ-а, яхши, яхши. Неча кило экан? Тўқсон. Яхши. Та-ак. Мана, роппа-роса беш минг тўрт юз сўм...

Афифа пулни олиб, уйга жўнади. Илгари, мактабда ўқиб юрган кезларида ҳам у пахта териб пул олган. Лекин бу галгиси жуда қадрли, ширин кўриниб кетди. Беихтиёр кўз олдига Субут келди. Ўзи шунақа – Афифа қувонса, бирон ширин хаёл сурса, лаззатли таом еса, дарров Субутни эслайди. Чамаси у билан баҳам кўргиси келади. Субутчи, Субут уни эслармикин ҳеч? Эсламаса керак. Ёнида бойвуччаси бўлса, егани олдида, емагани ортида, Афифа билан нима дарди, нима ҳасрати бор?

Шундаймикан? Наҳотки, биргаликдаги шунча ширин, қувончли ва ғамгусор дамлар хотирасига келмаса у беоқибат йигитнинг?..

Бу саволга кейинги бобларда жавоб излаб кўрамиз. Ҳозир эса воқеамизнинг янги қаҳрамони билан танишиш мавриди келди.

Зардарё туман милиция бошқармаси уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаси бошлиғи майор Мўмин Шербоев вилоят ички ишлар бошқармасида бўлган йиғилишининг охирироғида сўзга чиқди. Қилинаётган ишлар ҳақида батафсил ҳисоб берди.

– Туманимиз уч давлат чегарасида жойлашган, – деди у. – Зиммамиздаги масъулият юки жуда ҳам оғир. Кўпчилик жиноятчи унсурлар жиноятни бу ерда қилиб, айланма йўллар орқали хорижга чиқиб кетишади. Очиги, ҳар битта жиноятни очиш учун баъзида уч давлат ҳудудида иш олиб боришга тўғри келмоқда...

– Ҳудудингизда «Амир» лақабли Мирпўлат Шопўлатов, деган хавfli рeдцидивист бошлиқ жиноий тўда ҳаракатланаётганидан хабарингиз борми? – деб сўради йиғилиш ҳайъатида ўтирган фуқаро кийимидаги бошлиқлардан бири.

– Бор, ўртоқ бошлиқ, – деди Мўмин Шербоев.

– Бор бўлса, нега ҳалигача очикда юрибди?

– Биз уни жиноят устида қўлга тушириш чораларини кўрмоқдамиз.


– Уни жиноят устида ушлаш қийин, – деди ҳайъатдагилардан бири. – Жудаям пихини ёрган.

– Сиз уни ушлашни кечиктирманг, сабаб ҳамиша изласа топилади – деди биринчи бўлиб савол берган раҳбар. – «Ўғри қамоқда ўтириши керак», – деган машҳур иборани эшитгандирсиз?

– Ўзи яқинда қамоқдан келди, ўртоқ бошлиқ, – деб ҳазиллашмоқчи бўлди Шербоев. – Бироз нафасини ростлаб олсин, деяпмиз-да.

– Нафасини ростлашга улгурмай босинг-да, оғайни, нафасини ростлаб олса, кейин илинтиришингиз қийин бўлади, – деди иккинчи раҳбар.

– Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ, – деди Шербоев нутқини ниҳожсига етказиб минбардан тушар экан: «Барибир мен номардлик қилмайман», деб қўйди ичида. Бунинг сабаби, тунов куни қўшни тумандаги ҳамкасблари ҳибсдан қутилиб



келиб, қишлоғида яшаётган таниқли ўғрилардан бирига наша ташлаб қўлга олишганини эшитган ва «шошмай туришса, ўзи жиноят қилиб қўлга тушарди-ку», деган, шунда ҳамкасбларидан бири: «Бе-е, қачон навбатдаги жиноятни қилар экан», деб кутиб ўтиришадими, ўғрилиги, жиноятчилиги шундоқ ҳам аниқ-ку», дея уни гапиртирмаганди. «Виждон-чи, виждон?» деб сўради Мўмин ўша ҳамкасбидан. Ҳамкасби масхараомуз аския билан жавоб берди. «Виждон, виждон, дейсиз, ўғрида виждон бўлармиди? Ўғрида-ку бўлмаслиги мумкин, – деди Мўмин. – Лекин сиз билан бизда бўлиши шарт!»

Йиғилишдан чиқиб вокзалга жўнади. Тезроқ ишга бориш керак. Эрталаб бир ўзимга бир машинани овора қилиб юрмайин, деган фикрда Зардарё – Тошкент йўналишидаги электричкада келганди. Ўша қулай. Саҳарда Зардарёдан чиқиб қуёш кўтарилмаёқ вилоят марказига етади. Кечқурунгиси ҳам қош қораймай Зардарёда бўлади. Шербоев ана шунга улгуриши керак. Ҳали соат тўрт. Поезд жўнашига бир соат бор. Бемалол улгуради. Енгил нонушта ҳам қилиб олиши мумкин. Вокзалнинг ўзида бирон нарса ер. Ҳозир тезроқ бориб чипта олиб кўйиш керак. Автобусга чиқсамикин, йўқ, енгил машина кира қилиш керак. Аслида Шербоев гавжум автобусларда юришни ёқтиради. Бу – одат. Эҳтимол, олий милиция мактабини битказиб, жиноят қидирув бўлимида иш бошлаган кезларида автобусларда юриб киссавурларни қийратган даврларидан одат бўлиб қолгандир. Ўша йилларни энтикиш билан эслаш асносида катта йўлга чиқиб, таксига қўл кўтарди.

– Вокзалга, – деди таксичига ва яна хаёлга берилди.

Аслида унинг милициячиликка қизиқишига ҳам ўша... киссавурлар сабаб бўлишган. Саккизинчи синфда вилоят марказига ўқувчилар спартакиадасига келиб, биринчи рақамли автобусга минганди. Тиқилинч экан. Қоп-қора бўйи паст бир ўсмир унга туртиниб ўтди.

– Четроқ турсанг ўласанми? – деб танбеҳ ҳам берди.

Чамаси у Мўминнинг қишлоқдан келганини пайқади. Акс ҳолда гавдаси ўзиникидан қарийб икки баробар катта Мўминга дўқ уришга юраги бетламас эди. Мўмин индамай

қўяқолди. У болалиқдан бўлали полвон йигит бўлиб ўсган эса-да оғир-босиқ, ҳар нарсага жаҳл қилавермайдиган йигит. «Шу бефаросат билан жигиллашиб ўтираманми», деб тескари бурилди. Шу чоқ ички бир сезги билан қўйин чўнтагини пайпаслади. «Оҳ!» пули йўқ. Ўша, бояги бола олган! Ҳозиргина, икки соиня олдин чўнтагида турувди. Отаси берган йигирма беш сўмгина пул. Тўртта беш сўмлик, битта уч ва иккита бир сўмлик. Икки кунлик сафарнинг барча харажатларига бемалол етиши керак эди. Энди нима қилади? Чўнтагида тўрт-бешта сариқ чақадан бошқа ҳеч вақо йўқ. Бояги бола эса... ана! Ҳов ана, олдинда эшик ёнида турибди. Ушлаши керак!

Мўмин навбатдаги бекатда уриниб-турганиб, орқа эшикдан ташқарига чиқди. Киссавур йигит олдинги эшикдан тушган экан. Ёнида икки шериги ҳам бор. Мўмин дадиллик билан уларнинг ёнига борди.

– Пулимни қайтариб бер, ошна, – деди қора болага.

Қоровой аввал тиржайди:

– Қанақа пул? Жиннимисан?

– Ҳозиргина автобуснинг ичида чўнтагимдан йигирма беш сўм пулимни олдинг. Тўртта беш, битта уч, иккита бир сўмлик. Қайтариб бер, ошна, бошқа пулим йўқ.

– Бор, тошингни тер, – деди Қоровойнинг сал новчароқ шериги. – Бўлмаса... сўйиб ташлаймиз.

Мўмин – спортчи. Кураш мусобақасида қатнашиш учун келган. Бундан ташқари оз-моз бокс билан ҳам шуғулланади. Шу боис боя ўғриларнинг уч киши эканидан ҳам чўчимай журъат кўрсатган эди. Бироқ «сўйиб ташлаймиз», деган гапни эшитган ва бунинг устига Қоровойнинг қўлида анчайин катта буклама ханжар пайдо бўлганини кўриб, саросималанди. Бас келолмаслигини тушунди. Аламланди.

– Шунақами? – деди беихтиёр.

– Шунақа, – деди сурбетлик билан Қоровой.

– Кўрамиз, – деди Мўмин нимани назарда тутаётганини ўзи ҳам тушунмай.

– Нимани кўрасан? Нима келади қўлингдан? Йўқол, эй жўхори полвон, – деди Қоровой. Мўминга шу гапи айниқса

ботди. Бунинг маъноси: гавданг йирик бўлса ҳам, юрагинг кичик, дегани эди. «Мелиса қаёққа қарайди, кўча тўла ўғрику», деган аламли ўй келди миясига.

– Мелисага бориб айтаман! – деган гап тилига чиқди. Қоровойга бу таҳдид чивин чаққанчалик таъсир қилмади.

– Мелиса ўзимизники! – деди у тиржайиб. – Яна... ўзингни қамаб қўймасин.

– Шунақами? – деди энди буткул чорасизлик билан Мўмин.

– Шунақа!

– Ундай бўлса... ўзим ҳисоб-китоб қиламан сен билан.

Шундай деди-ю шартта бурилиб кетди. Шу кетгани дард дунёси қоронғи бўлиб уйга қайтиб кетди. Мактабни битиргунча «Мен мелиса бўламан», деган аҳд хаёлидан кетмади. Милиция мактабига кириш учун армияда хизмат қилиб келиш керак экан. Қилиб келди. Тошкентдаги Олий милиция мактабига ҳужжат топширган кунларда унинг бўйи бир метру саксон бир сантиметр, оғирлиги саксон беш килограмм бўлиб, саксон беш килограммлик тошни, яъни, ўз вазнини қўлда даст кўтарадиган даражада эди...

– Етиб келдик ака, – деди таксичи унинг хаёлини бўлиб. Мўмин кира ҳақини тўлаб, чиптахона сари юрди. Чиптани олиб, тамаддихонага кирди. Тўртта сомса, иккита тухум билан бир чойнак чойни майдалаб, яна хаёлга берилди.

Милиция мактабида ўтган йиллар, битирув маросими ва айнан ўша маросимда туғилган илк севгининг сурурли, изтиробли дамларини эслади. Битирувчи милиция ходимларини табриклаш учун келган ота-оналар, қариндош-уруғлар ва жамоатчилик вакиллари уларга гуллар тақдим этишди. Шунда... Мўмин қора ширғайдан келган, бўйлари узун қомати бағоят чиройли, кўзлари катта-катта бир қизга эътибор берди. Одатда ўзбек қизлари орасида бўйи биру саксонга етадигани унча кўп учрамайди. Бунга Мўмин илгари эътибор бермаган. Ўқишни битказиш арафасида онаси, «болам, энди сени уйлантиришимиз керак, бир-икки қизларни танлаб қўйдим, кўргин, маъқул тушганини олиб бераман», дегач, қизларни назардан ўтказди. Ҳар учаласи пачоққина, бўйи нари борса биру олтмиш, яъни, Мўминдан бир қарич

паст. «Бўйи бўйимга мосроғи бўлса, эна...» деди у. Онаси кулди. «Майли, болам, бўйига тенг бўйлари қачон бўлар тўйлари», деган ашулани эшитган экансан-да?»

Манови қиз эса... худди қуйиб қўйгандай лойиқ. Исми Малика экан. Курсдошларидан бирининг синглиси бўлиб чиқди. Шаҳарда яшашаркан. Телефон алмаштиришди. Мўминнинг бахтига у вилоят марказида, шаҳар милиция бошқармаси жиноят қидирув бўлинмасида ишда қолдирилди. Малика мактабни эндигина битириб, тиббиёт коллежига ўқишга кирган. Мўминдан етти ёш кичик. Шунга қарамай Мўмин совчи қўйди. Тўй бўлди. Малика коллежни битказиб, касалхонада ҳамширалик қила бошлади. Бир йилдан сўнг тўнғич фарзандлари Мадина туғилди. Кейинги йили ўғли Озодёр дунёга келди. Аммо... у ёшига етган кунларда... Малика номаълум бир дардга йўлиқиб, бир ҳафта ётиб, узилди. Мўмин фарёдини худога айтиб қолаверди. Икки болани бағрига босиб, зор йиғлади. Оҳини онаизори эшитди. Аввалига шаҳарга каталакдек икки хонали уйга келиб, икки неварарага қаради. Оқ ювиб, оқ таради. Кейин қишлоққа, Зардарёнинг бекатига олиб кетди.

– Болам, сен энди ишингни ишлайвер, булардан хавотир олма, – деди...

Келинининг йилн ўтгач, қуда-қудағайларидан изн сўраб, ўғлига маслаҳат солди:

– Энди бирор... қизми, жувонми олишни ўйла, болам. Ҳали ёшсан. Қолаверса, иссиқ-совуғингдан хабар оладиган одам керак.

– Энди менга хотин керак эмас, она, – деди дабдурустан Мўмин. Зеро, у энди ҳеч кимни Маликани севганчалик севолмаслигини аниқ-тиниқ билар эди. Аслида-ку... у Маликани Лайли-Мажнун бўлиб севган, орқасидан излаб, дашту биёбон кезган эмас. Биринчи бор кўрган заҳоти: «Шу қиз – менинг тақдирим», дея қатъий ишонч ҳосил қилган, холос. «Севги, дегани шунинг ўзи, деб ўйлар эди у. Бир кўришдаёқ кўзи кўзига, юлдузи юлдузига тўғри келади. Бир кўрганда тўғри келмадими, ҳеч қачон тўғри келмайди. Мабодо ўзингни мажбурлаб, муносабат ўрнатган тақдирингда ҳам умринг азобда

ўтади...» Она индамади. Қистолмади. «Майли, болам, қайғу-дардинг ҳали аримапти. Ариб қолар», деб қўя қолди...

– Тошкент-Зардарё йўналиши бўйлаб юрувчи электр поезд иккинчи йўлга келди. Йўловчилар чиқариш бошланди! – деган эълон янгради.

Шербоев тамадини тугатиб, перронга чиқди. Чеккароқдаги ўриндиқлардан бирига ўрнашиб, чеккан кўйи одамлар оқимини кузатиб ўтирди. Ногаҳон кўзи гавдаси букчайган, қоп-қора, тарашадек қотма бир кимсага тушди. «Худди «Лўли»га ўхшар экан», деган фикр миясидан ўтди.

Яна хаёл суриб кетди. «Лўли», дегани ўша, Мўминни автобусда тунаган киссавур боланинг лақаби экан. Буни Шербоев жиноят қидирув бўлимида иш бошлаган пайтида билди. Бир куни «картотека» (жиноят қидирув бўлимларида илгари ана шундай картотекалар бўларди, ҳозир ҳамма маълумотлар компьютерга жойланган)ни варақлаб ўтириб, ўша таниш қиёфага кўзи тушди. «Ие, бу эски танишим-ку», деди худди танга топган гадойдек қувониб. Картотекадаги маълумотлардан киссавурнинг лақаби, неча марта судлангани, ҳозир қаерда яшаши – ҳаммасини билиб олди. «Ал қасос, ал қасал, – деди беихтиёр. – Энди у албатта қўлимга тушади. Онасини кўзига кўрсатаман». Ўша лаҳзаларда у қасос иштиёқи билан ёнди. Қасос иштиёқи – бўлакча бир туйғу. Одамга ёввойи бир шижоат бағишлайди. Кўзлари худди ўлжасини пойлаган бўриники сингари ёна бошлайди кишининг. Ичида тобора кучайиб борувчи бир тўлқин пайдо бўлади...

Мўмин икки кундан сўнг «Лўли»ни худди ўша – саккиз йил илгариги сингари биринчи автобусда, жиноят устида қўлга туширди. Авахтахонага тикқач, «Энди буни... қанақа қилиб эсам, мажақласам, хўрлаб ҳузуридан чиқсам экан», деган бояги ёввойи иштиёқ ўтида ёнди. «Якка хонага ўтказдириб, ярим кечада сўроқ қиламан», деди. Тунда келиб, сўроқни бошлагач эса... юрагидаги бояги қасос ўтидан асар ҳам қолмади. Чунки қаршисида ўттизга кирмай ўтиндан ҳам баттар қуруқшаб, боши, оёқ-қўли мудом қалтировчи касалманд, бир кўзи шилпиқ аянчли аҳволдаги кимсани кўрди. Нафрат ва ўч ҳисси ўрнини ўкинчли бир ачиниш эгаллади.

– Нима бўлди сизга? – деб сўради.

– Э-э ўртоқ начайник, беш марта қамалиб сил касалига йўлиқиб, нашага ўтириб қолган одамнинг аҳволи нима бўлар эди, – деди «Лўли».

– Мени... танимадингиз-а? Илгари кўрганмисиз? – деб сўради Мўмин «Лўли»нинг юзига тик қараб.

Қари ўғри шилпиқ кўзларини йириб очиб, Мўминга бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Ўтган сафар... қўлга тушганимда... сиз ҳам бормидингиз ушлаганлар орасида? – деди талмовсираб.

– Йўқ. Танимадингиз. Майли. Танимай қўя қолганингиз яхши, – деди Мўмин ва «Лўли»ни умумий авахтахонага чиқариб юборди. Уч кундан сўнг унинг муваққат тергов ҳибсхонаси тиббий қисмида вафот этганини эшитди. «Жиноятчининг қисмати шу», – деди у шу хабарни етказган ҳамкасбига. Кўнглида эса: «Мендан нари борса икки-уч ёш катта эди шўрлик», деб ўйлади. Кейин у «Лўли»ни бутунлай эсидан чиқариб юборди. Зеро, хотираси марҳум ўғрининг янги янги ҳамкасблари қиёфалари, номлари билан мудом лиммолим тўла бўлар, қачонлардир унинг йигирма беш сўм пулини шилган, кейин аянчли аҳволда деярли қўлида жон берган, ўттизга кирмай қариб-чуриб адо бўлган бир гиёҳванд ўғрини эслаб ўтиришга ҳожат ҳам, сабаб ҳам йўқ эди. Гарчанд...

– Тошкент-Зардарё электр поездига йўловчилар чиқариш ниҳоясига етмоқда, – дея эълон қилинди.

Мўмин сумкасини кўтариб, вагонга чиқди.

– Ассалом алайкум, Мўминжон ака, – деди башанг кийиниб, ҳаво булут бўлишига қарамай қора кўзойнак таққан бир йигит.

– Ваалайкум, – деди Шербоев ва «бу болани қаерда кўрган эканман», – деб ўйлади.

Ўриндиққа жойлашар экан, хотирасини титкилаб, эслади. «Бу... ўша «Амир» – Мирпўлатнинг йигитларидан-ку». Дарвоқе, «Амир», деганлари бир пайтлар одам ўлдириб, ўн уч йилга кесилган. Мирпўлат Шопўлатов ҳам асли Мўминга тенгқур, деярли ҳамқишлоқ. Замонлар ўзгариб кетиб,

муддатидан анча олдин чиқиб келган. Ўзини жиноят оламининг «обрў»ли шахсларидан, деб эълон қилган. Теварагига бир қанча такасалтангларни тўплаб, гўёки қанақадир бизнес билан шуғулланади. Аслида катта бозордаги хусусий дўкон эгаларининг анчасидан «солиқ» олади. Дўкончилардан ҳеч бири шикоят қилмаслиги боис уни қўлга туширишнинг иложи бўлмади турибди.

– Униям нашаванд, дейишади. Машинасига биров наша ташлаб ушлай қолмаймизми? – дея таклиф киритди ҳамкасбларидан бири шивирлаб. – Ким билиб ўтирибди? Зато раҳматнома оламиз юқоридан.

– Буни миянгиздан чиқариб ташланг, – деди Шербоев. – Биз қонун ҳимоячиси бўлиб, ўзимиз қонунни ҳурмат-иззат қилмасак, четласак, адолатсизликка йўл қўйсак, нима деган одам бўламиз?

– Кошки ўша «Амир»ингиз шунақа иззат-ҳурматга арзиса, – деди капитан ҳафсаласи пир бўлиб.

– Биз «Амир»ни эмас, қонунни ҳурмат қилишимиз керак, тушунарлими? – деди жаҳл билан.

– Тушунарли, ўртоқ майор!..

«Барибир эртами-кечми қўлга тушади, – деб ўйлади Шербоев. – Жиддий жиноят билан тушади. Ўшанда... уни яна анча узоқ муддатга ёпиб қўйиш мумкин.

Поезд жилди.

– Мўминжон ака, чой олиб келайми? – деди бояги йигит.

– Йўқ. Мен ҳозир чой ичиб чиқдим, – деди Шербоев хушламай.

Йигит сўлжайиб нари кетди.

Агар «Амир» чиндан ҳам «обрўли» жиноятчилардан бўлса, фақат майда дўкончилардан «солиқ» йиғиш билан кифояланмаслиги аниқ, – деб ўйлади Шербоев йигитнинг ортидан ўйчан тикилар экан. – У йирикроқ «иш» қилиш пайида юрган бўлиши керак...

Чеккиси келди. Тамбурга чиқиш учун вагон ўртасидаги йўлак бўйлаб юрар экан, ўртароқда деразага қараб маъюс хаёл суриб кетаётган ёшгина аёлга нигоҳи тушиб, кўзи «ярқ» этиб очилгандек бўлди. Беихтиёр ичида «оҳ!» деб юборди.

Аёл нимаси биландир Маликага ўхшаб кетар, фақат буниинг ранги оқ-сарик эди. Ўша кўзлар, ўша қошлар... ўша қад, ўша қомат... Оёқлари у қадар узун эмаслигига қараганда, бўйи Маликаникидан салгина пастроқ... Лекин... қуйиб қўйгандек ўхшайди. Ўшандай чиройли. Ўшандай нафис ва латофатли. Очилиб, яшнаб турган атиргулга ўхшайди. «Менинг нимами атиргулга ўхшатадими? – дерди шўрлик Малика. – Қоп-қораман-у». «Сен менинг қора атиргулимсан», – дерди Мўмин суюкли завжасининг хушбўй сочларидан ҳидлар экан. Бу аёл эса оқ-сарик рангпар, бир қадар пуштиранг юзларида чуқур бир маъюслик бор. Мелиса қавми руҳшунос бўлиб кетаркан. Мўмин, «бу бечоранинг бошига ҳам бир ташвиш тушганга ўхшайди», деб ўйлади. Ёнига боргиси, ҳол-аҳвол сўрагиси келди. «Дабдурустдан қалай бўларкин», дея иккиланди. Ўзини чалғитиш учун тамбурга йўл олди. Сигарет тутатди. Аммо мириқиб чеколмади. Кўз ўнгидан ҳозиргина кўрган маъюс чеҳра қотиб турар, ўзига оҳанграбодек тортар эди. «Нима бўлса-бўлди. Бориб ёнига ўтириб, гапга соламан», деб ўйлади Мўмин.

Қартугул аёлнинг ёнидаги ўриндик бўш экан. Шундай бўлса ҳам Мўмин:

– Бўшми? – деб сўради.

– Бўш, – деди аёл бениҳоя тиниқ ва нафис овозда. «Ё худо, овози ҳам худди Маликаникига ўхшайди».

Дарҳол гап қотишга ботинолмади. Ўзи умри бино бўлиб, бир мартагина дадиллик кўрсатган аёл зоти билан танишиш бобида. Маликани учратган-да. Аввал ҳам, кейин ҳам бу борада сира тажриба орттирмаган. Аввал – ёш бўлгани боис, кейин – Маликани ва фақат Маликани севгани туфайли аёл зотига қайрилиб қарамаган. Манови жувон бўлса... бир кўришдаёқ сеҳрлаб олгандек... Шунчалик ўзига маҳлиё элдик, Мўмин ақалли, «эрлик аёлдир», деб ҳам ўйламади. Чамаси у миршабга хос ички сезги билан боши очиқ аёлни эрлик хотиндан фарқ қила оларди. Шу қадар ўзига тортидики, Мўмин ўзи ҳам кутмаган ҳолда дадиллашиб кетди. Эгнида фуқаролик кийими бўлишига қарамасдан таваккал қилиб:

– Ҳужжатларингизни кўрсам бўладими? – деб юборди.

Аёл ҳайрат ва ҳадик ичра чимирилиб қаради.

– Ҳужжат? Қанақа ҳужжат? Сиз... кимсиз? Мелисамисиз?

– Ҳа, мелисаман, – деди шоша-пиша Мўмин ва костюмининг қўйин чўнтагидан хизмат гувоҳномасини чиқарди. – Майор Шербоев.

Аёл бироз энсаси қотган кўйи шошмасдан сумкасини олди. Титкилади. Сўнг паспортини топиб, узатди.

– Узр, айбга буюрманг, – деди Мўмин бироз ўнғайсизланиб. – Хизматчилик.

– Ҳечқиси йўқ, – деди аёл.

Шербоев паспортини синчиклаб кўздан кечиран экан, нимадир эсига тушгандек, ял этиб аёлга ўгирилди:

– Афифа Зокирова?

– Ҳа, – деди аёл. – Биз... танишмизми?

– Йўқ-йўқ. Сиз мени танимайсиз. Мен сиз ҳақингизда эшитганман... Демак, ўша... Афифа Зокирова... Сиз экансиз-да.

– Номим... мелисалар орасида машҳур бўлиб кетганми? – деб сўради аёл нодоматли оҳангда.

– Йўқ-йўқ, – деди Шербоев. – Сиз... сиз ёмон фикрга борманг. Мен... Бир сабаб билан... Мен ҳам асли Бекатданман. Фақат сал қуйироқдан. Сизлар темир йўлга яқин яшайсизлар. Шу боис кўришмаганмиз. Бошқа-бошқа мактабларда ўқиганмиз. Аммо мен сизни орқаваротдан биламан. Сабаби ўзингизга ҳам маълумки, ўша... йили сизни... «вафот этди», деган гап чиққанди... Биз ҳам бу ҳақда хабар олганмиз. Кейин эшитдим. Соғ-саломат экансиз. Қишлоқдаги қабрни... номаълум кишиники, деб ўзгартиришга тўғри келди. Майли, ўтган ишга салавот. Она қишлоққа меҳмон бўлиб келяпсизми?

– Бутунлай қайтиб келяпман, – деди Афифа. – Шундай қилишга... рухсат берасизми?

Мўмин кулди. Негадир хурсанд бўлиб кетди.

– Албатта, албатта! – деди. Кейин бояги гапни ҳазил билиб, жавоб қайтармоқчи бўлди. – Ҳозироқ рухсатнома ёзиб бераман.

Енгил ҳазил-мутойиба ораларидаги совуқ расмиятчилик-ка барҳам берди. Анчайин илиқ ва самимий суҳбат бошланди. Мўмин Афифанинг кечмишларидан анча-мунча хабардор экан.

– Тўғри қилибсиз, қишлоққа қайтиб, – деди у. – Ўтган ишларга салавот. Энди ҳаммасини қайтадан бошланг.

– Ўтган ишларнинг... асоратидан қутилиб бўлармикан? – деди Афифа маъноли қилиб. Бу билан, «биринчи навбатда сиз – миршаблар менга ўхшаганларга шубҳа ва ишончсизлик билан қарайсиз-ку», деган фикрни англатмоқчи бўлди, чамаси.

– Бўлади, – деди Мўмин. – Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ. Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол-покиза, тўғри яшасангиз... ҳеч нарсанинг касри халал беролмайди. Агар... бизнинг касбга боғлиқ бирон муаммо туғилса, қеч тортинмай мурожаат қилинг. Агар... рухсат берсангиз... мен ўзим ҳам гоҳ-гоҳ хабар олиб тураман.

– Назорат қилиш учунми? – деб сўради Афифа.

– Йў-ўқ, нима деяпсиз, нега энди сизни назорат қилар эканман. Шунчаки... кўришиш учун. Майлими?

– Майли, агар гапингиз тўғри бўлса...

Поезд Бекатга етиб келди. Афифа тушадиган бўлди. Мўмин эса кейингисида – Зардарёда тушадиган эди. Хайр-хўш қилинди.

– Хайр, – деди Афифа.

– Учрашгунча хайр, – деди Мўмин. – Ҳозир... кеч бўлиб қолди-ку, уйга қийналмасдан етиб оласизми? Ёки... шу ерлик мелисаларга айтайми, кузатиб қўйишсинми?

– Йўғ-е, мелиса билан бориб, кўрқитмайин. Уйимиз яқин...

3

Субут Афифанинг қишлоққа жўнаб кетганини Шаҳина хонимдан эшитди. Ҳа, ўша маълуму машҳур хоним кутилмаганда унинг ҳузурига қадам ранжида этди. Эрталаб соат ўнлар Субут хонасида ишлаб ўтирарди. Котиба қиз кирди. Ташриф қоғози узатди. Субут дастлаб бепарво кўз югур-

тирди. Бирдан ҳушёр тортди. Ҳаяжонланиб кетди. Ҳатто бироз қўрқди ҳам. Ташрифномага: «Шаҳина Бону», фан номзоди. санъатшунос», деган сўзлар бағоят чиройли қилиб битилган эди.

– Бир ўзими? – деб сўради у бейхитёр котибадан.

– Ҳа, бир ўзлари. Қўлларида... силлиқ папка. Қўлёзмага ўхшайди.

– Айтинг, кираверсин...

Шаҳина хоним бир қучоқ бўлиб, эшикка зўрға сиғиб, кириб келди. Яна пича семирибди. Худди ҳеч нарса бўлмагандек, ораларидаги охирги даҳанаки жангни буткул унутиб юборган каби Субут билан салкам қучоқлашгудек бўлиб кўришди. Худди қирқ йиллик қадрдонидек ҳафсала билан сўрашди. Бошини чир айлантириб, хизматхонани кўздан кечириб чиқди.

– Илойим мартабангиз яна ҳам улуғ бўлиб бундан ҳам катта, бундан ҳам ҳашаматли кабинетлар насиб этсин, – дея дуо қилди.

Субут сездики, ташрифнинг нияти ижобий. Тингланди. Дуон-фотиҳага жавобан: «Раҳмат, раҳмат», дея бош ирғаб турди. Сўнгра:

– Қалай, ўзингиз яхши юрибсизми? – деб сўради.

– «Пақирнинг жойи панада», деган экан машойиҳлар. Юрибмиз давлатингизнинг соясида, Субутжон, – деди хоним.

Унинг овозида киноя бор-йўқлигини Субут англолмади. Йўқ, шекилли. Илтимос билан келган одам қочирриқ қилиб ўтирармиди. Шаҳина хонимнинг ҳулқ-атвори расво бўлса-ям ақл-фаросати жойида-ку!

– Қандай шамоллар учирди? – сўради Субут хонимнинг мақсадини тезроқ билиб олиш учун.

– Ижод шамоли, укажоним, ижод шамоли, – деди хоним қўлидаги «Папка для бумаг» деган семиз хатжилднн стол устига қўяр экан. – Анчадан бери шеър машқ қилиб юрман. Бир нечтаси «Гулшан» журналида, кейин «Нозанин» газетасида чиқди. Редакциядагилар: «Опа, шеърларингиз яхши экан, китоб қилиб чиқаринг», деб маслаҳат беришди. Шунга сизнинг олдингизга келдим. Нашриёт кўп-у лекин

ўзингники барибир ўзингизники-да, сиз билан ҳар қалай бегона эмасмиз...

– Раҳмат, ишонч ва эътиборингиз учун, – деди Субут энсаси қотганини сездирмасликка уринди. «Энди бу... кишимиз шоирликни ихтиёр этибдилар-да», деди ичида. Халқ мақоли ҳаминшам тўғри чиқавермасакан-а, деб ўйлади. Ахир, «ғар қариса, отин бўлади», дейишади-ку. Ҳа-а, йў-ўқ, замонавий отин-да, замонавий бўлгач... шеър ҳам ёзиши, бирон бир илмий унвонга ҳам эга бўлиши керак...

– ...Аммо-лекин бизнинг нашриётимизнинг ўсмирлар ва ёшлар китобларини чиқаришга ихтисослашган-да, опа, айбга буюрманг...

– Оббо сиз-эй, Субутжон. Сиз ҳали менга: «Қариб қолдингиз», демоқчимисиз? Ҳали унча-мунча ёшларни бир чўқишда қочирамиз, опаси ўргилсин. Ё... ҳақиқа фирромлик қилади, деб ўйлаясизми? Қўрқманг, жоним, бошқаларникидан зиёд бўлса-бўладики, кам бўлмайди... Худога шукр, пулим бо-ор...

– Ундай бўлса... майли, – деди Субут. Тортишиб ўтиргиси келмади. Қанча-қанча бундаи ҳам баттарларники чиқиб ётибди-ку, деб ўйлади. Охирига: «Китоб муаллифи маблағи ҳисобига чиқарилди», деб масъулият ўзининг зиммасига юклар қўйилди-да...

– Тилингиздан айланай, ҳалироқ шунақа демайсизми, – деди хоним ялтоқланиб. – Одамни... ноумид қилманг-да, жоним.

Субут шеърият бўлими мудирини чақириб, хонимни таништирди:

– Шаҳина хоним. Шеърлар китобини чиқармоқчи экан. Қўлёма устида... жиддийроқ ишлашга тўғри келади. У ёғини... ўзларингиз гаплашасизлар.

– Хўп бўлади, – деди мудир. – Сиз билан суҳбатлашиб бўлгач, олдимга кирсинлар. Мен бораверайми?

– Ҳа, бораверинг. Ана, қўлёмани олинг.

Мудир қўлёмани олиб чиқиб кетди.

– Раҳмат, Субутжон, сазамни ўлдирмай бошимни осмонга етказдингиз...

– Арзимаиди, опа, – деди Субут. – Бўлмаса... Ҳозир чиқиб, шеърият бўлимига учранг.

– Майли-майли, ҳозир, – деди хоним ўрнидан қўзғалиб. Чамаси у Субут Афифа ҳақида сўрашини кутарди. Субут буни сездди. Индамади. Хоним ўзи гап очди:

– Афифаям... охири... кетиб қолди... қишлоғига.

– Тўғри қилибди, ўша ер тинчроқ, – деди Субут совуққонлик билан. Хоним бундан ажабланди. Кейинроқ хоним чиқиб кетгач, Субутнинг ўзи ҳам анча ҳайратга тушиб ўтирди. «Афифа ҳақида бу қадар совуққонлик билан фикр юритмас эдим-ку», деди. Хонимнинг ҳайрати эса дарров сўнди. Чамаси у Субутни ҳам ўзи билан кўплаб эркаклар сирасига қўшиб қўя қолди. «Янги ёр топганда дўстлар, эскидан кечмоқ керак, эскини ўлган санаб, гулдан кафан бичмоқ керак».

– Дарвоқе, Фаризахон яхши юрибдиларми? – деб сўради кутилмаганда. – Дадалари – муҳтарам Мирмаҳдулло оғамизнинг саломатликлари яхшими?

– Яхши-яхши, ҳаммалари яхши, – деди Субут учрашувга нуқта қўйиш учун.

– Мирмаҳдулло оғага... мендан салом, деб қўйинг. Шаҳар опам салом айтдилар», десангиз эсларига келади.

– Майли, айтаман, – деди Субут хонимни эшикка кузатар экан. Опахон ёшлик даврларида Саъдиев билан ҳам таниш бўлган экан-да, деб ўйлади. Хоним эса худди унинг фикрини уққандек изоҳ берди:

– Биз Мирмаҳдулло ака билан қирқ йиллик қадрдонмиз. У пайтлар газлама дўконига мудирлик қилардилар...

– Хайр! – деди Субут. Сирасини айтганда, унинг учун Шаҳина хонимнинг ёшликдаги ишқий саргузаштларининг қизиги йўқ эди. У ҳатто Афифанинг қишлоққа кетганини эшитиб, «нега?» деб сўрамади. «Ота-онасининг бағрига қайтиб борган бўлса, тинчибди-да», деб қўя қолди ўзича ҳам. Кейин эса бу лоқайдлигидан ҳайратга тушди. Нега Афифа ҳақида ўйламай қўйдим, муайян сабаб билан гоҳ-гоҳ ўйлаган чоғимда ҳам у нега аввалгидек ҳис-ҳаяжон уйғотмай қўйди? – деб ҳайрон бўлди. Ё уни энди яхши кўрмай қўйдими? Илгари-чи, яхши кўрармидим? Унга бўлган севгим...

дарбадар кунларимда шунчаки кўнгил таскини эмасмиди? Унинг ўзи аразлаган чоғларида: «Мени севиб қолган эмас-сиз, менга ачиниб, раҳм-шафқат туфайли уйланганмиз», дер эди. Ўша гапда жон бормиди? Эҳтимол. Севги, айниқса бир кўришда севиб қолиш... кўзи очилмаган ўсмирларга хос туйғу. Хотин кўрган одам эди ахир у. Чиндан ҳам содда бир қишлоқи қизнинг нопок одамлар қўлига тушганини кўриб, астойдил ачинган ва унга ёрдам беришга қарор қилган бўлса ажаб эмас. Бунақа вазиятга дуч келган чоғда ҳар қандай мард эркак шундай йўл тутиши табиий... Шошма-шошма, сен нималар деяпсан ўзи? Ўзингни алдаяпсан-ку! Ўзинг-ўзингга ёлғон гапиряпсан, ахир! Сен Афифани севгандинг, қаттиқ севгандинг. У ҳам сени беҳад яхши кўрар эди. Сизлар бахтиёр эдингиз, гарчанд турмушларинг ночор бўлса ҳам. Буни тан олишинг, ҳақиқатнинг кўзига тик қарашинг керак!..

Кейин ҳаммаси ўзгариб кетди. Ҳаёт синовлари, омадсизлик ортидан омадсизлик келавергач... Субут хаёлларини охирига етказа олмади. Қўл телефони жиринглаб қолди. Уни қулоғига тутиб, беихтиёр ўрнидан туриб кетди. Бу одам билан телефон орқали биринчи марта гапиришаётган бўлса ҳам овозини дарров таниди. Қўнғироқ қилаётган киши – Мирмаъди Саъдиев эди.

– Ассалому алайкум, – деди шоша-пиша Субут.

– Ваалайкум ассалом. Сизни безовта қилиб қўймадимми?

– Асло-асло, жудаям хурсандман йўқлаганингиз учун, – деди Субут хаёлидан: «бунақа сермулозамат эмасдим-ку», деган фикр ўтиб.

– Вақтингиз бўлса, бугун кечқурун еттида бир кўришсак. Мен кеча учиб келдим. «Шератон» меҳмонхонасига қўнганман. Ўн иккинчи қаватдаги пентхаусда.

– Хўп. Еттида етиб бораман.

Субут ушбу ногоҳоний йўқловдан ажаблангани йўқ. Фариза бундан бирон ҳафта олдин шу ҳақда гап очган эди.

– Отам яқинда келади. Сиз билан ҳам учрашиб, келгусидаги ишлар хусусида суҳбатлашиш нияти бор.

– Яна қанақа иш экан? – қизиқсинди Субут. – Шу ишнинг ўзини эплаб турсак ҳам катта гап...

– У киши сизни, «мен ўйлаганимдан кўра ҳам ақлли ва тадбиркор йигит экан, ҳамкорликни кенгайтирмоқчиман», деяпти. Ишқилиб юзимизни ерга қаратиб қўйманг-да...

– Мен бир қаламкаш бўлсам, мендан қанақа тадбиркор чиқсин, – деди Субут. Лекин ичида «Саъдиев каттароқ иш таклиф қилса, олинадиган фойда ҳам шунга яраша бўлар, ҳовли борасидаги ният амалга ошиб қолса ажаб эмас», деди. Кейинги кунлар у ҳовли-жой ҳақида кўп ўйлайдиган бўлди. Бу тасодиф эмасди. Нашриёт уйига директорлик қилиш асносида қўлига тўрт-беш сўм пул тушгач, Субут, «мен ҳам энди кичик бир ватан қилмоғим керак», деган фикрни илк бор дадил, журъат билан хаёлдан ўтказди. Илгарилари ночор юрган пайтларида уйсизлик эсига ҳам келмас, бундан ўкинмас, аксинча, ўзини алланечук эркин сезар», «бедананинг уйи йўқ, қайга борса бит-билдиқ», деган нақлдан аччиқ, лекин ёқимли бир ҳикмат англаб юрарди. Кексароқ журналистлардан бири қайсидир пайт унга қизиқ ривоят айтиб берганди. «Қадим замонларда одамлар минг йил яшашар экан. Шунга қарамасдан уй-жой қурмай ертўлалар, ғорларда кун кечиришаркан. Узоқдан келган бир сайёҳ сўрабди: нега сизлар уй-жой қурмайсизлар?» Жавоб беришибдики, «ўзи бор-йўғи минг йилгина яшасак, шунга ҳам уй-жой иморат қуриб овора бўлиб ўтираемизми...» Ана шу ривоят унга жудаям маъқул тушганди. Афифа билан ажралишганларидан сўнг у энди яна ҳам эркинроқ бўлажаги ҳақида ўйлади. Расман ва аслида ҳам тағи-туғи билан Фаризахонимга тегишли бўлган ҳовлидан эртами-индинми чиқиб кетишга тўғри келишини билар, чунки ўзини ҳарчанд мажбурламасини Фаризани... кўнгли тортмас эди. Дастлаб бу ҳолатни у кутилмаганда бошига омад қуши қўнгани туфайли кўнглида пайдо бўлган болаларга хос эркалик хархашаси деб тушунди. «Чиройли ақлли, беҳисоб молу давлатга эга бўлган ва муҳими, ўзи сенга мойиллик билдираётган жувоининг қучоғида мазза қилиб, яйраб яшамайсанми, хумпар», деди у ўша кунларда ўзига-ўзи. «Сарқит-ку, деган садо чиқди ичидан, – сен қачонгача Муқимхоновнинг сарқитини еб кун кўрасан? Афифа сарқит, Фариза сарқит. Яна бунинг устига Муқим-

хонов истаган пайтда уларнинг истагани билан кўнгилхушлик қилиб юравериши ҳам мумкин. Чунки у қудратли одам. Амали, молу давлати бор. Сен эса... унинг сарқитини еб кун кўрувчи ялоқхўрсан! Ориятинг, ўқитувчи уканг айтмоқчи «ғужуринг» борми кўксингда? Агар бор бўлса... энди қанчалик аламли, оғир бўлмасин, Афифадан ҳам, Фаризадан ҳам воз кеч. Сарқит ейишни, итялоқ ялашни бас қил. Эркак бўлсанг... сен ўзинг ҳам тоза, биров қўл урмаган, булғаманган таомлардан тановул қил...» Энг ёмони, Субут энди бу садо билан баҳслашиб, унга бас келиб бўлмаслигини ҳис этиб турар, чунки на вужудида ва на руҳида шунга мажол, истак тополмаётганди. Майли, деди у, кўнглим истаётганидай бўла қолсин. Мен ҳам энди ақл-идрок амрига эмас, кўнгил иштиёқига соме бўлиб яшаб кўрай-чи.

Кўнгли эса... уни шу пайтгача ишониб юрган чўпчаклардан юз ўтириб, аниқ-равшан, фойда чиқадиган машгулотлар билан шуғулланишга ундар эди. «Пул топ, кўп, жудаям кўп пул топ, ана шунда мавқе-мартабага эришасан, ана шунда сен Муқимхоновнинг эмас, Муқимхонов сенинг сарқитингни ейишга мажбур бўлади. Пойгакда думини ликиллатиб, имога маҳтал бўлиб туради...»

Субут бу ҳақда илгари ҳам кўп ўйлаган, лекин мудом: «Мен тижорат учун эмас, ҳар қанча машаққатли бўлмасин, маърифат учун яралган одамман», дерди ўзига-ўзи. Ва ўзи билан бўлган мунозарада доим ғолиб келар эди. Фаранглар: «Шерше ля фам», яъни, «Ҳар не бўлса, аёлдан кўринглар», деганидек, Субутнинг руҳиятидаги эврилишга ҳам аёллар сабабчи бўлди, чамаси. «Аёллар... Аёлларда нима айб? Сабабни ўзингдан ахтарсанг-чи, оғайни! Сабаби оддий-ку! Замона зўрлари билан... курашиб кўрдинг, найзанг синиб мағлуб бўлганингдан сўнг тақдирга тан бериб, қорин учун яшашга киришдинг...» Ана шунақа мулоҳазалар ҳам гоҳ-гоҳ бўлса-да, кўнглига келар, у билан баҳслашмоқчи бўларди-ю бироқ тобора ожизроқ, заифроқ туюларди. Оддий қилиб айтганда, Субут энди аламзада кўнглининг қулига айланиб қолган эди, гўё. Аламзада кўнгли эса ундан замона зўрлари сафига киришни талаб этмоқда эди. Шу боис Саъдиевнинг

қўнғироғи унинг учун айни муддао, яна ҳам аниқроқ айт-
сак, кўпдан буён орзиқиб кутилган воқеа бўлди.

Фаризанинг гапидан сўнг у мабодо Саъдиев чиндан ҳам
ҳамкорликни кенгайтириш масаласини қўядиган бўлса, буни
қизи билан ўртамиздаги муносабатга боғламасмикан, деган
хавотирга борди. Чунки Мирмаъди бой унинг Аффадан
ажралганини эшитиб, эҳтимол «қизимга уйланмоқчи», деб
ўйлаётгандир? «Агар иш шунга тақаладиган бўлса... уйланиш-
га ҳам тўғри келади», дея уни журъатлантирди ички «масла-
ҳатчи»си. Ҳайҳот, деб ўйлади Субут. Мен қанақа одам бўлиб
қолаётирман? Муқимхоновдан нима фарқим қоляпти менинг?

Дарвоқе, Муқимхонов... Биз у билан мубҳам, мужмал бир
нуқтада хайрлашган ва уни «узоқ туманлардан бирининг
раҳбарига ўринбосар этиб» жўнатиб юборган эдик. Мана
энди унинг кейинги аҳволи, номаи аъмоли ҳақида сўз юри-
тиш мавриди келди. Янаги боб ана шу ҳақда.

4

Алқисса...

Муҳтарамимиз Муқимхонов жанобларининг ҳаёти рос-
такамига «Минг бир кеча»-ю, «Чор дарвеш» қиссасига ўхшаб
кетди, десак, чамаси айни ҳақиқатни сўзлаган бўламиз. Чун-
ки, тангри таоло бул зоти беназирга шу қадар ажиб бир
қисмат ато этган эканки, юрган йўли саргузашт ила тўлиқ-
лиги боис, биз хоҳлаймизми-йўқми, уларни ҳикоя қилишга
мажбурмиз.

Марҳума хотинининг ҳовлисида юз берган охириги фо-
жиадан сўнг у бир ойча касалхонада ётди. Тузалиб чиққач,
ишхонага келиб, лавозими «қисқариб» кетганини билди.
Янги бошлиқ унинг юзига хижолатпазлик билан ғамхўрона
қараб, тасалли берди:

– Хафа бўлмайсиз энди. Юқоридан қисқартириш келди.
Сизга яқин кунлар ичида иш таклиф этилади. Ҳозирча дам
олиб туринг...

Даврбек «олмос кўзли тўғноғични эсига солсаммикан»,
деган хаёлга борди. Кейин бу хаёлини ўзича «аҳмоқона»,

деб атади. Шунча пайт ўтгандан кейин нима деб айтади? Ахир ўзи «арзимас совға» деб берганди-ку, ўн минг доллар турадиган матоҳни. Ҳозир унинг шунчалик қимматбаҳо нарса эканини кимга, қанақа қилиб исботлайди? Ё... яна бирон нарса олиб келиш керакми? Эҳтимол қуруғининг ўзидан чўзиб қўяқолган маъқулдир? Қанча? Нима учун? Лавозими қисқартирилган бўлса, энди барибир тиклаш мумкин эмас. Демак, янги иш сўраш керак. Акс ҳолда «дам олиб туриш», дегани чексиз давом этиши мумкин...»

Туни билан ўйлаб чиққач, эрталаб «нарсаларини йиғиштириш учун» ишхонага келди ва бошлиқнинг ҳузурига кириб, унинг столи устидаги янги газеталар тагига семизгина конвертни чаққонлик билан жойлаб қўйди. Бошлиқ буни кўриб-кўрмасликка олди.

– Ҳа, ҳали бугунги газеталарни ўқимадингизми? – деб қўйди...

Бир ҳафтадан сўнг унинг «масаласи» ҳал бўлди. Туманда ўринбосар бўлиб ишлаб турасиз, дейишди. Даврбек тортишиб ўтирмади. Ҳатто «қайси туманда, деб ҳам сўрамади. «Хўп бўлади, мен Ватаннинг аскариман, қайга десангиз кетавераман», деди. Ўйладикки, тўғри қилди. Ҳозир нима бўлса ҳам илиниб туриш керак. Манови гаплар бости-бости бўлиб, унутилиб кетгач, «музейян қалъалар» сари яна юриш бошлаш мумкин. Борадиган жойи яқинда ташкил топган туман экан. Марказдан унчалик узоқ эмас. Бир томони Зардарё дарёси соҳилларига, иккинчи тарафи Қоратепа тоғларига туташ. Ўртадаги бийдай дашт ўзлаштирилиб, минг-минг гектар пахтаю ғалла экилади. Дарёда балиқ, тоғда чорва мўл. Ишқилиб, ўлмаган қулнинг куни ўтади. Би-ир ҳаво алмаштириб келади-да энди.

Даврбекнинг шу феъли яхши. Ҳар қандай вазиятда ҳам тушкунликка тушмас, қийинчиликлар замиридан ҳам ҳузур-ҳаловат излар ва топар, эҳтимол, яшовчанлигининг боиси ҳам шунда эди.

Энди бир иш қилиш керак, деб ўйлади у. Манзурахоимдан қолган фалокат маскани бўлмиш ҳовлини сотиш керак. Қонунан ўз номида-ку! Ё Тошпўлат Аъламович: «Нега сот-

динг», деб хархаша қилармикан? Бориб бирров олдидан ўтсинми? Йўғ-е, у «урилган» одам бўлса... Яна бирор ярим кўриб, «Муқимхонов ҳалиям Аъламович билан борди-келди қилиб юраркан», дея тегишли жойга маълумот бериб қўйса нима бўлади? Сотиш ва шу заҳоти туманга қараб жуфтакни ростлаш керак. Изиниям тополмайди. Топгандаям... ҳозир Аъламовичнинг қўли қаерга ҳам етарди! Ўзи билан ўзи бўлиб ётгандир, қамалиб кетмаганига шукр қилиб... Ҳовлининг пулига эса... шаҳарнинг кўздан четроқ жойидаги янги қурилган уйлاردан бирини сотиб олиб қўйиш керак. Қайтиб келганида керак бўлади. Аслида-ку... ўша Зоҳидий туҳфа этган ҳовлини... қайси хаёл билан Афифага бериб юборди ўзи ҳам ҳайрон. Шунчалик ҳимматли экансан, шаҳардан бир-икки хонали квартира олиб берсанг ҳам бўларди-ку хумпар! Бошинг билан эмас, бошқа жойинг билан ўйлагансан-да... ўша пайтда...

Бу пайт Муқимхонов Зоҳидийнинг меросхўрлари ҳовлига яна даъвогарлик қилиб, уни асл эгаларига такроран сотиши билан боғлиқ воқеани ҳали эшитмаганди. Кейинроқ эшитди ва Субутнинг устидан кулди. «Э, гўсхўр, соддалик ҳам эви билан-да», деб қўйди. Унинг Афифа билан ажралиб кетгани эса Даврбекни мутлақо ажаблантирмади. Чунки у бу ҳақда Афифага ўша пайтдаёқ айтганди. «Шоир халқи дарвеш бўлади, барибир эртами-кечми ташлаб кетади», деганди. Муқимхоновни бошқа нарса ажаблантирди. Бу собиқ завжан муҳтарамаси Фариза Мирмаъдиевнанинг хориждан қайтиб келиб, бир неча фирмалар очгани ва ўша ширкатларнинг тез суръатлар билан ривожланаётгани эди. У ташқи савдо соҳасида ишловчи ошнасининг «собиқ қайнотангиз билан алоқани узманг, у ҳали қайтиб келади», деган гапидан сўнг «муҳтарам падар арусимиз қайтиб келган тақдирда ҳам аввалги мавқеини тиклай олмайди», деб ўйлаган эди. Энди маълум бўлишича, Саъдиевнинг ўзи «даволаниш» баҳонасида хорижда қолган ва яқин орада қайтиб келишни мўлжалламаётган экан. Тижорат саҳнасига эса, унинг танпарвар қизи Фаризахоним чиқибди. Бу ҳолатни Муқимхонов «Туя ҳаммомни орзу қилибди» қабилида баҳолашга ул-

гурмади. Чунки иш аҳли доираларида унинг бизнеси шиддат билан ривожланаётгани хусусида жиддий гаплар юрибди. Ҳойнаҳой Саъдиев қизини «юқорида»ги қўли узун казозолардан биронтасининг «ҳомийлиги» остига жойлаштирган бўлса керак, деб ўйлади Даврбек. Муайян суриштирувлардан сўнг бу фикри ҳам хато бўлиб чиқди. Фаризахон ўша, Даврбекка яхши таниш муайян маънода кундош бўлган қаламқаш йигит Субут Сокин билан ош-қатиқ бўлиб юрган экан. Ажабо! Ишратпараст Фаризахон нимасига маҳлиё бўлибди бу латтачайнар йигитнинг, дея ҳайрон қолди Даврбек. Ё... тўшакда... қойил қолдимикан? Унақа бўлса... Афи-фа... Майли, бунақа гапларни йиғиштириш керак. Каттакон арбобга тўшак титкилаб, чойшаб ҳидлаб ўтириш ярашмайди. Майли, Фаризахоннинг иши ўнгидан келган бўлса, кела турсин. Субут Сокин эса... бойвучча қавмига ҳам бир суркалиб кўрай-чи, дегандир-да...

Муқимхонов ҳовлини ҳам, Саъдиев ва Саъдиевалардан қолган марказдаги уч хоналик квартирани ҳам сотди. Пиллачи мавзесининг қуйироғидан кўзга ташланмайдиган жойдан янги бир иморат харид қилди. Уни сўнгги русумдаги мебеллар билан жиҳозлади. Оврупо усулида қурилган бағоят ҳашаматли ва айни пайтда ихчам ҳамда бежирим бу ҳовлида тўрдаги асосий икки қаватли бинодан ташқари дарвозахона ёнида хизматкорлар учун икки уй, бир даҳлизли қисм ҳам мавжуд экан. Ана шу қисмга «ҳовлига қараб туриш учун» енгилроқ шарт билан ижарачи қўйди. Бу одам аввал шаҳар яқинидаги боғдорчилик хўжаликларидан бирида ишлаган, хўжалик тугаб, боғларнинг ҳаммаси фермерларга бўлиб берилгач, ер ололмай бекор қолган. Анча қийналиб юргач, иш излаб шаҳарга келган. Хотини, бир боласи бор. Муқимхонов унга:

– Мен хорижга ишга кетяпман. Ҳовлига қараб, боғларни парваришлаб турсангиз, ижара ҳақи олмайман. Қайтага аксинча, ойлик ҳам бераман. Қайтиб келганимдан сўнг ҳам сизни хор қилиб қўймайман, – деди.

– Хотиржам бўлинг, боғбонликдан ташқари, бошқа ишлар ҳам қўлимдан келади. Ҳовлингизни гулдек қилиб ўтираман, – деди ижарачи.

Муқимхонов «ижарачи-қоровул»га ойига эллик минг сўмдан ойлик белгилади ва бир йўла икки йиллигини олдиндан тўлади.

– Агар ҳовлига яхши қарасангиз, оралиқда мукофот ҳам бўлади, – деди.

Сўнгра автомобиль бозорига чиқди. Ҳовлининг асосий биноси остига киши билмас қилиб, сиртдан қараганда, мутлақо кўринмайдиган тарзда қаторасига жойлаган учта гаражнинг иккитасига ҳали ёғи артилмаган битта «Мерседес-600» ва битта «Жип-Чероки» машиналарини солиб, тагига гишт қўйдириб, дарвозасини маҳкамлади.

– Ҳовли кимники эканлиги ҳақида ҳеч кимга чурқ этманг. Қўни-қўшни сўраса, «хорижда элчи бўлиб ишлайди», деб қўйинг, тушунарлими? – деди у.

– Хўп бўлади, хўжайин, – деди ижарачи.

Шундан сўнг Муқимхонов туманга жўнади. «Зардарё! Зардарё! Илгари бу туман билан боғлиқ қанақа гаплар бўлган эди?» дея пешанасини тириштириб бир зум ўйлаб турди Муқимхонов. Аффанинг шу тумандан экани эсига келмади. Зеро, Аффанинг ўзи ҳақида ўйлашга ҳам анчадан бери фурсати бўлмаган, бир гал ногаҳон хотирасига келганида: «Бизни унутганини унутмоқ керак», дея қўлини силтаб қўйган эди.

Туманнинг биринчи раҳбари ёшроқ йигит экан. Иззатикром билан кутиб олди.

– Бизга юқоридан сизга ўхшаш тажрибали одамнинг ишга келиши – фахрли, – деди у. – Яшаш жойингиз масаласини ҳам ҳал қилиб қўйдим. Шундоққина идорадан икки юз қадам наридаги икки қаватли уйлардан биридаги икки хонали квартира. Ҳозирча яшаб турарсиз. Торлик қилса, кейинроқ кенгайтириш чорасини кўрамиз.

– Кенгайтириш шарт эмас, – деди Даврбек. – Мен... сўққабош одам бўлсам... Шуям старли, раҳбар одам камтар бўлиши керак.

– Эшитгандим... хотинингиз вафот этганини, – таассуф билдирди раҳбар ҳамдард оҳангда. – Ҳали... бошқа рўзгор қилмабсиз-да...

– Улгурмадим, бироз тобим қочиб... Насиб этса, ўзингиз бош бўлиб уйлантириб қўярсиз, тенгимиз топилса, – деди

кулимсираб Даврбек. Сўнгра раҳбарга синовчан тикилди. Кейинги воқеадан хабари борми-йўқми, деб. Раҳбар сездирмади. Эшитган бўлса ҳам... нима дерди? Муқимхонов ўша тунги фожиа юзасидан ўтказилган сўроқда: «Мен бошқа хонада ётгандим», деб айтган, қолаверса, Лайло Манзурахоннинг уйида кўп йиллардан буён хизматкорлик қилиб келганини кўни-қўшни, маҳалла-кўй ҳам тасдиқлади. Хуллас, прокуратура ҳужжатларида «фожиа хизматкор аёлнинг эҳтиётсизлиги оқибатида юз берган», деб расмийлаштирилган. Одамлар тилидаги гап-сўзлар эса шунчаки миш-миш-да!

– Албатта-албатта, nasib этса, – деб қўйди раҳбар мутлақо жиддий тарзда.

Кечқурун квартирани ўзи олиб бориб кўрсатди. Камтаргина жиҳозланган, анчайин шинам жой экан. Қишлоқ ша-роитида бундан ортигини орзу ҳам қилиш қийин. Сўнгра раҳбар уни қўярда-қўймай уйига олиб кетди.

– Бугун меҳмонсиз, бизникидан бир пиёла чой ичинг, – деди у. – Лекин эртадан бошлаб ишга қаттиқ киришишингизга тўғри келади. Муаммою ташвиш кўп.

– Муаммоларни бизга қўйиб бераверасиз, – ишонтиришга ҳаракат қилди Муқимхонов, кафтини кафтига ишқалаб. – Қанақа муаммо бўлса, ҳал қиламиз.

– Ўзи умидимиз ҳам шу: сиз юқорида ишлагансиз, катта идораларда танишларингиз кўп. Шунинг учун туманимизда сув, ўғит, ёнилғи масалаларида энди муаммо бўлмайди, деб ўйлаб турибман.

– Тўғри ўйлагансиз. Биргалашсак, ҳал қилиб бўлмайди-ган муаммо қолмайди.

Раҳбарнинг ўзини бир қадар паст олиб муаммо кўтар-ётгани Даврбекка ғоят маъқул тушди. «Бу йигит билан иш-ласа бўлар экан», деди ўзига-ўзи.

Муқимхонов раҳбарникидаги зиёфатга туманнинг бар-ча казо-казолари йиғилса керак, деб ўйлаганди. Янглишган экан. Икковларидан бошқа ҳеч ким бўлмади. Ёш раҳбар ичмас экан. Даврбекка эса бажонидил қуйиб берди. Аввал шўрва ичилди, сўнгра ош ейилди. Чойхўрлик қилиб, алла-маҳалгача суҳбатлашиб ўтиришди.

– Биласиз, зарар кўриб ишлаган жамоа хўжаликларини тугатиб, ёппасига фермерчиликка ўтгандимиз. Одам зич. Талабгор кўп. Ер эса ҳаммага етмайди. Танлов асосида энг муносибларга беришимиз керак. Ана шу ишда ўзингиз бошқош бўласиз. Сизнинг адолатли иш тутишингизга ишонаман. Чунки бу ерда мутлақо янги одамсиз, қиёлмайдиган қариндош-уруғингиз келиб тихирлик қилолмайди. Қолаверса, бирор кишидан тили қисик жойингиз йўқ.

Раҳбар бироз ўйланиб тургач, кўнглидаги энг муҳим гапини ҳам айтиб қўйди:

– Очиғи... Мен соғлиғим туфайли ариза берганман. «Ўрнингизга муносиб одам топилгунча ишлаб туринг», дейишган. Сиз ишончни оқлайсиз ва... бошқа «муносиб одам» қидириб юришнинг ҳожати қолмайди, деб ўйлайман.

– Хотиржам бўлаверинг, уялтириб қўймаймиз...

Раҳбарнинг ҳайдовчиси Даврбекни уйига элтиб қўйди.

– Эртага машинанинг масаласини ҳам ҳал қиламиз, – деди раҳбар унга хайрли тун тилаб хушлашар экан.

– Раҳмат, эътибор ва ғамхўрлик учун, – миннатдорчилик билдирди Даврбек...

Чиндан ҳам Муҳимхонов янги лавозимдаги фаолиятининг биринчи куниданоқ қизғин иш остида қолиб кетди. Танлов ҳайъатида салкам бир уй ҳужжат тўпланиб ётган экан. Уларнинг ҳар бирини ўрганиб, танловда адолатли қарор чиқариш керак. Бунинг учун уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб кўришга тўғри келади. Шу тахлит кунлар бири-биридан қизғин бўлиб ўта бошлади.

– Мен бу ерга ер тақсимоли масаласида тартиб ўрнатиш учун юборилганман, шунинг учун ҳеч қанақа ошна-оғайнигарчилик, таниш-билишчилик кетмайди, ерни биз унинг тилини тушунадиган ҳақиқий эгасига топширишимиз керак! – деди у ҳайъат аъзолари ва талабгорлар иштирокида ўтказилган биринчи йиғилишдаёқ. – Деҳқончиликнинг сир-асорини билмайдиган ҳавасга ер олиб, унинг умрини беҳуда ўтказадиганлар бекорга овора бўлиб юришмасин. Биз шунга эришишимиз керакки, ҳар бир қарич ер юксак самара берсин!..

Тез орада одамлар ўртасида: «Янги муовин жа-а қатъиятли, ҳалол одам эмиш, бир киши ер олиш учун озроқ пора қистирмоқчи бўлган экан, орқасига тепиб чиқариб юборибди, умуман, бу одам ўта қаттиққўл экан, айтганини қилмаган кишиларни кабинетига қамаб дўппосларкан», деган гаплар тарқалди. Аслида... Аслида бу гапнинг муаллифи Муқимхоновнинг ўзи эди. Иш бошлагач, бирор ҳафтадан сўнг раҳбар ундаи:

– Хўш, қалай, қийналмаяпсизмн, ишларни йўлга қўйиб юбордингизми? – деб сўради.

– Э-э, қийналишни сўраманг, – бош чайқади Даврбек гапнинг хонаси келиб қолганини англаб. – Авом халқ билан ишлаш оғир экан. Ҳали уииси келиб йиғлаб ялинади, ҳали буниси келиб юқоридаги қариндошини ўртага солиб, дагдага қилади... Биттаси пул қистирмоқчиём бўлди. Тепиб, ҳайдаб чиқардим...

– Тўғри қилибсиз. Шаънингизга эҳтиёт бўлинг, – деди раҳбар. – Арзимаган уч-тўрт сўм учун беобрў бўлиб кетаётганлар кўп.

– Э-э, мени қармоқққа илинтираман, деб овора бўлишмасин, қармоқ-пармоғи билан қўшиб...

– «Ютиб юбораман», денг, – ҳазиллашди раҳбар.

Муқимхонов эса ҳушёр тортди. У «қармоқ-пармоғи билан қўшиб синдириб юбораман», демоқчи эди. Раҳбарнинг ҳазили юмшоқ жойига игна санчгандек таъсир қилди. «Иштонсизнинг чўпдан ҳадиги бор», деганларидек, у раҳбар, менинг бир пайтлар ширинкома эвазига катта ишларни бятказиб юрганганини эшитганмикан, – деб ўйлади. Шу шубҳа таъсирида гапнинг давомини ҳам айтолмади. Индамай қолди. Раҳбар бир масалага чалғиб кетди.

– Майли, бораверинг, ана шундай қаттиққўллик билан давом эттиринг, – деди.

Муқимхонов хонасига кириб, бир муддат хомуш бўлиб ўтирди. Эшитган, деб ўйлади яна у. Шунинг учун қочирим қилди. Демак, ҳар қанча тўғри, ҳалол бўлганим билан барибир ишонмайди. «Бўрининг оғзи еса ҳам, емаса ҳам қон». Бас, шундай экан, аввал «олмайди», деган гап чиқариб,

сўнгра... қонун-қоидага тўғрилаб, насибага яраша... олавериш керак.

«Қонун-қоидага тўғрилаб», деганда, у, «сих ҳам, кабоб ҳам куймайдиган» қилиб, яъни, танловда ҳаққоний ғолиб чиққанлардан олишни назарда тутаётган эди.

Лекин инсофни унутмаслигим керак, дея аҳд этди у. «Фалон сўм берасан», дейиш керак эмас. Ўзлари «юракдан чиқариб» бир нарса ташлаб кетса бас. Ўшанга қаноат қилишим шарт!

– Кўп амалдорлар ҳозир ноинсоф бўлиб кетишган – деди у ҳузурига кирган дастлабки «ғолиб»лардан бири билан обдон суҳбатлашар экан. – Фермерларга: «унча берасан, мунча опкеласан», деб сурбетлик қилишаркан. Баъзи банк ходимлари бериладиган қарзнинг қанча фоизини ташлаб кетиш лозимлигини олдиндан ошкор айтишармиш! Вой, аблаҳлар-эй! Вой, таъмагир ифлослар-эй! Ахир «фалон сўм», деб сўрамасдан, ишини астойдил, вақтида битказиб берсанг, ўзи кўнгилдан чиқариб, совға-салом қилиб кетади-ку инсофли киши! Шундай эмасми? Ахир бизнинг халқимиз азал-азалдан яхшилиқни унутмайдиган халқ-ку! Тўғрими?

– Тўғри-тўғри, – деди фермер йигит. Чамаси, у шаъмани тушунди. «Кўнгилдан чиқарган» нарсасини олиб келишни унутган, чоғи, ўнғайсизланди. – Мен... кечроқ кирарман, – деди-да, тегишли қоғозни олмай чиқиб кетди. Муқимхонов ўз «услуги»нинг иақадар мақбул эканидан вужуди яйраб, илҳомлаиб кетди. Қўлини-кўлига ишқалади.

– Мана бунақа қилиб... олсанг, у мутлақо миннатдорлик ила рози бўлиб беради ва дуч келганга айтиб, сотиб юрмайди, – деди беихтиёр овоз чиқариб. – Аслида буни... «олиш» эмас, «ҳожат чиқариш» дейдилар.

Бироқ бояғи «миннатдор» йигит кечқурун келиб, ҳафсаласини пир қилди. Қоғозга ўралган нарсани узатар экан:

– Яхши, зотли қоракўл кўзининг териси, – деди

– Э, ҳай-ҳай, кўйинг, мен буни нима қиламан? – деди Муқимхонов совғанинг салмоғига қараб, юраги севинчдан гупиллаб кетганди.

– Хоҳласангиз, телпак тиктирасиз ёки палтоингизнииг ёқасига қўйдирсангиз ҳам бўлади. Аммо-лекин... ўзингиз айтгандай кўнгилдан чиқариб, опкелдим, ака! Совға бу!

– Ундай бўлса майли, буни... «Поле чудес», э... туман маъмурияти музейига топширамиз, – деди кулиб, қоғозни олар экан Муқимхонов.

Йигит чиқиб кетганидан сўнг Даврбек бояги «тушунтириш соати» чоғида хато қилганини англади. Яъни, «ўзи кўнгилдан чиқариб, совға-салом қилади» эмас, «уч-тўрт сўм ташлаб кетади», деб айтиш керак эди, деган хулосага келди. Кейинги суҳбатда хатосни тузатди. Ҳар тугул бу гал... натижа кўнгилдек бўлди. Энди шунга эришиш керакки, деб ҳазиломуз ўйлади у ўзича, бирортаси ҳам... қуруқ бўлмасин. Ҳамонки, ҳазрати Алишер Навоий сингари сургуни Астробод қилинган экансан, Ҳиротга қуруқ қайтмаслигинг керак... Шунда унинг узоқ йиллардан бери, қаттиқ мудраб ётган виждони (ҳар қалай бор экан, қаранг-а!) ич-ичидан оғриниб хитоб қилди: «Эй, бандаи гумроҳ, лоақал ўзингни ўшандай табаррук зотлар билан тенглаштирмагин, илтимос!» «Бўпти-бўпти, тинчлан, жигарим, майли, Навоий эмас, вазири аъзам, Мажидиддин бўла қолай. Ишқилиб, сен тинч бўлсанг бас!» Ана шунақа, мумтоз адабиётдан ҳам анча-мунча хабардор ва ўз-ўзига ҳазил қила олиш хислатига, яъни, ҳажв туйғусига эга киши эди бизнинг Даврбек. Шу тариқа у ўз фаолиятини хушҳол, ҳазил ва яхши кайфиятга оғишган ҳолатда давом эттирди.

– Ўзингизга саводли, чаққон бир ёрдамчи олинг, – деди раҳбар унинг кечқурун ўзига-ўзи чой дамлаётганини кўриб. – Мен штатини ҳал қилиб бераман.

– Раҳмат, – деди Муқимхонов ва эртасига туман ички ишлар бошқармаси бошлиғидан «бирорта кераксиз, аммо билимдон, ёш ходимингизни биз билан ишлашга сафарбар этсангиз», деб илтимос қилди. Нега айнан ички ишлар ходимини ёрдамчиликка олаётгани сабабини эса ўзи биларди: «Одамлар, «бу чиндан ҳам жуда қаттиққўл, ҳалол раҳбар экан», деб ўйлашсин»... «Битта ҳаддан ортиқ «билимдон» ходим бор, ўшани берайми, аммо-лекин эҳтиёт бўлиб ишлайсиз-да...»

Ёрдамчи кўнгилгидай бўлиб чиқди. Биринчи иш кунндаёқ унга тумандаги барча муҳим ахборотлар билан таъминлади.

– Яхши, – деди Муқимхонов. – Бўладиган болага ўхшайсан. Агар... яхши ишлашсак, келгусида сени туман мелисасига бошлиқ қиламан. Демак, гап бундай: тумандаги бой тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа бизнесчиларнинг рўйхатини тузасан. Ким, қанча пули бор, кимга алоқадор, орқасида суяйдиган борми-йўқми? Маълумотлар жудаям аниқ ва махфий бўлиши лозим. Тушунарлими?

– Тушунарли, – бош ирғади ёрдамчи. – Рўйхатга... тадбиркор эмас, бойларни ҳам ёзайми?

– Қанақасига? – ҳайрон бўлди Муқимхонов.

– Яъни, амалдор, прокуратура ёки мелисада ишлайдиган, умуман, ҳеч жойда ишламайдиган бойлар ҳам бор-да.

– Ҳа-а, ёз, ёз, прокурор-мелисаниям ёз. Аммо... тушунмадим. Ҳеч жойда ишламайдиган бой қанақасига?

– Мирпўлат, дегани бор. Қамокдан келган. Лақаби – «Амир». Уни «қонундаги ўғри», дейишади. Барча жиноятчи унсурлар унга «солиқ» тўлаб туришаркан...

– Аҳа-а, шунақами? Қизиқ-ку! Майли, униям ёз ва менга ўша одам ҳақида алоҳида муфассал маълумот тайёрла... «Қишлоқ, қишлоқ, деб камситишади, ҳолбуки, бу ер ҳам эплаган одам учун кони даромад-ку», деди у фикран. Бунда у кимни назарга тутгани ҳозирча ёлғиз парвардигоргина аён эди, холос. Балким бу унинг ўз-ўзига қилаётган навбатдаги ҳазилларидан бири бўлса ҳам ажаб эмас. Дарвоқе, ҳаётида кейинги йиллар кетма-кет юз берган нохуш воқеалардан сўнг у анча пайт хомуш, дилгир бўлиб юргани боис эндиликдаги ҳазиллари ўзига ҳам хуш ёқар, қасматимдаги омадсиз фасл энди ўтиб кетди, энди умримнинг янги баҳори бошланажак, насиб этса умидимнинг янги ниҳоллари униб-ўсажак, қабилида ширин-ширин хаёллар ҳам сураб эди. Қишнинг узун-узун тунларида ва нафақат ер сўраб келадиган фермерлардан, балки аршиаълодан ҳам «кўнгилдан чиқариб берилажак» тухфалар кутар эди.

Шундай «тухфа»лардан бири, чамаси, ёрдамчи айтган «Амир» лақабли Мирпўлатбой билан танишув ва дўстлашув бўлди.

Ўша, биринчи кунги топшириқдан сўнг ёрдамчи икки кун ахборот тақдим этди ва охирида:

– Агар... истасангиз у билан... яширинча таништириб ҳам қўйишим мумкин...

– Ие, шунақами? Қачон, қанақа қилиб?

– Тоғда... одам оёғи етмаган бир ажойиб жой бор. Учрашувни ўша ерда уюштирамиз. Ҳеч ким сезмайди.

– Унинг ўзи нима деркин?

– Э-э, лўжайин, ўзи сиз билан танишиб, ошно бўлса... дўпписини осмонга отади.

– Ҳар қалай... гаплашганмисан?

– Гаплашдим. «Даврбек оға билан отамлашиш биз учун катта шараф», деди.

Муқимхонов дафъатан иккиланди:

– Қалай бўларкан? Обрўйимизга... тўғри келмас-ов?

– Ким билиб ўтирибди, лўжайин? Аммо-лекин «Амир» билан тил топишсангиз... туманни бутун баланд-пасти билан... тўласича қўлга оласиз. Унинг ўзини эса... истаган пайтда наша ташлаттириб қаматтириб юбориш мумкин.

– Шунақами? – деди Муқимхонов. – Қани бўлмасам... келгуси якшанба куни би-ир учрашайлик-чи...

Янги «таниш» Муқимхоновга дастлаб маъқул бўлди. Ёш бўлса ҳам «кўпни кўрган, боши тошларга тегиб, кўзи очилган» йигит экан «Амир».

– Келинг, бир умрлик самимий дўст бўлайлик! – деди у кайф устида.

– Майли, – жавоб берди Муқимхонов. – Фақат бу дўстлик ҳақида ҳеч ким билмаслиги керак. Хўпми?

– Хўп, – деди Амир.

Муқимхонов хурсанд бўлди.

Ажабки, бу хурсандчилик охиргиси эмас экан.

Кунларнинг бирида эшик очилиб, унинг ҳузурига мутлақо кутилмаган, аниқроғи, кутгану бироқ бу ерда учратишни етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бир меҳмон кириб келди.

– Сиз?.. Бу ерда? Қанақа қилиб? Қайси шамол учирди? – деб сўради у ҳалжон, севинч ва бир қадар қўрқув билан.

– Тақдир шамоли, – деди меҳмон. – Тоғ тоғ билан учрашмайди, лекин инсон инсон билан учрашади, дейдилар-ку!

– Бизга ҳам ер керак эди. Фермер хўжалиги ташкил қилдик, – деди меҳмон.

– Сиз? Фермер? Зўр-у!

– Ҳа, ҳужжатларни тайёрлаб топширдим. Агар... Иложи бўлса... қўллаб юборсангиз.

– Албатта қўллаймиз, – деди Муқимхонов ички бир ҳаяжон билан. – Сиз ҳам... бизни қўлласангиз...

– Кўп қатори... қуруқ қўймаймиз.

– Сиз мени тушунмадингиз. Мен сиздан пора сўраётганим йўқ. Туманингизда мусофирман, ёлғизман. Ёлғизлигимни... безатарсиз, деган умиддаман.

– У гапларни энди қўйинг. Илтимос.

– Нега энди қўярканман? Сиз эркин, мен эркин... Агар бирга бўлсак ер тугул... бутун туманни ҳадя қиламан сизга.

– Бир шоир айтганидай: «Осмондаги ойни олиб берман», демадингиз ҳалиям...

– Ишонинг, бутун моли-давлатим сизники. Мен... ёлғончи эмасман. Мени биласиз-ку. Хўпми?

– Илтимос, энди... бир-биримизни обрўсизлантирмайлик...

– Майли, унда... кўп қатори комиссия котибига учрайсиз-да, – деди Муқимхонов ҳафсаласи пир бўлиб, меҳмонни кузатар экан.

Меҳмон – Афифа эди. Биз уни бундан сал олдин қишлоқда, пахта даласида қолдириб, хайрлашган эдик. Навбатдаги бобда унинг Муқимхонов ҳузурига қандай қилиб ўз оёғи билан, бунинг устига очиқ чеҳра, ширин табассум билан кириб келгани сабабларини маълум қиламиз. Шу мақсадда сал ортга, куз ўртасидаги воқеаларга қайтамиз.

5

Афифалар оиласи бугун илк бора бир дастурхон устида жамулжам йиғилишди. Оилавий кенгашнинг кун тартибига битта масала қўйилган: ер олиб, фермерлик қилиш.

Гапни отаси бошлади:

– Афифа қизимнинг... ори келибди. «Нега бизлар бировга ёлланиб пахта териб юришимиз керак? Ўзимиз ер олиб,

пахта, ғалла, чорва қилсак бўлмайдами?» деяпти. Мен унга, «аканг чандон ҳаракат қилди, ололмади», десам, «Яна бир уриниб кўрайлик, энди, мана, мен борман, биргалашамиз», деяпти. Тўғрими, қизим? Шундайми?

– Шундай, – деди Афифа.

Акаси – Бекмуҳаммад қўл силтади:

– Барибир беришмайди бизга. Чунки айтган пулини топиб беролмаймиз. Ҳар гектарига фалон сўмдан...

– Ҳар қалай яна бир уриниб кўрайлик, ака, – деди укаси Эшмуҳаммад. – Мана, опам ҳуқуқшунос, ҳақ-ҳуқуқимизни талаб қилайлик-да!

– Опанг... ўз ҳуқуқини эпласин аввал...

Бекмуҳаммад шундай деб, Афифа томон ёвқараш қилиб қўйди. Унинг синглиси билан муносабати сал мураккаброқ. Афифа шаҳарга кетиб, майда-чуйда гаплар чиққач, Бекмуҳаммаднинг орияти кўзғалган ва ҳатто, бир-икки суҳбатларда: «Менинг унақа синглим йўқ», деган гапгача етиб борган эди. Отаси эшитиб қолиб койиди:

– Унақа дема, ўғлим. «Сассиқ экан», деб бурнингни кесиб ташлолмайсан-ку...

Афифа қайтиб келиб, гап-сўзлар бир қадар босилиб қолгач, Бекмуҳаммад эски гина-кудратини унутган киши бўлиб, жигари билан салом-алик қила бошлади. Бироқ араз-аччиқ бутун босилмаган, ўзича: «Буни бирорта хотини ўлган ё хотин қўйган кишига узатиб тинчитмагунча кўнглим жойига тушмайди», деб юрарди. Кеча укаси Эшмуҳаммад уникига бориб: «Ака, эртага кечқурун ҳовлига ўтинг, Афифа опам фермерлик учун ер олиш бўйича маслаҳат ўтказамиз, деяпти», деганида энсаси қотди. Булар шунча елиб-югуриб эплолмаган ишни яна кўзғаб нима қиларкин, деган маънода...

Афифа акасининг пичингига пичинг билан жавоб беришга шайланди. «Ҳа, менинг ҳақ-ҳуқуққим поймол бўлди. Ишонган тоғим – акам бу ерда қўл қовуштириб ўтирганидан сўнг нима ҳам қила олардим», демоқчи бўлди. Лекин ўзини тутди. Акасининг турмуш юкидан эгилган жафокаш елкаси, суяклари туртиб чиққан озғин, буғдойранг чеҳраси-

га қараб, раҳми келди. «Бешта болани боқсинми, менинг ортимдан югурсинми? Ўзи бир тракторчи бўлса...» деб ўйлади.

– Кейинги пайтларда анча-мунча адолат қилинаётган экан, деб эшитдим. Танлов бўларкан. Кимнинг имконияти юқори бўлса, ўшанга ер бериларкан-ку.

– Қани ўша имконият? – деди яна акаси ёзғириб. – Шахсий ҳисоб рақамида пул, трактор керак. Хуллас... бефойда нарса бу...

Мунозара кўпга чўзилмади. Афифа тушундики, ҳаммаси яна ўша отинг ўчгур пулга бориб тақалар экан.

– Мен пул топаман. Агар пулни топиб, трактор харид қилиб, ерни олсам... ишлайсизми? – деб сўради акасидан у. Акаси нописандроқ илжайди.

– Албатта, ишлайди, – деди унинг учун онаси жавоб бериб. – Бировнинг тракторини ижарага миниб юрипти-ю..

– Мен ҳам ишлайман, опа, – деди Эшмуҳаммад. – Ўқишни ташлайману акамга қўшилиб трактор ҳайдайман.

– Сен маҳмадоналик қилма, – унинг гапини бўлди отаси. – Аввал коллежни битказ. Кейин бемалол ишлайверасан. Ахир ўқишингни ўзиям... қишлоқ хўжалиги-ку!

– Қишлоқ хўжалиги эмас, чорвачилик, – деди ўксинган оҳангда Эшмуҳаммад. – Нима керагн бор? Ахир бизда чорванинг ўзи йўғ-у!

– Сен, ука, ўқийвер. Чорва ҳам бўлади, насиб этса, – деди Бекмуҳаммад кутилмаганда гапининг оҳангини ўзгартириб. Чамаси у сингисининг ниятини тушунган ва пул олиб келишига ишониб турарди.

Афифа эртасига акаси билан шаҳарга кетди. Уй бозорига чиқиб, квартирасига харидор қидиришди. Бозордаги нархдан сал арзон сўрашганди, харидор ҳам тез топила қолди. Аффанинг чамасига кўра, шу пулга ҳам... мўлжалдаги ишларни бемалол эплаш мумкин эди. Акаси: «жа-а унақа бозор нархидан паст бериб юбормайлик», демоқчи бўлди. Афифа қўл силтади. «Қиммат сотамиз, десак, бу ерда бир ой сарсон бўлишга тўғри келади. Ишимизнинг битишини кўрайлик...»

Уй бир ҳафтада сотилди. Пул олинди. Ака-сингил бир «Матиз»ни кира қилиб, кеч қоронғусида қишлоққа қайтиб

келишти. Эрта билан Афифа пулнинг бир қисмини акасига берди.

– Тракторга етадими? – деб сўради.

– Етади, – деди акаси қувончини ичига сиғдиролмай. – Янгисига бўлмасаям, мундайроғига.

– Мановинга бир бузоқми, сигирми, иккита новвос олинг, – деди отасига ҳам анчагина пул узатар экан Афифа. – Етар?

– Етади. Етмаса... ўзидан қўшади, – деди онаси.

– Қолганини банкка элтиб топшираман. Розимисиз? – деб сўради яна отасидан Афифа.

– Розиман, қизим, розиман! Илойим умрингдан барака топ, қизим, – деди кўзига ёш олиб отаси. Кейин кампирига қараб қўйди-да, тутилиб-тутилиб қўшимча қилди: – Сен... ҳойнаҳой биздан... хафадирсан? Бизларни кечир, қизим...

– Қўйинг, ота, шунақа гапларингизни, – деди Афифа. – Сиз... Онам... мени кечирсаларингиз... тушунсаларингиз бас.

– Тушунамиз, қизим. Тушунамиз... Илойим энди бахтинг очилсин.

Афифа индамади. Чиқиб кетди. Банкда ишени битказгач, темир йўл ёқалаб уйга қайтди. Болалигини, ўсмирлик йилларини эслаб келди. Бир томони тоғларга, бир томони беҳудуд чўлга туташиб кетган кенгликларга тўйиб-тўйиб тикилди. Сиқилиб юрган юрагига енгиллик, сокинлик киргандек бўлди. Темир йўл ёқасидаги ичимлик дўконлари ёнида ивирсиб юрган беш-ўн чоғли майпарастларни кўриб кўнгли сал гашланди. Қишлоқда, далада-ку, майли, иш йўқ, ночорлик. Лекин бу ерда: поездлар бетўхтов ўтиб ётган бекатда тирикчилик қилишса бўлмасмикан? Ё бу ерда ҳам иш йўқми? Иш йўқ бўлса... Наҳотки умрини шу тахлит ичиб, ивирсиб тугатишса...

Афифа бир пайтлар отаси ҳам мана шунақа тўдаларга қўшилиб, куну-тун ичиб юрганни эслади. Хайриятки, худо инсоф бериб, кейинги пайтлар ичишни ташлабди. Соқол қўйиб, беш вақт намозни ўқиб, элга қўшилиб қолибди. Очилажак фермер хўжалигини «Зокир ота» номи билан аташ керак: Кўпчилик шундай қиляпти. Уйга келиб, фикрини отасига айтди.

Отаси унинг гапини эшитмади. Хаёли бошқа ёқда эди. Кўзи чақнайди.

– Юр, қизим, юр! Сигир-бузоқ билан новвосларни кўр. Ўзиям омадимиз бор экан. Зўри учради.

Қўярда-қўймай оғилга олиб борди. Онаси сигирга ем бериб, бузоқчани қашлаб турган экан. Суяниб, қизини қучоқлади.

– Серсутлиги шундоққина эмчагидан кўриниб турибди, – деди.

Кулишди. Аффифа ўнғайсизланди. Гапни бошқа ёққа бурди. Отасига фермер хўжалигининг номи ҳақидаги гапни эслатди.

– Бу сенинг хўжалигинг, шунинг учун ўзингнинг номинг билан ата, яъни: «Аффифа» бўлсин, – деди.

Аффифа тортишиб ўтирмади.

Гап номда эмас. Муҳими, хўжаликни тезроқ ташкил қилиб, қонуний расмийлаштириб, юргизиб юборишда. Бу эса, осон эмас...

Орадан кунлар, ҳафталар ўтди. Фермер хўжалиги очиш Аффифа ўйлаганидан кўра ҳам анча қийин иш экан. Югур-югур, ҳали у қоғоз-ҳали бу қоғоз, хуллас, қанча-қанча идоранинг эшигида сарғайиш, қанча одамга ялиниш керак. Булар ҳали ҳолва. Айтишларича, ҳокимият қошидаги танлов комиссиясидан ўтиш ҳаммасидан ҳам қийин дейишди. Аффифа эринмас, тушкунликка тушмас, «аввали бўлар, бўлмаганда ҳам, ҳар қалай отамнинг, акамнинг кўнглини олганим яхши бўлди», деб ўйларди. Акаси чиндан ҳам янги тракторни миниб бамисоли дунёга қайтадан келгандек бўлиб юрибди. Ҳолбуки, тракторни олиб келишга кетаётганда ҳам ҳали бошқача одам эди. Олиб келгандан сўнг эса...

Ўша куни Аффифа уйда онаси билан гапиришиб ўтирган, отаси ҳовлида эди. Бир маҳал кўчадан тириллаган овоз эшитилди. Акаси экан. Дарвозани ланг очиб, анчайин янги бир тракторни ҳайдаб кирди. Сакраб тушди. Синглисининг ёнига келди.

– Мана, худди кўнглимдагисини олдим, – деди қувончидан йиғлаб юборгудай бўлиб.

– Муборак бўлсин.
– Буни энди «ювмасак» бўлмайди, – кулди отаси.
– Во-ой, ахир ичишни ташлаб юборгансиз-ку, – деди сод-
далик билан онаси.

– Оббо, содда кампири тушмагур-ей. «Ювиш» дегани фа-
қат ичкилик билан бўларканми? Битта яхши, қулинг ўргил-
син ош дамласанг, устидан аччиқ-аччиқ кўк чойни бостириб
ичсак ҳам ювилиб кетаверади...

«Ювиш» маросимининг эртасига Афифа билан Бекмуҳам-
мад тайёр ҳужжатлар ва ариза кўтариб туман марказига
жўнашди. Туман ҳокимлигига элтиб топширишди. Танлов
комиссияси котиби – ёшроқ йигит ҳужжатларни қабул қилиб
олар экан, Афифага бошдан-оёқ разм солиб чиқди.

– Ҳаммаси тахтми? – деб такроран сўради.

– Ҳаммаси, – деди Афифанинг ёнида турган Бекмуҳам-
мад. – Икки ой югурдинг-у!

– Ариза кимнинг номидан? – сўради котиб қўлидаги қоғоз-
ларни эриниброқ варақлар экан.

– Менинг номимдан, – жавоб берди Афифа.

– Шунақами? Сизнинг маълумотингиз... тўлиқсиз олий...
экан. Ҳуқуқшунос. Яхши. Демак... эртага, йўқ, индин туман
ҳокими ўринбосарни қабулига кирасиз. Даврбек Муқимхо-
нов бўлажак фермерларнинг ҳар бири билан шахсан суҳбат
ўтказяптилар.

– Ким? Фамилияларини ким, дедингиз? – сўради Афифа
қулоқларига ишонмай.

– Даврбек Муқимхонов! У киши яқинда марказдан юбо-
рилган.

– Э, ҳа-а, – деди Афифа тушунгач, қувонишни ҳам, хафа
бўлишни ҳам билмай.

– Демак, индин кечки соат олтида келасиз, – заслатди котиб.

– Хўп бўлади. Хайр, – деди Афифа бўшашиб. Ташқарига
чиқишгач акаси сўради:

– Бу Муқимхонов... танишми?

– Ҳа, сал-пал Лекин... у танирмикан?

– Танир. Танимаса эслатарсан. Ҳар қалай... таниш бўлса,
ёрдами тегарми, дейман-да!

– Ҳа, эслатаман, – деди ҳафсаласизлик билан Афифа. Шу топда унинг кўнглидан минг хил, бир-бирига қарама-қарши фикрлар ўтмоқда эди. Дастлаб у севингандек бўлди. «Ишимиз битади», деб ўйлади. Кейин ўкинди. «Яна ишимиз шу одамга тушадими», деди. Кейин гижинди. «Қаерга борсанг, оёғинг остидан чиқади». Уйга кела-келгунча ўйлаб-ўйлаб тинчланди. «Нима бўлсаям ишни битказиб олиш керак...»

Ана шу фикр таъсирида Муқимхонов билан бўлажак учрашувга обдон тайёрланди. Айтажак гапларни бирма-бир кўнглидан ўтказди. «Ҳойнаҳой у Субут акам ҳақида сўрайди. У билан ажралиб кетганимизни эшитмаганми-кан? Эшитмаган бўлса, ўзим айтаман. «У одам билан энди бутунлай бегонамиз», дейман. Шунақа десам, унга маъқул тушса керак, «мен айтгандим-ку, барибир ташлаб кетади», дейиши ҳам мумкин. Шундай деса: «Тўғри айтган экансиз», – дейман. Ундай десам, Субут акамга туҳмат қилган бўлмайманми? Ахир у... ташлаб кетгани йўқ-ку... Ўзим кетдим-ку...

Пахта териб юрган кунлари янги дугонаси Пардахол айтган гапларни эслаб бир қур ғашланди.

– Бир-икки оғзига кучи етмаган хотинлар: «Афифа ҳам Арабистонга бориб фоҳиша хонада ишлаб келган экан, эри билиб қолиб талоқ қилибди», деб юришибди, – деди Пардахол.

Афифа дафъатан бу гапга ажабланмади. Аччиқланмади ҳам. Маъюсгина кулиб қўйди. Бироз жим тургач кўнглини ёрди.

– Мен Арабистонга эмас, Туркияга борганман. У ерда бировларнинг эшигида хизматкорлик қилдим, – деди. – Хорижда пулни кўчага сочиб қўйгани йўқ. Ўша... Арабистонга борганлар ҳам... қанчаси қамалиб, қанчаси тузалмас дардга йўлиқиб... Хор-зор бўлиб қайтиб келяпти.

– Ҳа, тўғри, – тасдиқлади Пардахол. – Анови... Мехтар чўлоқнинг Сантира деган қизи... ўша ёқда ўлибди шўрлик... юрагида касали бор экан-да...

– Сантиранинг Саида деган опасини билардим. Адашмасам, улар тўрт опа-сингил эди, – деди Афифа.

– Ҳа, тўғри. Саидаси юрибди, мактабда фаррошлик қилиб. Эри беш-олти ўртоқлари билан Россияга кетган. Уч йилдан бери дарағи йўқ. Бировлар, «Ўша ёқдан ўрис хотин оливолганмиш», дейди. Эркак зоти шу – хотинидан сал узоқлашса...» хиёнат қилади...

Афифа индамади. «Фақат эркак хиёнат қиладимми?» дея савол берди ичиди. Ташига чнқармади.

Сўнгра беихтиёр Субут ҳақида ўйлаб кетди. Аслида «шу топда беихтиёр» эмас, «яна», деб ёзсак тўғрироқ бўлур эди. Чунки у бирор кун йўқки, лоақал бир марта у ҳақда ўйламанса. Гоҳ соғиниб, гоҳ аччиқланиб, гоҳ аразлаб, гоҳ хаёлан ўпка-гина қилиб ўйлайди. Баъзида... бас, энди ўйламайман, энди унутаман», дея шаҳдланади-ю барибир ўйлайверади. Гоҳ-гоҳида, «у-чи, у ҳам мени ақалли аҳён-аҳёнда эста олармикан», деган илинжли хаёлларга боради. Яна ўйлайди: қаёқда, Субут Сокин жаноблари ҳозир буткул бошқа ташвишлар оғушида, улкан муаммоларни ечиш билан банд бўлса керак. Холасининг айтишича, Мирмаъди бойнинг қизи Фариза уни ўзига буткул ром этиб олганмиш. Субут у ёт, деса, ётармиш, тур, деса турармиш.

– Энди уни бутунлай хаёлингдан чиқариб ташла, қизим, – деди Шаҳина хоним. – У энди катта охурлардан ем еб юрибди... Энди сен... ўзингга ўхшаган оддийроқ одам ахтар...

Шу топда эсига йўлдаги тасодифий ҳамроҳ – Мўмин Шербоев тушди. Хотиним ўлган, икки болам бор, деди. Аммо... мелиса экан-да. Нима бўпти? Мелиса одам эмасми? Одамликка одам-ку аммо... касби мелиса бўлгани боисми, Шербоев Афифага бошқачароқ назар билан қарагандай туюлди. Гарчанд: «Ёрдам керак бўлса, қўнғироқ қилинг», деб телефонини ёзиб берган бўлса-да, нигоҳидан ҳафсаласи пир бўлгани сезилди. «Қўйсанг-чи, бемаъни хаёлларни ҳозир шу ҳақда ўйлашнинг мавридими? Бошлаган ишингни давом эттирсанг-чи...»

Индинга туман ҳокимлигига кириб, ҳафсаласи пир бўлди.

– Даврбек ака бугун ҳеч кимни қабул қилмайди, – деди қорачадан келган, ёши ўттизларга борган, ўзи ҳаракатчан, кўзлари ўйнаб турувчи йигит.

– Сиз... ёрдамчиларимисиз? – деб сўради Афифа.

– Ҳа.

– Исмингиз...

– Исмин Ёвқочди, фамилия Ботиров.

– Ёвқочди ака, илтимос, Даврбек Муқимхоновга... Афифа Зокирова келган экан, деб бир оғиз айтинг. У киши... мени танийди.

– Бажонидил. Лекин ҳозир барибир ҳам қабул қилолмайди. Олдиларида... орган ходимлари ўтиришибди. Туманимизда жинойтчиликка қарши курашни кучайтириш масаласида йиғилиш бўляпти.

– Йиғилиш тугагунча кутиб турсам бўладими?

– Йўқ, синглим, чунки бу йиғилиш ярим кечагача давом этиши мумкин...

Афифа кайфияти бузилиб, даҳлиз томон йўналди. Шу чоқ Муқимхонов кабинетининг эшиги шарақлаб очилиб, кимдир чиқди. Афифа ортига ўгирилиб, таниш чеҳрага кўзи тушди. Бир лаҳзадан сўнг кимлигини эслади. Бу – тунов кунги тасодифий ҳамроҳ – Мўмин Шербоев эди. Ўша куни эгнида фуқаро кийимида бўлгани, бугун эса милиция майори формасини кийиб олгани, бунинг устига бўғриқиб, юзи қизариб кетгани учун дабдурустдан танишга қийналган экан.

– Салом алайкум, – деди Афифа.

Шербоев ҳам бошда кучли ҳаяжон таъсирида бўлгани боис унга эътибор қилмаган экан.

– Ие, Афифахон, сизмисиз, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? – деди шоша-пиша.

– Шундай... келувдик... қабулга...

– Қани юринг-чи, мундоқ. Бугун қабулга киролмаслигингиз аниқ. Мажлис энди бошланди. Камида уч соат чўзилади.

Биргалашиб ташқарига чиқишди. Қош қорая бошлаган. Кеч кузнинг салқин ҳавоси. Афифа энгилроқ ёмғирпўшда бўлгани боис жунжиқди.

– Бирон кафега кириб, бир пиёладан иссиқ чойми, қаҳва-ми ичайлик, юринг, – таклиф қилди Мўмин.

– Йўғ-е, мен уйга кетишим керак, – деди Афифа ўнғайсизланиб.

– Кейин ўзим уйингизга элтиб қўяман. Тортинманг. Мен шу топда аччиқ қаҳва ичмасам ўзимга келмайман. Юринг-юринг, илтимос...

Афифа беихтиёр эргашди. «Шинам», деган қаҳвахонага киришди. Мўмин чиндан ҳам кетма-кет икки пиёла қаҳва ичгач, тинчланди. Юзининг қизаргани кетди.

– Мени... ноҳақ ранжитди... Муқимхонов, – деди у. – «Қўлингдан келмаса аризангни бериб, туёғингни шиқиллат», деди ярамас. Менга, пойтахт жиноий қидирувида ишлаб, ўнлаб мураккаб жиноятларни очган давлат мукофотларига сазовор бўлган одамга шундай деди. Майли... ҳаммасини вақт кўрсатади. Дарвоқе, сиз нима қилиб юрибсиз унинг қабулида?

– Ер олишга ариза бергандик. Ўшанга.

– Ҳм-м-м. Бу... огир масала. Ерга навбат катта, дейишади.

– Ҳамма ҳужжатлар тайёр-ку! Йўқ, дейишмас.

– Илойим ҳал бўлсин. Демак... қишлоққа қайтиб, деҳқончилик қилмоқчи экансиз-да?

– Ҳа, акам, укам бор. Биргалашиб ишламоқчимиз.

– Омадингиз келсин. Акангиз Бекмуҳаммад Зокировни биламан. Айтганча, сиз у билан бирга ўқиган болаларнинг ҳаммасини билармидингиз?

– Нега сўраяпсиз? Ҳа... билсам керак.

– Анови... Мирпўлат, деган сўхтаси совуқ, жанжалкаш бир бола бўлган, эслайсизми?

– Ҳа, эслайман, – деди Афифа негадир дув қизариб. – У... акамнинг яқин ўртоғи эди. Кейин...

– Кейин қамалиб кетган, одам ўлдириб. Ҳозир чиқиб келган. Акангиз билан учрашиб турадимиз?

– Билмадим.

– Ҳар ҳолда акангизга айтиб қўйинг, ундан узоқроқ юрсин. Ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг.

– Менга нима алоқаси бор? – деди Афифа яна қизариб. Худди Мўмин унга, «бир пайтлар, ўсмирлик чоғларингда уни яхши кўргансан, севги мактуби ёзгансан-ку», демоқчи бўлаётгандек туюлди унга.

– Ҳар ҳолди... айтиб қўйганим яхши-да...

Кейин суҳбат мавзуси яна Мўминнинг оиласи – икки боласи, қари онасига бурилди.

– «Тенгинг топилса, уйлантираман», дейди онам бечора. Тенгим эса... сира топилмаяпти, – деди Мўмин нимагадир ишора қилгандай. – Дарвоқе, сиз ўша таниқли журналист Субут Сокин билан ажралиб кетибсиз-да? Болаларингиз йўқмиди?

– Йўқ, – деди Афифа чуқур хўрсиниш билан.

– Сиз ҳам... агар тенгингиз чиқса... турмуш қиларсиз? Ҳали... жудаям ёшсиз-ку...

– Қайдам? – деди Афифа. – Ҳали бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрган им йўқ. Мени ким ҳам оларди?

– Унақа деманг...

Шербоев айтмоқчи бўлган гапининг давомини ичига ютди. Чамаси бирданига: «Мана, мен олардим», деган гап ниҳоятда фавқулодда ва кулгили чиқиши мумкинлигини тушунди.

– Кетдик бўлмаса, – деди у бироз ўйланиб тургач.

Афифаларнинг уйига бир зумда етиб келишди.

– Кўришиб турайлик... агар қарши бўлмасангиз, – деди Мўмин.

– Ортиқча гап-сўзнинг нима кераги бор, – деди Афифа.

Шунда Мўмин хато гапирганини тушунди.

– Агар рози бўлсангиз... сизни онам билан таништирар эдим. Майлими? У кишини... олиб келсам. Ёки... ўзингиз бирон кун меҳмондорчиликка айтсам, борасизми? Онангиз билан...

– Маслаҳатлашиб кўрамиз, – деди Афифа жилмайиб Мўмин кетгач хаёлидан: «Яхши йигитга ўхшайди. Юраги очиқ экан», деган фикрлар ўтди. Аммо Субутни унутадами?

6

Ушбу бағоят ёқимли суҳбат шаҳарнинг қоқ марказидаги «Шератон» меҳмонхонасида, ўнинчи қаватдаги шоҳона пент-хаусда, яъни, олиймақом меҳмонларга мўлжалланган салкам ўн хонали номерда бўлди. Мирмаъди Саъдиев Субутни қучоқ

очиб кутиб олди. Бағрига босди. Яқин хорижда бўлган сўнгги учрашувларидан буён ўтган бир йилдан зиёд муҳлат мобайнида Саъдиев анча қартайган. Чамаси хорижлик дўхтурларнинг чандон қилаётган саъй-ҳаракатлари ҳам Мирмаъдибойнинг идраб бораётган кекса вужудига етарлича ижобий таъсир кўрсатолмаётганга ўхшайди. Сарғиш чеҳраси қонсиз. Қовоқлари салқиган. Кўзлари бироз қизариб турибди. Бироқ ҳаракатлари дадил, руҳи тетик.

– Сизни бугун мутлақо бошқа кайфиятда кўриб турганимдан жудаям хурсадман, – деди у Субутга. – Эшитдим, ноширлик ва матбаа соҳасидаги ишларингиз яхши кетаётган экан. Раҳмат! Бунинг ҳаммаси сизнинг ижодингиз. Сизсиз бизнинг Фаризахоним сақич сотишдан нарига ўтолмай юрган бўлар эди.

– Йўғ-е, унчалик эмас, – ростакамига ўнғайсизланди Субут. – Менимча... шунчаки ғоя, таклиф. Асосий ташкилотчилик, амалий ишлар Фаризахонимга тегишли.

– Асосийси – ғоя, оқилона режа ва пухта ҳисоб-китобли таклиф. Амалий ишни бажарувчи ташкилотчиларни эса истаганча топиш мумкин. Нима кўп – буйруқни бажарувчи ижрочи кўп. Чунки буйруқ бажариш учун калла керак эмас. Қўл-оёқ чаққон бўлса, тана соғлом ва бақувват бўлса бас. Бизнесда ғоя биринчи ўринда туради. Шундай ғоялар борки, қоп-қоп олтинга ҳам топилмайди. Баъзилар бизга ғоядан кўра амалий ҳаракат муҳим, деган хато фикрга эргашиб юришади. Аниқ ғояга, мақсадга эга бўлмаган ҳаракат – пуч ва самарасиздир. Майли, дарҳол иш ҳақида гаплашмайлик. Қани, марҳамат, бир пиёла чой ичамиз.

Кенг ва ёруғ, ҳашамат билан жиҳозланган хонада тўртбеш кишилиқ тўкин дастурхон безатилган. «Бу одам нега ўз юрти, ўз шаҳрида бўла туриб, меҳмонхоналарда юради», деб ўйлади Субут. Саъдиев худди унинг фикрини ўқигандек, деди:

– Атиги бир неча кунга келдим. Яқинда даволанишни давом эттириш учун Германияга жўнаб кетаман. Сизга айтидиган бир-икки оғиз муҳим гапларим бор. Шунинг учун безовта қилдим. Қани, чойга қаранг. Дарвоқе, кечки ноушта пайти ҳам бўлиб қолди. Овқатни олиб келинглар!

Тўйимли, аммо енгил ва хушҳазм нонуштадан сўнг улар дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўринларидан қўзғалишди. Саъдиев Субутнинг қўлтигидан оҳиста ушлаб, хоналарни бирма-бир айлантириб чиқди.

– Ушбу шоҳона номер менга қарашли. Бир неча йиллик ҳақини олдиндан тўлаб қўйганман. Керак бўлса, яна тўланади. Гап унда эмас. Гап шундаки... бу жой келгусида... сизга хизмат қилиши мумкин. Сабаби... мен... соғлигим кундан-кун заифлашиб боряпти. Очиғи, гап бу номерда ҳам, сиз яшаётган ҳовлида ҳам эмас. Дарвоқе, ўша ҳовлини сизга қоиуний қилиб, расмийлаштриб беришади. Мендан туҳфа. Тўғри, бу туҳфа сизга малол келиши мумкин. Биласиз, бизнесда бунақа туҳфалар бекорга қилинмайди. Мен ҳам бекорга қилаётганганим йўқ. Шартим – агар... менга бир нарса бўлса, умрбод қизимнинг ёнида туришингиз керак. Унга уйланинг, демоқчи эмасман. Ҳар ким ёқтирган ошини ейди. Унга умрбодлик шерик, ҳамкор бўлишингиз керак. У – барибир ҳам аёл киши. Хато қилиши, мен бошлаган ишларни чиппакка чиқариб юбориши мумкин. Сиз бунга ҳеч қачон йўл қўймаслигингиз керак. Мирмаъди Саъдиев бошлаган иш ҳозир деярли тўласинча тикланди. Уни янада кенгайтириш, енгилмас молиявий-иқтисодий салтанатга айлантириш ниятидамиз. Бунинг учун тармоқларни янада кучайтириш, банк, инвестиция компанияси ва бошқа янги шаҳобчалар очиш зарур. Соғлигим имкон берганда-ку буларнинг ҳаммасини ўзим амалга оширган бўлардим-а... Афсус. Майли, ҳеч қиси йўқ. Кимдир бошлайди, кимдир давом эттиради.

Қисқаси, сизга яқинда янгидан ташкил этиладиган ишлаб-чиқариш-савдо компанияси раҳбарлигини таклиф этмоқчиман. Лавозимингизнинг номини ўзингиз истаган шаклда белгилайверинг. Директорми, раисми, бош бошқарувчими, фарқи йўқ. Дарвоқе, шунчаки раҳбар бўлиб қолмайсиз. Компания муассисларидан бири сифатида фойдага шериклигингиз мутлақо қонуний расмийлаштирилади. Яъни, тўрт муассисдан бирин сифатида бутун бизнеснинг тўртдан бири сизга тегишли бўлади. Кўрилган соф фойданинг тўртдан

бири ҳам, табиийки, ҳаққи ҳалол – сизники. Бироқ... Шуйга яраша жон койитиб ишлаш керак бўлади...

– Мирмаъди ака, сўрашга ижозат берсангиз...

– Майли, сўранг, – деди Саъдиев. Чамаси у Субут муассислар кимлигини сўрамоқчи, деб ўйлади. Субут эса гарчанд миясида шу савол туғилган бўлса-да бошқа нарсани сўради:

– Нима учун менга бу қадар катта ишонч ва умид боғлаяпсиз? Ахир бизнес, тадбиркорлик соҳасида айтарлик тажрибам бўлмаса. Ундан ташқари ҳоқимият, ҳуқуқ идораларида обрў-эътиборим ҳам етарли даража баланд эмас. Тағин... ишончингизни оқлолмасдан... Уялтириб қўймасмикинкан?

– Ўзингизга юқори баҳо бермаётганингиз яхши. Аммо лекин мен сизни кўпдан кузатиб келяпман. Етарлича синаб ҳам кўрдим. Сиз... иш одамисиз. Ҳар қандай ишни эплайсиз. Чунки худо берган қобилиятингиз бор. Тажриба, обрў-эътибор етарли эмас, деган гапингиз тўғри. Лекин улар пайти-фурсати билан қўлга киритилади. Энг муҳими, жон койитиб, ғайрат билан ишлаш керак.

– Мирмаъди ака, мен ишдан қочмайман. Бироқ сизга яна такрор айтишим керак. Мен табиатан куч, мол-давлатга, дунё йиғишга, тадбиркорликка мойил одам эмасман. Тўғри, ўзим билан, тушунган соҳаларда баъзи бир ғоялар, таклифлар бериб туришим мумкин. Лекин кенг тармоқли компаниянинг тақдири учун жавобгарликни зиммамга ололмайман.

– Сизга ҳеч ким имкониятингиздан ортиқ вазифа юклагоқчи эмас, – деди Саъдиев негадир қўлидаги кўримсизгина «Ролекс» соатига қараб қўяр экан. Субут: «Шу соатнинг ўзи ҳам қарийб ўттиз минг евро турса керак», деб ўйлади. Айни шу дақиқада улар суҳбатлашиб турган хонага одатдагидан анча жиддий кийинган Фариза кириб келди. Чамаси у йўл-йўлакай отасининг сўнгги сўзларини эшитди.

– Мана Фариза хонимнинг ўзлари ҳам келиб қолдилар, – деди Саъдиев қизига ўта расмий ва эҳтиромли муомала қилиб. – Айни вақтида, яъни, мунозарамизнинг энг нозик нуқта-сида келдингиз. Субут акангиз, «мен тижоратчи-тадбиркор

эмасман», деб турибди. Компания раҳбари тижоратчи бўлиши шарт эмаслигини унга тушунтиролмапман.

– Тижоратчи эмас, сиёсатчи бўлиш керак, – деди Фариза Субутнинг кўзларига қуралай кўзларини тикиб. – Раҳбар бўлиши керак. Қўл остингизда тижоратчилар, иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар етарли бўлади. Вазифангиз компания ишини макон ва замон зайлидан келиб чиққан ҳолда мавжуд сиёсий тизимга мувофиқ, соме, имкони борича яхши муносабатда олиб бориш. Киму ким, лекин сиз жамиятдаги сиёсий ҳароратни жуда яхши ҳис этасиз, замон талабларини яхши тушунасиз. Шундай эмасми?

– Балли, қизим! Жуда аниқ тушунтирдингиз, – бош ирғади Саъдиев.

– Биринчи ўринбосарим... Фаризахон бўладиларми? – деб сўради кулимсираб Субут.

– Агар сиз лозим кўрсангиз, – жавоб берди Саъдиев. – Акс ҳолда у компания тизимига умуман кирмаслиги ҳам мумкин. Муассислардан бири бўлиб қолаверади.

– Тўртинчи муассис қақида ҳам гаплашдингизми? – сўради Фариза отасидан.

– Улгурмадик. Ўзингиз айта қолинг.

– Муассислар – сиз, отам, мен ва Германиянинг «Крамер» фирмаси... Шунинг учун компания номини исмларимизнинг бош ҳарфларидан олиб, ФОКС деб атасак. Яъни, Фариза, отам, Крамер ва Субут...

– Яхши ном топибсиз, – тан олди Субут. – Ғоят жарангдор.

– Сизнинг шогирдингиз-да, – деди Саъдиев. – Хўш, дастлабки маслаҳат-кенгашни шу билан яқунласак бўладими?

Субут индамади. Буни Саъдиев розилик аломати, деб тушунди.

– У ҳолда эртага тонгги рейс билан биргаликда Германияга учамиз. Жаноб Крамернинг қароргоҳи биз ўрнашган Дюсселдорф шаҳрида. Ажойиб шаҳар, Фариза кўрган. Субутжон, сиз бўлмагансиз-а?

– Йўқ, Бўлмаганман.

– Ҳечқиси йўқ. Бундан кейин тез-тез бориб турасиз. Демак, ҳозир хайрлашамиз. Мен толиқдим. Бироз ётиб, дам олай! Эртага аэропортда кўришгунча.

Саъдиев чиқиб кетди. Субут билан Фариза ёлғиз қолишди.

– Хурсандмисиз? – деб сўради Фариза.

– Нега? – сўради Субут.

– Отам... Сизни катта бизнестга олиб чиқяптилар. Халқаро майдоига. Яна... тенг шерик қилиб. Лоақал «раҳмат» ҳам деб қўймадингиз.

– Раҳматнинг каттасини бир йўла айтарман, – деди Субут ўйчанлик билан. – Компания муассиси сифатида Низом жамғармасининг менга тегишли қисмини тўлаб берганларидан кейин.

Фариза кулди.

– Отамни унчалик ҳам содда деб ўйламанг. У киши сизнинг улушингизни ёнларидан тўламоқчи эмас. «Дойчебанк»дан номингизга кредит олиб берадилар, холос.

– Кафиллигини зиммаларига оладилар-ку барибир, шундай эмасми?

– Кафилликни... мен оламан.

– Сиз? Сиз менга ишонасизми? – кулимсираб сўради Субут.

– Ишонмасам... шунақа қилиб... қўярмидим, – деди Фариза. Субутнинг чеҳраси бирдан жиддийлашди. Кайфияти бузилди. У Фаризанинг узук-юлуқ гапини «шунақа қилиб, данғиллама ҳовлини текин бериб қўярмидим», деган маънода тушунди.

– Барибир миннат қиласиз, дегандим-а? – деди ранги ўчиб.

Фариза дастлаб тушунмади. Чунки у бошқа нарсани назарда тутган, яъни, «тегиб олмасдан эркин қўйиб қўярмидим», деган маънода қочирим қилмоқчи эди. Шу боис:

– Вой, жиннимисиз, нимани миннат қилдим? – деди лабини буриб.

– Ҳовлини, – жавоб берди Субут. – Боя отангиз билан ҳам шу ҳақда гапиришган эдик. Табиийки, у сиз билан маслаҳат қилган.

– Э, қўйинг-е, сиз бўлдингиз, ўша ҳовли бўлди-да! Отам мен билан маслаҳатлашгани тўғри. Очиғини айтаман: отам бекорга бировга бир чақа берадиган одам эмас. Сизга ҳиммат қилиб юрганнинг боиси қобилиятингиз, ақл-идрокин-гиз, билимингиз, қолаверса, журъатлигингиздан фойда-

ланиб, ўз мол-дунёсини янаям кўпайтирмоқчи. «Ҳовлини текинга берсам ўзини бир умр қарздор, деб ҳис қилади, сот-қинлик қилмайди, чунки Субутжон кўзи тўқ йигит экан, кўзи оч одамга моли-мулк берсанг, албатта, хиёнат қилади, чунки мулқингдан яна юлиш, ўмаришни ўйлайди, миждози тўқ одам эса қаноатли бўлади. Игнадай нарса берсанг, туядай қилиб қайтаради», деди. Мен бояги гапни бошқа маънода айтгандим. Жиловингизни бўш қўйиб қўйганман, демоқчи эдим. Ҳазил маъносида аслида... Жиловингиз ўз қўлингизда. Мен сизга ҳеч қачон даъвогарлик қилганим йўқ. Бундан кейин ҳам. Фақат... дўст, оға, деб қарайман. Буни отамга ҳам айтдим. У киши хурсанд бўлди. «Кўрдингми, Субутнинг кўзи тўқ. Ҳатто... нафсига ҳам эрк бермас экан. Биобарин, бизнесдаги ҳамкорликларингиз яхши самара беради», деб айтди.

– Барибир ҳам мен ҳовлини текин туҳфа тариқасида қабул қилолмайман, – деди Субут.

– Ихтиёрингиз. Олинган фойданинг сизга тегишли қисмидан муайян миқдорини қайтариб қолиш мумкин.

– Аввал отангиз билан гаплашиб, ҳовлига иарх белги-ланг. Лекин... рамзий нарх бўлмасин. Бозор нархидан фарқ қилмаслиги керак. Ҳамонки, мен бу ҳовлида умрбод яшар эканман, ўзим, бола-чақаларим бировдан қарздорлик ҳис этмаслиги керак.

– Майли, гаплашаман.

Эртасига Саъдиев, Фариза, Субут биргаликда Германияга учиб кетишди. «Крамер» фирмаси вакиллари билан келишувга эришилиб, тегишли қоғозлар имзолангач, фирма бош директори Эрих Крамер улар билан бирга Тошкентга келди. ФОКС халқаро компаниясини рўйхатдан ўтказишгач, Крамер ва Саъдиев яна Дюсселдорфга учиди. «Чол анча пишиб қопти, – деб ўйлади Субут аэропортдан қайтар экан. – У ўлса, эллик фоиз улуш Фаризага қолади. Мабодо, унга... уйлансам улушнинг етмиш беш фоизига биргаликда эгалик қилишимиз мумкин...» кулди. Ижирғанди. «Мана энди ҳақиқий бизнесменга ўхшаб фикр юритяпсан», деди ўзига ўзи.

«Шафқатсиз пул дунёси мени ҳеч қачон ўз гирдобига тортиб кетолмайди, – деб кўп гапириб юрарди Субут. – Чунки бу ҳаётда пулдан юксакроқ, пулга сотиб олиб бўлмайдиган нарсалар кўп. Қолаверса, менинг ўзим ҳам пулга... оддий бир қоғоз, деб қарайман. Унга ҳеч қачон қул бўлмайман...»

Ҳозир, шу топда ўша баландпарвоз гапларига ўзининг кулгиси келди. «Қашшоқ одамларнинг фалсафаси бу – пулга сотилмайдиган нарсалар бор, деб ўйлаш. Ҳолбуки, пулга сотилмайдиган нарсанинг ўзи йўқ...»

Дафъатан, Фариза билан ҳовли ҳақидаги келишув эсига тушди. «Агар ҳовлининг пулини тўлаб қўйсам, ундан тили қисик жойим қолмайди. Ҳар қандай ҳолатда тенг ўйин олиб бора оламан. Демак, яна масала пулга тақалмоқда. Кўрдингми, пул, бу – озодлик, демак...»

«Сен нима деяпсан, нималар деяпсан, эй Субут, ошна. Миянгни еб қўйганинг йўқми мабодо?...» деган ўй ўтди пировардида миясидан.

– Мен бор гапни, рост гапни айтяпман, холос, – деди кутилмаганда овоз чиқариб.

– Нима? – деб сўради ёнида ўтириб келаётган Фариза.

– Ҳеч нарса, – жавоб берди Субут.

«ФОКС» компанияси бош директори Субут Сокин ҳозирча ижарага олинган етти қаватли муҳташам иморатнинг энг юқори қаватидаги шоҳона безатилган кизматхонада германиялик турк тадбиркор дўсти, келиб чиқиши асли ўзбекистонлик Назар Назирий билан суҳбатлашиб ўтирибди. Назирий билан у беш-олти йил олдин танишган, дўстлашиб қолганди. Унинг Тошкентда фаолият кўрсатувчи хорижий хусусий фирмаси бор экан. Ўзи Германияда яшайди. Тез-тез уйга бориб келади. Субут Дюсселдорфдаги учрашувлардан қайтиб келгач, Назар билан учрашиб, Эрих Крамер жаноблари ҳақида зимдан маълумот тўплашни илтимос қилган эди. Ҳозир ошнаси ана шу «илтимос» юзасидан унга ахборот бермоқда.

– Эрих Крамер асли иш одами эмас экан, – деди Назар. – У ўртамиёна кун кўрувчи бир ҳуқуқшунос. Анча йиллар олдин Саъдиев билан танишиб, дўстлашиб қолган. «Крамер» фирмасини унинг номига Саъдиев жаноблари очган...

Субут ҳайрон бўлмади. Зеро, ўзи ҳам тахминан шундай бўлса керак, деб ўйлаган эди. Сабаби, Саъдиев Крамер билан мулоқотда буни сездириб қўйганди.

– Майли, раҳмат сизга, – деди Субут назар билан хайрлашар экан. Кейин ўтириб ўйлади: «Саъдиев буни нега менадан яширди? Пайти келса... етмиш беш фоиз улушни бирлаштириб, Субутни сиқиб чиқариб юборишни ўйлаганми? Ишлатиб-ишлатиб, кейин ишлатилган буюм сингари ташлаб юбормоқчими? Муқимхоновни итқитгани сингари... Аммо... Фаризада жичча бўлса ҳам самимийлик бор. У отасининг асл мақсадидан Субутни огоҳ этиб қўйди. Соддадил Субут бўлса, Саъдиевнинг касали оғир, бир-икки йиллик умри қолди, деб юрибди. Чоли тушмагур ҳалн... кўп ўйинлар кўрсатади, шекилли... Аммо Фариза – яхши. Унн хафа қилмаслик ва айни пайтда ҳисоб-китобни тўғри, пухта қилиб бориш керак. Ана шунда Муқимхонов сингарн панд еб қолмайсан. Дарвоқе, Муқимхоновнинг ишлари қалай экан? Уни Афифа туғилиб ўсган туманга ҳоким ўринбосари қилиб юборишган.

Ҳоким ёш йигит. Айтишларича, соғлиғи унча яхши эмас. Демак, Муқимхоновнинг ўзи хон, кўланкаси майдон.

Айтганча, тунов куни Шаҳина хоним Афифа қишлоғига кетди, деганди. Бу ҳам Муқимхоновнинг иши эмасмикан? Улар... яна топишиб... Қўйсанг-чи, сенга бунинг нима аҳамияти бор?.. Э, шошма-шошма, яқинда бўлган тадбиркорлик кенгашида иқтисодиёт вазирининг эски таниши бир таклиф айтган эди, Субут унчалик жиддий эътибор бермаган. Ҳозир эсига тушди: Зардарё тумани, деганди. Бу ўша туман-ку.

– Йирик тўқнамачилик комбинати қуриш учун энг қулай жойлардан бири Зардарё, – деганди у. – Темир йўл ўтган. Дарё соҳилида. Ҳавоси тоза. Ишчи кучи етарли...

«Эҳтимол... бир бориб кўриш керак. Муқимхонов биз ҳам бу ёқларда бекор юрмаганимизни кўриб қўйсин. Ило-

жи бўлса... Фаризани ҳам олиб бориш керак, ясан-тусан қилдириб. Қурғур Фариза кейинги пайтлар қайтадан очилиб кетган. Муқимхоновнинг бир оғзидан суви оқсин. Албатта у: «Ҳа, биздан қолган овқатни илитиб еб юрибсанми», қабилида қочирим қилиши мумкин. Аммо... ўзи ҳам Фаризани қиз олмаган-ку. Қолаверса, хотин масаласида «сарқит», деган гап жуда ҳам нисбий. Баъзида онаси ўпмаган, бокира, деб олган қизинг ҳам... кимнингдир сарқити бўлиб чиқиши мумкин. Отаси айтар эди: «чавандознинг оти – остида ҳоримасин». Яъни, ёнингдаги аёл хиёнат қилмаса бас... Шу муносабат билан яна бир нақл эсига келди: «От кимники – минганники». Яхши нақл...

Телефон гўшагини олиб, рақам терди:

– Фаризахон, эртага туманга чиқмоқчиман. Янги тўқимачилик корхонаси учун жой кўраман. Бирга борсангиз, хурсанд бўлардим...

Фариза рози бўлди.

– Эртага соат ўнларда тайёр бўлиб турасиз, уйингиздан олиб кетаман, – деди Субут.

7

Бу одамнинг номини илгари бир неча бор йўл-йўлакай, гап орасида тилга олиб ўтганмиз. Гарчи воқеамизда етакчи ўринлардан бирини эгалламаса-да, қаҳрамонларимиз ҳаётига ўта жиддий таъсир кўрсатажаги туфайли, унинг шарҳи ҳоли хусусида бирмунча муфассалроқ сўзлаб ўтиш жоиз кўринди.

Мирпўлат дегани – Бекат қишлоғининг қўшниси, тева-раги қирлар билан ўралган, ўртасидан катта сой оқувчи Ширинбулоқ номли кичкина бир овулда туғилган. Отаси Эшпўлат шофёр эди. Мирпўлат мактабни Бекатда ўқиди. Шу ерлик Бекмуҳаммад исмли бола билан дўстлашди. Уларнинг уйида ётиб қолган пайтлари кўп бўлди. Мактабни битириш арафасида отасига шогирдлик қилиб машина ҳайлашни ўрганди. Кейин... машина ўғирлаб қамалди. Аслида у «Жигули»ни ўғирламоқчи эмасди. Шунчаки, сайр қилиб

қайтиб жойига қўймоқчи эди. Эгаси – Ҳалим носфуруш инжиқ одам экан. Отаси таклиф этган минг долларни писанд қилмай Мирпўлатни қаматтириб юборди. Мирпўлат қамоқдан қайтиб келган кунларда машина ўғирлаш авжига чиқа бошлаган пайтлар экан. Шусиз ҳам Мирпўлат: «қамоқдан чиқсам, Ҳалим носфурушнинг машинасин ҳаққи ҳалол қилиб мусодара «этаман», дея қасам ичиб юрар эди. Бу пайтда носфуруш янги «Волга» олган экан. Биринчи куниёқ гум қилди. Шақарлик «ҳамкасб»ларига ярим баҳосига пуллаб юборди. Улар «Волга»ни бўлаклаб сотишган. Носфуруш машинасининг изини ҳам тополмади. Мирпўлатнинг устидан арз қилди. Исботлашолмади. Мирпўлат шаҳарга бориб-келиб, янги дўстлари билан анча-мунча иш қилди. Ўзи ҳам энди машина сотиб олай деб турганида яна қамалди. Нозикроқ жойда ишлайдиган одамнинг машинасини билмасдан ўғирлаб қўйди. Бу сафар «муқаддам судланган», деб кўпроқ беришди. Зонада биттасини майиб қилиб қўйиб, муҳлатига муҳлат қўшилди. Хуллас, бу гал сим тўсиқ ортида анча қолиб кетди. Қамоқда у чапдастлиги, довюраклиги, етакчиликка мойиллигини кўрсатиб, «Амир» деган лақаб орттирди. Аслида бу лақаб унинг учун айтарли янгилик эмасди. Болалигида дўсти Бекмуҳаммад уни «Мир», деб чақирар, Мирпўлат эса ошнасини «Бек», дерди. Мирпўлат дўсти «Бек»ни ўз «касб»ига жалб этишга кўп уринди. Бироқ тўғрилиқ ҳам ўғрилиқ сингари одамнинг қонида бўлади, шекилли, «Бек» унинг йўлига юрмади. «Баттар бўл, – деди бир куни унга «Мир». – Бунақада бир умр қорамойга ботиб ўтиб кетасан». «Бек» индамади. Тракторчилик қилиб юраверди. «Мир» эса яна қамалиб, «Амир» бўлди. Дарвоқе... иккинчи марта чиқиб келганида замонлар ўзгариб, жамият бой, камбағалларга бўлиниб қолган, ўғри қавми учун иш роса кўпайган эди. Бир йил мазза қилиб «ишлади» Ўзини «Бепоен уммондаги наҳанг балиқ»дек ҳис қилди. Ўртоғи «Бек»ка ёрдам ҳам кўрсатиб юрди. Тўқсонинчи йилларнинг ўртаси эди ўшанда. Аммо тўқсон олтида яна «тўрга илинди». «Энди қайтиб чиқмайдиган қилиб юборишмаса гўрғайди», деб қўрққанди. Йўқ, хайрият, янги аср арафасида чиқиб келди.

– Энди қўлингни совуқ сувга урмай, мазза қилиб яшай-
саи, – дейишди «ичкари»даги дўстлари. Энди сенинг обрў-
иззатинг етарли.

Озодликка чиққанидан сўнг бўлиб ўтган хуфя йиғинда
уни тегишли ҳудудга «назоратчи» қилиб тайинлашди. Энди
у чиндан ҳам бел оғритмай, одамлар кўз ўнгида «нафақага
чиққан ўғри» сифатида тинчгина яшаши мумкин эди. Ҳатто
унга уйланиб, бола-чақа қилишга ҳам рухсат берилди. Ёши
қирққа яқинлашган «Амир» ўша лаҳзада дўсти «Бек»нинг
қуралай кўз синглиси ҳақида ўйлади. Исми Афифа эди. Мир-
пўлатга бир пайтлар ишқий хат ҳам ёзган. Мирпўлат буни
еттинчи синфда ўқийдиган қизнинг нодонлиги, деб тушун-
ган. Эътибор қилмаган. Бироқ, кейинроқ... айниқса қамоқ-
хонада Афифани кўп эслади. Севгисига жавоб бермай хато
қилганини англади. «Эрга тегиб бола-чақали бўлиб кетган-
дир», деди. Яқингинада эса Афифа ҳақида ғалати гаплар
эшитиб қолди. Айтишларича, дастлаб уни бир қўшмачи хо-
тин алдаб, бузуқ йўлга бошлаган. Кейин бир мухбир йигит
ислаотхонадан қутқариб чиқиб, никоҳига олган. Кейин
улар ажрашиб кетишган. Ҳозир Афифанинг боши очиқ.

«Эҳтимол тақдирнинг ўзи бизни узоқ машаққатли йил-
лардан сўнг учраштирмоқчи ва қовуштирмоқчидир?» деб
ўйлади ногаҳон «Амир».

Ана шу фикр хаёлига келган куни Мирпўлат қизгин қури-
лиш кетаётган ҳовлисида қари тут соясида ўтириб, усталар-
нинг ишини кузатар, икки қаватли муҳташам иморатни
қишга қолдирмай битказиб олиш ҳаракатида бўлгани боис
ёрдамчиларини сира тиндирмай ҳали бирини у ёққа, бош-
қасини яна қайгадир бетўхтов югуртирар, қурилишда меҳ-
нат қилаётган қирқ-эллик чоғли бинокорлар ҳам «хўжайин-
»нинг ўткир нигоҳи остида киприк қоқмай ишлашар эди.

Мирпўлат қамоқдан сўнгги қайтишида тўлишиб, оғзида
тўла тилла тишларини ярқиратиб келди. Бир пайтлар қоп-
қора, тараша мисоли озгин бўлган йигит ҳозир қорувли,
қадди тик, солиқлиги боис чеҳраси ҳам анча оқиш кўрина-
ди. Қўнғиз мўйлови типратикан нусха сочи ўзига ярашган,
эгнида пўрим эгни-бош, бўйнида йўғонлиги башмалдоқдек

келадиган тилла занжир, ўнг қўлининг шаҳодат бармоғида илон шакли ўйиб ишланган каттакон қимматбаҳо узук... Хуллас, кўрган одам уни қамоқдан эмас, хазиналар оролидан қайтган омадли бойвачча, деб ўйлайди. Қайтиб келиши муносабатн билан маҳаллага ош берган куни кексалардан бири – узоқ йиллар судя бўлиб ишлаган Нурмон Маҳмудов шу муносабат билан қочирим ҳам қилди:

– Бу дейман, Мирпўлатбой, сафар сизга ёқибдн. Ўзингиз ҳам тўлишибсиз, қўйни-қўнжингиз ҳам тўлиб келибди.

– Ҳа, тўғри, ёқди, қози бобо, буинг учун сизга раҳмат айтишим керак, – деди Мирпўлат қочиримга қочирим билан жавоб бериб.

– Сизни «сафар»га мен жўнатмаган-ку, менга нима учун раҳмат айтасиз? – ҳайрон бўлди Нурмон бобо.

– Сиз бўлмасангиз... бошқа бир ҳамкасбингиз жўнатган, қози бобо. Аммо-лекин мен... қози қавмидан доим миннат-дорман. Тегишли ҳаққини олиб, айтган муҳлатимизни қилиб беришган. Сиз ҳам менинг кўплаб ҳамкасбларимга ёрдам қилгансиз, бу – аниқ. Шунинг учун сизга ҳам ҳар қанча раҳмат айтсам, ҳаққим кетмайди.

Бу гап қози бобога ёқмади. «Тили қурғур бунча аччиқ бўлмаса», деб нари кетди...

Мирпўлатнинг қурилиши баҳорда бошланди. Унга вилоятнинг турли шаҳар, қишлоқларидан мошин-мошин қурилиш ашёлари, усталар келишди. Мирпўлат марҳум ота-онаси турган икки уй, бир даҳлизли ғарибона кулбани сақлаб, ҳовлини ён томондаги икки қўшнининг иморатини теп-текис бузиш ҳисобига кенгайтирди. Қўшниларни рози қилиб, бошқа жойдан яхши ҳовлилар олиб берди. Ҳосил бўлган кенг майдонда Оврупа ва Шарқ услублари уйғунлигидаги икки қаватли шоҳона иморат бунёд этишга киришишди. Бино тарҳини самарқандлик машҳур меъморлар чизишди.

Мана, куз охирлаган сари бино қурилиши ҳам ниҳоясига етиб бормоқда. Аксар иморатлари пастқам уйлардан иборат Ширинбулоқнинг нариги четида яқинда бунёд этилган масжиднинг ярқироқ тунука қопланган қуббалари кўзга ташланса, бу четида Мирпўлатнинг Миср эҳромларини эслатувчи

қиррадор шаклда тикланган, томига қимматбаҳо қизил чере-
пица қопланган улуғвор кошонаси яққол кўриниб туради.

– Биринчи совуқ тушгунча барча каминлар битиши ке-
рак, – деди у пойтахтдан келиб ишлаётган уста йигитга.

– Ундан ҳам аввалроқ, келаси ҳафтага битказамиз насиб
этса, хўжайин, – деди.

Нафақат маҳалла, балки бутун қишлоқ аҳли Мирпўлат-
нинг иморатига ҳавас ва ҳайрат билан қарайдн. Чойхона-
даги суҳбатларда Мирпўлат бундай муҳташам иморатни
қайси пулига қураётганлиги ҳақида турли-туман ривоятлар
сўзланади. Чунки ўғрилиқдан топган даромади бундай ко-
шонанинг ақалли пойдеворига ҳам етмаслигини улар яхши
билишади.

– Мирпўлат биринчи марта қамалганида қамоқда узоқ
муҳлатга кесилган бир миллионер раҳбар билан ота-бола
киришган ва унга тансоқчилик қилган экан, – дея ривоят
қилади маҳаллий «ровий»лардан бири. – У Мирпўлатга ҳар
кунлик иши учун фалон сўмдан тўлаган. Шунинг учун Мир-
пўлат қамоқдан чиқиб келгач, озодликдаги тирикчиликка
қаноат этолмасдан, яна атай ўғирлик қилиб, қамалган ва
яна ўша валинесьматининг хизматига борган. Яқинда улар
биргаликда озод бўлишган. «Отахонининг тўплаган молу
давлати беҳисоб экан. Шунинг учун ҳам ўзига, ҳам қиёмат-
ли ўғли Мирпўлатга бир йўла иморат қураётган экан...

– Ўша валинесьмати яқинда марказдан туман раҳбарига
муовин бўлиб кетган Муқимхонов эмасмикан? – деб сўради
бирови. – Чунки бизлар ўша кишининг Бекатда қураётган
иморатида ишляпмиз-да. Унисиям худди Мирпўлатникига
ўхшаган кунгураддор.

– Бўлса бордир, – дейди «ровий».

– Э-э, йўқ. Муқимхонов ҳурматли одам, – дейди маҳалла
вакилларида бири. – У ҳеч қачон қамалган эмас, марказда
катта идораларда ишлаган.

– Чархи кажрафторнинг ишини қаранг, – дейди маҳалла-
нинг маърифат ишларига аралашиб юрувчи Осимхон ис-
мли оқсоқ ўқитувчи йигит. – Шаҳардаги энг зўр икки имо-
ратдан бири – ўғриники, иккинчиси – арбобники... Шўрлик

ўқитувчи эса бундай муҳташам кошоналарни тушида ҳам кўролмади.

– Сира бадбинлигингиз қолмади-да, Осимхон. Шу гап-ларингизни Мирпўлат эшитса нима бўлади? – дейди Жўрақул дўкончи, деган чўққи соқол қария.

– Сиз айтмасангиз эшитмайди, – дейди кулиб Осимхон. – Мабодо эшитган тақдирида ҳам нима дейиши мумкин? Мен ўғрини ўғри, деб ўз номи билан атяпман, холос.

– Жўрақул аканинг иморатлари ҳам Мирпўлатникидай бўлмасаям, сал бери, – дейди чойхўрлардан яна бири. – Анови... сомон бозор яқинида янги тушган участкаларингизни айтяпман. Дарвоқе, учовиям ўзингизникими?

– Жўрақул аканинг ўзиям, ўғиллариям – тадбиркор. Ўнта участка қурсаям ҳеч ким ажабланмайди, – деди Осимхон.

– Учта участка қуришга бизга йўл бўлсин, – деди Жўрақул дўкончи. – Уч ўғил билан амал-тақал қилиб битта қуряпмиз. Ўша сиз айтган иморатларнинг энг чеккадаги бир қаватлиси...

– Унақада ёнидаги иккита икки қаватлилари кимники?

– Бири прокуратурада, бири мелисада ишлайди. Аммо-лекин қайнона-қайноталарининг номига қуришяпти...

Чойхўрлар жимиб қолишади. Сабаби, прокурор ва мелиса ҳақида қаттиқроқ гап қилишга ҳеч кимнинг юраги бетламайди. Гап мавзуси яна Мирпўлатга қайтади.

– Қизиқ, ўзи ёлғиз сўққабош бўлса, бу ўн беш хонали дангиллама иморатнинг нима кераги бор экан?

– Уйланади-да, ҳали ёш. Дунёдан умиди бор унинг ҳам...

Айни шу дақиқаларда дунёдан умидвор Мирпўлат икки нафар шогирди билан чойхонага кириб келади. Чойхона аҳли бир зум мум тишлаб қолади:

– Хизрни йўқласак бўлар экан, – дейди ҳаммадан олдин Осимхон тилга кириб. – Келинг, Мирпўлатбой.

– Келдик, домла. Айтишларича, бу ерда ўтириб, нуқул бизни гийбат қилар эмишсизлар. Шунга бир ҳисоб-китоб қилай деб...

Осимхоннинг ранги ўчиб кетди.

– Йўғ-е, қанақа гийбат? Шунчаки, баъзида ҳавас билан тилга оламиз.

– Менинг нимагга ҳавас қиласиз, домла, мен бир ўғри бўлсам? – қаҳ-қаҳ уриб кулди Мирпўлат. Кейин қичқириб чойхоначини чақирди: – Ҳой, Адҳам бери кел!

Адҳам югуриб келди. Мирпўлат унга бир боғлам пул узатди.

– Мановини ол. Чойхонада ҳар якшанба куни ўн кишига ош дамлайсан. Манови гийбатчиларнинг томоғини мойлаб қўймасак бўлмайди. Бу пул йилнинг охиригача етади. Тугаса айтасан, яна бераман.

Кейин у Осимхонга ўтирилди:

– Шу ишимга нима дейсиз, домла? Мактабдалик пайтимизда бир шеър бўлгучи эди: «Яша, дейман, ўғлим», деган. Ўша шеърни айтасизми? Ёки... бизнинг ошни ейшдан ҳазар қиласизми?

– Йў-ўғ-е, нега ҳазар қилар эканман, Мирпўлатбой. Шеър айтиш керак бўлса, унияма айтaveraмиз.

– Яшанг, домла, сизга гап йўқ!

Мирпўлат чиқиб кетадию қурилишдан яна бирров хабар олиб, қизил 09 машинасига ўтириб, шаҳарга йўл олади. Қимматбаҳо «Тамға» ресторанида тушлик қилиб, кеч бўлгунча айланади. Кечки нонуштани «Клеопатра» номли тамадихонада қилиб, тун ярмигача хусусий бильярдхоналардан бирида бильярд ўйнайди. Анча-мунча пул ютиб олади. Чунки у бильярдни яхши ўйнайди.

Лекин милиция ёки бошқа ҳуқуқ идораларида ишловчи ошналари дуч келганда атай ютқазади. Катта-катта пулларни ютқазиб юборади. Баъзи кунлар у шаҳардаги эскидан таниш хуфя исловатхоналардан бирортасига қадам ранжида этади. Бундай жойларда уни ғоят хурсандчилик ва тавозе билан кутиб олишади. Истаган истаги дарров бажо келтирилади. Айрим кунлар эса хуфя қиморхоналардан бирига кириб, қимор ҳам ўйнаб туради. Қиморга унчалик ҳуши йўқ. Шунчаки, қиморбозлар орасида ошналари кўп. Улар билан учрашиб, суҳбатлашиб, турли масалалар юзасидан фикр алмашади.

Саҳарга яқин уйига келиб, икки-уч соат ухлайди. Соат саккизга қолмай ўрнидан туриб, ҳафсала билан бадантарбия қилади. Нонуштага бешта бедана тухумини қовурти-

риб, яримта патир нон билан туширади. Аччиқ чой ичади. Сўнгра яна усталар ишини назорат қилишга киришади. Унинг деярли ҳар кун шундай ўтади. Тўқ, тўкис, бир маромда кечаётган кунлар унга ёқади. Уч марта қамалиб, салкам қирқ йиллик умрининг қарийб учдан бирини панжара ортида ўтказгани учун тақдирнинг мукофоти, деб ҳисоблайди у бугунги ҳаловатли турмушини. Эрта-индин уйи битса, янада фаровон ҳамда завқли ҳаёт кечиражаги ҳақида ўй суради. Ошналари унга: «Кел, сен ҳам ошкора қонуний бизнес билан шуғуллан, бир-икки ресторан-кафе очиб берайлик», дейишганида кўнмаган.

– Ҳеч қанақа иш билан шуғулланишни ҳеч қанақа иш қилишни хоҳламайман, – дейди у. – «Нафақам»нинг ўзи етади.

Кичкинагина шаҳарчада уни деярли ҳамма танийди. Кимдир ҳавас, кимдир ҳасад, кимдир шубҳа билан қарайди. Давраларда Мирпўлат ўзини анчайин ўктам тутади. Тўйларда баковуллик қилмоқчи бўлади. Катта-катта тўяналар қилади. Номдор ашулачиларни ёллаб келишга ёрдамлашади. Чунки катта ҳофизлар ҳам унга «йўқ» дейишмайди.

– Мен энди ўғриликни ташлаганман, – дейди юз грамм отиб, қулфи-дили очилиб кетгач. – Менинг ўғрилик қилишимга ҳожат ҳам қолмаган. Теварақдагиларнинг ҳаммаси... ўғри бўлиб кетишган. Мен уқубатларим учун тайинланган нафақага кун кўраман. Нафақанинг миқдори, шукр, оз эмас. Бир оилани боқишга бемалол етади...

«Оила», деганда, табиийки, у яқин-орада қуришни мўлжаллаётган ўз оиласини назарда тутар, бу оиланинг бекаси ким бўлажани ҳам у аллақачон аниқ белгилаб қўйган, «бунга кимдир монелик қилиши ёки ўзи рози бўлмаслиги мумкин-ку», деган иштибоҳ мутлақо хаёлига келмасди. Эртага, Бекмуҳаммад билан бирга уйларига «тўғри кириб бораман-да, чол-камбирнинг олдига масалани кўндаланг қўяман, – деб ўйлади бугун шаҳардан қайтиш чоғида у ногаҳон. – Бўладиган ишни тезроқ бўлдириш керак. Чол-камбир рози бўлади. Бекмуҳаммад ер олиб фермерликни бошлаётган экан, беш-олти миллион сўм ёрдам кўрсатаман, десам «жон», дейди. Манови данғиллама иморатда шундай бир

дабдабали тўй қилайки, юз йиллаб одамларнинг эсидан чиқмайди деган бўлсин. Шерали, Юлдуз, Фуломжон, Озода, Озодбек, Гулсанам... ҳаммаси хизматда бўлади. Осимхон домла сингари оғзига кучи етмаганлар, «ҳарчанд дабдабали бўлмасин, ўғри билан фоҳишанинг тўйи-да», дейишлари мумкин, албатта. Аммо бундай одамларнинг ўзи нима-ю гапи нима? Олдига сергўштроқ суяк ташласанг, думини ликиллайтиб тураверади, оёғингга суйкалиб...

Шу тахлит Мирпўлат эртасига эрталаб Бекмуҳаммадни топиб «тайёргарлик кўр, кечқурун уйлариңгга ўтмоқчиман», деб огоҳлантирди.

– Бахайр, тинчликми? – сўради Бекмуҳаммад.

– Фермерлик гувоҳномасини олибсан, ювайлик-да энди, – деди Мирпўлат.

Бекмуҳаммад болалигидан дўстидан ўзини бир қадар четга олиб юрса-да, салом-алик, «ҳорма-бор бўл»ни тарк этган эмасди. Шу боис «хўп, борса борар», деб ўйлаб:

– Майли, ундай бўлса, – деди...

Кечга яқин Мирпўлат икки шогирдининг бирига битта қўйни етаклайтиб, иккинчисига бозорлиқ тўла халтани орқалатиб кириб борди. Қўй сўйишиб, қозон осиб юборилди. Зокир ота Бекмуҳаммад ва Мирпўлат қатнашган суҳбат пировардида Мирпўлат чайналиб ўтирмасдан мақсадга кўчди:

– Қизингиз Афифани... сўраб келдим. Нима дейсиз?

Зокир ота бир ерга қаради, бир Бекмуҳаммадга қаради. Бекмуҳаммад кўзини олиб қочди. Отанинг бу фавқулодда саволга жавоб беришдан ўзга чораси қолмади.

– Ўзи рози бўлса...

– Ўзи рози бўлмай қаёққа борарди, – кулимсиради Мирпўлат. – Ота рози – худо рози, дейишган.

– Ҳар қалай, сен ўзи билан гаплашиб кўр, – деди Бекмуҳаммад кутилмаганда тилга кириб.

– Ўзи биланми? Ўзи билан ҳам гаплашамиз, керак бўлса, – кўнди Мирпўлат. – Ҳозироқ гаплашамиз. Қани, чақир-чи...

– Эшмуҳаммад! Ҳой Эшмуҳаммад, опангни чақир, – деди овозини баландлайтиб Бекмуҳаммад. Бироз вақтдан сўнг Афифа кирди. Пойгакда ерга қараб ўтирди.

– Мирпўлат аканг... сени ўзига завжаликка сўраб кепти, қизим. Нима, дейсан? – деди ота.

Афифа бир зум ўйланиб турди. Кейини паст овозда:

– У киши... менинг... турмуш кўрганимни эшитган бўлсалар керак? – деб сўради.

– Ҳаммасидан хабарим бор. Афифа, сингил, ҳаммасини биламан. Менинг ўзим ҳам... анча қийинчиликларни бошдан кечирдим. Эшитгансиз. Келинг энди, икки ёрти – бир бутун бўлиб...

– Мен энди турмуш қурмайман, деб фермерлик ташвишини бошлаган эдик...

– Бу ишингиз яхши. Мен маъқуллайман. Истасангиз, фермерликни қилавурасиз. Истамасангиз, мана, акангиз, укангиз бор, юргизаверишади. Мен сизни... саёҳатларга олиб чиқай, дунёни кўрсатай...

– Икки-уч кун ўйлаб кўришга рухсат берсангиз... жавобини ўзингизга айтсам майлими?

– Майли-майли, – деди Мирпўлат «ҳа», деган жавобни олишга имони буткул комил бўлиб.

Афифа ўрнидан туриб, эшик томон йўналар экан, Мирпўлат томон бир нигоҳ ташлади. Бу нигоҳ Мирпўлатнинг бағрини ўтдай куйдирди. «Оҳ, ўзим ўйлаганимдан кўра ҳам сара жувон бўлибди, – деб ўйлади. – Юзларининг оппоқлиги, олмадай таранглигини қара, қоматининг чиройлилиги, ориқ ҳам эмас, семириб ҳам кетгани йўқ. Нақ момақаймоқнинг ўзигнаси...»

– Бўпти, мен турдим бўлмаса, – деди у кўп ўтмай. – Агар... иш пишса, катта тўй олдидан совчи юбориб, фотиҳа тўйи ўтказамиз, ҳаммаси рнсоладигидай бўлади.

Эртасига кечқурун Мирпўлатни Муқимхоновнинг ёрдамчиси учрашувга таклиф қилди. Тоғ қишлоқларидан биридаги хуфя ҳовлидаги учрашувда ёрдамчи унга қатъий талаб қўйди.

– Хўжайинга ҳар ой... улуш тўлаб туришингиз керак. Акс ҳолда туманни тарк этишингизга тўғри келади. Ҳа, айтган-

ча, кейин... анови... Зокир бобонинг қизига уйланмоқчи эмишсиз. Бу ишни ҳам бирон йил орқага суриб турасиз.

– Нима-нима? Сен нима деяпсан ўзи? – дея тутақиб кетди Мирпўлат. – Осдим ўша...

– Ўпкангизни босинг, – деди ёрдамчи. – Нима, сиз ҳокимият билан курашмоқчимисиз? Белингиз синиб кетмасин тагин!

– Кўрамиз, кимнинг бели синар экан, – деди Мирпўлат.

– Шунақами?

– Шунақа...

8

Зардарё туманига бугун вилоят ички ишлар бошқармаси бошлигининг ўринбосари, уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими бошлиғи Руслан Нусратов келди. Туман ички ишлар бошқармаси ходимлари билан йиғилиш ўтказгач, бошқарма бошлиғи ва Мўмин Шербоев билан алоҳида суҳбатлашди.

– Махсус хизмат ходимларидан олинган маълумотларга қараганда, «Амир» лақабли ўғри Мирпўлат Эшпўлатов яқинда туман раҳбари вазифасини бажарувчи Даврбек Муқимхонов билан тоғда учрашиб, зиёфатхўрлик қилишган. Муқимхонов билан тегишли идораларнинг ўзлари шуғулланишади. Топшириқ шундай: «Амир»нинг ҳар битта босган қадамини кузатишни ташкил қиласизлар.

– Хўп бўлади, ўртоқ полковник! – деди бошқарма бошлиғи. – Аммо-лекин кейинги пайтлар... «Амир»нинг хатти-ҳаракатларида ғайриқонуний белгилар кўринмаяпти. Данғиллама иморат қураётганига қараганда энди у қамалмоқчи эмас. Қолган умрини озодликда тинч, осойишта ўтказмоқчига ўхшайди. Туман раҳбарлари билан учрашиб юрган бўлса, демак, бирор қонуний тадбиркорлик билан шуғулланиш ниятида бўлса керак...

Нусратов Шербоевга маъноли қараб қўйди. Шербоев кўзини олиб қочди. Шунда Нусратов яна бошлиққа қараб, ўсмоқчилаб сўради:

– Ўзи қалай, «Амир»нинг теварагида қанақа гаплар бор? Унинг... уйланмоқчи бўлиб юрганини ҳам эшитдингизларми?

– Йў-ўқ, кимга уйланмоқчи экан?

– Оббо! Эшитмадингизми, барибир бизнинг ахборотчилар сизниқидан илдамроқ нишлар экан-да. «Амир» Аффифа Зокировага уйланмоқчи экан. Зокировани биласиз-ку...

– Кимга? – беихтиёр баланд овозда сўради Шербоев.

– Аффифахон Зокировага. Бундан чиқди, сиз ҳам беҳабарсиз, ўртоқ Шербоев. Уят! Бурнингизнинг тагида бўлаётган ишлардан хабарларингиз йўқ. Умуман... бу «Амир», деганлари эртами-кечми, бир балони бошлаб, ҳаммаларингизнинг каллангиз кетиши мумкин. Мамлакатимизда уюшган жиноятчиликка қарши кураш тобора кучайтирилмоқда. Юртимиз мустақилликка эришиб озод тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган бир шароитда жиноятчи унсурларга шафқат бўлиши мумкин эмас...

Туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи Нусратовнинг гапини бўлди:

– Агар собиқ жиноятчи жазони ўтаб чиққач, тузалиш йўлига тушган бўлса, қонуний тадбиркорлик билан шуғулланаётган бўлса-чи?

– Қанақа тадбиркорлик билан шуғулланаётган экан, ўша «Амир» билсак бўладими?

– Мен умуман айтяпман.

– Биз умуман эмас, аниқ бир факт ва муайян шахс ҳақида гапиришга одатланганмиз. Сиз ҳам шунга амал қилсангиз яхши бўлар эди. Энди «қаҳрамонимиз» «Амир» лақабли Мирпўлатга қайтадиган бўлсак, бу шахс ўзини одамлар кўзида «нафақадаги ўғри», деб атаб, яъни, ҳеч қанақа ғайриқонуний хатти-ҳаракат билан шуғулланаётган қилиб кўрсатиб, олаётган текин даромадни «тадбиркор дўстларнинг ҳомийлик ёрдами», дея изоҳлаб юрган бўлса-да, аслида сизларга қўшни Санглоқ тумани ҳудудидаги, шунингдек, вилоят марказида уя қурган жинорий гуруҳлар фаолиятига бевосита раҳбарликни амалга оширишда гумон қилинмоқда. Ўша гуруҳларнинг бири тижорат фирмаси ниқоби остида чегарага яқин туманлар ҳудудидаги фермер хўжалиқларининг ўғит, ёнилғи техникаларини ва

пахта хомашёсини ўғирлаб, баъзида қўрқитиш йўли билан арзон-гаров харид қилиб, баъзи ҳолларда тортиб олиб, қўшни давлатга ўтказиб сотиш билан шуғулланган. Яна бири бошқа бир қўшни давлатдан гиёҳванд моддалар сотиб олиб, чегарадан айланма йўллар орқали ўтказиб, Россия, Украина ва Европанинг бошқа мамлакатларига жўнатиб, катта миқдорда мўмай даромад олиб келган. Ҳозир иккала гуруҳ ҳам қўлга олинган, тергов давом этмоқда. Афсуски, қамоққа олинганлар ўзларининг асосий раҳбарларини, жумладан, «Амир» – Мирпўлатни ўз фаолиятларига алоқадор эмас, деб кўрсатма беришган. Шу йўл билан улар «Амир»ни қамоқдан асраб қолмоқчи бўлишяпти. Биз бундан чекинмаслигимиз керак. Ўртоқ Шербоев, сизга вилоятда бўлган мажлисда ҳам бу ҳақда жиддий гапирганмиз. «Амир»ни жиноят устида ушлаб, қамоққа тиқиш керак. Акс ҳолда у яна заҳри қотил гиёҳванд модда сотиб, қанча-қанча одамларнинг умрига зомин бўлади.

– Ушлаймиз, ўртоқ бошлиқ, – деди кутилмаганда Шербоев. У ҳамон боя эшитган фавқулодда хабар таъсирида ўзини игнанинг устида ўтиргандек ҳис қилаётган эди. Иложини топса-ю, Мирпўлатни ҳозироқ... қўлга олса.

– Қачон ушлайсиз?

– Тез орада. Менинг бир режам бор...

– Режани пишитинг. Операция олдидан мени албатта хабардор қиласиз. «Амир» – ниҳоятда пихини ёрган туллак. Яна... ишни хом қилиб қўйманг. Унгача... туну кун кузатув йўлга қўйилсин. Мутлақо махфий иш тутилиши лозим.

– Хотиржам бўлинг, ўртоқ бошлиқ. Аввал сиз билан маслаҳатлашиб, кейин ишга киришамиз.

– Унда сизга муваффақият тилайман.

– Хайр...

Шербоев кеч қоронғусида ишдан чиқиб, Афифага қўнғироқ қилди. «Сизга бир оғиз гапим бор. Агар малол келмаса тунов кунги қаҳвахонада учрашсак», деди. Афифа бироз иккиланиб тургач, рози бўлди. «Ярим соатдан кейин ўша ерда бўламан», деди. Мўмин машинада бориб, уни ҳовлиси ёнидан олмоқчи бўлди. «Йўқ, ўзим бораман», деди ва келган заҳоти гапни ўпка-гинадан бошлади:

– Ҳадеб учрашаверсак... одамлар нима дейди!

Мўмин гапнинг индаллосини айтиб қўя қолди:

– Ҳадеб учрашавермасдан... бир йўла турмуш қуриб қўя қолайлик бўлмаса.

– Турмуш... қуриш... шунчалик осонми? – деди Афифа нима дейишни билмай. Чунки Шербоевнинг таклифи унинг учун кутилмаган таклиф эди. Тунов кунги учрашув ва суҳбат чоғида у Мўминнинг кўнглидаги мойилликни сезган, бироқ: «Милиция ходими менга ҳеч қачон жиддий таклиф билдирмайди, шунчаки дилхушлик қилиш мақсадида айла-нишяпти», деб ўйлаган эди. Ҳозир эса тўсатдан айтилган гап уни... ёқимли саросимага солиб қўйди.

– Ўзингиз айтяпсиз-ку ҳадеб учрашаверсак одамлар гап қилади, деб. Шунинг учун дарров мақсадга кўчиб қўя қолдим, – деди Шербоев.

– Турмуш қуриш учун... ўртада меҳр-муҳаббат бўлиши керак эмасми? – Афифа қаҳва ичидаги қошиқчани ўйнаб, Шербоевнинг ўйчан кўзига разм солди.

– Бўлиши керак, – деди Шербоев. – Мен сизни биринчи марта учрашганимиздаёқ яхши кўриб қолганман. Сиз эса...

– Нима мен? – ўсмоқчилаб, кулимсираб сўради Афифа уни яна гапиртиргиси келиб.

– Сиз эса... анови жиноятчи ўғрига тегмоқчи эмишсиз.

– Вой, қаёқдан эшита қолдингиз? – кулди Афифа.

– Менинг қаерда ишлашимни эсдан чиқарманг. Маълумот етказиш хизматимиз яхши йўлга қўйилган.

– Ўша маълумот хизматингиз... ноаниқ, ёмон ишларкан, акс ҳолда мен ҳали ўша одамга тегишга розилик бермаганимни хабар қилган бўларди.

– Демак... ҳали рози бўлмагансиз. Менга эса... розилик берарсиз? Ахир...

– Нима ахир? «Мен ҳар ҳолда жиноятчи эмасман», демоқчимисиз? Ўша одам агар жиноятчи бўлса... нега қамоқда эмас, озодликда юрибди?

– Жиноятини фош этиб, бўйнига қўйишга улгурганимиз йўқ.

– Сиз фош этиб улгургунингизгача у менга уйланиб улгурса-чи?

– Нега унақа деяпсиз?

– Чунки... ўша одам оиламизга яқин киши. Акамнинг мактабдош ўртоғи. Отамнинг кўнглидан чиққан. Хуллас, уйдагилар менга «Ҳошою кало ўшанга тегасан», деб туришибди.

– Ўзингиз-чи? Ўзингиз нима дейсиз?

– Ўзим нима дердим? Менга энди... очиги барибир... Ҳаётда айтарли бир мақсадим, орзу-умидим қолмаган...

– Унақа деманг. Ҳозиргина севги-муҳаббат ҳақида гапирдингиз... Мен... мен сизни қаттиқ севиб қолганман. Худди... худди марҳума хотинимнинг ўзисиз. Уни қандай севган бўлсам, сизни ҳам ўшандай, балки ундан ҳам кучлироқ севман. Келинг, турмуш қуриб, бола тарбиялайлик, яна янги фарзандлар кўрайлик. Ахир ҳаётда аёл киши учун энг улуғ орзу-мақсад – она бўлиш, фарзанд тарбиялаш эмасми?

– Мирпўлат акага «йўқ», десам у... хуллас, акамнинг айтишича, ўша одамга агар тегмасам ўлдириб кетиши ҳам мумкин экан.

– Бекорларнинг бештасини айтибди акангиз. Нима, шаҳар бедарвоза эканми? Қани... битта кипригингизни узиб кўрсин-чи мен нима қилар эканман уни. Ўзи тез орада... келган жойига қайтиб кетадиган бўлиб юрибди-ю.

– Сиз мени ундан ҳимоя қила оласизми?

– Албатта. Кўнглингиз тўқ бўлсин. Агар менга розилик берсангиз, у яқинингизга ҳам келолмайди. Милиция ходимига, унинг рафиқасига... қасд қилиш... давлатга, ҳокимиятга қарши боришдек гап. Мирпўлат буни билади.

– Агар сизга... рози бўлсам... аччиқланган пайтларингиз менинг ўтмишимни юзимга солмайсизми? Одамлар... юзингизга солса... изза бўлиб, аламингизни мендан олмайсизми? Шуларни ўйлаб кўринг...

– Ўйлаб кўрганман, Афифа. Менинг муҳаббатим... олдида одамларнинг гап-сўзи, ўтган савдолар бир чақага арзимамайди.

– Илтимос, яна бир ўйлаб кўринг. Мен ҳақимда... яна суриштиринг, хўпми? Мен ҳам яна бир ўйлаб кўрай.

– Майли. Афифа, қачон жавобини айтасиз? Қачон кўришамиз?

– Янаги ҳафта...

Шербоев Афифани маҳалласи бошланадиган жойда машинадан тушириб, уйга йўл олди. Кайфияти чоғ. «Менимча рози. Сал-пал ноз қилиб турибди. Буни тушунса бўлади. Ҳар қалай, Мирпўлатга рад жавобини беради энди. Рад жавобини бермаганда ҳам... вақтдан ютиш керак. Бу орада Мўмин Мирпўлатни жиноят устида қўлга олишга улгуриши шарт. Агар унинг тоғдаги хуфя қароргоҳини топса, ушлаш осон бўлади. Қўшни давлатдан қорадори олиб ўтувчилар тоғ йўллари орқали ҳаракатланади. Демак, «Амир»нинг тоғдаги чорбоғини улар «уя» қилиб олишган бўлишлари керак. Аммо... қизиқ, Даврбек Муқимхонов у ёқларда нима қилиб юрибди? Наҳотки, бу катта амалдор ҳам жиноятчиларга шерик бўлса?..

Дарвоқе, Муқимхонов ва Афифа... Афифани тунов куни Муқимхонов қабулхонасида учратганида уларнинг аввалги муносабатлари ҳақидаги гаплар хотирасига тушиб дастлаб бир қадар ғазабланади. «Яна ўша одамдан паноҳ излаб келибди-да», дея ғаши келган, Афифа билан суҳбатлашгач, ана шу ғашлиги тарқалиб тинчланган эди. Аслида Мўмин илгари эшитган гапларига қараб, Афифанинг Муқимхоновга муносабати салбий, деб ҳисоблар эди. Ҳамюрти, прокуратура терговчиси Арслон Ҳакимов унга Афифа ва Муқимхонов муносабатларини қисқача қилиб айтиб берган: «Муқимхонов Афифани Шаҳархоним номли енгилтабиатроқ хола синикида учратади. Уйланаман, дея алдаб, йўлдан уради. Кейин номардлик қилиб ташлаб кетади. Журналист Субут Сокин Афифани холасиникидан олиб кетиб, уйланади. Кейин у қамалиб қолади. Афифа ўз номусини қурбон қилиш эвазига Субутни қамоқдан қутқармоқчи бўлади. Субут қамоқдан чиқиши арафасида Афифа хорижга қочиб кетади. Қайтиб келгач, улар ажралишади...

Мўмин эртага шаҳарга тушганда Субут Сокинни топиб, бир суҳбатлашсаммикан, Афифа билан ажралиб кетишларининг сабабини сўрасаммикан, деган хаёлга борди. Ноқулай бўлмасмикан? Нима ноқулайлиги бор? Буни, ахир, умр савдоси, деб қўйибди. Сўраганининг айби йўқ. Қолаверса, Афифанинг ўзи, «яна ўйланг, суриштириб кўринг», деди.

Афтидан у Мўмин ўзи ҳақида ҳамма нарсани, ипидан-игнасигача билишини истайди. Афифа – ақлли аёл. Оралиқда ҳеч қанақа англашилмовчилик, савол-жавоб, шубҳа-гумонга ўрин қолмасин, демоқчи. Ҳамонки шундай экан, Субут билан учрашиши зарур...

* * *

Шаҳарга тушиб ишларини битказгач, кечқурун Арслон Ҳакимовга қўнғироқ қилиб, Субут Сокинни топишга ёрдамлашишини сўради.

– Субут Сокин-чи, у киши ҳозир шундай кучайиб кетган, – деди Арслон. – Катта бир хорижий компаниянинг бош директори. Бу атрофлардан топиш қийин-ов...

– Ўҳ-ў, шунақами? Менга уни... оддий бир мухбир де-йишганди-ку!

– Омади келди-да. Субут ака тижорат оламининг наҳангларидан бири бўлмиш маълум ва машҳур Мирмаъди Саъдиев ҳамда у кишининг қизлари Фариза Мирмаъдиевна билан шерикликда ишлаб, юксак натижаларга эришмоқда. Улар шу йилнинг ўрталарида германияликлар билан қўшма корхона очишган эди. Яқинда эшитсам... қўшма корхонани компанияга айлантиришибди.

– Ҳар қалай ўша одамни бир кўришим керак.

– Тинчликми? Дарвоқе, Муқимхонов жаноблари сизнинг туманда ҳоким вазифасини бажарётган экан. Ишлари зўрми?

– Зўр, – деди Мўмин. – Хўш, Субут Сокинни қандай топамиз?

– Уни компания идорасидан топишингиз мушкул. Яхши-си.. Ҳозир соат неччи бўлди, олтидан йигирмата ўтибди, демак, яна бир-икки соатлардан сўнг Сайхон мавзесидаги ҳовлисига борсангиз бўлади. Манзили – Сайхон, Истироҳат кўчаси, 15-уй. Топа оласизми?

– Топаман, раҳмат, – деди Мўмин ва дарҳол бир машинани кира қилиб Сайхонга жўнади. Ярим соат, қирқ дақиқа деганда етиб боришди. Истироҳат кўчасидаги кўриниши-

дан анчайин салобатли ва бежирим ҳовлини қийналмай топди. Қоронғу тушган, қишнинг илк кунлари бўлгани боис ҳаво унчалик совуқ эмас. Оқ дарвоза тепасида мўъжаз чироқ ёниб турибди. Мўмин қўнғироқни босди. Бир неча дақиқадан сўнг эшикни кексароқ рус аёли очди. Ўзбекча гапирди. Мўмин ўзини Субутнинг эски таниши, деб таништириб, мақсадини тушунтирди.

– У киши ҳозир қўнғироқ қилдилар, ўн беш-йигирма дақиқада келиб қолишади, – деди аёл. – Ичкарига кириб турунг.

Мўмин киракашга жавоб бериб ичкарига кирди. Ҳовли кенг-мўл, иморат дид билан оқ пишиқ гиштдан қурилибди. Кирган жойда шинам меҳмонхона. Чиройли безалган. Юмшоқ ва ўта қулай ўриндиқлар. Улкан телевизор. Деворда сурат ва расмлар.

– Ўтириб турунг, мен ҳозир чой олиб келаман...

Аёл чой олиб келишга улгурмай Субут Сокин кирди. Ҳайрон бўлди. Ортида юрган аёлга норози қиёфада қаради. Мўмин «дик» этиб ўрнидан турди:

– Субут ака, у кишини уришманг, мен сизнинг эски кадрдонингизман, деб айтдим. Чиндан ҳам сизни анча йиллардан бери биламан. Милиция майори Мўмин Шербоевман, Зардарё туманидан. Бекат шаҳарчасида учрашганмиз, агар эсингизда бўлса.

Субут эслади. Афифанинг «ёниб кул бўлиши», Бекат шаҳарчасига дафн этилиши билан боғлиқ воқеалар чоғида ёшроқ бир милиция капитани билан суҳбатлашганди. Ўшанда капитан Бекатда эмас, шаҳарда ишларди, шекилли. Зардарёга кетибди-да.

– Зардарёда ишляапсизми? – деди у бирдан қизиқсиниб. Чамаси эсига Афифа тушди.

– Ҳа, – деди Шербоев. – Шаҳардан ўша ёққа ишга борганман.

– Яхши, қани, ўтирайлик, – деди Субут. Ўтиришди Субут чой қуйиб узатди. Сўнгра савол назари билан қаради.

– Мен хизмат юзасидан эмас, нозик бир шахсий масалада келувдим, Субут ака, – деди Мўмин сал ўнғайсизланиб. –

Агар... нотўғри тушунмасангиз... Сиздан Афилахон ҳақида сўрамоқчи эдим...

– Марҳамат, сўранг, нега энди нотўғри тушунар эканман. Сўраганнинг айби йўқ.

– Мен... Мен Афилахонга уйланиш ниятида юрибман. Сизлар... ажралиб кетгансизлар. Агар малол келмаса, сир бўлмаса, шунинг сабабини менга айтсангиз. Эркак киши сифатида мени тушунарсиз, деб ўйлайман. Яна... бу миршаблигига бориб, суриштирув, сўроқ қилипти, деб ўйламанг.

– Сизни тўғри тушундим, Мўмин ака, албатта, сўраб-суриштирганингиз, оладиган аёлингизнинг аввалги турмуши ҳақида мукамал тасаввурга эга бўлганингиз яхши. Шу нуқтаи назардан сизга ростини айтаман. Афила – бебаҳо аёл. Фақат уни алдашган. Бир эмас, икки марта алдашган. Мен биринчи алдовдан кейин тақдир унга энди бошқа зарба бермас, деб ўйлаган эдим. На иложки, у иккинчи марта ҳам алданди. Минг афсус, мен ўшанинг олдини ололмадим, ўшанга қарши туролмадим. Ана шунинг учун бундан буён у билан яшай олмаслигимни тушуниб етдим. Ажралиб кетишимизнинг асосий ва ягона сабаби – шу. Сиздан илтимосим шуки, унинг учинчи марта алданишига йўл қўймайманг. Шунга қурбанингиз, куч-қудратингиз етадимми? Яна уни... ҳимоясиз, чорасиз, замона зўрлари қаршисида ожиз ва нотавон қилиб қўймайсизми? Шу ҳақда ўйлаб кўринг. Шунга имонингиз комил бўлса, кейин... қарор қилинг. Акс ҳолда... сиз ҳам мендек аламли хатога йўл қўйиб, бир умр армон қилиб юрасиз. Сизнинг армонингиз афсус ва надоматингиз, майли, ўз йўлига. Энг ёмони – сизга ўз тақдирини ишониб топширган аёлини абгор, хору зор этиб, бунинг шармандалигидан, бунинг касридан... Узр, ҳаяжонланиб кетдим.

– Демак... ажралиш ташаббускори сиз бўлгансиз. Бунга сабаб – Афилага муносиб турмуш, бахт-саодат беролмадим, деган фикрга келгансиз. Аммо-лекин... Билишимча... Ҳозир манаман, деб юрганлардар биттаси сиз-ку...

– Тақдирнинг шунақа ўйинлари бўлади. Мен Афила билан бўлганимда ундан бошқа ҳеч вақоим йўқ эди. Энди ҳамма нарсам бор-у фақат... у йўқ.

– Бундан чиқди... уни ҳалиям яхши кўрар экансиз-да?
– Бу ноўрин савол бўлди, ўртоқ терговчи, – деди Субут кулимсираб.

– Кечирасиз, – узр сўради Мўмин.

Суҳбат яна анча давом этди. Мўмин ярим тунда вилоят милиция бошқармасидаги ўртоқларига қўнғироқ қилиб, машина юборишларини сўради.

– Сизга катта раҳмат, очиқ ва самимий гапларингиз учун, – деди хайрлашаётиб Субутга. – Ишонинг, Аффанинг кипригига гард қўнмайди.

– Бунга ишонч ҳосил қилишни жуда-жуда истар эдим, – астойдил сўзлади Субут.

– Хайр, – деди Мўмин.

– Яхши боринг, – хайрлашди Субут. – Ҳа, дарвоқе, яқин кунларда туманингизга йўлим тушиб қолиши мумкин. Каттакон бир тўқимачилик корхонаси учун қулай жой, имкони бўлса тайёр бино қидиряпмиз.

– Жуда яхши бўлади. Келинг, кутамиз. Қўлдан келган ёрдамни аямаймиз.

– Раҳмат, – деди Субут. – Борсам, сизни қидириб топаман.

– Кўришгунча, – қўл чўзди Мўмин.

9

Баҳор. Зардарё йўллари исмалоқ ва ялпизга тўлди.

Афифа далада юрибди. Икки ўт орасида қийналади. Мўминга «ҳа» деб, Мирпўлатга «йўқ» деб қатъий айтишга юраги бетламайди. Кеча акаси масалани кўндаланг қўйди.

– Сингилжон, мени ака, десанг, Мирпўлатнинг шаштини қайтарма, бир томони, оиламизга барака киради. Иккинчидан, ҳаётда адашган бир инсонни тўғри йўлга солиб, савобга қоласан. Мирпўлат баракали йигит экан. Ўшанинг ёрдами билан ерларимизни кузда уч кунда ҳайдаб, бугдойимизни экиб олдик. Мана ҳозир чигит экишда ҳам учта тракторни ёрдамга юборман, дебди. Эртага келаркан, ерни пешма-пеш ҳайдаб, тароналаб, чигитни сифатли экяпмиз. Мирпўлатнинг дасти узун. У қўллаб турса, сувдан, ўғитдан, ёнил-

ғидан ҳам қийналмаймиз. Акс ҳолда қулоқнинг охири бўлганимиз учун ғўзани суғориш пайтларида муаммоларга дуч келишимиз мумкин. Умуман, Мирпўлат: «агар оилаларингизга қўшилсам, ер устига ер олиб, фермер хўжалигини улкан агрофирмага айлантирамиз, боғ олиб, унинг ёнида консерва заводи куриб, чорва боқиб, унинг ёнида сут-ёғ заводи қиламиз», деяпти.

Афифа индамади. Бу гапларни Мирпўлат унинг ўзига ҳам бир неча марта тўлиб-тошиб гапирган.

– Барча нарсга пулни қаердан оласиз? – сўраганди Афифа.

– Пулдан ғам еманг. Пулим бор, – дедн Мирпўлат гердайиб – Истасам... шаҳарчанинг ярмисини сотиб олишим мумкин.

– Ниманинг ҳисобига, ахир? – деди энсаси қотиб Афифа. – Ҳеч жойда ишламасангиз, фирма, дўкон ёки ошхонангиз бўлмаса. Одамларга... нима, деб изоҳ берамиз?

– Сиз одамларни қўяверинг. Одамларга мен «тилло топганман», деб айтганман.

– Аслида-чи... Аслида... ҳалиям машина ўғирлаб, кейин унинг шўрлик эгасидан нархининг тўқсон фоизини «суюнчи», деб олиб... ножоиз ишлар билан шуғулланиб юрибсизми?

– У ишлар ўтган асрда қолиб кетган, Афифа, эски гапларни қўзғаб нима қиласиз. Ўшанда ҳам... биз ҳалол пулга олинган машиналарни эмас, халқнинг насибасини туя қилиб, ҳаром даромад билан кун кўрувчи нопок кимсаларнинг машиналарини ўғирлаганмиз. «Автомобилдан сақланинг» номли кинонинг қаҳрамони эсингиздами? Кўргансиз-ку, ўша кинони.

– Кўрганман. Аммо-лекин... Майли, ўтган ишга саловат бўлса... Ҳозир ниманинг эвазига яшайсиз? Ахир бирон жойда ишласангиз, тадбиркорлик билан шуғуллансангиз бўлмай-дими? Аввалги «касб»ингизни ташлаганингизини нима биландир исбот қилишингиз керак-ку. Акс ҳолда номингиз... ўғри бўлиб қолаверади.

– Афифа, «ўғри» деган ном шунчалик қўрқинчлими? Шунчалик... ор қиладиган, номус қиладиган номли?

– Сиз нима деб ўйловдингиз? Ўғри бўлганингиз билан фахрланиб юрибсизми?

– Фахрланганим йўқ. Лекин уялиб, орланиб ҳам юрганним йўқ. Ўғрилик ҳам касб. Тақиқланган бўлса ҳам. Бошқа касблардан фарқи шуки... Қўлга тушсанг – қамаласан. Қамоқда қилган айбингни ювасан. Жазо дегани – айбни ювиш, дегани. Мен қилган айбларимнинг ҳаммасини ювиб чиққанман. Шунинг учун ҳеч кимдан уяладиган, қўрқадиган жойим йўқ. Ҳозир ёки бундан буёғи ҳам ўғирлик қилиб қамалсам, айбимни яна ювишга тайёрман. Аммо-лекин теварақда.. номи, касби ўғри бўлмасдан туриб ёки, аниқроғи, катта амалдор, қонун ҳимоячиси, деган номларни кўтариб юриб, аслида туну кун ўғрилик билан шуғулланаётган халқни шилаётган, нонини туя қилиб, яна ҳеч нарса кўрмагандек оқ кўйлак кийиб, бўйинбоғ тақиб юрганларга нима дейсиз? Қонуний фермер бўлганига қарамай, акангиз, менинг дўстим Бекмуҳаммад ер олиш учун қанча пора берганини билмайманми? Ёки... болани ўқишга, беморни касалхонага жойлаш, бирор юқори мансабга ўтириш... Хуллас, ҳар қандай ишни бажариш учун олинадиган ришвату пораларга нима дейсиз? Аслида улар уялишлари, улар ерга қараб юришлари, бўйинларига бўйинбоғ эмас, занжир тақиб юришлари керак эмасми? Яна такрорлаб айтаман. Мен ўғриман, бунинг учун ҳеч қачон уялган, орланган эмасман. Чунки ҳаромхўр, порахўр, нопок кимсаларнинг моли-мулкани ўғирладим. Ўзим ҳам едим, бева-бечорага ҳам улашдим. Шундай бўлса ҳам ишим қонунга зидлиги бовис ўтириб ҳам келдим. Энди ўзингиз айтинг-чи, менга қанақа эътироз билдириш мумкин?

Мирпўлатнинг ҳаяжони кучайди. Бир зум ўйланиб тургач, хаёлига келган бир гапни юмшоқроқ қилиб бўлса-да айтиб юборди:

– Ўша... сизни алдаган, номусингизни ўғирлаган, аниқроғи, сурбетларча тортиб олган, яна ҳеч гап бўлмагандай сувнинг юзида қалқиб, мудом давлат идораларига суқилиб, катта лавозимларда ишлаб юрган кимсанинг асли кимлигини биласизми? Пора деса, мўмайроқ пул деса, туққан онасини сотиб юборадиган аблаҳ-ку! Ўшанақа кимсаларнинг молини ўғирлаган бўлсам, мен нега уялишим керак? Унинг ҳозир мен билан яқинлашишга, менинг «даромадим»га ҳам

шерик бўлишга ҳаракат қилаётганини айтсам, тепа сочингиз тикка бўлиб кетади...

– Мирпўлат ака, – деди Афифа бир неча лаҳзалик сукутдан сўнг. – Чамаси... бизлар бир-биримизни тушунишимиз учун бунақа мунозаралардан бир қанчасини ўтказишимизга тўғри келса керак. Келинг, шошилмайлик. Шунча кутган одам яна бир-икки ой кутолмайдимиз?

– Мен-ку, қанча бўлса кутишга тайёрман. Лекин... эшитишимча, сизга... ўша падарқусур Муқимхонов яна гап ташлабди. Кейин... мелиса «ошнамитиз» Мўминқул Шербоев ҳам харидор бўлиб юрганмиш... Бирортаси чаққонлик қилиб, илиб кетмасин, дейман-да!

– Хотиржам бўлинг. Мен ҳам энди... осонликча алданмайман. Фақат... фақат сиз менга муҳлат беринг... боя ўзингиз бир гапни айтдингиз. Ўғри бўлсам ҳам ҳеч кимдан улиб, қўрқиб юрмайман, дедингиз. Албатта, ана шундай ишонч, журъат ҳам сизда бирдан пайдо бўлмаган. Мен ҳам ўзимни худди сиздай журъатли ҳис этишим учун маълум бир вақт керак.

– Майли, қанча муҳлат зарур бўлса, шунча олинг. Фақат бир нарсани ҳозирдан билиб қўйишингизни истар эдим: сиз билан мен Муқимхонов ва Шербоевлар даврасининг одами эмасмиз. Бизнинг даврамиз ҳам, дунёмиз ҳам бошқа. Биз ҳарчанд уларга бағримизни очмайлик, улар бизни одам ўрнида кўрмайдилар. Бизга фойдаланиш мумкин бўлган буюм каби қарайдилар. Умрбод мени жиноятчи, сизни бузуқ аёл, деб ҳисоблашади. Аслида... мен ва сиз ҳаётимиз, тақдиримиз, қилмишимиз ойнадай равшан бўлган шаффоф ва тоза одамлармиз. Улар эса... тили бошқаю дили бошқа, номи, касби бошқаю қилиб юрган иши бошқа иккиюзламачи, уч юзламачи, турган турмуши сохтагарлик, алдов, хиёнат, сотқинлик, бузуқликдан иборат ҳаром-хариш кимсалар...

Шунинг учун бизу сиз, майли, қанча керак бўлса, шунча мунозара қилайлигу... аммо охир-оқибат бирга бўлайлик. Халқ ҳам билиб айтиб қўйибди: тенг-тенги билан, тезак қопи билан, деб. Ўша айтилган тезак мен, қопи сизсиз, азизам. Шунинг эсдан чиқарманг...

Бу гаплар Аффани узун тунлар ухламай ўйлаб чиқишга мажбур этди. Назарида бу сўзларда аччиқ ҳақиқат бор эди. Чиндан ҳам милиция ходими билан... унинг юлдузи тўғри келиши мумкинми? «Енгилтак бир аёлга уйланиб олган», деб ўртоқлари изза қилмайдими уни? Ўшанда боши эгилмайдими? Пушаймон қилмайдими Мўмин?

Мирпўлат билан бўлган мунозарадан сўнг икки кун ўтгач, Мўмин билан учрашди. Яна ўша қаҳвахонада.

– Муҳаббатим ҳақиқий ва мустаҳкам эканига кундан-кун аниқроқ ишонч ҳосил қилиб боряпман, – деди Мўмин. – Худди ёш йигитчадек бўлиб қолдим. Туну кун сизни ўйлайман. Илтимос, севгимни рад қилманг. Сизга эришиш учун ҳар қандай шартни бажаришга тайёрман.

Аффифа мийиғида жилмайди. Ёдига Мирпўлатнинг: «улар бошқа дунё одамлари», деган гапи келди.

– Ҳар қандай шартни... бажарасизми? – деб сўради қувлик билан.

– Ҳар қандай!

– Мелисадан кетинг, десам... кетоласизми?

– Мелисаданми?.. Мелисадан... кетишим мумкин.

– Ўғрилиқ қила оласизми, мен учун?

– Ўғрилиқми?.. Ўғрилиқ... қилолмасам керак.

– Ана, кўрдингизми, сиз бўлсангиз, «ҳар қанақа шартни бажараман», дейсиз.

– Сиз унақа... жиноий шарт қўйманг-да! Ундан кўра, «ўзингни томдан ташла», деганингиз авлороқ.

– Томдан ташлайсизми, ишқилиб? Жонингизни увол қилишдан қўрқмайсизми?

– Қўрқмайман. Фақат... етимчаларингизга она бўламан, деб қатъий ваъда берсангиз бас...

Аффифа ногаҳон бир нарсани сезди. Сезди-ю қўрқиб кетди. Ишонгиси келмади. Наҳотки, ахир бунақа бўлиши мумкин эмас-ку, деб ўйлади. Кўнглидан хафа бўлди. Ҳатто: «Ўзи табиатан енгилтак, бузуқ аёл эканман, шекилли», деган оғир хаёлга ҳам борди. Сабаби: қўтир кўнгли на Мирпўлатга, на Мўминга аниқ-равшан ва қатъий рад жавоби беришни истамас, ҳар иккиси нимаси биландир маъқул келар, «барин-

бир бирини танлаши керак-ку, хўш, қайси бирига кўнай, деган саволга жавоб беролмас эди. Бошида у: «Мирпўлат акамга кўнглим йўқ-у қатъиян рад жавобини беришга Бекмуҳаммад акамнинг юзидан ўтолмаяпман», деб ўйлаб юрди. Чунки уч марта қамалиб чиққан, ҳайбатидан от ҳуркадиган бу одам билан бирга яшашни тасаввурига ҳам снғдиrol-масди. Айни пайтда гоҳ-гоҳида энди бўйи ета бошлаган кезларини эслаб, ўзини маҳлиё этган алп қоматли ўспирин Мирпўлатни кўз олдига келтирар, унга болаларча соддалик билан ёзган ишқий мактубини хотирлар ва беихтиёр кўксиди илиқ бир энтикиш уйғонар, Мирпўлатнинг ҳозирги қиёфасини кўз ўнгиди гавдалантириб: «Деярли ўзгармаган, ҳалиям суқсурдай йигит-ку», деган саркаш мулоҳазага берилар, ҳаммасидан ҳам унинг шунча йиллардан бери уйланмай, ўзини унга, яъни, Афифага атаб, асраб юргани ҳақидаги ярим ҳазил, ярим чин гапи қулоқлари остиди такрор жаранглагандек нашъа қилар ва ўзи ҳам сезмаган ҳолди: «Хўш, нима бўпти, қамалиб чиққан битта у эмас-ку, «ўғри» деган номи бўлса бордир. «Майсаранинг иши» киносидидаги қайсидир қаҳрамон айтганидек, ҳозир бу дунёда ҳамма ўғри бўлиб кетган-ку, дея пичирлаб юборарди.

Мўмин Шербоев ҳақида ўйлаган кезларди вужудида бошқача бир туйғу жилваланар, яъни, ўзини тўқ, ҳар жиҳатдан тўкис, тинч ва осойишта турмуш бағриди тасаввур қилар, «милиция майорининг рафиқаси бўлиш... ҳазилакам обрў эмас», деб ўйларди. Чунки ўзи яшаётган муҳит учун мелиса дегани ҳар томонлама қудратли, қўлини қайга узатса етадиган, ҳақ-ҳуқуқи чегарасиз бир куч эканини, ҳокимият ҳисобланишини у яхши тушунар эди: «Мўмин акага тегсам ўзим ҳам, оиламизнинг аъзолари ҳам қонун эгасининг ҳифзу ҳимоясида бўламиз, ҳеч ким зуғум қилолмайди, фермер хўжалигимизнинг ишлари ҳам яхши юришади...»

Узоқдан икки трактор қораси кўринди. Овози тобора яқинроқ эшитила бошлади. «Мирпўлат ака юборган тракторлар, шекилли», деб ўйлади Афифа. Нарироқди ёлғиз трактор билан мола босаётган акаси ҳам тракторларни кўрди. Тўхтаб, трактордан тушди. Ортидан укаси келди.

– Ана, келишди, – деди қувониб. – Энди ишимиз тезлашади. Бугун анча жойга экиб оламиз.

Чиндан ҳам учта трактор бирваракай ишга киришгач, иш қизиб кетди. Бир маҳал зулукдай қоп-қора, ярқираган машинада Мирпўлатнинг ўзи ҳам пайдо бўлди.

Ёнидаги икки навкарига:

– Боринглар, сизлар манови егуликларни дарахт соясига қўйиб, экувчиларга ёрдамлашинглар, – деб буюрди. Кейин ўзи бир-бир босиб Аффанинг ёнига келди.

– Ҳорманг, фермер опа, – деди кулимсираб.

– Саломат бўлинг, – жавоб берди Аффифа.

– Қалай, биз юборган тракторлар ишини ундиряптими?

– Ҳа, жудаям вақтида келишди раҳмат сизга, – деди Аффифа.

– Ўртоқлардан илтимос қилиб, тўрт кунга олдим. Менимча, бугун-эрта қаттиқ ишланса, индинга битказишади.

– Ҳа, насиб этса, индин тугаллашмоқчи.

– Ўзи... шу икки тракторни... қайтариб юбормасдан... сотиб олиб қўяқолсак ҳам бўларди, – деди Мирпўлат Аффифага синовчан тикилиб. – Пулини аста-секин узардик.

– Ўҳ-ҳў, бизлар ҳали... иккита тракторнинг пулини узардиган қувватга эга эмасмиз, – деди Аффифа.

– Мана, мен борман-ку, Аффифа, агар...

Аффифа унинг нима демоқчилигини дарҳол тушунди. Гапни бошқа ўзанга бурди.

– Бироз шошмай турайлик. Ақалли ғалласининг ҳосилини кўриб, бир қарорга келамиз.

– Шунақами? Демак... буғдой пишиғи... июн ойи десак, яна икки-уч ой кутарканмиз-да. Майли, нима ҳам дердик. Унгача... ҳовлининг кам-кўстини битказармиз...

– Ҳовлингизни... Янги йил арафасидаёқ, дегандингиз-ку.

– Битишга-ку битган, аммо-лекин бу кўнгил қурғур янги-янги нарсалар тусар экан-да. Яқинда усти ёпиқ сувини исталган ҳароратда сақлаш мумкин бўлган қишки чўмилиш ҳавзаси қуриб битказдик. Энди... ойна остида бир қишки боғ яратмоқчиман. Токи айни қаҳратонда ҳам гуллар яшнаб, очилиб турсин. Бир қисмига хурмо, лимон, апельсин ва мандарин эктираман.

– Ўҳ-ҳў, зўр-ку. Нақ жаннатнинг ўзи бўларкан-да.

– Ҳа, худди айтганингиздек бўлади. Аввали ҳозирнинг ўзидаёқ ҳавас қилса арзийдиган бўлган. Сиз... бир ўтиб, томоша қилмадингиз-да. Шунча таклиф қиляпману сира унамаяпсиз. Эҳтимол, бугун...

– Битаверсин-чи, бир йўла... кўрамиз.

– Шунақами? Ҳе-ҳе, манови гапингизнинг маъноси билан мени хурсанд қилдингиз. Демак, ҳаммаси битса, бир йўла кўрамиз. Унақада... ёзга қолмай битказиб ташлаймиз. Майлими?

– Битказаверинг-чи, – деди яна Афифа.

– Майли, сиз нима, десангиз шу, – хўрсиниб қўйди Мирпўлат.

Экувчилар тушликка чиқишгач, Мирпўлат ва шериклари кетишди.

– Шунисигаям раҳмат, – деди Бекмуҳаммад. – Буёғини ўзимиз эплаймиз...

Эртасига чошгоҳга яқин дала четида уч-тўртта машина пайдо бўлди. Улардан жами ўн чоғли одам тушди. Афифа бугун эғнида коржома, оёғига этик кийиб, сеялкачи ёнида ншлаётган эди. Қўлини соябон қилиб қаради. Ёшроқ бир йигит тўдадан ажралиб далага, тракторларга қараб югурди. Афифа тракторчи «тўхта» ишорасини қилди. Трактор тўхтагач, сеялка устидан тушиб, йигитга пешвоз чиқди.

– Туман раҳбарлари текширишга келишди, – хабар қилди йигит ҳовлиқиб. – Тезроқ юринг. Дарвбек Муқимхоновнинг ўзлариям келган.

– Майли, юринг бўлмасам, – деди Афифа эғнидаги кўримсиз коржомасига бир қур назар ташлар экан. Бошидаги оқ дуррасини ечиб, қайта боғлади.

Яқинлашган чоғида юраги гупиллаб урди, ҳаяжонланди. Муқимхонов бошига оқ соябонли қалпоқ кийган, эғнида одмироқ матодан костюм-шим, оёғида пишиқ матодан ёзги этик, кўзида қора кўзойнак.

– Ҳорманг-ҳорманг, фермер опа, – дея ясама табассум билан қарши олди у Аффани. – Қалай, экишни яқунладингизми?

– Ассалому алайкум, – деди Афифа, – насиб қилса эрта кечгача, бўлмасам индин тугаллаймиз.

– Шошилиш керак, опа, шошилиш керак! Сизга қўшни бўлган фермерларнинг аксарияти аллақачон битказиб қўйди. Доно халқимиз бежиз айтмаган: бир кун эрта эккан ўн кун олдин хирмон қилади, деб. Хўш, сифат қалай бўляпти? Гектарига қанчадан уруғ сецияпти, чигит қанча чуқурликка ташланмоқда, агротехника қондаларига қатъий риоя этиляптими?

– Ҳа, – деди сал четроқда турган туман фермерлар уюшмаси раҳбари. – Экин сифатини мутахассисларимиз қаттиқ назорат остига олишган. Чигит сарфи ҳам меъёрида.

– Назоратни янада кучайтириш керак!

– Хўп бўлади, Даврбек ака!

– Сизга муваффақият тилаймиз, опа. Қаттиқ ишланг. Агар... галла ва пахтадан мўлжалдаги ҳосилни ололмайсангиз... ерни қайтариб топширишга тўғри келиши мумкин. Буни биласиз-а?

– Биламиз...

– Билсангиз яхши. Хўш, бизга қанақа талаб-истакларингиз бор?

– Бир илтимосимиз бор эди. Бизнинг дала қулоқнинг охирида жойлашган. Суғориш масаласида ёрдам кўрсатилса. Яъни, суғориш қулоқнинг бошидан эмас, охиридан бошланса...

– Бу илтимосни ёзиб олинг, – деди Муқимхонов фермерлар уюшмаси раҳбарига қараб. – Ҳал қилиш чорасини кўрамиз. Хўш, яна нима гап?

– Бошқа гап йўқ.

– Бўлмаса хайр!

Текширувчилар гурр этиб, машиналарга ўтиришди. Афифа бир лаҳза хаёлчан туриб қолди. Гуриллаган моторлар овози ва димоғига урилган чанг ҳидидан ўзига келди.

«Муқимхонов нега бу қадар совуқ муомала қилди? – деб ўйлади у. – Ёки одамлар кўзида атайлаб ўзини расмий тутдими? Эҳтимол, шартига кўнмай ерни бошқа йўл билан олганимиз ёқмай юргандир. Ёки... бошқа сабаби борми? Мирпўлат ака билан Мўмин Шербоев бирваракай оғиз солиб

юрганини эшитдимикин? Эшитган. Кичкинагина туманда гап ётармиди. «Ерни қайтариб оламиз», деган гапни иш-шайиб айтган бўлса ҳам ундаги таҳдиддан Афифанинг юраги шувиллаб кетди. «Наҳотки... менга ғаним бўлиб қолган? Ахир... Йўғ-е, бўлар-бўлмасга ваҳима қилганим нимаси! Аммо-лекин... совуқ, жудаям совуқ муомала қилди. Илжайишидан алам ва қасос туйғуси уфуриб турибди. Ундан эҳтиёт бўлиш керак. Акс ҳолда...

Афифа Муқимхоновни бениҳоя қудратли одам, деб биллади, Зоҳидийни ўлдиртириб юборган ҳам ўша, деб ўйларди. Шу топда у: Мирпўлат акамга тегсам ҳам, Шербоевга хотин бўлсам ҳам... ҳеч бирини Муқимхонов соғ қўймайди, деб ўйлади. Ўзи менга нима керак шу бош оғриғи, ахир энди тинчгина деҳқончилик билан шуғулланишга аҳд этдим-ку, дея ўзига-ўзи иддао қилди. Яна ўзи жавоб берди: ахир қўйиш-маяпти-ку. Қолаверса... ҳали ёш аёлман, менинг ҳам оила қуриб, фарзанд кўриб, бахтли бўлишга ҳаққим йўқми? «Уларнинг ҳеч қайсисини севмайсан-ку, ахир! Кўнглингда ҳамон ўша... бевафо Субут-ку!» Йўқ, Субут акаси бевафо эмас. Тақдирнинг ўйини бу. Севги... Севги унинг қалбида яшайди. Аммо бу дунёда севгисиз бахтли, шоду хуррам турмуш кечираётган қанча-қанча оилалар бор. Оила учун, фарзанд учун, унинг бахти учун... севгини қурбон қилиш мумкин...

Хомушлик билан бошини эгиб, яна дала ўртасига йўл олди. Акаси безовталаниб пешвоз чиқди:

– Кимлар экан, нима гап, тинчликми, нима деди?

– Туман раҳбарлари. Режани бажармасанглар ерни олиб қўямиз, деб дўқ урди.

– Режани бажарамиз, насиб этса. Ундан хавотир олма. Сувни гапирдингми?

– Гапирдим. Ёзиб олди.

– Яхши бўпти. Энди тушлик қиламиз.

10

Ёз. Ҳаво жудаям иссиқ. Пешин вақти бўлгани боис, қилт этган шамол йўқ. Тирик жон борки, соядан ҳаловат излай-

ди. Қорақисмоқ чўққисп пойидаги хушҳаво, ёнғоқзор боғда эса салқин. Тангадай жойга офтоб тушмайди. Тангабулоқдан оқиб келаётган ариқнинг суви муздай. Танга ором бағишлайди.

Мирпўлат ариқ олдидаги кенг-мўл ҳовузда чўмилмоқда. Кайфияти аъло. Ҳовуздан сал наридаги каттакон думалоқ столда тўкин дастурхон тузаб қўйилган. Навқар йигитлардан бири қўлидаги пиёлага чиройли қовоқ-кўзадан қимиз қуйиб, пешма-пеш узатмоқда. Иккинчиси сал нарида боғнинг тўрида олқор тўқлисининг гўштидан кабоб пишираёттир. Кабобнинг хушбўй тутуни димоқларни қитиқлаб, чўққидан пастдаги олмазор боғларга сингиб кетмоқда.

– Амир ака, телефонингиз уч марта жиринглади. Қайсиси билан гаплашасиз? – деб сўради қимиз қуяётган йигит.

– Кимлар экан?

– Биринчиси шаҳардаги ҳаммомчи ошнангиз Саидгани.

– Ҳозир, шу иссиқда ҳаммомга бало борми?.. Иккинчиси ким экан?

– Муқимхоновнинг ёрдамчиси. Улайми?

– Кейинроқ ўзинг гаплашиб, нима гаплигини сўрарсан, яна ким?

– Аффифа опа.

– Ула! Тезроқ! Нега дарров айтмадинг, галварс? Сенга уни... ҳар қандай вазиятда ҳам улагин, демаганмидим.

– Кечирасиз. Мана, ҳозир улаяпман. Мана, ака. Гаплашинг.

– Ассалому алайкум, Аффифахон. Соғ-саломатмисиз? Қўнғироғингиздан бошим осмонга етди. Нима? Ҳеч ҳам хижолат бўлманг. Эшитаман. Нима? Сув ололмаяпсиз? Ғўза қуриб қоляпти? Нега қурийди? Уюшманинг раҳбарига тайинлаб қўювдим-ку. Майли, мен ҳозироқ уни топиб... гаплашаман. Кечгача сув масаласи ҳал бўлади. Ғўзани суғориб оласиз. Натижасини менга қўнғироқ қилиб айтинг, хўпми? Менми, мен... тоғда... бироз дам олаётган эдим. Вақтингиз бўлса, келинг. Вақт йўқ, дейсизми? Бекмамат нима қилиб юрибди шу ишларни қилмай? Культивациядами? Ғалла ўринини қачон бошлайсизлар? Комбайндан муаммо бўлмайди. Мен тайинлаб қўйганман. Ярим соат кечиктиришса ҳам ай-

тасиз. Ота-онангиз қалай? Ҳай, майли, сўраб қўйинг. Де-мак, қўнғироғингизни кутаман-а?

Мирпўлат сувдан чиқиб, навкар йигит узатган сочиққа артинди, сўигра эгнига тўқ ҳаворанг тусли юпқа шоҳи халатни кийиб, стол ёнига борди.

– Менга сув хўжалиги бошқармаси бошлигини топиб ула, – деди йигитга.

Иккинчи йигит каттаконлаганда тўла кабоб келтирди. Мирпўлат сиклардан бирини олиб, иссиқ нон билан ея бошлади.

– Олқор гўшти жуда лаззатли бўлади-да, – деб қўйди.

– Мана, Амир ака. туманнинг бош мироби телефонда. Исмлари – Абдуқодир, – дея қўл телефонини узатди биринчи йигит.

– Ассалому алайкум, Абдуқодир ака, – деди мулойим, лекин таҳдидли овоз билан Мирпўлат. – Бу қанақаси бўлди, акагулим, сизга айтмаганмидан, «Зокир ота» фермер хўжалиги сувдан қийналмасин, деб? Нимага унақа бўляпти? Ким? Ким айтди? Муқимхонов? Эй, менга қаранг, акагулим, Муқимхонов айтаверади, улар келиб-кетадиган одам. Биз билан сиз қоласиз бу ерда. Шунинг учун сиз Муқимхоновнинг оғзига тикилмасдан мен айтган ишни қилинг. Ҳалиги... ҳақини мендан оласиз! Тушундингизми? Нима? Индин? Йўқ, индин тугул эртага ҳам эмас, бугун кечгача сувни очасиз. Мен битта гапираман, тушундингизми? Мен... сизни ўзимнинг энг қадрдон, юрагимга яқин одамларимдан бири, деб юрибман-а! Ҳа, айтганча, Муқимхоновга ўзим гапириб қўяман. Бугун кечқурун у билан кўришамиз. Хайр!

Олқор гўшtidан тўйиб олгач, бироз мизғимоқчи бўлди. Уйқуси элитмади. Қоии қизиди. Афифани эслади. Ширин хаёлларга берилди. Қўнғироқ қилгани яхши бўлди. Масаласи ҳал бўлгач, раҳмат айтиб, яна сим қоқади. Бундан олдин ҳам икки-уч бор қўнғироқ қилган. Мирпўлат унга ўғит, ёнилги борасида ҳам ёрдамлашди. Бир сўм порасиз ҳал қилиб берди. Бу – катта гап. Афифа бу кўмаклашишларнинг қадрига етади. Тобора тезроқ меҳр қўяди ва Мирпўлатни танлаганини ўзи ҳам сезмай қолади. Анови мишиқи миршаб тушини сувга айтсин. Чучварани хом санаб юрибди. Аҳмоқ.

Сен милиция майори бўлсанг, бошидан шунча савдо ўтган, судланган аёлни бошингга урасанми, ахир бу обрўингга обрў қўшмаслиги аниқ-ку!.. Ёки шунчаки кўнгилхушлик қилиб юрмоқчимиз? Афифа чиройли аёл. Бир кўрган эркак нигоҳини узолмай қолади. Миршаби тушмагур, камбағал бир оиладан чиққан, ҳаётда алданиб, уриниб-суриниб келган аёл экан, айлангириб айш суриб юраман, деб ўйлаётгандир. Унга бир учраб, ётиғи билан гаплашиб қўйиш керак, шекилли. Дарвоқе, бугун кечқурун Муқимхоновга ҳам шу ҳақда гап қилиш зарур. «Ўтган ишларга саловот, Даврбек ака, аммо энди Афидахонни бизга қўйиб беринг», деб очигини айтади. Муқимхонов йўқ деёлмайди. Ўтган галги учрашувда икки тахлам «кўк»ини гинг, демай чўнтагига солиб кетган. Бугун ҳам «қўлингиз қуруқ бўлмасин», деб бирон тахлам узатиш мумкин.

– Амир ака, минг бир узр, бу... Муқимхоновнинг ёрдамчиси яна кўнғироқ қиляпти.

– Ўзинг гаплаш, дедим-ку!

– Гаплашдим. «Даврбек акам бугун ўтолмайди», деди.

– Ие, нега ўтолмас экан?

– Муқим ишлари чиқиб қолибди. У яна шуни айтиб қўйишни тайинлабди: ўзингиз ҳам бу ердан тезроқ кетинг экан. Иложи бўлса, бир-икки ой узоқроққа кетиб, яшириниб турсин, дебди.

– Нима? – Мирпўлат кўзини олайтирди.

– Тунда... бу ерни милиция ходимлари босишармиш, сизни ушлаш ҳақида юқоридан буйруқ олинган эмиш...

Мирпўлатнинг юраги орқасига тортиб кетди.

«Демак... кимдир сотган Аммо... нима, деб босади? Нимани топади? Бу ерда қўлга илинадиган нарсанинг ўзи йўқ-ку». «Нариги томондан» келадиган меҳмонлардан гап қочдими? Биронтаси қўлга тушган бўлса... оғзидан гуллаб қўйдими? Хўш, мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам... ҳозир бу ерда Мирпўлатни жиноят устида ушлаб қамаш учун асос бўладиган ҳеч нарса йўқ-ку! Аммо... Муқимхонов бир нарсани билмаса гапирмайди. Демак, қочиб керак. Ё анови... майордан чиққан ташаббусми бу? Шунақа усул билан

йўлдан олиб ташламоқчими? Номардлик қилишдан кўрқмабди-да! Ёки... юқоридан буйруқ келган, деяпти-ку! Балким, Мўмин Шербоевдан шубҳаланишга асос йўқдир. Юқорига шунинг ўзи ташаббус билан чиққан. «Амир» кўшни давлатдан гиёҳвандлик моддалари олиб ўтилишига шериклик қиляпти, деган. Тайин шундай деган. Тунов кунни мелисадаги «маълумотчи»лардан бири: «Амир ака, эҳтиёт бўлинг, анови Шербоев сизга тиш қайраб юрибди, «Мирпўлат қорадори савдосига аралашган, шунинг учун эртами-кечми, барибир жиноят устида қўлга тушади», деб айтганини ўз қулоғим билан эшитдим», деганди. Аблаҳ. Зўр баҳона топибди, рақибни йўлдан олиб ташлашга. Ҳолбуки, менинг қорадори савдосига алоқадор эмаслигимни яхши билади. Аммо-лекин юқоридан буйруқ келган бўлса, булар қанақа қилиб бўлса ҳам ушлаб, айбдор қилади. Ўзлари бир-икки кило нашани олиб келиб... машинанинг юкхонасигами, ўриндиғи тагигами ташлашади-да, «сотиш учун олиб кетаётган экан», деб бўйнига кўяди. Бу дегани – камда ўн йил. Чунки Мирпўлатнинг биринчи қамалиши эмас. Аммо-лекин Мирпўлатнинг мелисадаги ошнаси «Катта» қаёққа қаради, нега вақтида огоҳлантирмади? Ёки... сотқинлик қилдими? Йўғ-е, ем еб турган жойини йўқотишни истамаса керак. Ҳойна-ҳой мелиса босиши ҳақидаги хабарни ўша берган. У Муқимхоновга айтган, Муқимхонов эса ёрдамчиси орқали буёққа етказган. Қочиш керак. Чегарагача атиги беш чақирим. Ҳозироқ жўнаши лозим. Аттанг, Афифа билан боғлиқ режалар амалга ошмай қолди. Тап-тайёр янги ҳашаматли кошонада ҳовли тўйи қилишга улгурмади. Нияти – икки тўйни бир қилиш эди. Насиб этмаган экан. Ҳозирча. Ҳали ҳаёт олдинда. Фақат... Афифани огоҳлантириш керак.

– Афифанинг телефонини териб бер менга, – деди гумаштасига. – Кейин нарсаларни йиғиштиринглар. Кетамиз.

– Мана, айтган кишингиз телефонда, – деди зум ўтмай гумашта йигит.

– Алло, Афифахон, азизим, нима бўлди, сувчилар келишдими? Йўқ? Хавотирланманг, келишади, мен тайинлаганман. Афифа, сиз билан бир муддат кўришолмаслигимиз мум-

кин. Мен узоқроқ бир сафарга жўнайдиган бўлиб қолдим. Одамларим сиздан хабар олиб, керакли ёрдамини бериб туришади. Айтганча, анови... мелиса боладан эҳтиёт бўлинг, имкон қадар узоқроқ юринг. Тушундингизми? Мен қайтиб келганимдан сўнг... ҳаммаси яхши бўлади.

– Анчага кетяпсизми? – деб сўради Афифа.

– Худо хоҳласа, тезда қайтаман. Мени кутинг. Тушундингизми? Хайр, азизам!

– Нарсаларни тезроқ йиғиштиринглар. Ўчоқларни кўминглар, ҳеч қанақа из қолмасин. Гўё яқин беш-олти йил миёнасида бу ерга ҳеч ким келмагандай манзара ҳосил қилинглар. Мелиса ошнализ Мўминбой ҳафсаласи пир бўлиб, бурнини тишлади. Ҳали шошмай турсин у палакат, жазосини олади...

Йигитлар чаққон ҳаракат қилишиб, йиғиштириш жараёнини ярим соатга қолдирмай ниҳоясига етказишди. Мирпўлат бино ичини, теварак-атрофини, боғни обдон кўздан кечирди. Кўнгли тўлди. Кейин отга минди.

– Баракалла, қани, энди кетдик! Чу, жонивор!

Уч отлиқ тоғ оралиғидаги сой бўйлаб юқорилаб кетишди. Йўл-йўлакай Мирпўлат яна қайгадир кўнғироқ қилди.

– Машинани устахонага киритиб қўй. «Бир ҳафта олдин ташлаб кетганди, қачон келиб олишини билмаймиз», дегин, тушундингми? Мен тез орада қайтаман. Ҳеч ким кўнғироқ қилмасин менга. Ким керак бўлса, ўзим излаб топаман...

11

Муқимхоновнинг кеиг, ёруғ, шинам жиҳозланган кабинетида гаройиб бир қабул маросими бўлиб ўтмоқда. Узун столнинг бир томонида Муқимхонов, иккинчи томонида Субут, Фариза ва германиялик тадбиркор йигит Ганс Дитрих жойлашишган. Ганс Дитрихнинг немисча сўзларини Фариза ўзбек тилига таржима қилмоқда.

– Зардарё туманининг катта дарё соҳилида жойлашгани, темир йўл қатнови яхши йўлга қўйилгани, қолаверса, мамлакат пойтахтидан унчалик узоқ эмаслиги бизга маъқул, – деди Ганс Дитрих. – Агар туман раҳбарияти фаолиятимиз-

ни маъқулласа ва қўллаб-қувватласа, бу ерда тугал ишлаб чиқариш тизимига эга бўлган туқимачилик корхонаси қуришимиз мумкин.

– О-о! Биз бу ташаббусни бажонидил қўллаб-қувватлаймиз. Мамлакатимиз раҳбариятининг қатъий талабига биноан – ҳар бир туманда қўшма корхона бўлиши, хорижга маҳсулот экспорт қилиши зарур. Сизга чин қалбимдан миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсиз.

– Миннатдорчиликни менга эмас, ўртоғимиз Субут жанобларига билдирсангиз адолатдан бўлур эди. Зеро, бизни бу туманга бошлаб келган айнан шу киши бўладилар, – дея таржима қилди жилмайиб Фариза.

Муқимхонов ҳам илжайди. Бошини қимирлатиб, стол оша Субутга қўл узатди. Шунда Субут кулимсираб деди:

– Муқимхонов жаноблари билан ҳам эскидан қадрдонимиз. Сирасини айтганда... бу ерни танлашимизга асосий сабаблардан бири – туманга айнан у кишининг раҳбар эканликларидир.

Фариза немисчага таржима қилди. Ганс Дитрих яна жилмайди.

– У ҳолда бояги бизга маъқул тушган жойни олиш бора-сида муаммо бўлмас, деб ўйлайман.

Фариза унинг гапини таржима қилгач, Муқимхонов яйраб кулди.

– Қаранг, немислардаям таниш-билншчиликдан фойдаланиш бор экан-а, – деди. Кейин қўшиб қўйди: – Бу гапимни таржима қилмай қўя қолинг. Дарвоқе, қанақа жойни айтяпти?

– Боя бу ерга келаётиб катта йўл ёқасида ташландиқ бўлиб ётган улкан бир саноат корхонаси биносини кўрдик. Ўшани...

– Ҳа-а, уми? У ерда бир пайтлар чўлдаги янги давлат хўжаликлари учун темир бетон буюмлар ишлаб чиқарилган. Анча йилдан бери тўхтаб ётибди. Лекин ҳудуди катта, бинолари пишиқ. Биз уни қайтадан ишга тушириш ниятидамиз. Шунинг учун... сизларга... бошқа яхши жойлар кўп.

Ганс бош чайқади. Тез-тез гапирди. Фариза таржима қилди:

– Бизга худди ўша жой керак. Бошқаси тўғри келмайди. Энди Муқимхонов бошини сарак-сарак қилди.

– Иложим йўқ. Бу иншоот юқорининг назорати остида турибди. Биласиз-ку тепадагилар... осонликча жон бермайди.

Ганс кулимсираб, Субутга қаради. Субут Муқимхоновга сездирмай кўзини қисиб қўйди. Ганс маъқул ишорасини қилиб, бош ирғади.

– Ҳар қалай сиз тегишли одамлар билан гаплашинг, – деди Субут. – Қанақа ҳужжат... қанақа хизмат керак бўлса, тайёрлаймиз. Жаноб Дитрих ҳам... тушунадиган одам.

– Қисқаси, ўзимизга ўхшаган, денг, – кулимсиради. Муқимхонов.

– Тортинмасдан шартингизни айтаверинг, – деди Субут.

Муқимхонов бир Фаризага, бир Ганс Дитрихга қаради:

– Олдин мен тегишли одамлар билан гаплашиб, розилигини олай, кейин сиз билан алоҳида учрашиб, бир қарорга келамиз.

– Хўп, қачон гаплашасиз? Буни иложи борича тезроқ ҳал қилиб, шу бугун масалага аниқлик киритмоқчи эдик. Ганс эртага жўнаб кетади. Илтимос, иложи бўлса... ҳозир гаплашинг. Унгача биз чиқиб, бирон соат айланиб келамиз. Майлими?

– Майли, – деди Муқимхонов. – Ярим соатдан сўнг... ўзингиз кириг.

– Бўпти...

Меҳмонлар ташқарига чиқиб, темир йўл ёқасидаги сийраклашиб қолган дарахтзорни айланиб юришди.

– Муқимхоновнинг сурбетлашиб кетганини қаранг, – деди Фариза Субутга. – Кўзини бақрайтириб, пора сўраяпти. Ақалли мендан қўрқмайди-я, «бирон жойда оғзидан гуллаб қўймасин», деб.

– Ҳа, чиндан ҳам териси обдон қалинлашибди окахонимизнинг. Аммо начора, ишни битказишимиз зарур экан, шунақа одамлар билан ҳам муроса қилишга тўғри келади.

– Мен сизни... бизнес оламига бу қадар тез мослашасиз, деб ўйламагандим. Қойил. Ҳақиқатдан ҳам талант экансиз.

– Устоз зўр бўлгандан кейин шунақа тез ўсаркан одам, – деди Субут Фаризанинг ўзига ишора қилиб. – Ўзингиз-чи,

ўзингиз? Собиқ эрингиз қошида зиғирча ўнғайсизланмасдан ўтирдингиз-а?

– Нимага ўнғайсизланар эканман? Нима, ундан бирор... тили қисик жойим борми? Қайтанга... кўрмадингизми, у бошда ўзини анча ноқулай ҳис этди. Чамаси бундай ёғли мансабларда ишлаб юришига аслида ким сабаб бўлгани эсига тушди. Рост-да, агар отам... унинг таржимаи ҳолини «тозалаб», яхши бир идорага тиқиштириб қўймаганида... юрарди ҳозир мишиғини оқизиб...

– Отангиз бу одамни ўша яхши бир идорага «тиқиштириб» хато қилганини... тушунадими?

– Ҳа, тушунади.

– Тушунса... нега хатосини тузатмайди? Яъни, дуппа-дурст идораларни бунақа... одамдан «тозалаш» чорасини кўрмайди?

– Сиз отамнинг феълени яхши ўрганмагансиз ҳалиям. У киши... ҳатто ашаддий душманига ҳам ёмонлик қилолмайди. Шунинг учун... ўз хатосини бошқача йўл билан, яъни, Муқимхоновдан бошқа тоза, истеъдодли одамларга ёрдамлашиш орқали тузатишни истайди.

Субут шаъмани тушунди.

– У ҳолда... Яна бир марта раҳмат айтиб қўясиз у кишига менинг номимдан. Аммо... манови қилаётган ишимизни эшитса, хафа бўлмасмиканлар? Тушунармиканлар?

– У кишини сиз жа-а фариштага чиқариб қўйманг. Тушунади.

– Қанча сўраркан? – немисчалаб суҳбатга аралашди Ганс.

– Қанча берсанг ҳам олаверади, – деди Субут кулиб. – Бунақаларнинг жиғилдони ўпқон бўлиб кетган. Туяни ҳам кўрдим, демайди. Абдулла Қаҳҳор, деган улуғ ёзувчимиз айтган: «Порахўрга мана пора, десанг, типратиканни тескари ютади», деб.

– Охирги гапингизни таржима қилолмайман, – деди Фариза. – Жудаям бадийлаштириб юбордингиз. Дарвоқе, сизнинг журналист эканингиздаи ҳам истиҳола қилмади-я, нафсингга ўт кетгур.

– Қарғаманг. Порани бизнинг ўзимиз таклиф этдик-ку! Нимасидан қўрқади? Қолаверса, мен энди журналист эмас-лигимни у яхши билади.

– Журналистларнинг ҳам қанчаси билан олди-берди қилиб юргандир. Ҳозирги журналистларингизни ҳам биламиз-ку.

– Ҳар соҳада ҳам ҳар хил одам бор, Фариза. Гап касбда эмас.

– Тўғри айтасиз.

Бир маҳал Муқимхоновнинг ёрдамчиси чиқиб, хўжайини Субутни чақираётганини айтди. Субут ичкарига кириб кетди. Анчадан сўнг чиқди. Чиқа солиб Фаризадан сўради.

– Қанча ўтирдим ичкарида?

– Йигирма дақиқадан зиёд. Нимаиди?

– Ўшанча беришимиз керак.

– Нега унақа деяпсиз?

– Ўлмас Умарбековнинг «Курорт», деган пьесаси бор.

Кўрганмисиз?

– Йўғ-а...

– Ўшанда бир раҳбар дам олишга кетиш олдидан қўл остидагиларни йиғиб, номига мажлис қилган киши бўлади. Мажлис охирида: «Мен ҳозир беш дақиқага чиқиб келаман, сизлар масалани муҳокама этиб турунглар», дейди. Маъноси: беш мингдан йиғиб турунглар, дегани экан. Муқимхоновнинг ёрдамчиси мени унинг олдига олиб кираётиб огоҳлантирди. «Йигирма беш дақиқагача ўтиришингиз мумкин», деб. Кейин билсам, бу ҳам пароль экан.

– Пароллари қуриб кетсин. Бу... катта пул эмасми, Ганс нима деркан? Таржима қилаверайми?

– Ҳа.

Фариза таржима қилди. Ганс бир зум афтини буриштириб, қўл силтади: «майли!»

– Қачон қандай қилиб... узатасиз? – деб сўради Фариза.

Субут ижирғанди:

– Мен эмас... эртага сиз ҳайдовчидан бериб юборинг. Ёрдамчиси қабул қилар экан. Охири шу ёрдамчи унинг бошига етса керак.

– Бўпти, – деди Фариза лабини бурнб. – Шунақа, хавфли ншларга мени рўбарў қиласиз-а!

Субут кулди.

– Сиз... сиз учун хавфли эмас. Мен эса... биласиз, қамалиб чиққанман. Агар яна қамалсам... Мендан буткул ажралиб қолишингиз мумкин.

– Бўпти-бўпти, бало келса – бизга келсин. Сизга шамол ҳам тегмасин.

– Сиз менинг... балогардонисиз, – деди Субут кутилмаганда Фаризанинг қўлидан ушлаб.

Фариза Гансга бир қараб қўйди:

– Шу гапингизда турасизми ишқилиб? – деди.

– Тураман.

– Кўрамиз...

– Муқимхонов зиёфатга таклиф этди, «йўқ», дедим. «Ишни бошлайверайлик-чи, кейинроқ ўзимиз сизни зиёфат қиламиз», деб айтдим. Хурсанд бўлди.

– Энди қайтамизми бўлмаса?

– Ҳа, ҳозир милициядан бир киши келади. Катта йўлгача бирга чиқамиз. Кузатиб қўяди.

– Муқимхонов буюрдими?

– Йўқ, у киши ўзимнинг танишим...

Шу лаҳзада бир оқ «Нексия» уларнинг қора «Опел»и олдига келиб тўхтади. Машинадан барваста бир йигит тушди.

– Танишинглар, бу киши – Мўмин Шербоев, – деди Субут.

– Ишларингиз битдими? – деб сўради Шербоев улар билан саломлашгач.

– Деярли, – деди Субут. – Қани, кетдик бўлмаса! Фариза-хон, мен йўлгача Мўмин аканинг машинасида бораман. Ўзимизникини сиз ҳайдасангиз.

– Майли, – деди Фариза ва Гансни таклиф этиб, «Опел» рулга ўтирди. Машиналар бирин-кетин йўлга тушди.

Зардарё тумани тугаб, вилоятлараро катта йўл бошланадиган жойда Субут Мўминнинг машинасидан тушиб, «Опел»га – Фаризанинг қаватига ўтирди.

Мўмин келиб, икковлари билан қўл сиқиб хайрлашди. Ганс мудраб ўтиргани боис безовта қилмади.

– У билан нима ҳақда гаплашганимни англагандирсиз? – деди Субут машина ўрнидан қўзғалгач Фаризага қараб.

– Нима ҳақда эмас, ким ҳақида, денг. Билдим. Ҳечам кўнгил узолмайсиз ўша «Номозшомгул»ингиздан.

– Энди... буткул узишга тўғри келадиганга ўхшайди.

– Бахайр? Ўша мелиса йигитга тегаётган эканми?

– Шунга ўхшашроқ, шекилли. Кузда пахта терими тугаганидан кейин тўй қилмоқчимиз, деяпти-ку.

– Тўйга айтса... келасизми? – кулиб сўради Фариза.

– Менинг номимдан... Сиз келасиз.

– Бирга келамиз бўлмаса, хўпми? – деди Фариза Субутга маънодор қараб қўяр экан.

– Хўп, – деди Субут гарчанд хаёлида «буни тасаввур этиш ҳам мумкин эмас-ку», деб ўйлаб турган бўлса ҳам. Фаризанинг кайфияти кўтарилиб, ўзича қанақадир қўшиқни хиргойи қилиб кетди. Ганс ухлаб келар, Субут эса Мўмин билан суҳбатини такрор-такрор хаёлидан ўтказиб таҳлил қилар, «чиндан ҳам Афифа Мўминга тегса бахтли бўлиб кетар...» деб ўйлар, бироқ ич-ичидан бунга қарши эди. Боя у Мўминдан: «Афифани охирги марта қачон кўрдингиз, ишлари қалай, ғалласи яхши ҳосил қилдими, пахтаси қанақа?» деб сўради. Ундан: «агар хоҳласангиз, ёнига олиб бораман», деган гапни кутди. Агар шундай деганида, булардан бирор баҳона билан айрилиб қолар ва Афифани кўриб... юрагининг изтиробини бир қадар аритар эди. Ахир... кўрмаганига ҳам бир йилдан ошди. Қанақа экаи ҳозир Афифа? Унинг маъюс нигоҳи кўз ўнгида турибди. Энди тақдирга тан бергандир. Мабодо борганида ҳам... нима дер эди унга? Нега келдингиз, деса, нима деб жавоб қайтарар эди Субут? «Кўргим келди», дермиди? «Кўргиси келадиган одам... ўшанда... бағритошлик қилмаслиги керак эди-ку», демасмиди? Мўминнинг таклиф этмагани ҳам дуруст бўлди. Энди Афифадан мутлақо кўнгил узишга тўғри келади. Энди у Мўмин билан бахтли бўлсин.

«Зокир ота» фермер хўжалигининг иши юришмади.

«Чумчуқ сўйса ҳам, қассоб сўйсин», деб бежиз айтишмаган экан. Афифа етарли тажриба орттирмай туриб, фермерликни бошлагани учун пушаймон қила бошлади. Бунинг биринчи сабаби, ғалладан мўлжалдаги ҳосилни олишолмади. Ҳатто давлат буюртмаси бажарилмай, қарздор бўлиб қолишди. Акаси кўп изтироб чекди. «Шунча меҳнат қилдик, занг касали ҳаммасини бир пулга чиқариб юборди, ўзи бақорда осмонда ола булут пайдо бўлиб, ундан ҳам кўрадиганимизни кўргандик, нега бизга қолганда табиат ҳам нотантилик қилади?» дея ёзғирарди, аламини кимдан олишни билмай яна ичкиликка ружу қўя бошлади. Отаси Афифа билан бирга уни ўртага олиб, «энди пахтани ҳам хароб қилиб қўймайлик, эсигни йиғ», дея қаттиқ койиди. Аксига олиб парвариш айна қизиган пайтда иссиқ ҳам авжига чиқиб кетди. Сув – анқога шафе. Биринчи марта Мирпўлатнинг дўқ-пўписаси билан, яна бир гал Муқимхоновнинг кўрсатмаси билан вақтида сув олишди. Кейинги сафари суғоришлар икки-уч кунлар кечикди.

– Ҳаммаси аксига олади, – деди яна фиғони кўкка чиқиб Бекмуҳаммад. – Бир йилдан бери оёқ остида ўралашиб юришга халақит бераётган Мирпўлат ҳам айна зарур пайтда қайси гўргадир гумдон бўлди. Падарига минг лаънат бу кўтир дунёнинг. Ҳатто оддий бир деҳқончилик қилишга ҳам ё заринг ё зўринг бўлиши керак. Эй фалак, бундай нотекисликларинг қачонгача давом этади-а?

– Ака, сиқилманг, бир чорасини топармиз, – таскин берди Афифа.

– Э-э, – деди қўлни силтаб нари кетаркан Бекмуҳаммад.

«Мўмин Шербоевнинг олдига бораман. Мелиса, ҳукумат одами-ку, ёрдам берар, – деб ўйлади Афифа. – Ёки кулармикан: бир камим энди пахтагизни суғориб бериш қолувди», деб. Кулмас. Ҳозир милиционерларни далада ҳар куни учратиш одат бўлиб қолган. Туман ҳокимлиги давлат томонидан ажратилган ўғитни фермерлар сотиб юбормасин, деб

то далага солингунча милиция ходимларини қоровул қилиб қўйган-ку. Мўмин ҳам... У Афифани кўрса қувонади. Ўзи... имога маҳтал бўлиб юрибди-ку...

Шербоев Афифани кўриб чиндан ҳам бир қадар хурсанд бўлди. Гарчанд шу топда хурсанд бўлишга ҳеч қанақа асоси йўқ эди. Гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланувчи иккита гуруҳни жиноят устида қўлга тушириш борасидаги операция барбод бўлгани боис юқоридан қаттиқ сўкиш эшитган, ичига чироқ ёқса ёришмайдиган бўлиб ўтирган эди.

– Нима бўлди, тинчликми, соғлигингиз яхшими, рангингиз анча синиқибди, – деди Афифа ташвишланган оҳангда.

– Э-э, нимасини айтасиз, икки ҳафтадан бери тузукроқ ухлаганим йўқ.

– Нима гап ўзи? Сир бўлмаса айтинг.

– Сирлиги қолдими бу гапнинг. Ҳойнаҳой, ўзингиз ҳам эшитгандирсиз, Мирпўлат ўғрини қочириб қўйдик.

– Ие, ҳали... сиздан қочиб... йўқолиб кетган экан-да? Нима учун? Нега қочади? Юрувди-ку, ҳамма қатори?

– Биз уни... жиноят устида ушлашимиз керак эди. Қўшни давлатдан тоғ йўллари орқали олиб келинадиган қорадори савдосига... баковуллик қилиб юрган. Ўша... ушлайдиган куни кимдир уни огоҳлантирган. Боргунимизча жуфтаки ростлабди.

– Қаёққа қочибди? – деб сўради беихтиёр Афифа.

– Тоғ орқасига ўтиб кетган.

– Ҳа-а, – деди Афифа яна беихтиёр бу хабардан хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай. Бироздан кейин айтайми-айтмайми, дея иккилана-иккилана гапирди: – Бизлар у кишини энди қинғир ишларини ташлаган, деб юрувдик. У акамнинг синфдош ўртоғи. Анови... сув, ўғит, техникалардан анча-мунча ёрдам ҳам қилиб юрувди.

– Шунақами, – деди Мўмин ёлғондакам қовоғини солиб.

– Ҳали... ашаддий жиноятчи билан ҳамкорлик қилиб юргандик, денг. Эҳтимол, ҳозир қаёқдалигини ҳам биларсиз.

– Қўйинг-е, билсам... сизнинг олдингизга келиб ўтирармидим?!

Афифа шундай дейишга деди-ю ногўғри гапириб қўйганини сизди.

– Мендан... унинг қаерга йўқолганини билиш учун келибсиз-да эмасам, – деди жиддий ва ҳорғин тусда Мўмин.

– Йўқ. Унинг қаердалигининг нима аҳамияти бор энди. Мен... сиздан ёрдам сураб келдим. Қулоқнинг охирида бўлганимиз учун пахтаминизни сираям вақтида суғоролмаяпмиз. Шунга... бир кучингизни кўрсатиб қўллаб юборасизми, дегандим. Ўзи ғаллани бажаролмай юзимиз шувут бўлди. Агар пахтани ҳам бажаролмасак... ҳамма ҳаракатга куйиб, синиб қоламиз. Ерни олиб қўйишади.

– Сувми? Ҳа. Суғориш, оддий пахтани суғориш ҳам шунчалик жиддий муаммога айланганини биламан. Ходимларимиз айтиб беришади. Мелисанинг катта қисми ҳам ҳозир асосий ишни бир четга қўйиб, ўғит қўриқлаш, ёнилгини асраш, сувни тақсимлаш билан шуғулланиб юрибди.

– Демак... ёрдам берасизми? – кўзлари чақнаб сўради Афифа.

Шунда Мўмин яна қовоғини ёлғондакам уйди:

– Мен-ку ёрдам беришга ҳаракат қилиб кўрарман. Аммо сиз қанақадир хавфли жиноятчилар билан... ака-сингилчилик қилиб юришингиз яхши эмас. Ёмонликка олишса акангизни ҳам, сизни ҳам унга шерик, деб гумон остига олишлари мумкин.

– Биз уни жиноятга яраша жазосини олиб, гуноҳини ювиб келган, энди тўғри яшаб юрибди, деб ўйлаганмиз-да, – деди гуноҳкорона Афифа. – Ўзи ҳам минг марта айтган, «Энди пенсияга чиқдим», деб.

– Оббо сиз-эй, Афифaxon. Соддалик ҳам эви билан-да! Ўғрилик меҳнат фаолиятимидики, пенсияга чиқилса. Ўғри дегани, бу – жамиятнинг танасидаги қурт, одамлар насибасига тушган микроб! Уни шафқатсизлик билан қуритиш керак. Баъзи бировлар, афсуски, баъзи ёшлар айниқса бу касбга алланечук ҳавас билан қараб юришади. Сабаби, ғарб киноларида кўпинча ўғриларни қанақадир жабрдийда, шунинг оқибатида ўғриликка қўл урган кишилар қилиб кўрсатишади. Довжурок, журъатли, омадли кишилар қилиб тасвирлашади. Нима эмиш, улар миллион-миллион доллар пулларни банклардан ўмариб, хушҳаво ороллардан ҳашаматли ҳовли-

жойлар сотиб олиб роҳат-фароғатда яшашармиш. Ҳаммаси ғирт ёлғон, бўлмағур гаплар. Ўғри, дегани онасининг пилта савати-ю, қизининг сепини ҳам ўмаришдан тап тортмайдиган каззоб, ифлос нусха бўлади. Умри турмада қувғину таъқибда ўтади. Ана ўша ўзимиз билан Мирпўлат – «Амир» ҳам ўғрилиқдан топган ифлос пулларига қурган данғиллама иморатни ташлаб, тоғу тошларга қочиб, жон сақлаб юрибди.

– Наҳотки, ўша иморати ўғрилиқнинг эвазига бўлса? – деди Афифа астойдил ҳайратланиб. – Акамнинг айтишича, шоҳона қаср экан.

– Фақат ўғрилиқ эмас. Мирпўлат қорадори савдоси билан ҳам шуғулланади. Бошқа жиноятлари ҳам бор. Эндиги сафар қўлга тушса, йигирма йил олиши тайин.

– Ўҳ-ҳў-у, шунақа ёмон ишлар қилганми?

– Ҳа, сиз бўлсангиз унинг сохта муҳаббатига ишониб юрибсиз.

Афифа индамади. Нафаси ичига тушиб кетди. «Ҳаммасини биларкан-да Мўмин ака», деб ўйлади. Яхшиям Мирпўлатта розилиқ бериб юбормаган экан. Унга текканида йигирма йил йўл пойлаб ўтирармиди. Тегиб улгурмасди, шекилли ё улгурармиди? Мирпўлат унинг розилигини олган кунидек тўй қилиб юбориши ҳам мумкин эди. Ҳа, дарвоқе, Мирпўлат ўзининг яна қамалиши мумкинлиги ҳақида ҳам гапиргандай бўлувди-ку. Очидек бўлмаса-да, ишора қилган. Мабодо мен узоқ сафарларга кетиб, узоқроқ муддат айрилиқда яшашга тўғри келган тақдирда ҳам ҳеч қачон, ҳеч нарсага зорикмайсиз, умрингизнинг охиригача муҳташам қасрда маликадек турмуш кечирасиз, деганди. Афифа ўшанда Мирпўлат тижорат юзасидан йиллаб хорижий мамлакатларда юрса керак, деб ўйлаганди. Чунки ҳозир бунақа тижоратчилар кўп. Мана энди тушуниб турибдики, у узоқ муҳлатга қамалиб кетишини назарда тутган. Шошилишининг боиси ҳам шунда бўлган. «Тезроқ тўйни ўтказсак, одамларга ўхшаб турмуш кечирсак, фарзанд кўрсак, дейман. Ахир мен ҳам бу ҳаётга келиб, ортимдан бир из, бир тирноқ қолишини истайман...»

– Ҳа, ачиняпсизми? – деб сўради унинг хаёлини бўлиб Мўмин. – Унақа одамларга ачиниш керак эмас, Афифа.

Афифа яна индамади. Гапни асосий мавзуга бурди:

– Нима қиламиз энди? Ёрдам берасизми? – деб сўради.

– Албатта, қўлдан келгунча ёрдам бераман.

– Фақат тезроқ, хўпми, акс ҳолда атиги икки марта сув ичган пахтамининг баракаси учиб кетади. Иложи бўлса, бугун, кечи билан эртага суғоришимиз керак.

– Бор иложини қилармиз. Олдин бир қўнғироқ қилиб кўрамиз.

У шундай деб, стол устидаги телефонлардан бирининг гўшагини олди. Рақам терди.

– Бошлиқ қаерда? Далада? Қачон келади? Ярим соатдан сўнг? Аниқми? Қўлидаги телефони нечи? Билмайсиз? Нега билмайсиз? Э, сизни қаранг-у! Мен Шербоевман, ички ишлардан. Келса, ҳеч жойга кетиб қолмасин. Ҳозир бораман. Муҳим иш бор.

Кейин шошиб ўрнидан турди.

– Буларни жойида ушлаб, юзма-юз гаплашмасанг, ваъда бериб, бажармай юраверишади ваъдабоз ёлгончилар. Қани юринг-чи.

Мўмин Афифани бошқарма ҳовлисига олиб чиқиб, оқ «Нексия»га ўтқазди. Ўзи рулга ўтириб, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасига ҳайлади. Бошқармага етиб келиб, бошлиқни суриштириб турган чоғида қўлидаги телефони жиринглаб қолди.

– Эшитаман, ўртоқ бошлиқ, – деди Мўмин телефон рақамидан қўнғироқ қилаётган киши кимлигини дарҳол пайқаб. Кейин юз ифодаси ўзгарди. Жиддийлашди. Қизарди. Ҳаяжонланди. – Хўп бўлади, ўртоқ бошлиқ. Ҳозироқ... беш дақиқада айтилган жойга етиб бораман.

Кейин Афифага ўгирилиб гуноҳкорона гапирди:

– Шошилинич чақирисяпти. Сиз... кутиб туринг. Кетиб қолманг. Келган заҳоти олдига кириб, мен билан бирга келганингизни айтинг. Қўлимга қўнғироқ қилсин. Яна ўзим тушунтираман. Хўпми? Узр-да. Мен бормасам бўлмайди. Ўзингиз тушунасиз-ку.

Мўмин кетди. Афифа маъюсланиб ўтириб қолди. Бошқарма бошлиғининг қабулхонаси арининг уясига ўхшар экан: бирови кириб, бирови чиқади. Ўзи эса йўқ. Ярим соат эмас, бир соат ўтди ҳамки, келмади. Яна ярим, бир соат ўтди.

– Опа, у киши жуда кеч келар экан, сиз беҳуда овора бўлиб кутиб ўтирманг, – деди бир маҳал қабулхонадаги ёрдамчи йигит.

Ҳафсаласи пир бўлган Афифа ҳорғин «уф» тортиб, ташқарига чиқди. Қош қорайиб қолган. Ҳаво дим. Юраги сиқилди, ичи куйди. Муздай сув ичгиси келди. Яқиндаги дўконлардан бирига кириб, бир шиша сув олди. Музхонадан чиқариб берган шекилли, тишни синдиргудек. Эҳтиёт бўлиб симирди. Ичи муздай бўлди. Лекин бошига оғриқ кирди. Томоғи ачишди. Вужудидан совуқ тер қуйила бошлади. Аъзойи бадани қақшаб оғришни бошлади. «Касал бўлиб қолдимми, нима бало? Шуниси етмай турувди ўзи», деб ўйлади ваҳимага тушиб Афифа. Ваҳима дегани расво нарса, йўқ касални ҳам пайдо қилади. Шу боис Афифанинг бўғинлари зирқираб, тиззалари қалтираб кета бошлади. Оқибатда ҳамма нарсани унутиб, тезроқ уйга етиб олиш ҳаракатига тушди. Дуч келган машинага қўл кўтарди. Нархини ҳам сўрамай ўтирди. Уйга етиб келибоқ ўзини тўшакка таппа ташлади.

– Ҳа, нима қилди, болам? – деди онаси бошида гирдика-палак бўлиб. Кейин пешанасига қўлини қўйиб кўрди-да: – Вой, шўрим, ўт бўлиб ёняпти-ку у, – дея дори қидиришга тушди.

Афифа шу ётганича бир ҳафта ўрнидан туролмади.

– Ёзнинг гриппи ёмон бўлади, ҳали яна тўрт-беш кун кўчага чиқманг, – деди маҳалланинг шифокор аёли. – Асорати қолса, узоқ вақт қийналиб юрасиз.

– Шусиз ҳам ташқарига чиқишга ҳолим йўқ, – жавоб берди Афифа. – Ўрнимдан турсам, бошим айланяпти.

– Кучли иситма қилдингиз. Иситма бутун қувватингизни сўриб олган. Шунинг учун қувват йўқ. Яхши овқатланинг, мева-чеваларни кўпроқ енг. Ҳаммаси яхши бўлади. Кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Афсуски, ҳаммаси яхши бўлмади. Эртасига «пахтадан бир хабар олай», деб далага чиққан Афифа кечга яқин дард дунёси қоронғу бўлиб, яна иситмаси кўтарилиб, бутуи балаи варажлаб қайтди.

– Ғўзамизнинг асосий қисми ўғит, сув етарли бўлмагани учун гулини тўкиб юборди, – деди алам билан ерга туфлаб Бекмуҳаммад. – Энди... ўн центнердан ошиқ ҳосил ололмай-миз. Бу қилинган харажатнинг ярмига ҳам етмайди.

– Нега энди? Ахир...

– Қўлловчи одаминг бўлмагандан кейин қийин бўлар экан. Баъзилар ҳаммасини пулга сотиб олиб, мўл ҳосилни ҳозирданоқ нақд қилиб қўйишган. Бизларники ўхшамади.

Афифа акасининг овози титраб кетганини, яна сал туртки берилса йиглаб юбориши мумкинлигини сизди. Ногаҳоний ғазаб билан деди:

– Э-э, ўт тушсин пахтасигаям, бошқасигаям, сиқилманг, ака. Бўлса бўлар, бўлмаса бобомдан нари.

– Ерни олиб қўйишади...

– Олишса олишар. Бугун кўрибсизми шу қора ерни...

Шундай деди-ю шартта бурилиб кетворди. Йўлда томоғи қуруқшаб кетди. Умрида қилмаган ишини қилди. Бетон ариқнинг сувидан «лоақал томоғимни чайай», деб бир ҳўплам оғзига солди. «Бир қултум ўлдирмас, ахир совуқ эмас-ку», деб ютиб юборди. Уйга келгунча йўталди, боши айланиб, кўз олди қоронғулашди. «Ўтиб бир терласам яхши бўларман», деб ўйлади. Ўтиб роса терлади. Кўрпа-ёстиқларни ҳўл қилиб юборди. Аммо яхши бўлмади. Туибўйи мижжа қоқмади. Кўнгли айниб, бот-бот қайт қилди.

– Касалхонага олиб бормасак бўлмайди, – деди маҳалла дўхтири ва «тез ёрдам» чақирди.

Шу тахлит уни дастлаб туман касалхонасига, кейин вилоят марказидаги юқумли касалликлар шифохонасига олиб боришди. Онаси ва укаси бирга борди.

– Сариқ касал бўлибсиз, синглим, таҳлиллар буни аниқ кўрсатяпти, – деди уни қабул қилиб, палатага ётқизган ўрта ёшли врач. – Камида бир ой қунт билан даволанмасангиз бўлмайди.

– Майли, – деди Афифа кўзи ғилт-ғилт ёшга тўлиб. Хаёлида: «Энди бу кўргулик ҳам бормиди», деб ўйлади.

– Хафа бўлманг. Қўрқадиган жойи йўқ. Жиддийроқ даволаш керак, холос. Дориларнинг ҳаммаси ўзимизда бор. Шприцлар ҳам етарли. Фақат кўнгил тинчлиги учун шприцни дорихонадан ўзингиз олиб келганингиз маъқул. Кейин... битта-иккита ноёброқ дориларни ҳам агар иложи бўлса... Бўлмаса, ўзимиздаги сал мундайроғидан ишлатаверамиз.

– Ёзиб беринг, ҳаммасини олиб келипади. Ташқарида онам билан укам ўтиришибди.

Дўхтир қоғозга дориларни ёзди. Кейин:

– Сиз энди бемалол ётиб, дамингизни олинг. Мен айтаман томирингизга дори қуйишни ҳозироқ бошлаб юборамиз, – деди.

– Раҳмат, агар имкони бўлса, онам билан бир кўришсам.

– Бемалол, қабул бўлимига чиқинг, ўша ерда дарча бор...

Афифа қоғозчага кўз югуртириб, қабул бўлимига чиқар экан, бир ой касалхонада ётишнинг ўзи бўлмаслигини, доридармон, парҳез овқат, бунинг устига дўхтирнинг «қўл ҳақи», хуллас, бир дунё харажат талаб этилишини тушуниб турарди. Шу боис онасига қоғозни узатар экан тайинлади:

– Холамга олиб бориб беринг. Ва айтинг ўша киши хабар олиб турсин. «Харажатларини кейин аввалги қарзларига қўшиб узади», денг. Ўзингиз оворра бўлиб юрманг, эна.

– Овораси бор эканми, болам, мен ҳам шу ерда бўлиб тураман, кўнглингни хотиржам қил.

– Кўринг-да, холам билан маслаҳатлашиб.

– Майли, болам. Бизлар бўлмасам борайлик.

– Хўп, эна.

Шаҳина хоним бетўхтов етиб келди. Олдин врач билан кўришди. Кейин Арифани чақиртириб, дарча орқали гапиришди. Хоним бир қур астойдил кўз ёши ҳам қилиб олди.

– Шўрлик қизалоғим, бу дард сенга қайдан ёпишди? Бекор бординг-да ўша... қишлоғингга. Ҳай, майли, дард берган эгам шифосини ҳам беради. Онангни жўнатиб юбордим. Икки-уч кундан кейин келади. Дориларнинг ҳаммасини олиб келдим. Даволовчи шифокоринг билан ҳам гаплаш-

дим. «Яхшилаб қаранг, оғзингизга сиққанини бераман. Мени кимсан, Шаҳина хоним, деб қўйибди», дедим.

– Раҳмат, холажон, ўлмасам... бу яхшиликларингизни зиёди билан қайтараман, – деди Афифа кўзига ёш олиб.

– Оғзингдан ел учирсин, қизалоғим, ўлимни гапирма, ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилган эмас. Ҳали бахтинг олдинда. Ҳозир манови касалликни тезроқ ҳайдашни ўйла, қизим, хўпми? Ма, манови дориларни ол. Сенга яна мева шарбатларидан олиб келдим. Булар жигарни ювади. Яхши даволан, мен кетдим. Эртага яна келаман.

– Хўп, хайр, холажон, – деди Афифа унинг ортидан маъюс жилмайиб қолар экан. «Холам менинг тезроқ соғайиб кетишимни чин дилдан истайди, – деб ўйлади. – Чунки... соғаймасам, ишлаб, пул топмасам, ундан олган қарзларимни қандай узаман?» Қарзи ўлгур ҳам анчага бориб қолди. Манови харажатлар ҳам қўшилса, билмайди, яна қанча кўпаяди.

Кечки уколларни олиб, ётаман, деб турганида навбатчи ҳамшиша:

– Сизни бир мелиса киши сўраяпти, – деди. «Мўмин ака бўлса керак?» – деб ўйлади Афифа халатини эгнига илиб, дарча томон юрар экан.

Мўмин икки қўлида иккита елимхалта ўнғайсиз ҳолатда турарди.

– Ассалом, – деди Афифа.

– Ваалайкум, Афифахон, – деди Мўмин гуноҳкорона илжайиб. – Бир қошиқ қонимдан кечинг, деб келдим. Ўша куни кетиб қолмаганимда... касал бўлмасдингиз.

– Қўйсангиз-чи, бу касал аввалроқ юққан. Сезмай юрганман. Қайтанга ўша куни кетиб қолганингиз яхши бўлди. Касалим тез юзага чиқди.

– Барибир мен сизнинг олдингизда гуноҳкорман. Сувингизни ўша куни ҳал қилиб беролмадим. Кейин шуғулландим. Суғоришди. Аммо акангизнинг айтишича, кеч бўлган экан – нафи тегмабди.

– Қўйинг, гапирманг ўша... бўлар иш бўлган. Сизнинг ҳечам айбингиз йўқ. Ҳаммани бир кўзда кўриб, адолатли тақсимот юритиши керак бўлган одамлар нуқул пора, та-

ниш-билишчилик қилишаркан. Қўли узун кишининг ғалласи ҳам, пахтаси ҳам барабар. Камбағалнинг эса ови ҳам юрмайди, дови ҳам. Туянинг устида ҳам ит қопади. У шўрликни... ҳатто мелиса ҳам ҳимоя қилолмайди.

– Мен сизни ҳимоя қиламан, Афифа, кўнглингиз хотиржам бўлсин. Соғайиб чиқинг. Ҳаётни... бутунлай бошқача ташкил қиламиз. Сиздай аёл... пахтанинг ичида сарғаймаслиги керак. Мен сизни... гулдай қилиб...

– «Уйга ўтқазиб қўяман, зарга кўмаман, еганингиз олдингизда, емаганингиз ортингизда бўлади», денг, – гамгин кулимсиради Афифа.

– Ёмонми... шундай қилсам? Менга қолса жамиятда аёллар ишламаслиги керак. Улар уйда бола тарбияси билан шуғуллансин. Шунда болаларимизнинг тарбияси ҳам яхшироқ, ўғрилар, жиноятчилар, гиёҳвандлар камроқ, жамиятимиз ҳам мукамалроқ бўлади. Бу, албатта, шахсий фикр. Сиз, масалан, ҳуқуқшуносликка ўқияпсиз. Майли, ишланг. Лекин ҳуқуқшуносликда ишланг. Далада эмас. Мен сизга... ўз соҳангиздан иш топиб бераман.

– Аввал тузалиб чиқай-чи, бир гап бўлар, – деди Афифа.

– Ўша кун... касал бўлганингизни эшитиб, роса изтироб чекдим. Уйингизга бориб кўришга, роғти гап, истиҳола қилдим. Лекин акангиздан ҳар кун сўраб турдим. Айтгандир.

– Айтди. Раҳмат.

– Аммо-лекин... ўша кун шошилинич топшириқ билан кетиб қолиб, илтимосингизни вақтида бажаролмаганим учун ўзимни сира кечиролмаяпман. Аксига олганини қаранг. Вилоят бошқармамиз кўшни туманда ўтказилаётган шошилинич операцияга жалб этган экан. Уч кун қолиб кетдим. Анови... аблаҳ сувчилик бошқармаси бошлиғига, қишлоқ хўжалиги бошқармасига шу кўнғироқ қиламан, қани олса, қайтиб келган заҳотим шуғулландим-у... кечикибмиз-да...

– Қўяверинг, дедим-ку. Боринг энди, кеч бўлди.

– Мановиларни олинг, Афифа. Лекин... сизга асосий гапларимни айтолмадим. Эртага яна келаман. Дорилар керак бўлса, айтинг.

– Ҳамма нарса етарли, сарсон бўлиб юрманг. Тузукман-ку...

– Майли, хайр.

Мўмин кетди. Афифа палатага қайтиб, боя ўзи Мўминнинг гапини давом эттириб айтган гапларини эслаб ётди. Чиндан ҳам аёл бошимга шунча савдо керакми? Тузук бир оила бўлсаю... тинчгина уйда бола боқиб, рўзгор қилиб ўтирсам яхши эмасми? Бола боқиб... қани ўша бола? Шунча пайтдан бери бўлмади. Энди бўладими? Бўлса... Субут акасидан бўлар эдида. Ундан бола кўришни жуда ҳам истаган эди Афифа. Бироқ бўлмади. Агар бўлганда... Субут акаси унга маҳкамроқ боғлармиди, буёқларда хор қилиб қўймасмиди...

Афифа эзилиб-эзилиб йиғлади. «Ўлиб кетсам орқамда «онам»лаб йиғлайдиган биргина фарзанд қолмайди», дея ўқинди. Кейинги пайтлар у бола ҳақида кўп ўйлайдиган бўлиб қолган. Сабаби нима экан?..

13

Бир пайтлар Субут «омадинг бир кетмасин, бир кетса, ҳар ёндин кетур», деган ашулани хиргойи қилиб юрар эди. Бугун Фариза хоним билан янги очилган «Айш» ресторанида кечки нонушта қилиб ўтирар экан, ўша хиргойиси эсига тушди. Ҳазиломуз қилиб янги талқинда ичида хиргойи қилди: «омадинг бир келмасин, бир келса, ҳар ёндин келур...» Кулди.

– Ҳа, нимага куляпсиз, тинчликми? – деб сўради Фариза.

– Ишларимиз ёмон эмас, илоҳим кўз тегмасин, боя Ганс қўнғироқ қилганди. Зардарёдаги тўқимачилик комбинати қурилиши учун «Дойче банк»дан олинадиган кредит масаласини ҳал қилибди. У яна айтдики, Самарқандда очиладиган янги босмаҳона учун «Гейделберг» фирмасининг энг замонавий дастгоҳларини лизинг асосида жўнатишга келишишган. Урганчдаги, Нукус ва Қаршидаги шериклардан ҳам яхши хабарлар олдим. Очиғи, ишимиз бунчалик тез ривожланади, деб ўйламагандим.

– Бу – сизнинг шарофатингиз, – деди Фариза, унга меҳр билан қараб.

– Йўқ, аввало, бу – сизнинг кароматингиз, – жавоб берди Субут.

– Демак... иккаламизнинг хизматимиз, – деди Фариза ва бироз ўйлаб туриб, маъноли қўшимча қилди: – Агар... доимо бирга бўлсак... бундан ҳам катта ишлар қиламиз.

– Доимо бирга бўламизми, ахир? – кулимсираб сўради Субут унинг гапидаги маънони аниқ илғашга ҳаракат қилиб.

– Сизга боғлиқ, – деди Фариза ўпкаланган оҳангда.

Субут тушунди. У «энди фақат иш юзасидан шериклик қиламан», дея ўзига қатъий сўз бергани боис Фаризанинг уйига анчадан бери қадам босмаган, турли муносабатлар билан бўладиган учрашув ёки маслаҳатлашувларни ишхона ёки тамаддихоналарда ўтказишга ҳаракат қилар эди. Шунга қарамасдан ораларида анчайин масофа борлигини фақат Фаризанинг отаси, яқин, хос хизматкорлар билишарди, холос. Бошқалар эса, «бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон» қабилда фикр юритиб, улар иккаласини орқаваротлан «ошна-маъшуқ хушторлар», деб аташарди. Бир кун Фариза бу ҳақда Субутга гапирда ҳам:

– Бизларни айримлар «никоҳсиз бирга яшашади», дейшаркан...

Бу билан у «ортиқча гап-сўзларни кўпайтирмаслик учун ақалли номига бўлса ҳам никоҳдан ўтиб қўяйлик», демоқчи бўлди. Шундай демоқчилигини Субут ҳам яққол сезди. Аммо сезмасликка олди.

– Гапиришса гапиришаверишсин. Виждонимиз тоза бўлса бас-да.

Ўша кун Фариза бу гапдан сўнг ҳеч нарса демади. Чамаси «суймаганга суйкалма», деган андуҳли қарорга келди. Туриб-туриб аламланди. «Қизиқ одам экан бу киши. Мени кўнгиллари тортмас эмиш. Хаёли ҳалиям ўшанда. «Туф» деган тупутини яна қайтадан ялашга тайёр...» Ногаҳон хаёлига бир шумлик келди. Субутни синашга қарор қилди...

Аввалига Субутнинг қабулхонасидаги кексароқ котиба аёлни бошқа ишга ўтказтирди:

– Иқтисод бўлимига ўтсин, маоши каттароқ. Шунча йилдан бери садоқат билан ишлаб келган. Отамга ҳам котибалик қилган. Қариган чоғида моддий жиҳатдан сал қўллайлик, деди. Субут рози бўлди. Кейин... икки кундан сўнгми ё

эртасигами Субутнинг ҳузурига бениҳоя чиройли, бир қошиқ сув билан ютгудек бир қиз келди.

– Фариза опа ойижонимга котибалик иши бор, деб айтган эканлар... Исминим Моҳитобон.

Субут қизнинг ўта калта юпкаси, қийғос очиқ кўкракларига қараб, юраги шувиллаб кетди.

– Шунақами? Қанн ўтиринг-чи! Маълумотингиз қанақа? Оилавий аҳволингиз... Бизда иш кеч-ку.

– Олий. Университетнинг биология бўлимини битказганман. Компьютерни яхши биламан. Оилавий ҳаётим... Битта болам бор, эрим билан ажрашганмиз. Боламга ойим қарайдилар. Кеч қоладиган иш бўлсаям майли. Маоши тузукроқ бўлса бас...

– Биолог экансиз, дарс берсангиз бўлмайдими, котиблик қилиб ўтиргунча?

– Ўқитувчилик... қилганман. Маошини биласиз-ку! Ёлғиз аёл... ўқитувчилик билан боласини боқиши қийин.

– Сиз эртага бир хабар олинг, – деди Субут ва жувонни жўнатгач, Фаризага қўнғироқ қилди:

– Бир кадр юборган экансиз...

– Ҳа, илтимос, ўшани олинг, ҳаётда қийналган. Ўзи яхши оиланинг фарзанди.

– Майли, – деди Субут ва эртасига Моҳитобонни ишга қабул қилди.

Моҳитобони тушмагур беҳад чиройли бўлиш билан биргалликда одамнинг жони ҳам экан. Шунчалик гамхўр, шунчалик меҳрибонки, Субут гоҳида бундан ўнғайсизланиб кетади. Эрталаб ишга вақтли келиб, ҳамма жойни саранжом-саришта қилиб ўтиради. Субут келиб хонасига кирган заҳоти сўраб ҳам ўтирмасдан кичкина фанжонда қайноқ қаҳва олиб киради:

– Шуни ичиб олинг. Тетиклаштириб, кайфиятни яхшилайдди. Агар нонушта қилмаган бўлсангиз, иссиққина сомса ҳам бор.

– Раҳмат, ҳожати йўқ. Нонушта қилганман. Умуман... эрталабдан қаҳва ичиш ҳам қалай бўларкин?

– Вой, қаҳва эрталабдан ичмади-ку! Тонусни оширади. Фақат меъеридан оширмаслик керак..

Пешиндан кейин соат тўртларда хушбўй чой дамлаб, сомса, печенье, конфет ва бир неча хил пишириқлар кўтариб киради.

– Ҳали қоронғи кечгача ишлайсиз, енгил нонушта қилиб олинг, юрагингиз озиб кетмасин...

Субут кабинети, унинг ортидаги дам олиш ва ювиниш хонасида ҳам янгича бир файз кирганини, саранжом-сарошталик ўрнатилганини ҳис этди. Душхонада мудом оҳори тўкилмаган сочиқ, янги совун, шампун, соқол олгич, тиш тозалагичлар, яна қанақадир хушбўй ҳид таратувчи ласьонлар, хуллас, киши баҳри дилини очувчи манзара пайдо бўлди. Диваннинг устидаги гарчанд анчайин қиммат ва чиройли бўлса ҳам анчадан бери янгиланмаган Хитой ёпқичи ювилиб, устига оҳори тўкилмаган оппоқ чойшаб тўшалибди. Стол устидаги чойнак-пиёлалар, идишларнинг ҳозиргина ювилганлиги билиб турибди.

Субут бу манзара, бундаин ўта ошкора ғамхўрликни хушламайроқ, ҳатто бироз норозилик билан қабул қилди. Чунки анчайин жўн ва оддий яшаш ҳамда ишлашга, турмушнинг майда-чуйда юмушларию ташвишларини ўзи бажаришга ўрганган, чунончи, чойни ўзи дамлашга одатланган (зеро, бундан қандайдир қониқиш ҳам ҳис этарди), овқатланиш бобида у қадар нозик таъблик даъво қилмас, яъни, қатъий тартибга кўникмаган, бориға қаноат этиб кетаварди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, беихтиёр бу «парвариш» ўзига хуш ёқа бошлаганини сизди. Одам боласининг феъли қизиқ-да: яхши нарсага, қулай шароитга тез кўникади. Бир ҳафталар ўтгач, у эрталаб ҳали ишхонага етмаёқ кабинетига кирган заҳоти тераладиган хушбўй қаҳва ҳидини қўмсайдиган одат чиқарди. Кейин...

У бошда ўзининг ўйлашича, азбаройи ижодкор бўлгани боис Моҳитобоннинг гўзалликда бетакрор чеҳраси, қаддиқомати, кийим-кечагига бирровгина қизиқсиниб қараган ва кейин бу нарсаларга деярли эътибор бермай қўйганди. Иккинчи ҳафтадан бошлаб, ўзини идора этишга ҳарчанд уринмасин, тез-тез ва эзгин-эзгин меҳрли қарай бошлади. Буни

сезган заҳоти ўзига-ўзи: меҳрибонликка жавобан кўрсатилаётган меҳр, дея изоҳ берди.

Моҳитобони тушмагур чиройли ва меҳрибон бўлгани етмаганидек, бениҳоя бежирим ва айни пайтда эркак кишининг қонини кўпиртирувчи бичимга эга бўлган либослар кияр экан. Оппоқ кўкрагининг ва оёқларининг очиқ қисмлари аслида, кўчадаги қизлар билан солиштирганда у қадар ҳам шармсиз ёки ҳаддан ортиқ эмас. Аммо шунчалик... кўзинг тушган заҳоти нигоҳингни узолмай қоласан. Бунинг устига у кўзинг тушган нуқтани ўша заҳоти бекитишга уринади, яъни, қўллари билан шундай нозик ва чиройли, айни пайтда, ўзига ярашган тарзда иболи ҳаракат қиладики, беихтиёр ўз-ўзингдан уялиб, ўз-ўзингга назаринг замирида ҳирс эмас, самимий бир меҳр ва... балким муҳаббат ётганини исботлашга урина бошлайсан. Ўзинг-ўзинг билан «бир боқишда севиб қолиш мумкинми?» деган мавзуда баҳслаша бошлайсан.

Моҳитобон яна бир хизмат қилди: у Субутни яна ижод оламига қайтарди. Салкам икки йилдан бери қўлига қалам олиб қоғоз қораламаган Субут Сокин кеча ишдан қайтгач, ихтиёрсиз равишда ёзув столига ўтириб, оқ қоғозга катта ҳарфлар билан «Моҳитобон», деб ёзди. Кейин «Ойчеҳра, Ойюз», деган сўзларни битди. Қизиқ, нега ёзмай қўйдим, деб ўйлади у, «Номозшомгул» асарининг тақдири нима бўлди? Нега, умуман, ижоддан узоқлашиб кетдим? Сабаби нима? Манови шоҳона ва тўкис ҳаётми? Илгари кўчада дарбадар юрганымда, тузукроқ бошпанам бўлмаган кезларда илҳом, ёзиш истаги сира тинчлик бермасди. Нима ёзсам ҳам сўзлар, ташбеҳлар, жумла ва иборалар ўз-ўзидан қуйилиб келар эди. Энди қўлимга ручка ушлаган заҳотим уйқу босади. Нега? Манови «ноутбук» компютерини Фариза «янги-янги асарлар ёзасиз», деб туғилган кунига совға қилганди. Ақалли ишлатишни тузукроқ ўрганмади. Нега? Куну тун чопачоп, учрашув, шартлашув, музокара, мунозара... Оёғи юришдан, қулоғи телефондан бўшамайди. Шу ҳам ҳаётми? Ана шундай тифиз, жонсарақ, шошқалоқ кунларда... Моҳитобон унга нажот фариштаси бўлиб кўринди. Эраклиги чинакамига эсига тушди. Нуқул Моҳитобонга гап қотгиси,

«лаббай, эшитаман, хўп бўлади, жоним билан», деган сертавозе гапларини эшитгиси, қадду-қоматига ҳавас ва... ҳирс билан тўйиб-тўйиб қарагиси келади. «Белининг нозиклигини қара. Ўзи унчалик ҳам қоқ суяк эмас. Бўлалигина. Аммо лекин нозик. Ёш-да! Ёшлик – қанчалар гаштли сеҳрли давр. Сен ўзинг-чи? Қариб қаерга бординг ҳали? Ёшлик гаштини суриб қолсанг-чи хумпар! Шундай гўзал офатижон жувон имонга маҳтал бўлиб турганда... дарвоқе, маҳталмикан ўзи? Биринчи учрашувдаёқ эри йўқлигини айтди-ку. Шунинг ўзи ишора эмасми? Худонинг ўзи етказди-ку, сенга фариштани Субут Сокин, отингга қамчи босмайсанми? Худо етказгани рост бўлсин ишқилиб. Акс ҳолда... Фариза атайлаб ёллаган, деган шубҳали хаёлга бориш мумкин. Шошма-шошма, чиндан ҳам у «Субут акамнинг имони қанчалик мустаҳкам эканлигини синаб кўрай», деб атай ёллаган бўлса-чи? Шундай бўлса... нима бўпти? Фариза унинг шахсий ҳаётига хўжайинми? Бир-икки марта кўнгилхушлик қилншган, тўғри, лекин Субут унга уйланишни хаёлига ҳам келтиргани йўқ-ку! Бунининг ўзига ҳам деярли ошқора тарзда айтган. Фариза тушунган. Шунинг учун кейинги пайтларда илгаригидек хиралик қилмайдиган бўлди. Гарчанд... тунов кунги «доимо бирга бўламизми», деган маънодор саволидан ҳалиям умиди узилмагани сезилган бўлса-да, ҳар қалай энди у Субутга ўз қўғирчоғи, ўйинчоғи, деб қарай олмайди. Бир неча марта ўзаро, кейин отасининг шоҳидлигида «тенг шериклик» ҳақида гап бўлди. Демак, энди... Мабодо Фариза уни бошқа бир аёл билан кўрган тақдирда ҳам муносабатини кескин ўзгартиролмаслиги керак. Қизиқ, Фариза бунча ёпишиб олди унга? Дунёда бошқа эркак йўқми? Субут бу саволига ҳув ўшанда, дастлабки учрашувлардан бирида жавоб олган бўлса-да, тихирлик билан яна шу ҳақда ўйлади.

Наҳотки Фариза уни севса?

Йўғ-е, унақамасдир... Ол-а, жа ўзингни гўлликка солмай қўя қол. Ахир севиши севганда ҳам телбаларча севиши ойнадай равшан-ку! Агар шу қадар қаттиқ севмаса кўчада юрган бир дайди мухбирнинг бошидан зар сочиб, мановинақа шоҳона қасрларда яшатиб қўярмиди! «Текин пишлоқ... фа-

қат қопқонда бўлиши мумкин», деган мақол бор ўрисларда. Сенинг истеъдодинг, талантинг, тадбиркорлик бобидаги маҳоратинг, таклиф этаётган бебаҳо ғояларинг ҳақидаги чиройли гапларга ишониб юрибсанми? Ҳаммаси... бекор. Энг асосий масала – Фариза сени қаттиқ яхши кўриб қолган. Сен бу севгига сомелик кўрсатмай, етарлича жавоб бермай юришинг, унинг муҳаббатини янада кучлироқ алангалаймоқда. Уни сенга янада қаттиқроқ боғламоқда. Пайт келиб... у сени тўласинча қўлга киритганидан сўнг... тез орада бадига урасан. Шу боис сен ораларингдаги «мушук-сичқон» ўйинини имкон қадар чўзиб, моддий аҳволингни яхшилаб олишинг керак. Ўйин тугаган кун сени ундан чиқариб юборишади. «Буни биламан. Шунинг учун унга кўнглим чопмайди. Аммо-лекин гоҳ-гоҳида Фариза мени чинакамига севиб қолган бўлса-чи, бу муҳаббат... худди мен Афифани севганим сингари... умрбод бўлса-чи», деб ўйлаб қоламан».

Шу топда тунов кун Фариза берган бир шеър эсига тушди:

*«Ҳар тонг ухлаб ётганимда кўёш нури бўлиб юзларингни силасам,
Тунда ўн беш кунлик тўлин ой сингари ётогинга деразадан мўраласам.
Гоҳ тошқин дарё бўлиб, тўлқинланиб гирдобимга чирмаб олсаму
бағримга босиб қучиб эркаласам...»*

Давоми эсида йўқ. Аммо шеърдаги эҳтирос унга кучли таъсир қилди.

– Ўзингиз ёздингизми шуни? – деб сўради.

– Нимайди, ўхшамаптими? – саволга савол билан жавоб қайтарди астойдил хавотирланиб Фариза.

– Йў-ўқ, зўр чиқибди. Демак, анчадан бери ёзиб юраркансиз-да?

– Яқиндан бери... ёза бошладим. Сиздан ўрганиб.

– Мен ўргатмадим, шекилли?

– Ўргатмасангиз ҳам «қовун қовундан ранг олади», дейишган-ку!

– Давом эттираверинг бўлмаса. Китоб қилиб чиқарамиз...

Шеър ёзиб юриши ҳам бекорга эмас. Севади. Бир кунмас-бир кун севгисига эришишдан умидвор. Отасига ҳам буни очиқ айтган. Саъдиевнинг барча ҳимматию валломат-

лигига боис шу бойлар бир чақани ҳам бировга бекорга беришмайди. Хомтама бўлма. Шу боис... агар Моҳитобонга айланишганингни Фариза сезиб қолса... хурсанд бўлмаслиги табиий.

Иттифоқо миясига бир фикр келди. «Шошма, бир тажриба қилиб кўриш керак. Бир йўла... Моҳитобоннинг ҳам, Фаризанинг ҳам ичидаги гапларни билиб олиш мумкин. Олдин... Фаризанинг кўнглини овлаш керак. Шунда у Моҳитобонни пойлаб, ундан рашк қилиб юрмайди...»

Ўша куни кечқурун у Фаризани кутилмаган таклиф билан ҳайратга солди:

- Бугун нонуштани уйда қилсак, нима дейсиз?
- Вой, бунча яхши. Сиз... зиёфат қиласизми уйингизда?
- Йўқ, сиз зиёфат қиласиз. Майлими?

Фаризанинг кўзлари ёнди. Хурсанд бўлиб кетганини сезди.

– Майли, сиз нима десангиз шу. Нима ейсиз, нима пиширтирай?

– Энг лаззатли таом... бу – ўзингиз, – деди уни янада қиздириш учун Субут.

Фариза теварак-атрофга аланглаб қўйиб, шивирлади:

– Менинг ўзимни еб қўйсангиз... эртага ким билан ишлайсиз?

– Қўрқманг, еб қўймайман. Афанди айтганидек, ҳуснингизга нон ботириб еб, қорнимни тўйдираман. Кетдикми?

– Мен сал аввалроқ борай, бирор овқат тайёрлатаман. Айтинг, нима пиширтирай. Ош ейсизми?

– Барибир...

Фараҳбахш ишрат тунини Фариза беқиёс иштиёқ ва сўнгсиз ҳузур-ҳаловат билан, Субут эса Моҳитобоннинг оппоқ чеҳраси, чиройли оёқларини ўқтин-ўқтин кўз олдига келтириш билан ўтказди. Тонгда чиқиб кета туриб: «Ҳар қалай Фаризани хурсанд қилдим, энди у ортимдан пойлаб юрмайди», деб ўйлади. Фикру зикри эса Моҳитобонда эди...

– Бугун кечроқ қолиб ишлашга тўғри келиши мумкин. Уйингиздагиларни огоҳлантириб қўйинг, – деди икки-уч кундан сўнг Субут Моҳитобонга.

– Майли, ойижонимга қўнғироқ қиламан...

Кечки соат ўн бирларда ишни тугатиб, компьютерни ўчиришгач, Субут Моҳитобоннинг билагидан оҳиста ушлаб, дам олиш хонасига бошлади:

– Энди... бироз дам оламиз... агар йўқ демасангиз.

Моҳитобон чиройли киприкларини пирпиратди. Ерга қаради.

– Уят бўлмайдими? – деб сўради деярли шивирлаган овозда. – Билиб қолишса... мен шарманда бўламан.

– Ким билиб қолиши мумкин? – Унга синовчан назар солди билагини қўйиб юбориб Субут.

– Фариза опам.

– Айтмайсиз-да.

– Айтмасам ҳам... эртами-индинми билиб олиб, мени соғ қўймайди.

– Нега қўрқасиз? Ундан тилингиз қисикми?

– Ишни... ўша киши топиб берган-ку! Кейин... у киши: «Субут акангнинг бошини айлантирсанг, ўлдираман», деган.

– Наҳотки? Унда нега... сиздай чиройли, ёш аёлни менинг ёнимга юборади? Унда нега сиз ўзингиз... менга бунчалик... меҳрибонлик кўрсатасиз?

– Бу менинг вазифам-ку.

– Йўқ. Гап вазифада эмас. Кўзларингизда... бошқа маънони кўраман. Менга ростини айтинг. Ёқаманми сизга?

– Қизиқ савол бердингиз. Бошлиқ ўз қўл остидаги котибасидан: «Сенга ёқаманми?» деб сўраганида қайси котиба «йўқ», деб жавоб беради? Ахир... ишдан ҳайдалишни ҳеч ким ҳам хоҳламайди?

– Сиз менга ростини айтинг. Агар, «йўқ, сиз менга ёқмайсиз, қарисиз, хунуксиз, мен шунчаки... кўнглингиз учун меҳрибонлик кўрсатаётирман», десангиз мутлақо хафа бўлмайман. Аксинча, хурсанд бўламан. Кўнглимдан бемаъни ҳою ҳавасларга чек қўйилади. Тинчгина ишлаб юраверамиз.

– Мен сизга... ҳар қандай ҳолатда ҳам унақа деёлмайман.

– Нега, нега ахир? – хуноби чиқди Субутнинг.

– Негалигини... ўзингиз биласиз-ку!

– Ана, айтмадимми, яхши кўриб қолгансиз, деб. Шунақами?

Моҳитобон индамади. Шунда Субут бир қўли билан унинг нозик белидан қучди, иккинчи қўли билан оёқларидан тутиб, шартга кўтариб олди. Моҳитобон ўзи хоҳлабми, ё ихтиёрсиз суратдами икки қўли билан Субутнинг бўйнидан қучоқлади. Субут уни дам олиш хонасига кўтариб кирди.

Моҳитобон унинг бағрида заифгина типирчилар экан, «Субут ака, шу ҳозир шартми, келинг, шошилмайлик, жон ака», деб унинг эҳтиросини баттар алангалантирди. Ўз навбатида Субут ҳам ёш жувонни шошмасдан нақадар эҳтиётлик, майинлик билан қучиб эркалади. Кийимларини юлқалаб, тортқиламади. «Майли, либосларингиз... ғижим бўлиб қолмасин, ечиб қўйсак майлими», дея эҳтиросли шивирлаб, ўзига ечтирди. Сўнгра қулоғига «Менинг бунақа ишларда тажрибам оз, нўноқлик қилсам айбга буюрманг», дея шивирлади. Бу мулойимлик Моҳитобонга тамоман эркин, дадил ҳаракат қилиш имконини берди. У Субутнинг энг сўнгги либосларини ҳам ўзи ечди. «Фақат шошманг, майлими», дея диванга чалқанча ётиб, Субутни бағрига тортди. Субут хиратунчироқ ёғдусида Моҳитобоннинг сутдек оппоқ, иссиқ, нақадар майин вужудини қучоғига олар экан, ўзини худди атиргулнинг тикони қўлга кириб кетмаслиги учун гоят эҳтиёткорлик билан узаётган ёш ошиқ йигит сингари тутди. Моҳитобон унинг бағрига ҳузур-ҳаловатнинг зўридан яйраб, тўлғаниб, беихтиёр қичқириб юборди. Сўнгра бирдан сокинланиб, Субутнинг бошини кўксига босди-да: «Раҳмат, раҳмат, жоним, кўнглимдаги йигит экансиз», деди. Шу пайт хона чироғи «ярқ» этиб ёнди.

Фариза «синов» жараёнига Моҳитабоннинг ёлғиз ўзини эмас, Субутнинг ҳайдовчиси Ўктамни ҳам жалб этган эди. Ўктам боя, соат тўққизларда Субут: «Сиз машинани қилдилинг-да, ўзингиз бориб дам олаверинг», деган заҳоти қўнғироқ қилиб огоҳлантирган. Фариза ўз машинасида ишхона яқинига келиб, кўчанинг бир четида иккинчи қават-

даги дераза ортидан чироғи ўчишини кутиб ўтирганди. Да-стлаб: «Мен нима қилипман ўзи, шунақа қилишга ҳаққим борми», деб анча иккиланди. Бир хаёли: «Билган ишларини қилишмайдим», деб кетвормоқчи ҳам бўлди. Лекин ички бир гайирлик йўл бермади: «Қўлга туширишим керак», деб туриб олди. Нега? Нима мақсадда – буни ҳали ўзи ҳам билмасди. Рашк, ғазаб ва нафрат туйғуси бутун вужудини қоплаб олган. Шунинг таъсирида чироқ ўчган заҳоти машинадан тушиб, идора биноси сари юрди. Қўриқлаш қисми навбатчиси уни эшик ойнаси ортидан кўриб дарҳол қопқани очди. Фариза унга бир сўз демай иккинчи қаватга кўтарилди. Қўриқчи белгиланган тартибга кўра кечки пайтларда бегона одам келса, телефон орқали бошлиқни яъни, Субутни огоҳлантириши зарур. Фариза идоранинг одами бўлгани боис индамай қўя қолди. Қолаверса, қўриқчи Фаризанинг асл мақсадини билмас, ҳойнаҳой ўз кабинетида бирон нарсани эсидан чиқариб қолдирган бўлса керак, деб ўйлаганди. Фариза иккинчи қаватга чиқиб, бошлиқ қабулхонасига йўналди. Очиқ. Ичкари эшик ҳам. Дам олиш хонаси эшиги ҳам. Бечора Субут ишқибозлик санъатини пухта эгалламаган, бу соҳада старли тажрибаси йўқлиги боис ақалли шу эшикни ҳам ичкаридан қулфламаганди.

Фариза эшикни қия очди. Кенг-мўл диван устида айни авжига чиққан ишқ шавқи билан маст жуфглик буни сезмади. Фариза бир неча сония уларнинг «чиройли» ҳаракатларини кузатиб турди. Илгари бунақа манзарани у Фарбда ишланган беҳаё фильмларда кўрган. Айтарли завқ ҳис этмаган. Аксинча, ўта жирканч ҳолатлардан ижирганиб: «Севгини, эркак ва аёл ўртасидаги энг нозик муносабатларни шу қадар расво, ифлос қилиб кўрсатиш, шунчалик ҳақоратлаш мумкинми, бу ахир бориб турган ёввойилик-ку», деган. Ҳозир у бошқача туйғу ҳис этди. Ғазабланмади. Аламланмади. Қизганмади ҳам. Ўзи учун севимли, ёқимли ва, ҳатто айтиш мумкинки, тансиқ ҳисобланмиш лаззатли таомни бошқа биров, бегона одам ғоят иштаҳа ва беҳад бахтиёрлик ҳисси билан тановвул этаётгандек туюлди. Дафъатан ўша бегонага ҳаваси, аниқроғи, ҳасади келди. Оғзи сув очди.

Сўлагини култ этиб ютди. Субутни, ҳозир кийимсиз ҳолатлар алланечук сеҳрли, ҳирсни кўзгатадиган даржада чиройли кўринаётган қадрдон эркагини Моҳитобондан юлиб олиб бағрига босгиси, шу заҳоти, ўзи ҳам кийимларини ечиб ташлаб у билан қовушгиси келиб кетди. Вужудда ҳирс ғалаён қилди. Аммо ҳар қалай ақл-идрок устун келди. «У ҳолда анови кинолардаги бир эркакка бир неча аёл бўлиб тармашувчи фоҳиша аёллардан фарқим қолмайди-ку, аввал... Моҳитабонни ҳайдаб чиқариш керак», деб ўйлади. Секин хонага кириб, Субутнинг анча берида, эшик ёнидаги стул суянчигини илиб қўйилган кийимларини олиб, шифонернинг очиқ бўлмасига яширди. Сўнгра чаққон ҳаракат билан электр тугмасини босиб, чироқни ёқиб юборди.

Субут сакраб турди. Моҳитобон жон ҳолатда тагидаги чойшабни устига тортди.

– Қандай ҳаддингиз сиғди? Уялмайсизми? – деди Субут Фаризанинг кўзига қарамай шоша-пиша кийимларини излар экан. Бу орада Моҳитобон ҳам чойшабни бағриба босганча диван устидан сакраб тушди ва тезлик билан кийимларини олиб, хонадан қочиб чиқиб кетди.

– Кечирасиз, – деди кулиб Фариза. – Мен... сизни ёлғиз дам оляпсиз, деб ўйлаб ёнингизга келгандим. Эшикни ичкаридан бекитмабсиз ҳам...

Фариза шундай деди-да, ўзи эшикни зич ёпиб, ичкаридан кулфлаб қўйди. Субут бу ҳаракатни кўриб, дастлаб қўрқиб кетди. Беихтиёр болалигидаги бир воқеа эсига тушди. Ўн уч ёшларда эди ўшанда. Дўкондан бир қути «Лайка», деган сигарет сотиб олди-да, молхонанинг тўридаги ем сақланадиган қазноққа кириб, чека бошлади. Бир маҳал отаси келиб қолди. Ўшанда отаси қазноқ эшигини ичкаридан беркитиб, Субутни чивиж билан роса савалаган. Шу топда ўша манзара кўз ўнгида пайдо бўлди ва ихтиёрсиз равишда: «Ҳозир уради», деб ўйлади. Нима бўлса ҳам яланғоч баданимга калтак тегмасин, деган ўйда яна ҳовлиқиб кийимларини қидиришда давом этди. Бу орада Фаризанинг хотиржамлик билан ечина бошлаганини кўриб, қотиб қолди. Қувонишни ҳам, аччиқланишни ҳам билмай диван устига мажолсиз ўтирди.

Фариза кийимларини буткул ечиб ташлагач, чироқни так-
роран ўчириб, Субутнинг тиззасига келиб ўтирди. Бўйни-
дан қучоқлаб, юзини ўзига қаратди. Лабларидан ютоқиб
ўпди.

– Нега бизнинг ошга бировларни шерик қилиб юрибсиз,
азизим? – деди эҳтирос билан Субутнинг баданини силар
экан. – Уят эмасми? Чақирсангиз... ўзим келардим-ку. Шу-
нинг учун мингтанинг сарқити бўлган секретаркага кунин-
гиз қолдими? А, жоним? Нега индамайсиз? Ё... мени яхши
кўрмай қўйдингизми? Бир ҳафта олдин айтган гаплар қаер-
да қолди?

Воқеанинг бунақа тус олганини кўрган Субут юрагидаги
қўрқувдан халос бўлиб, беихтиёр тилёғламаликка ўтди.

– Йўқ, нега энди? Сизни жудаям-жудаям яхши кўраман.
Фақат... ботинолмайман, қанақадир... ўзимни дадил ҳис этол-
майман., журъатим етмайди. Бунинг устига кейинги пайт-
лар ўқтин-ўқтин белим оғриб, ўзимни ёмон ҳис қиляпман.
Тунов кунни дўхтирга учрагандим. Сабаби... узоқ вақт тийи-
либ юришдан экан. Дўхтир: «Хотинингиз бўлмаса, бирон
бегона аёл билан бўлса ҳам учрашиб туринг, акс ҳолда каса-
лингиз зўрайиб кетади», деб айтди.

– Ўлсин ўша дўхтир, сизни ёмон йўлга бошламай. Ўзим...
борман-ку. Нега ботинолмайсиз? Нега журъатингиз етмай-
ди? Менинг нимадан... қўрқасиз? Эҳ, сизни қаранг-у тор-
тинчоқ севгилим. Қани, келинг-чи...

Фариза шунақа ҳунарлар кўрсатдики, йигит бечора она-
дан туғилганига пушаймон бўлиб кетди. Салкам бир соат
давом этган «ярашув» машқларидан сўнг Субут буткул ҳол-
дан тойиб, ўрнидан туролмай қолди.

– Мени... ўлдирасиз-ку бунақада, – деб шивирлади ёнида
роҳатланиб кўзини юмиб ётган Фаризага. Сўнгра овозини
яна ҳам секинлатиб сўради: – Қаердан ўргангансиз бунақа
санъату маҳоратни?

Фариза уялиб, тескари қаради. Сўнгра шивирлаб жавоб
қайтарди:

– «Кама сутра» деган китобни ўқиган эдим. Очиғи... би-
ринчи марта шунақа... ташаббус кўрсатишим. Ўзингиз маж-

бур этдингиз-да шунга. Чорасини кўрмасам, бошқасига кетиб қоларкансиз.

– Ҳа, «Кама сутра»ми? Ҳиндларнинг ишқ-муҳаббат санъати акс этган унда. Киноси ҳам бор. Аммо-лекин сиз ундан ҳам ўтказиб юбордингиз. Қойил.

– Ёқмадимми? – деб сўради шивирлаб Фариза.

– Ёқди. Жудаям.

– Севганим учун... шунақа журъат кўрсатдим. Сиз ҳам агар... ростакам севсангиз журъатлироқ бўлиб, дардиингизга давони бошқа жойдан излаб юрмасдингиз.

– Энди... журъатли бўламан. Лекин... бояги иш учун кечиринг, хўпми? Истасангиз, эрта биланоқ жавобини бериб юбораман.

– Ўзи энди қайтиб келмайди у, – деди Фариза.

Субут «нега?» деб сўрамади. Шу топда у нақадар мушкул муаммонинг бу қадар осон ва муваффақиятли ҳал бўлганидан бағоят шод эди.

– Агар... турмуш қурсак... ҳар оқшомимиз шунақа... бўронли ва қизғин ўтарди, – деди Фариза хўрсиниб.

– Албатта! – деди Субут ва шу заҳоти миясига «буни уйланишга розилик деб тушунмасин тағин», деган фикр урилди. Шу боис:

– ...Аммо илтимос, шу масалада шошилмайлик. Одамлар... Саъдиевнинг пулига учиб уйланди, деб устимдан кулмасин. Сал кейинроқ, хўпми?! Шусиз ҳам... биргамиз-ку.

– Майли, сиз нима десангиз шу, – деди Фариза Субутнинг ҳорғин вужудини яна маҳкам бағрига босар экан.

14

Бир ҳафталик кучайтирилган муолажадан сўнг Афифа анча ўзига келиб қолди. Энди юрганида боши айланмайди, кўзи тинмайди. Кўнглининг айниши ҳам босилиб, бироз иштаҳаси очилди. Холаси келтирган товуқ шўрвадан тинган бўлди. Мўмин олиб келган олма шарбатидан ичди.

– Тинмасдан ичинг буни, – деди Мўмин қаттиқ қоғоз қутига жойланган турли мева шарбатларидан аллақанчасини дарча ёнидаги стол устига териб қўяркан. – Жигарни ювади.

– Майли, ичаман, – деди Афифа. Бошқа ҳеч нарса опкелманг. Палатадаги тумбочка тўлиб кетди. Ўзингиз ҳам ишдан қолиб, ҳадеб келаверманг. Гап тегиб юрмасин тагин.

– Хотиржам бўлинг, гап тегмайди, энди бундан буёғи ишдан кейин келаман. Фақат сиз безовта бўлиб, уйқудан қолмасангиз бас.

– Келолмасангиз ҳам хафа бўлмайман.

– Бу нима деганингиз? Келманг, сизни кўрмасам ҳам кўнглим ёздагидай, демоқчимисиз? – Ўпкалаган оҳангда сўради Мўмин.

– Йў-ўқ, нотўғри тушундингиз. Сизни... кўргим келади, албатта. Фақат ишдан роса кеч чарчаб чиққан кунларингиз ўзингизни яна ҳам толиқтирманг, демоқчийдим. Кеч бўлсаям келаверинг. Мен уйқудан қолмайман. Кун бўйи уйқу-ку. Ҳозир ҳамма далада ўлиб-тирилиб ишлаб ётган пайтда мен бу ерда дам олиб ўтирибман. Ҳадемай пахта терими бошланади.

– Ўқинманг. Тузалиб чиққаннингиздан кейин тўйиб-тўйиб ишлайсиз. Мен кетдим бўлмасам.

– Яхши боринг.

– Кечроқ бўлсаям келаман, ухлаб қолманг-а!

– Хўп...

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, меҳр меҳр туғдиради. Афифа оғир кунида деярли ҳар куни ёнида бўлаётган Мўминга нисбатан юрагида ўзгача бир илиқлик ҳис эта бошлади. Бу илиқлик дастлабки учрашувлари, танишувлари ва, ҳатто кейин неча бор суҳбатлашганлари чоғида бунақа туйғунинг изи ҳам бўлмаган. Тўғри, алланечук қизиқиш, қанақадир мўлжал, ҳисоб-китобли режага ўхшаш нарсалар бўлган. Чунончи агар Мўмин ақага тегсам, мустаҳкам қоя ортидаги сингари ҳафзи ҳимояда бўламан тўкис яшайман», деб ўйлаган, хаёл сурган. Аммо сира бир қарорга келолмаган. Иккиланган. Чунки у фақат хотиржамлиги ва фаровон ҳаёт орзусига оғишта бир хаёл эди, холос. Ҳатто Мўминнинг ўзи севги изҳор қилиб, «менга тегинг, турмуш қилайлик», дея аниқ таклиф билдирган чоғда ҳам Афифа ана шу хаёл, мўлжал ва ҳисоб-китобдан нарига ўтолмаган. Иккиланишини барта-

раф қилолмаган. Қолаверса... орада тоғдай бўлиб Мирпўлат акаси турарди. Афифа гарчанд Мирпўлат билан турмуш қуриши тўғрисида, ҳатто хаёл суришга ҳам иккилансада, чуқур мулоҳаза юритиш асносида ҳув ўша Мирпўлат айтган аччиқ ҳақиқатга қайтиб келарди. «Чиндан ҳам менинг тенгим – аслида ўша киши. У ўғри, мен... енгилтак бир аёл бўлганман. Бир-биримизга таънаю дашном бериб, айбимизни юзимизга солишимизга ҳечам асос йўқ. У айтгани каби: тенг-тенги билан, тезак қопи билан. Бамисоли у тезак, мен қопман... Ҳарчанд аччиқ бўлмасин, буни тан олиш керак. Бошқа бировга тегадиган бўлсам, бир кунмас-бир кун, албатта, юзимга солади...» Ҳатто... Мўмин ака ҳамми? Йўқ, Мўмин акаси бошқача экан. Буни у обдон синади. Мўмин билан танишганларидан бери қанча вақт ўтди. Бир неча марта холи учрашишди, кафеларда ўтиришди. Мўмин акаси ақалли билагидан ушлашга урингани йўқ. Унинг нигоҳи ҳам бошқача. Аксар эркакларга ўхшаб оёғингдан бошинггача снничклаб тикилмайди. Фақат кўзингга қарайди. Афифа бунга такрор-такрор ишонч ҳосил қилди. Фақат кўзига қарайди. Қараганда ҳам Муқимхонов сингари бўри ўлжасига қарагандек шубҳа билан, ютиниб эмас, авайлаб, худди кўнгилдаги гапини, юрагидаги дардини билмоқчидек, ўша дардига чора топтоқчидек, агар таъбир жоиз бўлса, бола онасига, ота қизига қарагани каби меҳр билан қарайди. Афифа бундай нигоҳни ўсмирлик чоғларида фақат отасида, кейин эса... Субут акасида кўрган. Аммо охирги марта, суд залида кўришганларида Субут акасининг нигоҳи ҳам ўзгарганини пайқайди. Йўқ, унинг қараши энди барча овчи эркакларникига ўхшаш бўлиб қолган эмасди. Унинг нигоҳи энди... бефарқ эди. Афифага энг алам қиладиган жойи шу эди. Зеро, аёл ўзига эркакнинг ёввойи ҳирс назари билан қарашини ҳам тушуниши, кечириси, ҳатто ҳазм қилиши мумкин. Чунки холаси айтганидек, парвардигор асли аёлни эркак учун яратган ва шу боис аёл унинг истак-иштиёқини, ҳатто ҳайвоний ҳирсини ҳам табиий ҳис-туйғу деб қарашини керак. Бироқ... лоқайд, нописанд, бефарқ нигоҳни ҳеч бир аёл ўзига раво кўрмайди. Ҳатто ўша эркак... Муқимхонов ёки кал ад-

вокат сингари фосиқ, оғзи сассиқ бўлса ҳам. Ҳамонки шундай экан, эркак аёлига ҳам севги, ҳам иштиёқ ва ҳам... оталик, болалик меҳри билан қараса, ундай эркакнинг баҳоси йўқ. Мана, Мўмин акаси қанақа эркаклардан. Бундай эркакни ҳурмат қилмаслик, унга меҳр қўймаслик бориб турган нонкўрликнинг ўзгинаси-ку. Ажабмаски, шу меҳрнинг орқасидан муҳаббат ҳам келса...

Афифа беихтиёр Мўминнинг дори-дармонга, бозорликлар, мева-чеваларга қилаётган харажатларини эслади. «Одам... яхши кўрса, пулни аямайди», деб ўйлади. Худди шу он хотирасига Муқимхонов суқилиб кирди. «Биз ҳам сизга анча-мунча харажат қилиб қўйганмиз, оқаси жонидан», деди сурбетларча тиржайиб. Афифа чўчиб тушди. «Сизнинг харажатларингиз... менинг иффатим, номусим эвазига қилган харажатларингиз хазон бўлган бахтимизнинг урвоғига ҳам арзимаёди», дея пичирлади совуққонлик ва нафрат билан. «Сиз ҳеч қачон бировга бир тийин ҳам харажат қилмагансиз», деди у ер олиш чоғида берилган пора эсига тушиб.

Муқимхонов эсига тушиб, нафрати қўзғалгани сайин Мўминнинг беғараз муҳаббати, самимий ғамхўрлигининг аҳамияти кучайиб кетди Афифанинг наздида. Меҳри ийди.

«Бугун келса унга бир-икки оғиз ширин гап гапираман. Ҳадеб ноз-фироқ қилаверсам кўнгли чўкиши мумкин», деб кўнглига тугди.

Кечки соат ўнларда ҳамшира кирди.

– Сизни кўргани келишибди. Дарча ёнига чиқаркансиз, – деди.

– Ҳозир, – деди Афифа ва юраги гупиллаб кетди. «Мўмин акамга ҳозир, албатта, икки оғиз ёқимли гап айтаман. Аввало... «бу яхшиликларингизни умр бўйи унутмайман», дейишим керак. Агар у яна... турмуш қуриш ҳақида гап очса... «ўйлаб кўришга бироз фурсат беринг», дейман. Умидини узмасин, «соғайиб чиқсам, болалари билан танишаман. Улар ҳам ўзига ўхшаган бўлса керак. Онаси ҳам яхши аёлдир, ахир ўғиллар кўпинча онасига ўхшаган бўлишади...»

Ширин хаёллар оғушида дарча ёнига келган Афифа эшик ортида Мўмин эмас... мутлақо бошқа одам турганини кўриб қотиб қолди. Соч-соқоли ўсиб кетган, кўзига кўзойнак та-

қиб олган бу одамнинг... Мирпўлат эканини овози чиққанидан кейин англади:

– Ҳа, Афифа, сингил, танимадингизми? – деди ғалати тиржайиб Мирпўлат. – Қалай, фориг бўлиб қолдингизми?

– Вой, сизмисиз? – деди Афифа, вужудидаги бояги ҳайрат ўрнини кўрқув эгаллаб. Юраги орқасига тортиб кетди. Нега кўрққанини ўзи ҳам билмасди. Илгарилари Мирпўлатни кўрганида севинарди. Чунки у қудратли, нажоткор бўлиб кўринарди. Энди эса қидирувдаги бир қочоқ. Энди у Аффани ҳимоя қилолмайди. Ҳеч қанақа ёрдам ҳам беролмайди. Шу заҳоти бунақа фикрлар кўнглига келганидан уялиб кетди. «Қанақа ҳимоя, қанақа ёрдам?» Ахир бу шўрликнинг ўзи шу топда ёрдаму ҳимояга муҳтож-ку! Сен наҳотки ҳамма нарсага манфаат кўзи билан қаровчи одамга айланиб қолдинг. Уят эмасми?..»

– Ҳа, менман Афифа. Сизнинг бетоб бўлиб қолганингизни сал кечроқ эшитдим. Узр. Йўқса ўша заҳоти келиб, Тошкентга олиб кетардим. Ўша ёқдаги энг яхши дўхтирларга даволаттирардим.

– Раҳмат. Бу ердаги дўхтирлар ҳам яхши экан. Ҳамма муолажаларни қилишяпти. Ҳозир анализларим анча тузук бўлиб қолди. Ўзингиз қалайсиз? Сизни... қидиришяпти, деб эшитдим. Бу ерга келиб, ўзингизни хавф остида қолдирмадингизми? Яна биронтаси кўриб қолиб, чақиштириб юрмасин.

-- Хавотир олманг, ҳаммаси жойида. Мен ҳозир кетаман. Шошилишда сизга ҳеч нарса олиб келолмадим. Ҳеч қиси йўқ. Соғайганингиздан сўнг... ажойиб курортларда дам олдираман. Кўрмагандай бўлиб кетасиз. Ҳозирча... манг, мановини опқўйинг.

Мирпўлат шундай деб каттагина қоғозга ўралган пул узатди.

– Э, қўйсангиз-чи, менга ҳеч нарсанинг зарурати йўқ, ҳамма нарса етарли. Ўзингизга керак бўлиб қолади.

– Олинг, олаверинг, – деди Мирпўлат пулни қўярда қўймай Аффанинг халати чўнтагига солиб. – Менга кераги етиб-ортади... Энди гап мундоқ. Тузалиб чиққанзимиздан сўнг бирор ой дам олинг-да, кейин анови қоғозда кўрса-

тилган мамлакатга чиқиб кетишга ҳаракат қилинг. Қайси шаҳар, қанақа манзил, ҳаммаси ёзилган. Қоғоздаги пул сафар харажатларига бемалол етади. Мен сизни ўша ерда кутаман. Хўпми?

– Вой, менинг бу ерда шунча ишим, ташвишим, пахта бор-у има деяпсиз? Қандай бораман?

– Тупуринг ҳаммасига! Фермер хўжалигини Бек акангиз юритаверади. Унга... ўша ёқдан туриб ёрдамлашамиз. Афифа, одам дунёга бир марта келади. Қора меҳнатнинг тагида ўлиб кетиш керак эмас. Одамга ўхшаб яшаймиз. Хориждаги банкларда пулим бор. Умримизнинг охирига бемалол етади. Бола-чақамизга ҳам...

– Мен... Мен ўйлаб кўришим керак, – деди беихтиёр Афифа.

– Майли, ўйланг. Лекин йўқ, деманг. Бу – сиз учун ҳам, мен учун ҳам охирги имконият. Акс ҳолда... сиз эса бир умр қашшоқлик билан, хўрлик, ҳақорат остида яшайсиз.

– Мен хорижда бўлганман. У ерда ҳам тайёр ошга баковул қилиб қўйишмайди.

– Хорижга иш излаб эмас... пул билан бориш керак Афифа. Пул бўлса хорижда эркин ва бахтли яшаш мумкин. Хуллас, мен сизни кутаман. Хайр! Учрашгунча!

– Хайр, – деди Афифа.

Мирпўлат зинадан пастга тушиб кетди. Афифа ҳам дарчадан ўгирилиб, палатага йўл олди. Шу заҳоти пастда зинада ғалати тарақлаган товушни ва «Тўхта» Қимирлама! Қўлингни кўтар!» деган қичқириқ эшитилди. Афифа беихтиёр тўхтаб, турган жойида қотиб қолди. Зум ўтмай дарча ортида зинадан юқорига югуриб чиққан Мирпўлатни ва унинг орқасида тўппонча тутган Мўминни кўрди. Мирпўлат дарчага келиб, жон ҳолатда эшикни итарди: маҳкам.

– Қўлингни кўтар, дедим сенга, кўтар! Қимирласанг, отаман! – дея қичқирди Мўмин. Уларнинг ҳар иккиси Аффани кўрди. Бироқ шу топда иккиси ҳам ўз ташвиши билан овора эди. Эътибор қилишмади. Мирпўлат қўлини кўтарди. Мўмин яқин келиб, тўппончасини унинг елкасига тиради. Иккинчи қўли билан чўнтагидан телефон олиб, рақам тера бошлади. Мирпўлат Аффига қаради. Армонли ва надо-

матга тўла эди нигоҳи. Афифа ўзига келди. «Мени деб, мени кўраман, деб қўлга тушди шўрлик Мирпўлат акам», деган пушаймон ўтди кўнглидан. Ўзи ҳам сезмаган ҳолда фавқулодда бир журъат билан тилга кирди:

– Мўмин ака, шошманг, жон ака, илтимос, қўйиб юборинг бу кишини! У мени деб, касал кўраман, деб келган. Менинг айбим билан қўлга тушиб ўтирибди. Илтимос, қўйиб юборинг, жон ака. Мени деб бир одам абгор бўлмасин!

Мўминиинг қаҳри юзида истеҳзоли бир табассум пайдо бўлди.

– Сиз ҳам... ҳаммани қабул қилаверманг-да, Афидахон. Бу ахир... ашаддий жиноятчи, охири марта бир милиционерни отиб қочган. Зўрға тирик қолди...

– Мен отган эмасман уни, – деди хотиржамлик билан Мирпўлат. – Тухмат бу.

– Сен отмаган бўлсанг, шеригинг отган. Умуман, сенинг бошқа жиноятларинг ҳам умрингнинг охиригача турмада ўтириш учун бемалол етади.

Мўмин шундай деб, яна телефонда рақам теришга тушди. Афифа янада қаттиқроқ ҳаракат қилмаса бўлмаслигини сизди.

– Мўмин ака! Шошманг, дедим! Агар... агар ҳозир шу одамни қўйиб юборсангиз... айтган таклифингизга рози бўлиб, умримнинг охиригача сизга чўрилик қиламан. Агар қўйиб юбормасангиз, мени ҳам бирга қаманг. Мен... мен шерикман бу кишига.

Мўмин унга ҳайрат билан тикилиб қолди. Мирпўлатнинг миясига қон тепиб, қизариб кетди:

– Унақа деманг, Афифа. Унақа шарт қўйманг. Ялинманг. Мен қамалишдан қўрқмайман.

– Униси мени қизиқтирмайди. Сиз балким кейинроқ барибир қўлга тушиб қамаларсиз. Ким билади. Лекин ҳозир, шу топда қамалсангиз... бунга мен айбдор бўлиб қоламан. Бунинг учун бир умр ўзимни кечиролмайман.

– Шунинг нимасига... ачиниб ўтирибсиз, – деди Мўмин анча муросали овозда. – Ўзингиз айтгандек, бугун бўлмаса эрта ё индин барибир қамалади.

– Бугун қамалмасин, хўпми? Бугун, ҳозир қамалмасин. Мен учун, мени кўргани келгани учун қамалмасин. Мўмин ака, акажон, илтимос, бир марта айтганимни қилинг. Шу шартни бажарсангиз... мен сизнинг ҳар қанақа шартингизни бажаришга тайёрман.

Бу гап Мирпўлатга малол келди. Орияти кўзғади. Гарчанд Афифа унинг учун жон куйдираётганини тушуниб, ичидан унга бўлган меҳр-муҳаббати ўн чандон ошиб турган бўлса ҳам номус устун келди.

– Ўчир овозингни, – деди кутилмаганда сенсираб Афифага, – сенинг ғамхўрлигингга зор эмасман. Давай, гражданин начальник телефонингни қил, группангни чақир.

– Ана, кўрдингизми, – деди Мўмин Афифага қараб. – Бу... одамгарчилик қилишга арзимади. Яхшиликни билмайди.

– Қўйиб юбори-и-и-нг, айтдим-ку билса ҳам, билмаса ҳам ўзига. Ушласангиз, бошқа жойда ушларсиз. Ҳозир қўйиб юборинг. Тамом, вассалом!

– Бўпти, – деди кутилмаганда Мўмин ва тўппончасини тушириб, Мирпўлатга зина томон йўл бўшатди. – Жўна, туёгингни шиқиллат.

– Жиддийми? – деб сўради ҳайрон бўлган Мирпўлат. – Яна кейин пушаймон бўлиб юрмагин.

– Жўна, жўна, қорангни ўчир. Лекин янаги сафар учрасанг... аниқроғи, бу ерга, Аффанинг ёнига қадам боссанг ушлаб ҳам ўтирмайман. Пешанангдан отаман. Тушундиинми? Жўна, кет!

– Бўпти, мен кетдим, – деди Мирпўлат. – Лекин қайтиб келмайман, деб ваъда бермайман. Хайр, Афифа, учрашгунча!

Афифа индамади. Мирпўлат зинадан чопиб тушиб кетди. Мўмин дарчага яқин келиб, Аффанинг қўлидан ушлади.

– Сиз... шартни оғир қўйдингиз. Мен профессионал бурчимни бузиб, ашаддий жиноятчини қўйиб юбордим. Шартингизни бажардим. Энди... сиз ҳам шартни бажарасиз? Тегасизми менга?

– Албатта, – деди Афифа кўнгли жойига тушиб. Фақат... «шартини бажарганим учун тегди», деб ўйлаб юрманг тагин. Шусиз ҳам... тегардим. Аммо-лекин анови кишини шу

ерда ушлаб қаматганингизда бир умр виждоним азобланиб юрган бўлар эди.

– Ростданми? Шартсиз ҳам тегармидингиз? – деб сўради Мўмин кўзи чақнаб.

– Албатта. Шунчалик... яхшиликлар қилиб, энг яқин одамнинг сингари ғамхўрлик кўрсатиб юрибсиз. Меҳрибонсиз, кунбўйи ишлаб чарчаганингизга қарамай ҳар куни келасиз...

– Яхши кўраман-да, – деди Мўмин Афифанинг кўзларига қараб. «Сиз ҳамми?» деб сўрамоқчи бўлди-ю ўзини тўхта-тиб қолди. «Ҳозир бу саволнинг мавриди эмас. Буткул ўзига келсин, кейин», деб ўйлади. Қолаверса, Афифа ҳозиргина айтган гаплардан сўнг бу саволга ўрин ҳам қолмаганди. Муҳими, Афифа унинг севгисини, ғамхўрлиги ва меҳрибонлигини билиб – эътироф этиб турибди. Шунга жавоб бергиси келяпти. Шунинг ўзи севги эмасми? Агар севги бўлма-са, қайси севгидан кам? Эркак ва аёл бир-бирига меҳр, ғамхўрлик кўрсатса, бирининг яхшилигини иккинчиси ундан ҳам кўпроқ қилиб қайтаришга уринса, бу ҳар қанақа овчидан афзалроқ эмасми!

Афифа эса шу топда, «боя айтган гаплари ва қилган иши қанчалик тўғри ёки нотўғри» бўлганлиги ҳақида ўй сурмоқ-да эди. Ана шу ўйлардан у, Мўмин билан суҳбат яна давом этгач, бироз чалғиди. Кейин, Мўминни ўзида йўқ хурсанд қилиб жўнатганидан сўнг яна ўша иштибоҳли саволлар қуршовида қолди. Палатага келиб, каравотида мижжа ҳоқмай ётар экан, нуқул ўзидан: «Тўғри қилдимми, тўғри бўлдимми шу иш», деб сўрар эди. «Менимча, тўғри бўлди. Чунки Мирпўлат ака... Мўмин акам айтганидай, эртами-кечми барибир яна қамалиб кетади. Лекин бугун мен уни қутқариб юбордим. Энди у Мўмин акамга тегишимга ҳаддан ортиқ норози бўлмайди. Чунки буни унинг учун қилаётганимни билади. «Мен учун ўзини қурбон қилди», деб эҳтимол бир умр севиб юрар. Майли, севиб юрсин. Мирпўлат акам ҳам... ўғри эканлигига қарамай барибир яхши одам. Мен ҳам уни... бир умр яхши кўриб, эслаб юраман. Аслида... мен биринчи марта севиб қолган одам Мирпўлат акам эмасмиди, ахир? Мен унга хат ҳам ёзган эдим. Буни у билади. Шу боис ўзи-

нинг айтиши бўйича ўғрилик қасамини бузиб (қонундаги ўғрилар тож кийганидан сўнг уйланмаслик, бола-чақа қилмаслик ҳақида қасам ичишар экан), менга уйланмоқчи бўлди. Менга атаб шоҳона уй қурди. Энди маълум бўлишича, хориждаги банкларга пул ҳам қўйган экан. Шундай одамни севмаслик мумкинми? Унинг озодлиги учун ўзингни қурбон қилмаслик мумкинми?

«Жинни бўлибсан, – деган ички бир садо эшитилди вужудида, – тайнинг қолмабди. Ҳали унисига кўнглинг кетади, ҳали бунисига. Қанақа аёлсан ўзи? Субутинг борми?»

«Субутим энди йўқ, – деб хаёлан сўз ўйини билан жавоб берди саркаш кўнглининг унсиз саволларига Афифа. – Субутим мени ташлаб кетди. Субутим мендан воз кечди. Шу боис менда энди Субут акам ҳам, субут ҳам йўқ»

«Субут акангдан жудо бўлишингга ўзинг айбдорсан-ку. У сени ифлос балчиқдан суғуриб, ювиб-тараб, кўзига суртиб юрувди. Сен эса арзимаган қийинчиликка чидамасдан унга яна хиёнат қилдинг. Ўзингни яна ўша ифлос балчиқ гирдобига отдинг. Мана, қийинчиликлар ҳам ўтар экан. Ҳозир Субут аканг бой, бадавлат, Ўша сен орзу қилган қасрда мазза қилиб яшаб юрибди. Мўмин акангнинг айтишича, ишлари зўр. Анови бойвучча хоним билан деярли эр-хотин экан. «Яна унинг... чиройли бир ёш котиба жувони ҳам бор экан», деди Мўмин. Унинг бу билан нима демоқчи бўлганини Афифа яхши англади. «Субут акам унақа... котибаси билан хушгорлик қиладиган одам эмас», деди. Мўмин кулди: «Сиз камбағаллик вақтидаги Субут акани айтяпсиз. Энди у кимсан Субутбой. Бойлар эса... битта аёлга қаноат қилиши қийин. «Бой ила хизматчи», деган спектакль бўларди бир пайтлар. Кўрганмисиз? Учта хотиннинг устига хизматкорнинг хотинини тортиб олади...»

Ўша лаҳзада Афифа Муқимхоновни ва марҳум Зоҳидийни эслади. «Наҳотки Субут акам ҳам ўшаларга ўхшаб қолган бўлса», дея хафа бўлиб, юраги ачишганди. Шу топда эса унга раҳми келди. Ўзининг бир пайтлар Муқимхоновнинг уч-тўрт танга пулига муҳтож бўлиб, такроран тузоққа тушганини эслади. «Субут акам ҳам тузоқда. Шубҳасиз, ту-

зоқда. Ўша тузоқ уни... мендан айрилишга мажбур қилган... Қанийди иккимиз ҳам барча тузоқлардан қутулиб, яна уч-рашасак-да, узоқ-узоқларга кетиб, кимсасиз бир оролда озод ва шод, сокин ва сукут ичра бахтиёр яшасак. Бир-биримизга сўзсиз қараб, бир-биримизни сўзсиз тушуниб, шовқин-суронсиз осуда турмуш кечирсак...»

Ана шу ширин хаёллар оғушида у ниҳоят уйқуга кетди.

15

Муқимхонов Афифага Мирпўлат талабгор бўлиб юрганини эшитиб: «майли, ҳечқиси йўқ, «Амир»нинг умри қисқа, тез орада ўзаро «разборка»ларнинг бирида ўққа учади, жа омон қолган тақдирда ҳам ўн беш-йигирма йилга қамалиб йўқ бўлиб кетади, «пилга-сават» яна ўзимизга қолади», дея унчалик парво қилмаган эди. «Амир»нинг милицияга чап бериб, қочиб кетганлиги ҳақидаги хабар ошкор бўлгач: «ана, айтмаганмидим, энди фермер хўжалигини озгина сиқувга олсак, «деҳқонгул» хоним думини ликиллатиб келиб, оёққа суйкала бошлайди», деб қўйди. Кафтларини бир-бирини ишқалади. Афифа келган чоғида унга нима дейишини хаёлидан ўтказа бошлади. «Кўзлари чўлпоним, яна келдингизму», деган ашула эсига тушди. Шунини айтсинми? Йўқ. Уни жиддий кутиб олиш керак. Бошда рўйхушлик бермай туриш лозим. «Ҳа, синглим, нима ишлар билан юрибсиз», дея қуруқ, расмий муомала қилиш зарур. Ялинтириш керак. «Ялинтириб яшагим келар», деган ғоят ҳирсли, ёқимли бир ашула ёдига тушди. Ўшанинг южрочиси билан қилган ишратларини эслади. «Ўшанга ҳам сал бўлмаса уйланиб қўйай, дегандим-а. Лекин анча харажат кетди. Ҳофизаси қургурнинг нафси ўпқон эди. Сира қониқтириб бўлмасди. Шунинг учун дарров узоқлашди. Афифа бошқача. Афифа назиф ва латиф. У гулга ўхшайди. Ҳидлаганинг сари тўймайсан».

Кеча ёрдамчиси кутилмаган гап топиб келди.

- Афифа опамиз сариқ бўлиб касалхонага тушиб қолибдилар.
- Аҳволи қалай экан? – ташвишланиб сўради Муқимхонов.
- Хавотир одманг. Садоқатли хушторларидан яна бири майор Шербоев туну кун ёнида эмиш.

– Ким? Қанақа Шербоев?

– Тунов кунги йиғилишда гиёҳвандфурушларга қарши курашни қониқарсиз олиб бораётганлиги учун тургазиб роса сўккан эдингиз-ку. Ўша-да!

– Ие, ўшами? Бу қисталоқ жиноятчиликка қарши курашиш ўрнига ўйнашбозлик қилиб юрибдими? Танобини тортиб қўйиш керак. Дарров бошлигини топиб, менга ула.

– Хўп бўлади. Дарвоқе, Афилахон опамлардан ҳам бир-ров хабар олиб қўймаймизми?

– Даф бўлсин, қанжиқ, – деди Муқимхонов ғайритабиий бир ижирғаниш билан.

Ёрдамчи ҳайрон қолди. Зеро, у касбига хос зийраклик билан хўжайиннинг Афифага бўлган муносабати ҳақида батафсил маълумот тўплаган, бу ҳақда тегишли жойларда ишловчи ошналари билан муфассал «фикр алмашиб», «бизнинг хўжайин қачон бўлса ҳам муқаррар нафсидан илинади», дея башорат ҳам қилиб қўйганди.

– Узр, – деди у гапи бошлиққа ёқмаётганидан ўкинган киши бўлиб. – Мен шунчаки... аёл фермерларимизнинг аҳволдан хабар олиб қўйсақ, аҳоли ўртасида «ҳокимлик гамхўр экан», деган эзгу бир фикр шаклланиши мумкинлигини назарда тутган эдим.

– Майли, унда ўзинг бориб... кўриб қўй.

– Сиздан салом айтсам майлими?

– Айтсанг айт. «Ўзлари муҳим ишлар билан бандлар, ҳали вилоят, ҳали республика йиғилишларидан бўшамаяпти», дегин.

– Хўп бўлади. Шу бугуноқ кечқурун бораман.

– Сен ўзинг мабодо ёқтириб қолганинг йўқми ўшани? – деб сўради кулиб Муқимхонов.

– Бизда омонатга хиёнат йўқ, хўжайин, – деди ёрдамчи маънодор қилиб. – Яна... тик оёқдан йўқолиб кетмайин, «Амир»га ўхшаб. Дарвоқе, унинг энг кучли рақобатчиси бўлмиш Казбек сиз билан... танишса, хизмат қилса, гоят бахтиёр бўлажagini айтиб юрибди ишончли бир кишидан.

– «Казбек» дедингми? Ким экан ўша? Сира эшитмаганман-ку.

– Казбек асли бу ерга анча узоқдан келиб қолган. Жуда пулдор йигит. Илгари Сибирь ва Узоқ Шарқдаги олтин конлари теварагида юриб, катта бойлик орттирган экан. Кейин тақдир тақозоси билан бу ерга келган. «Амир»нинг ашаддий душмани. Ҳар иккиси бир-бирини нашафурушлиқда айблаб, ўзини оқлайди. Аслида иккови ҳам ўша «саҳарли бизнес»га алоқадор. Казбек тилла билан ҳам шуғулланади. Айтишларича, вилоят марказидаги бир неча фабрика ва заводларни бировларнинг номига сотиб олиб, юргизиб келади.

– **Ўҳ-ҳў!** Унақа бўлса... зўр экан. Чақир-чи, ўзимизнинг туманда яна бир-иккита қўшма корхонлар очтирайлик. Қишлоқда саноатни ривожлантирмасак бўлмайди. Давлатимиз раҳбариятининг талаби шундай.

– Хўп бўлади. Эртага кечга чақираман, – деди ёрдамчи ва мийиғида кулиб қўйди.

«Хўжайин унинг тилла билан шуғулланишни эшитиб, кўзи порлаб кетди. Чамаси бундан буён мулкларини тиллага айлантиради. Чунки долларга ҳам ишонч қолмади. Кун сайин қадрсизланиб кетяпти», деб ўйлади. Кабинетга чиқиб ички ишлар бошқармаси бошлиғига қўнғироқ қилди. «Сизни ҳозир Даврбек ака билан улайман», деди.

Муқимхонов бошлиққа ўшқирди:

– Анови... Шерқулми, Шерқуловми, нима билан шуғулланияпти ўзи, бекорхўжа? Ҳамма ерда жиноятчи, ҳамма ерни нашафуруш босиб кетди-ку! Ё... ўзиям шерикми ўшаларга? Ҳаққини олиб турса керак-да?

«Унақа эмас, ўртоқ Муқимхонов, майон Мўмин Шербоев энг яхши ходимларимиздан. Ҳукумат мукофотини олган...»

– Мен билмайман, қанақа мукофот олганини! Бизга етиб келган маълумотларга кўра... у милиция ходими шаънига тўғри келмайдиган ишлар билан шуғулланиб юрибди. Шунинг учун унинг устидан хизмат текшируви ўтказиб, натижасини менга маълум қилинг!

Кейин яна ёрдамчини чақирди.

– Анови Казбек билан... ишхонада учрашмайлик. Бирон холироқ жой топ.

– Тоғда бир ҳовли бор, – деди ёрдамчи. – Ўша ерга чақи-
ра қоламан. Лекин унинг ўзи бирор жойни таклиф этиши
ҳам мумкин.

– Йўқ. Унинг ҳудудида учрашмаймиз. Сен айтаётган ҳовли
ишончлими?

– Бошим билан жавоб бераман, хўжайин!

– Бошингни асра, ҳали бизга кўп керак бўлади, – деди
Муқимхонов кулиб.

– Эътибор ва ғамхўрлигингиз учун миннатдорман,
хўжайин. Дарвоқе, айбга буюрмайсиз... бир нарсани сўра-
моқчи эдим.

– Сўра, сўрайвер

– Менга... қанчалик ишонасиз?

– Сенгами? Сенга худди ўзимга ишонгандай ишонаман.

Хўш, буни нега сўраяпсан?

Ёрдамчи столи айланиб ўтиб, унинг ёнига келди. Қуло-
ғига оғзини қўйиб шивирлади:

– Анови... Казбек... «улуғ одамларнинг ҳузурига қуруқ
қўл билан бориш мумкин эмас, айт, қанча олиб борай», деб
сўраяпти. Қанча дейин? Бир... ўн минг опкелса бўлар? Кўки-
дан...

– Ўҳ-ҳў, бу янги ошнанг анча дадилга ўхшайди-ку, ҳали
танишиш учун қуруқ келишни истамаётган бўлса.

– Э-э, хўжайин, унинг молу давлати беҳисоб. Имкон қадар
кўпроқ ундириш керак. Соғиш керак уни, – деди ёрдамчи
овозини сал чиқариб.

– Бўлмаса... нима қиласан гапни майдалаштириб? Бирор
эликта сўрамайсанми? – деди Муқимхонов шивирлаб.

– Йў-ўқ. Сал ошиб кетдингиз, шеф. Ҳозирча ўнта етади.
Кейин аста-секин ошириб борамиз. Дарвоқе, у фақат кўки-
ни эмас... пишириб, қизиlines ҳам олиб кела олади. Фақат...
айтган ишларини қилиб, қўллаб турсак бас.

– Қизиlines? Яъни, қанақасига?

– Хоҳланг, Николай подшоҳ тилласи, хоҳланг, Бухоро
амири тангалари, хоҳланг... ҳозирги замоннинг қуйма ол-
тини. Кейин у... хориждаги истаган банкингизга қўйиб ҳам
беради. Хуллас, керакли одам.

– Бўпти, айтганингдай қила қол...

Ёрдамчи даҳлизга чиқа солиб четга ўтди-да, қўлидаги телефондан «Казбек»ка қўнғироқ қилди.

– Ҳаммаси жойида. Эртага ўша... жойда. Ўша вақтда. Ҳа, айтганча... бизлар ўн беш дақиқа кечроқ борамиз. Тушунарлими? Ўн беш дақиқа!

«Ўн беш дақиқа», дегани пароль эди. Ёрдамчи «Казбек»ка ўн беш минг олиб келишни тайинлаётган эди. «Мен хўжайинга ўнни олиб берсам, оллоҳ менга бешни, яъни шунинг атиги ярмини беради, – дея ҳазиллашиб қўйди ўзига ўзи ёрдамчи. – Чунки мен Солиҳбой, э йўқ-а, Даврбой эмас, унинг оддий хизматкориман, холос...

* * *

Эртаси кунни белгиланган вақтда, яъни кечки соат саккизларда тоғ оромгоҳидаги хилват дарада, дарахтзор қўйнида жойлашган муҳташам чорбоғлардан бирида шоҳона айшу ишрат бошланди. «Казбек» деганлари жудаям диди ўткир йигит экан. Дастурхонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Муқимхонов яйраб кетиб очик айтди:

– Одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарсани муҳайё қилиб-сиз, раҳмат, – деди.

– Сиздай азиз меҳмон учун... одамнинг жонини ҳам муҳайё қилганмиз, – деди Казбек ва кавказча қуюқ қора қошларини учириб, кўзини қисди. Сўнгра мўйлови билан қўшни хонага ишора қилди: – Аввал таом, кейин... ка-лом!

– Балосан-да, Казбек оғайни, – деди ёрдамчи ва у чиқиб кетганидан сўнг Муқимхоновнинг қулоғига шивирлади: – Ҳалигини олиб қўйдим. Ўзингизга беришга тортинди. Ҳали кетишда бераман.

– Бўпти. Бундан буён ўзингга бераверсин. Менга ҳам ўзининг қўлидан олиш ноқулай.

– Ишонасизми? – деб сўради ёрдамчи яна атайлаб.

– Айтдим-ку, ишонаман, деб. Ишонмасам, бошлашиб юрармидим.

– Раҳмат, хўжайин. Аммо-лекин Казбек бало-да! Нариги хонада еттига қулинг ўргилсин жонон ўтирибди. Боя айтди-ку, «одамнинг жонидан ҳам бор», деб. Хоҳлаганингизни танлаб, маишат қиласиз. Ҳаммом ҳам қиздириб қўйилган.

Муқимхоновнинг юраги ҳовлиқиб кетди. Нега бунча... кўп?

– Э-э, хўжайинбой ака, етти иқлимдан етти гўзал-да! Алишер Навоийнинг «Ҳамза» романидаги «Саббаи Сайёр» ҳикоясини ўқиганмисиз?

– Ўқимаганман-у эшитганман, – деди Муқимхонов. – Лекин ўша асарнинг номи Ҳамза эмас, «Ҳамса», тушунарлими?

– Нима фарқи бор, ҳамзами, ҳамсами?

– Фарқи шуки, Ҳамза, деган катта бир шоир ҳам бўлган. Униям... жа-а, хотинларга суяги йўқ эди, дейишади. Дарвоқе, анови... жувонларинг... еттига дедингми? Тозасидан эканми, ишқилиб? Сўрадингми?

– Э-э, хўжайин-ин! Казбек унақа-мунақа одам эмас. У тилланинг ҳам, одамнинг ҳам асли билан муомала қилади...

Шу пайт Казбек кириб қолди. Гапнинг охирини эшитди.

– Кўнглингиз тўқ бўлсин, Даврбек Муқимхонович, онаси ўпмаган қизлар. Лекин тажрибалари ҳам етарли, кўнглингиздагидек хизмат қилишади.

Муқимхонов мийиғида кулди. Ичида: «Ол-а, онаси ўпмаган қизларда қанақа тажриба бўлиши мумкин? Бу тоғлик кавказ мени жа-а ҳариф, деб ўйлаяпти, шекилли», деб қўйди.

Олқор гўштидан қилинган кабобни газак қилиб, шотланд вискисини роса симирган Муқимхонов қорни қаппайиб, кайфияти кўтарилиб, дили яйради. Казбекнинг бояги гапи эсига тушиб, уни бир аския қилиб қўйгиси келди.

– Бунақа... онаси ўпмаган олқор гўштининг шашлиги... Кавказда ҳам йўғ-а, шунақа эмасми? – деб сўради. Кейин қўшимча қилди. – Кўп еганман, Кавказдаги тоғ эчкиларининг барчаси тоғма-тоғ юравериб тажрибаси ошиб, гўшти чандир бўлиб етади.

Казбек аскияни тушунди.

– Тўғри айтасиз. Қойил! Аммо-лекин бопладингиз, тан бердим, – деди. Сўнгра яқинроғига келиб паст овозда давом

этди: – Қани, саунага марҳамат. Улоқчалар амрингизга мунтазир бўлиб турибди.

– Ие, шунақами, – деди Муқимхонов сохта сиполик билан. – Қалай бўларкин, ноқулай эмасми?

– Сиз кираверинг, хўжайин. Ҳеч ким халал бермайди, – деди ёрдамчи. – Биз бу ерда Қазбек билан нарда ўйнаб ўтирамиз. Уёқда... хонимчалар ўзлари ҳаммасини тахт қилиб туришибди.

Муқимхонов юраги гуп-гуп уриб қўшни хонага ўтди. Ундан нариги яна бир хонага, сўнгра кенг-мўл бир хонага дуч келди. Унда ҳам мўъжаз, аммо тўкин дастурхон ёзилган бўлиб, теварагида сочлари, кўзлари турли рангдаги етти гўзал яланғоч баданига чойшаб ўраб, май ичиб, тамаки тутатиб ўтиришарди. Муқимхоновни кўриб, дув этиб ўрниларидан туришди. Икки нафари дарҳол келиб суйкалди. Бири Муқимхоновнинг бўйинбоғини ечишга, яна бири костюмини тортиқилашга тушди. Бир зумда ечинтиришди. Чойшабга ўрашди. Қўлидан етаклаб, қўшни хонага олиб ўтишди. Бу кенг хонада бўйи беш, энг уч метрлар келадиган зилол сувли бассейн, ёнгинасида бири-биридан қайноқ буғхона бор экан. Жувонлар Муқимхоновни аввал буғхонага олиб кириб, юзубан ётқизишди. Бири олиб, бир қўйиб, бадинини роса силаб-сийпалашди, уқалашди, хушбўй супурги билан авайлабгина савалашди. Кейин ҳаммалари биргалашиб бассейнга сакрашди. Муқимхоновнинг вужуди ҳам, руҳи ҳам яйраб кетди. Яланғоч жувонларга бир-бир қараб, танлалга киришар экан, кўнглига шўх-шаддод, кибрли хаёллар келди.

«Хўш, Амир Олимхондан қаерим кам. Мансабим, пулим.. бўлса. Манови жононларнинг ҳар бири имога маҳтал турган бўлса... нима етишмайди менга? Тўғри, ҳаётда унча-мунча синовларга ҳам дуч келдим. Лекин шукрки, ҳаммасидан омон-эсон ўтиб, тупканинг тагида юрган бўлсам ҳам... мана бунақа маишат қилиб, ҳаёт кечиряпман-ку... Энди агар мановининг ёрдами билан маблағларимнинг асосий қисмини тиллога, иложи бўлса, олмосу бриллиантга айлантириб олсам... армоним қолмайди...»

– Қани, сен, сен ва... сен!, – деди у жувонлардан учтасига ишора қилиб. – Менинг ортимдан олға!

– Учаласига бир йўла кучингиз етадими ишқилиб? – деб сўради ёнгинасида турган бироқ «танланиш» бахтига муясар бўлмаган қорасоч аёл.

Муқимхонов бу гапни эшит-ю нимадир эсига тушиб, юраги «шиғ», этиб кетди...

* * *

Айни шу лаҳзаларда Муқимхонов боягина тарқ этган хонада ёрдамчи ва Казбек ўртасида қуйидаги суҳбат бўлиб ўтди.

– Хўжайиннинг жа-а гапга уста, зийрак одам экан, – деди Казбек. – Ҳар қалай шаҳар кўрган-да-а?

– Ҳи-ҳи-ҳи, «шаҳар кўрган эчкидан кўрқ», деган мақолни эшитганмисан? – дея аския қилди ёрдамчи. Кейин сирли оҳангда қўшимча қилди: – Бизнинг хўжайин фақат гапни эмас, ишниям қотиради. Сен айтаётган ишларнинг барчасини хамирдан қил суғургандек бажариб беради. Фақат сен ҳам «бериб» туришни қанда қилмасан бўлгани.

– Олишниям қотираркан, – деди Казбек. – Тавба, умримда биринчи кўришим бунақасини. Ҳали танишмасдан туриб, талаб қиларкан-а?

– Э-э, сен нима деяпсан? Бизнинг хўжайин олишнинг юзта усулини билади.

– Сенинг беминнат ёрдаминг ва бевосита иштирокинг бу борада унга роса асқотаётгандир? Сени бугун кўриб турганим йўқ-ку.

– Ҳай-ҳай. Менинг полизимга тош отма! Мен кимман? Оддий бир ёрдамчи, холос. Берилган буйруқни бажараман, қиладиган ишим шу.

– Ўзингни қўй оғзидан чўп олмаган бегуноҳ қилиб кўрсатма. Қулоғинггача... нажасга ботгансан, – деди Казбек кулиб.

Ёрдамчи ҳамсуҳбати бу гапни ҳазиллашиб айтдими ё жиддий гапирдими, англолмай қолди.

16

Субут Сокин бугун оқшом ўзида йўқ шод. Бугун у анча ойлик танаффусдан сўнг яна астойдил қўлига қалам олиб,

«Номозшомгул» қиссасининг давомини ёзишга киришди. Илҳом қуйилиб келди. Шавқ билан ёзди. «Тундай қаро. Ипакдай майини сочларингни силай ҳар куни», дея хиргойи қилди ҳофиз Маҳлиқонинг чақнаб, мовий нур сочиб турган ложувард кўзларига тикилар экаи», деб ёзди. Назарида жудаям жонли, ширали чиқди. Зероки, бу жумлаларни у ўзининг янги бир маҳлиқоси билан бўлган яиаги учрашув ва ҳа, лаззатли висол онларидан сўнг битди. Ҳа, у Моҳитобондан ҳам зўрини... унинг ёрдамида топди. Ўша кунги ўнғайсиз воқеадан сўнг у аризасини кимдандир бериб юбориб ишга келмай қўйганди. Субут Фаризанинг кўнглини тинчитганидан сўнг, яна Моҳитобонни қўмсай бошлади. Унинг ўша куни эҳтирос билан қичқариб: «Кўнглимдаги йигит экансиз, раҳмат, жоним, раҳмат», дегани қулоқлари остида жаранглаб турарди. Субут шофёри Моҳитобоннинг уйини билишини эслади. Ўшани чақариб, жиддий тарзда буйруқ берди.

– Анови... Моҳитобонни топиб, ишхонага олиб кел. Бир-иккита хужжатларни тополмаялман. Топиб берсин. Кейин бухгалтериядан маошларини олиб, тугал ҳисоб-китоб қилиб кетсин.

Субут ўз атрофидаги барча одамлар, шу жумладан, шофёри ҳам Фаризага гап етказиб туришини биларди. Бу ҳақда бир марта Фариза билан очиқча гаплашиб олмоқчи ҳам бўлди. Фариза тутқич бермади.

– Қўйсангиз-чи, иккаламизнинг ўртамизда қанақа зиддият ёки бир-биримиздан яширадиган қандай сир борки, мен сизнинг орқангиздан айғоқчи қўйсам? Шунчаки, ғамхўрлик қилиш, иссиқ-совуғингиздан хабардор бўлиш учун сўраб-суриштириб тураман. Буни тўғри тушунишингиз керак...

«Биз барибир ҳам тескари қутбларнинг одамларимиз», – деб ўйлади ўша лаҳзада Субут. – Бизнинг ўртамизда муҳаббат уёқда турсин, умуман, бирорта беғараз туйғу бўлиши қийин. Бизлар шунчаки бир-биримизга зарур одамларимиз...

Фариза ўша куни воқеа пайтида рашк таъсирида жанжал кўтармагани, аксинча, ҳирси ғалаён қилиб, бўйнига осилгани ҳам Субутнинг назарида бу фикрни яна бир карра қатъий тасдиқлади. «Менга оддий бир айғир», деб қарайди, деб ғижин-

ди. Қайтанга рашк қилганида, тутиб урганида алам қилмасди. Ана шу тассурот туфайлими ё Моҳитобон чиндан ҳам жигаридан урган эканми, ҳар қалай уни қўмсай бошлади.

Моҳитобон худди у тасаввур қилганидек, бошини ҳам қилиб кириб келди.

– Қанақа ҳужжатни тополмаяпсиз? – деб сўради ерга қараб.

– Сизни... Сизнинг висолингизни тополмаяпман, – деди Субут. – Соғиндим. Унақа... бедарак кетманг-да.

– Менга жудаям ноқулай бўлди. Опа ўзлари «бироз бошини айлантир, лекин қўйинга киргизма», деб топшириқ бергандилар. Мен... сизга «йўқ» деёлмай у кишининг ишончини оқламадим.

– Қўяверинг. У кишининг ўзи айбдор. Мени синамоқчн бўлгани қизиқ. Нима кераги бор экан бунақа ўйиннинг? Майли. Мен ундан хафа эмасман. Қайтанга... яхши бўлди. Сизни топдим. Энди... учрашиб турайлик.

– Майли. Жоним билан-у... аммо менинг... эрим бор-да..

– Нима? Ахир «ажрашганмиз, деган эдингиз-ку.

– Тўғри, қонуний биринчи эрим билан ажралишганмиз. Лекин сал кейинроқ... бошқа кишига иккинчи хотин бўлгин, деб оғиз солиб юрувди. Бу ердан кетган кунимнинг эртасига розилик берворибман.

– Ким, қанақа одам у, розилигингизни... қайтариб олсангиз бўлмайдим? Ҳали никоҳ ўқитмагандирсиз?

– Никоҳ-ку... ўқитганимиз йўқ. Инди. Якшанба куни... беш-олти кишига ош бериб, ошкор қиламиз. Ҳозирча... келиб-кетиб турибди.

– Э-э, қизиқ экансиз. Якшанбагача ҳали роппа-роса қирқ саккиз соат бор экан-ку. Қани, юринг, ичкарига. Эшикни қулфланг. Мен ходимларга мажлисга маъруза тайёрлайман, ҳеч ким безовта қилмасин», деб тайинлаб қўйганман.

– Йў-ў-ғ-е, қўйинг, уят бўлади, – дея нозланди Моҳитобон.

– Ие, бу нимаси? Ахир, «кўнглимдаги эркак экансиз», дегандингиз-ку?

– Тўғри, шунақа деганман... Лекин турмуш қурыпман, иккинчи хотин бўлсам ҳам... биласизми, яхшиси, мен сизни...

Бир дугонам бор. Боши очиқ. Ўша билан таништираман-чи? Ўзи жудаям чиройли. Мендан ҳам. Ёш. Сизга маъқул бўлади. Хоҳласангиз, ҳозироқ қўнғироқ қилиб чақиртириб бераман.

«Оббо, буёғи қандоқ бўлди», деб ўйлади Субут. Айни пайтда Моҳитобоннинг кўрсатаётган жиддий важига жавобан ҳеч нарса дея олмади. «Чақиринг», дейишга эса бироз иккиланиб турди. Моҳитабон буни сизди. Дадиллик билан стол ёнига бориб, телефон гўшагини кўтарди. Рақам терди.

– Гуличка, сенмисан? Ҳа, мен Моҳиман. Сени бир ажойиб инсон билан таништираман. Тунов куни айтгудим-ку! Қачон дейсанми? Ҳозир. Ҳозироқ таксига ўтириб, мен ишлаган нашриёт уйига етиб кел. Ҳа, ҳалқа кўчаси. Ўн бешинчи уй. Иккинчи қаватга, бошлиқнинг хонасига чиқасан. Сўраганларга: «Субут аканинг ўзлари чақиртирганлар», деб айт. Хўпми? Келишдик!

Телефон гўшагини қўйиб, Субутга юзланди:

– Ярим соатда етиб келади. Ажойиб қиз!

– Қиз бўлса... уйланасан, деб туриб олмайдими?

– Уёғидан хотиржам бўлинг. Фақат... ойига икки юз минг-уч юз минг сўмча бериб туриш керак. Иложи бўлса, кейинроқ кичикроқ бир квартира олиб берарсиз. Аммо-лекин бунақа қўли ширин, пазанда, озода, саранжом-сариштасини топишингиз амримаҳол.

Субут бир хаёли: «Мен нималар деяпман, нималар қиляпман, ахир... бу қип-қизил ҳаром иш, беъманилик-ку», деб ўйлади. Яна бир хаёли «келсин-чи, бир кўрай-чи, «боши очиқ», деяпти, жа зўр келса уйланарман», деди.

– Мен кетдим бўлмасам. Худо омадингизни берсин, – деди Моҳитобон кулимсираб. Кейин овозини пасайтириб қўшимча қилди: – Сизнинг қанақалигингизни унга айтганман. Ўзиям жуда-жуда... Хўп, хайр...

«Мен қанақа одамлар орасига тушиб қолдим? Бу қанақа муҳит? Қанақа одамлар? Ё тавба?.. Қанчалик ошкора шармсизлик! Очиқ савдо-сотик. Ҳали... Гуличканинг ўзлари келса... бундан ҳам қизиқ гаплар бўлса керак...»

Гуличка деганларининг асли исми Исмигул экан. У ўзининг ўта гўзаллиги ва ўта... маъсумалиги ва қўнгли очиқлиги билан Субутни ҳайратга солди. Бир зумда дилидаги гап-

ларни тўкиб, Субут бояги фикрлари учун уялди. Қизга раҳми келди. Ўзини, ичида: «садқан одам кет», деб койиди.

– Сиз мени ҳойнаҳой ахлоқсиз ва беҳаё қиз, деб ўйлаётгандирсиз, чақирган заҳоти чопиб келганимга... Ростини айтсам, чўкаётган одам хасга ёпишади, деганларидек, кейинги пайтда кимдан нажот ахтаришни билмай қолдим.

– Нега энди? Нима учун? – ҳайрон бўлди Субут.

– Моҳи опа айтмабди-да, мен ўзим узоқ вилоятданман. Яқинда ўқишни битирдим. Маданият институтини талабалик давримизда бир йигит билан севишгандик. Алдаб, қочиб кетди. Ному нишонсиз. Энди уйга, ота-онамни ёнига боришга юзим йўқ. Бирон ишга ҳам киролмадим ҳали...

– Қаерда яшайсиз?

– Моҳи опам бир квартира топиб берганди. Эгаси яхши кампир. Лекин ундан ҳам анча қарздор бўлиб қолдим.

– Қанча... қарзингиз бор?

– Беш юз минг.

Субут сейфини очиб, мингталик боғламлардан ўнгасини олиб, мўъжазроқ халтачага солди. Исмигулга узатди.

– Манг. Олиб бориб қарзларингиздан қутилинг. Телефонингизни қолдирасиз. Эрта-индин сизни бирор ишга жойлаб қўяман. Моҳитобоннинг жойига ололмайман. Ноқулай. Бирор... иш топармиз хавотир олманг. Ҳозирча муаммоларингизни ҳал қилинг. Боринг, бораверинг.

Исмигул пул тўла халтачани олиб, саросималанди. Субут ҳайрон бўлиб қараб турди. Исмигул қисиниб-қимтиниб деди:

– Сиз... сиз қачон борасиз? Бугунми?

– Қаерга? – деди Субут тушунмай. Шу топда у Исмигулнинг ғамгин ҳикоясидан азбаройи таъсирлангани боис унинг нима мақсадда чақирилганини тамоман эсдан чиқарган. Хаёлида Афифа билан илк бор учрашган дамлари жонланди.

– Квартирага-да. Бугун борасизми? Мен тайёргарлик кўрай. Нима овқат пиширай? Қанақа таомни яхши кўрасиз?

Сўнги савол қулоғига ажабтовур эшитилди.

– Қанақа таомни яхши пиширасиз? – деб сўради беихтиёр.

– Ҳаммасини биламан. Истасангиз... тухумдан чучвара пишириб берардим.

– Майли, қачон боришни... ўзим айтаман. Ҳозирча муаммоларингизни ҳал қилиб олайлик, хўпми?

– Хўп, – деди Исмигул бир қадар ҳайронлик билан. – Мен борай бўлмасам. Мана бу қоғозга телефон рақамини ёздим.

– Яхши...

Субут кечқурун ҳайҳотдек ҳувуллаб ётган уйига келиб хизматкор кампир пиширган чучварани иштаҳасизлик билан ер экан, Исмигулнинг тухум чучвара ҳақидаги гапини эслаб юраги орзиқди. Ҳирсдан эмас, аллақандай аламли энтикди. «Нега алданган қизлар бунча кўп? Нега менга нуқул шунақаси дуч келади? Нега мен уларга раҳм-шафқат қилиб юрагим ачиниб ўтиришим керак? Худди қайсидир ҳинд киносидагидек уларнинг муаммоларини ҳал қилиб юришим керак? Ўша кинонинг номи адашмасам, «Қашшоқларнинг дўсти» эди. Мен ҳам шунақаманми? Ўзим кечагина қашшоқликдан чиққаным учун бунақа ҳолатларни юрагимга яқин оляпман, шекилли. Унақа қилмаслик керак. Бу шафқатсиз ҳаёт қонувларига қарши турмай, барча бойлар сингари... камбағалларга нисбатан шафқатсиз ва зўравон бўлишим керак. Акс ҳолда ўзим ҳам яна улар қаторидан жой оламан. Агар мен шафқатсизлик қилмасам, ҳаёт, қисмат менга шафқатсизлик қилади. Бунга кўп марта кўриб, ишонч ҳосил қилдим-ку! Демак, худо, «ол, қулим», деб турганда давр суриш, айш-ишрат қилиш лозим. Бунақа давр қайтиб келмайди. «Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема...»

Ана шу ўйлар таъсирида бир хаёли ҳозироқ Исмигулга телефон қилиб, «бораман, чучварангни тайёрлаб тур», дегиси келиб кетди.

Ўзини босди. «Шошма, катта ишга шошма, бугун пул бердинг, эртага уни ишга жойлаштир. Ана шунда мукаммал ижро этилган бурч туйғуси билан унга чучвара буюрсанг ярашади...»

Ширин хаёллар оғушида телевизор ҳам кўргиси келмай ухлагани ётди. Саҳар чоғи оғир туш кўриб уйғониб кетди. Тушида у бепоён саҳрода югуриб кетаётган эмиш. Қаёққа, нима учун югуряпти, нимадан, кимдан қочяпти, ўзи ҳам билмайди. Фақат бор овози билан бақирар эмиш: «Эй, одамлар, ёрдам беринглар, ахир мен сизларга шунча ёрдам бер-

дим-ку, энди сизлар ҳам менга кўмаклашинглар», дермиш. Узоқ-узоқлардан қаҳрли бир кулги янграб турганмиш. «Ҳа-ҳа-ҳа. Сен кимга яхшилик қилиб қойиллатиб қўйдинг, аввал бўйнингдаги қарзларни узсанг-чи...»

Боши оғриди. Тонгача ҳали анча бор. Туриб ювибди. Қаҳва ичди. Ёзув столи ёнига бориб, ишламоқчи бўлди. Уддасидан чиқмади. Туриб, ташқарига чиқди. Салқин. «Куз ҳам яқинлашиб қолди», деган ўй келди негадир хаёлига. Тушнинг таъбирини топмоқчи бўлди. Эппломлади. «Бу, чамаси, ўз-ўзини таҳлил қилиш оқибати, – дея хулоса чиқарди охири. Ўзингни ҳадеб силкилатаверма. Бу дунёдаги гуноҳ-корларнинг биринчиси ҳам, охиргиси ҳам эмассан. Беш кунлик ҳаётда жонингнинг ҳузурини ўйла...»

Шинам ҳовлисида айланиб юрди. Бир туп қизил луччак шафтоли шиғил ҳосил қилган. Тўп-тўп этиб тўкиляпти. Иккитасин ювиб еди. Баҳри-дили очилди. Ишга одатдагидан вақтгироқ отланди. Келибоқ, маданият вазирлигидаги Ашур деган ошнасига қўнгироқ қилди. Жойида экан: «Бир жиянимизга кутубхонадан иш керак. Ўзи маданият институтини битирган». «Шаҳар кутубхонасига борсин, ишга олишади, мен айтиб қўяман, – деди Ашур. – Фақат ойлиги камроқ. Зарари йўқми?» «Зарари йўқ», деди Субут. Сўнгра Исмигулга қўнгироқ қилди. «Тезроқ бориб, ишга жойлашинг, кеч-қурун чучварахўрлик қиламиз», деди. Қиз, «хўп», деди.

Субут пешиндан сўнг безовталанишга тушди. Ўқтин-ўқтин Исмигулга қўнгироқ қилди. Ниҳоят жавоб бўлди. Исмигул бозорга чиққан экан. «Тухум барак тез пишди, имкони бўлса барвақтроқ келинг», деди. «Бешда борсам бўладими?» «Бўлади, келаверинг».

Уй эгаси Зинаида Никаноровна, деган ўрис кампир экан. Субутни кўриб, синчиклаб разм солди. Кейин Исмигулга қараб: «Бу одам солидний одамга ўхшайди, қўлдан чиқарма», деб кулиб қўйди ва «мен дугоналарим билан лато ўйнагани бораман, соат ўн биргача бемалол дам олинглар», деб чиқиб кетди.

Чучвара еб бўлингач (унга қўшиб озгинадан виски ҳам ичилди), Исмигул ширакайф бўлиб қолди. Субут яна бир

дақиқача иккиланиб турди-да, «нима бўлса-бўлди», дея қўлини силтаб ўрнидан қўзғалди ва қизни бағрига олди. Исмигул унга сўзсиз бўйсунди...

Шўрлик қиз ўқтин-ўқтин: «Сиз ҳам алдаб ташлаб кетмайсизми», деб сўрар, Субут эса, «йўқ-йўқ», дер эди...

Кейин у Исмигулнинг қўлига яна бир боғлам пул тутқазиб, чиқиб кетди. Кетаётди:

– Ҳаммаси яхши бўлади! – деди.

Йўл-йўлакай кайфияти кўтарилди. Уйга келиб диванга ястаниб ҳузур қилди. Кейин шаҳд билан ўрнидан туриб стол ёнига бориб, тез-тез ёзишга киришди. «Тундай қаро, ипақдай майин...» Ёзиб-ёзиб, толиқди. Яна диванга чўзилиб, ширин ўйларга берилди. «Гулдай экан. Оппоқ ва нафис бадан. Энг муҳими, ёш. Жудаям ёш ҳали. Энди йигирмага кирибди. Уни ташлаб қўймаслигим керак. Кейинроқ бир уй олиб бериб... учрашиб юраман. Эҳтимол... мулла чақириб шаърий никоҳ ҳам ўқитиш, кичикроқ бир ўтириш қилиш... Хуллас, эл кўзида ота-онасининг олдида юзини ёруғ қилиб, оқлаб олиш керакдир? Ўйлашиб кўрамиз...» Ногаҳон телефон кўнғироғи ҳушига келтирди. Гўшакни олиб, таниш овозни эшитди-ю нафаси ичига тушиб кетди. Бу – хотини эди. Ҳеч қачон кўнғироқ қилмасди. Бу ернинг телефон рақамини ҳам билмасди. Демак, қанақадир жиддий ҳодиса бўлган...

– Мен... мен шошилинич тиббий ёрдам касалхонадан телефон қиляпман... Тезроқ етиб келинг... қизимизнинг аҳволи оғир. Ток уриб, куйиб қолди...

Субут, «иёга, нима бўлди», деб сўраб ўтирмади. Гўшакни «тақ» эткизиб жойига ташлади-да, шоша-пиша кийиниб, шофёрга кўнғироқ қилди.

– Тезроқ етиб келинг, касалхонага боришимиз керак. Мен йўлга чиқавераман...

Машина қачон келди, касалхонага қачон борди, эслолмайди. Гўё ҳуши ўзида эмасди. Йўл бўйи: «Қизалогимини ўз паноҳингда асра, эй парвардигор», дея пичирлаб кетди.

Хотини «куйган беморлар» бўлимининг даҳлизидида турган экан. Субутни кўрибоқ ўзини унга отди. Бўйнига осилиб ҳўнграб юборди. Субут унинг бошини кўксига босиб, силаган бўлди. Кейин юзини ўзига қаратиб сўради:

– Нима бўлди, тушунтириб гапринг-чи! Ўзи қани? Аҳволи қанақа?

– Уни ичкарига – реанимация хонасига опкириб кетишди. Ўртоқлари билан ўйнаб, уйимиз яқинидаги трансформатор биносига кирган... ток урибди. Аҳволи оғир...

– Врачи қаерда?»

Шу пайт элик ёшлардаги сарғиш юзли, қотма врачнинг ўзи чиқиб келди.

– Аҳволи қандай? – деб сўради Субут юрагини ҳовучлаб.

– Оғир, жудаям оғир, – деди врач бошини чайқаб. – Учинчи даражали куйиш. Ҳамма чорани кўряпмиз. Уёғи... энди худодан.

Субут врачнинг қўлтиғидан олиб, ташқарига бошлаб чиқди. Четроққа олиб ўтиб, чўнтагидаги бор пулини олиб узатди:

– Ака, яхшилаб қаранг, илтимос. Яна қанча ҳаражат қилиш керак бўлса, тайёрман. Қанақа дори керак бўлса, торлинмай айтаверинг. Топтириб келаман.

Врач Субутнинг пул чангаллаган қўшни итариб қўйди.

– Керак эмас. Фақат... доридан... майли, имкони бўлса. Баъзи ноёбларини топиб келарсиз. Мен рўйхат ёзиб бераман.

– Олинг, ака, олаверинг, бу қўлингизнинг ҳақи, дорига пул бор. Насиб этса, тузалиб кетганидан сўнг... Сизни яна рози қиламан.

– Аввал тузатиб олайлик. Кейин... Хўпми? – деди врач унинг кўзига тик қараб. – Ҳали... комадан чиқаришимиз керак. Эрта-индин пневмония бошланади. Қаттиқ куйиш пайтида шунақа бўлади. Кейин... бир қўлини, бир оёғини кесишга ҳам тўғри келиши мумкин.

– А? Нега? Кесмасдан иложи йўқми? – деб сўради Субут даҳшат ичра.

– Кўрамиз. Ҳамма чорани кўрамиз. Аввало, унинг тирик қолишини ўйлашимиз керак. Худо, деб туринг... Мен бирпасдан сўнг рўйхатни чиқариб юбораман...

Врач ичкарига кириб кетди. Субут карахт ҳолда туриб қолди. Хотини ичкаридан чиқиб ёнига келди.

– Нима деди, гаплашдингизми? – сўради ҳовлиқиб.

Субут бош ирғади.

– Ҳамма чорани кўрамиз, деяпти. Пул берай десам, олмади. Кейин, деди. Ҳозир дорилар рўйхатини ёзиб беради. Ичкарига кириб қараб туринг, олиб, менга берасиз.

– Хўп, – деб ичкарига кириб кетди хотини.

Субутнинг ўзи бояги гап таъсиридан қутулолмай, нима қилишни билмади. Касалхона дарвозасидан ташқарига чиқиб, дўкондан сигарета сотиб олди. Чекмай кетганига олти йилча бўлганди. Ҳатто қамалиб қолган чоғларида ҳам чекмаган. Ҳозир эса жудаям чеккиси ва... йиғлагиси келди. Касалхона ҳовлисидаги сидирға қилиб экилган қарағайлар ора-лаб юрди. Чекди. Йиғлади. «Гуноҳим шунчалик кўп эканда, эй, парвардигор, наҳотки шу қадар оғир жазо берсанг», дея пичирлади.

Қўлида қоғоз билан хотини чиқди.

– Эртага эрталаб опкелса ҳам бўларкан, ҳозирча ўзимиздагилардан ишлатиб турамиз, дейишяпти.

– Йўқ. Мен ҳозироқ бориб топтириб келаман. Сиз...

– Мен шу ерда тунайман энди.

– Бўпти, мен қайтиб келаман...

Ярим тунда дориларни топиб, қайтиб келди. Кимсасиз даҳлиздаги ўриндиқда куйиниб ўтирган, уни узоқдан кўриб, дикка ўрнидан турган хотинига қараб, раҳми келди. Кириб, дорилар солинган халтачани узатди:

– Навбатчи врачга опкириб беринг. Тезроқ қуйишни бошласин. Мен қараб тураман.

Хотини бирпасдан сўнг қайтиб чиқди. Шу орада шофёр йигит егуликлар солинган яна бир халта ва термос кўтариб кирди.

– Булар сизга. Тамадди қилиб олинг, – деди Субут.

– Шу чоғда томоғимдан овқат ўтармиди.

– Енг-енг, мажбурлаб бўлса ҳам еб олинг. Йўқса толиқиб қоласиз. Касал пойлаш осон иш эмас.

Хотини халтани очиб, ул-бул еган бўлди. Пиёлага чойдан қуйиб, Субутга узатди.

– Сиз ҳам енг, олинг, – деди халтани тутқазиб.

Икковлари чой ичиб анча ўтиришди.

– Бориб дам олсангиз бўларди, – деди хотини бир маҳал.
– Йўқ. Яхшиси, сиз боринг. Ана, машина бор, шофёр элтиб қўяди. Эрталаб опкелади. Дарвоқе, уйда онангиз ҳам хавотир олиб ўтиргандир.

– У кишига билдирганим йўқ. Ўзлариям кардиология шифохонасида ётибди-ку.

– Э-э, шунақами? Тузукми, анча бўлдимми ётганига?

– Инфаркт бўлганлар. Яқинда чиқишлари керак.

– Ҳа-а... Майли, сиз боринг, хўпми? Эртага кун бўйи ўтириш керак. Ҳали ишхонангизга ҳам айтмагандирсиз?

– Йўқ...

– Эртага кўнгироқ қилиб кўярсиз. Боринг. Мен шу ердаман.

Хотини журъатсизгина ўрнида турди. Субут беихтиёр унга эргашиб, елкасидан ушлади. Шунда хотини ҳўнграб йиғлаб юборди ва яна ўзини Субутнинг бағрига отди. Елкалари титраб, ўксиниб-ўксиниб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади.

– Эй, худо, шунча берган азобларинг етмасди, – дея шивирлаб нола қилди.

– Бас-бас, нолиманг. Худодан боламингизга шифо тилайлик. Юринг, машинагача кузатиб кўяман...

Субут хотинини кузатиб қайтиб келгач, навбатчи врач хонасига кирди.

– Қалай? – деб сўради.

Врач аниқ гап айтмади.

– Оғир. Сунъий нафас олдириш ва бошқа ҳаётий зарур дорилар таъминотини узлуксиз ишлатишмоқда.

Субут қайтиб, ҳовлига чиқди. Юрди. Бирини кўйиб, иккинчисини чекди. «Эй, худо, билиб-билмай қилган гуноҳларим учун жазоламоқчи бўлсанг, ўзим ҳар қандай жазога тайёрман, майли, жоним керак бўлса, жонимни ҳам ол, лекин боламини сақлаб қол, ўтинаман, сендан», дея пичирлаб мурожаат қилди...

Фариза эртасига келди. «Сиз бемалол шу ерда бўлаверинг. Агар яна бирор ёрдам керак бўлса, айтарсиз. Хориждан мутахассис чақиртириш зарурдир. Хуллас, ёрдамга тайёрмиз», деди. Субутнинг хотинига қўл узатиб кўришди. Далда берди.

Шу тахлит қизи бир ярим ой реанимацияда ётди. Субут ва хотини алмашиб, тунларин шу ерда ўтказишди.

– Энди анча тузук, – деди даволовчи врач кунлардан бир куни. – Эртага реанимациядан чиқади. Палатага ўтказамиз. Ҳар тугул қўл-оёғини ҳам сақлаб қолдик. Албатта, ҳали хавф буткул чекинди, деб айтолмаймиз. Қўли ва оёғида... бир неча марта тери кўчириш операциялари ўтказишга тўғри келади.

– Раҳмат, раҳмат, дўхтир, – деди Субут кўзида ёш гилтиллаб. Врач кетгач эса ёшли кўзлари билан хотинига қаради. Хотинининг кўзларида ҳам ёш кўрди.

Шу тахлит Субут икки ой касалхонага қатнади. Шукрки, қизи қўл-оёғидаги чандиқларни ҳисобга олмаганда буткул соғайиб чиқди. Субут уни онаси билан хорижга дам олиш уйига жўнатди. Қайтиб келганидан сўнг ҳам бир ойлар кунора хабар олиб юрди. Кейин сийракроқ борадиган бўлди. Кейин... кейин унинг ҳаёти яна эски изига тушиб кетди. Қизини аҳён-аҳёнда эслаб, хабар оладиган бўлди.

17

Афифа касалхонадан чиқадиган куни келишувларига биноан Мўмин машина билан келиши ё машинанинг ўзини юбориши керак эди. Таажубки, на ўзи келди, на машина юборди. Афифа бунинг қандайдир жиддий сабаби борлигини сезди. «Яна бирон муҳим топшириқ билан кетгандир. Давлатнинг одами-ку... Лекин наҳотки машина тайинлашни ёдидан чиқарган бўлса?..»

Акаси пахта терими билан овора бўлгани боис Афифа унга: «Келмай қўя қолинг, ўзим чиқиб бораман», деганди. Хуллас, бўғчасини кўтариб касалхона дарвозасидан мунгайибгина ёлғиз чиқди. Холаси «чиққанингдан кейин дарров қишлоққа борма, бир-икки кун бизникида дам олиб, кейин кетасан», деганди. «Бормасам бўлмайди, пахта терими бошланган, акам шўрлик бир ўзи бўзчининг моксидек югуриб юргандир», деб ўйлади. «Фалланинг қарзини ҳам пахта билан узиб

юборамиз, насиб этса, деди охирги марта келганида у. – Ҳосилнинг чўғи ёмон эмас».

Ишқилиб, акасининг айтгани келсин. Акс ҳолда, ер оламан, деб навбатда туриб, уларнинг иши чаппасидан кетишини, шартнома режаларини бажаролмай, ерни қайтариб топширишини кутиб ётганлар кўп. Қизиқ замонлар бўлди. Битта одам сенга омад тиласа, иккитаси бахтинг қайтишидан умидвор. Шўрлик ўйлайдики, ўша сенга насиб қиладиган толе айнан унга аталган. Аслида ҳам шундаймикан? «Ҳаёт, бу – кураш», дейишни яхши кўрар эди Субут акаси. Агар шу фикрдан келиб чиқилса, битта бахт ёки битта омад худди кўпкаридан улоқ мисоли ўнлаб кишининг ўртасига ташланади-ю уни энг эпчил, энг чаққон ва энг кучли чавандоз илиб кетадими? Афифа кинояли жилмайди. Шу топда эсига Муқимхонов келди. «Йўқ, ҳозирги замонда улоқни энг эпчил энг кучли кишилар эмас, энг олғир, энг маккор кимсалар илиб кетишади», деб ўйлади.

Машина кира қилиб, вокзалга жўнади. Пешиндаги электричкага улгураман, деб ўйлади. Улгурди. Вагонларда одам сирак экан. Бекатта кеч тушганда кириб келди. Поезддан тушиб, уйга пиёда кетди. Йўлда далада қайтаётган юз-оғизларига дока рўмол боғлаган гурас-гурас теримчи қиз-жувонларга дуч келди. «Бизларнинг далада ҳам терим авжида бўлса керак», – деб ўйлади. Акаси кимнинг «Жон Дир» машинасини ижарага олиб, ўшанда термоқчи эди. Бунинг учун пахтаининг ҳаммаси ёппасига очилишини кутиб туриш керак. Тунов куни айтдики, туман раҳбариятидан буйруқ келибди. Машинани кутиб ўтирмасдан қўл теримни бошлаш керак экан, тумандагиларга фоиз керак. Шунинг учун «тез бўл», деб қисташади. Кўрган фойда-зараринг билан иши йўқ...

Уйда отаси билан онаси керосин чироқ ёқиб ўтиришган экан. Ғира-ширада Афифани зўрға танишди. Таниган заҳоти ҳар иккиси инқиллаб-синқиллаб ўрниларидан туриб, Афифани бағирларига боса кетишди.

– Қоронғида танимабмиз, – деди онаси гуноҳкорона. – Манови электр ўлғирнинг ўчиб қолганини айбмайсанми! Ҳар куни шу аҳвол. Нега, десанг, пулни вақтида тўламагансизлар, дейди. Майли. Опоч бўлиб келдингми, она қизим?

– Яхшиман. Ўзларингиз тузукмисизлар? Ота, тетикмисиз?
– Шукр, қизим. Юрибман, тупроқдан ташқарида.
– Акам, укам қалай? Теримни қизитишяптими?
– Қизитишяпти, – деди отаси ва бир зумлик сукунатдан сўнг хўрсиниб қўйди. – Сал эртароқ бошлаб юборишди-да...
Ҳали уч-тўртта кўсакни пиширса бўларди. Майли, борини бозор қилади-да энди.

– Бажароламизми ўзи, ота, кўрдингизми, чамаладингизми? Аprobациячилар нима деди?

– Чўғи яхши, лекин ғўза сувни кам ичган. Ғози камроқ...
Ишқилиб худо ишларингни ўнгласин.

– Бекмуҳаммад ярим тунда келди. Афифа сўрашиб бўлибоқ сўради:

– Қалай бўляпти?

– Озгина етмай қоладиганга ўхшайди, – деди Бекмуҳаммад руҳсизлик билан.

– Озгина бўлса, ўйламанг. Балким, биронтасидан қарзга олиб турармиз.

– Ҳозир қарзга биров пахта берармиди!

– Пункт ҳам бермайдими? Завод...

– Унга нақд пул керак. Шундаям одамини топсанг. Ҳозир унақа ишларни жудаям хуфя, эҳтиёткорлик билан қилишади.

– Қилишаркан-ку, ишқилиб. Ўлимдан бошқа нарсанинг чораси бор-да.

– Менга қолса, унақа ишни қилмаган маъқул. Майли, шартномани бажаролмай бироз қийналсак ҳам қонуний йўлини кўриш керак. Ошкор бўлиб қолса, осон қутилиш қийин. Ўтган йили қўшни тумандаги пахта заводидаги текширишдан кейин қирқдан зиёд фермер бир йил шаҳарга қатнаб, тергов берди. Нечтаси қамалди, қамалмагани ўлай-ўлай, деб қутилди.

– Хотиржам бўлинг, ака. Шунчаки кўнглингизни билай, деб айтдим. Пахта сотиб олиб, режа бажаришнинг хосияти йўқлигини мен ҳам биламан.

– Аввали даладаги ҳосил билан бажарадилар. Бажаролмасак пешанадан кўрармиз. Очиғи, пахта сотиб олишга пул ҳам йўқ.

– Айтганингиздек, ҳозир биров қарзга пахта ҳам пул ҳам бермайди. Қарзга, яъни холамга ўхшаб, катта фоизларга бериши мумкин, албатта. Лекин уни узиш ҳам бор.

– Мирпўлат ошнам йўқолиб кетмаганида-ку, – деди Бекмуҳаммад ҳазилми-чинми қилиб, – қанча пахта бўлса, сотиб олиб берарди. У энди анча муддат, балким бутунлай изсиз кетса керак. Дарвоқе, эшитдингми, тоғда чегарадан наркотик олиб келаётган тўда билан отишма бўлиб, мелиса танишинг оғир ярадор бўлганмиш.

– Ким? – чўчиб тушди Афифа. – Мўмин аками?

— Ҳа. Ҳозир шаҳарда, касалхонада экан.

– Ҳа-а, – деди Афифа беихтиёр. У Мўминнинг кеча келмагани сабабини энди англаганди. Кейини шошиб сўради: – Қачон бўлган бу воқеа?

— Ўтган куни, дейишди, шекилли.

– Қайси касалхонада эканини билмадингизми?

– Тошкентда, «Шошилич ёрдам» шифохонасида.

– Бориб, хабар олишимиз керак.

– У мелиса бўлса. Яқинига йўлатишмас.

– Барибир боришимиз, ақалли мен боришим керак. Ҳозироқ бир машина топиб, йўлга чиқишим шарт. У одам мен касалхонада ётганимда ҳар куни хабар олиб турган.

– Бухоронинг поезди саҳар соат учда ўтади. Ўшанга чиқсак бўлмайдими, эрталаб етиб борар эдик. Ҳозир икки соат машинада йўл юриб, тунги ўн бир-ўн иккида киролмаймиз.

– Майли, ака. Мени поездга чиқариб қўйинг бўлмаса.

– Йўқ, синглим, сен ҳали кеча касалдан турдинг. Мен ўзим бориб келаман.

– Пахтангиз-чи?

– Пахта бир гап бўлар, болалар қараб туришади. Сирасини айтганда, пахтага эга кўп. Уни етиштирган одам кимлиги ҳеч кимни қизиқтирмаяпти. Фақат ўртага олишади: «Мана бунча кам бўлди. Бўйингизга бунча қарз осилди», деб. Майли, нима бўлса-бўлар. Сен, синглим, дамингни ол. Мен саҳарда поездга чиқиб, бориб келаман...

– Ака, мен ўзим бормасам бўлмайти. Ҳозир соғлигим бинойи. Сиз овора бўлманг. Бирон киши бекатга чиқариб, миндириб юборса, бас.

– Унда бирга борамиз.

– Сиз пахтага қараинг, ака, шусиз ҳам баракаси учиб ётибди-ку.

Акаси энди тортишиб ўтирмади. Индамай чиқиб кетди.

Ярим тунда келиб, Афифа ётадиган хонанинг эшитгини тақиллатди.

– Бўлақол, синглим.

Афифа кийиниб чиқди. Сумкасига анчагина пул солди. «Эҳтимол бирон дори керакдир...»

Акаси эски бир «Тико»ни савдо қилиб келган экан. Ярим соатга қолдирмай бекатга етказди.

Афифа поездга чиқди. Вагон тирбанд экан.

Проводник ўз хонасига яқин йўлакка стулча қўйиб берди. Тошкентга келиб тушганида уфқ энди оқара бошланган, ҳаво этни жунжиктирадиган даражада салқин эди. «Октябрь охир-лаяпти. Эндиям совуқ бўлмасинми, ҳалиям ёғмай турганига шукр,», деб ўйлади Афифа. Таксилар тўпланиб турган жойга бориб, бир «Матиз»ни кира қилди. Касалхонага етиб келганида кун одам-одамни танийдиган даражада ёришиб қолган эди. «Қабулхона»дагилар уни «Реанимация» бўлимига йўллашди. Учинчи қаватда экан. Ҳаллослаб чиқди. Ойнаванд эшик берк. На нарисиди, на берисиди бирор ким бор. Анча муддат кутиб ўтирди. Бир маҳал ичкарида даҳлизни юва бошлаган оқ халатли бир фаррош кўринди. Афифа эшик ойнасини тиқирлатди.

Фаррош эшикка яқин келди. Афифа ундан навбатчи врачни чақиришни сўради. Бирпасдан сўнг врач эмас, ёшроқ ҳамшира келди.

– Нима керак? – деб сўради уйқусираб.

– Мўмин ака Қобиловнинг аҳволини билмоқчи эдим. Шу ерда дейишди.

– Қобилов? Мелисами? – деб сўради ҳамшира. Кейин бир зум киприкларини пирпиратиб турди. – У киши... бўлмайд қолдилар... Оқшом олиб кетишди...

– Нима? – деб сўради Афифа кўзларини катта очиб. – Нега бўлмайд қолади? Ахир... Ахир... Шу ерда дейишган эди-ку.

– Шу ерда эди. Врачлар ҳамма чорани кўришди, опа. Лекин кўп қон йўқотиб қўйган экан. Кеча кеч соат ўнларда узилди...

Афифа мажолсизланди. Боши айланиб, ўзиини йўқота бошлади. Ҳамшира бизни сезиб, чаққонлик билан суяб, эшик ёнидаги стуллардан бирига ўтказди. Чопиб ичкарига кириб, нашатир спирти олиб чиқди. Ҳидлатди. Афифа ўзига келди. Бошини қуйи солиб, унсиз йиғлай бошлади.

– Бардам бўлинг. Бандалик экан-да, – деди анча муддатдан сўнг ҳамшира. – Худо раҳмат қилсин.

Афифа ҳеч нарса демади. Гандираклаб ўрнидан турди. Зина панжарасидан ушлаб пастга туша бошлади.

– Бироз ўтириб ўзингизга келиб олинг, опа, – деди ҳамшира.

– Тоза ҳавога чиқай, ўтиб кетади, – деди Афифа овози ҳирқираб. Шу кўйи йиғлаб-йиғлаб, ҳовлига чиқди. Касалхона ҳовлисидаги дарахтларни оралаб анча муддат тентираб, гудраниб юрди. «Нега? Нега ўлади? Шу ҳам инсофданми, ахир? Хотини ўлган, болалари онасиз қолгани етмасмиди? Эй, художон, нега бунчалар... шафқатсизлик! Энди болаларининг аҳволи нима кечади?..»

Анча пайтдан кейин ўзига келиб, шоша-пиша соатига қаради. Тезроқ вокзалга қайтиб, эрталабки электричкага улгуриши керак. Энди... Мўминнинг уйига бормаса бўлмайди. Шўрлик «касалхонадан чиққанингиздан сўнг, албатта, онам билан таништираман, болаларимни кўрасиз, улар сизга ёқади, деб ишонаман», деганди. Улгурмади. Онасига айтганмикан? Афифани билармикан у? Акс ҳолда... ўзини ким деб таништиради?..

Ҳартугул поездга улгурди. Бекатга етиб келгач, уйга эмас, тўғри Мўминникига отланди. Манзилини биларди. Таксичига айтди. Таксичи тушунди.

– Мўмин Қобиловнинг уйидами? Ҳа, биламан. Бечора кеча тунда қазо қилибди-да.

Афифа индамади. Хаёлидан: «Бошимга рўмол ўрамабманку», деб фикр ўтди. Орқага қайтиш, уйга бориб, азага мос кийиниб келишни ўйлади. «Гап кийимдами?» – дея фикрлади. – Ҳозир либоснинг нима аҳамияти бор?»

Етиб келганларида кун найза бўйи кўтарилиб қолган, азахонада анча одам йиғилган экан. Дарвоза ёнидаги узун ўриндиқда ўн-ўн беш чоғли мелиса тизилиб ўтирибди. Афи-

фа кичик дарчадан кириб, аёллар тўдасига қараб юрди. Қий-чув, оқ-фарёд. Ким «акам», ким «укам», ким «жигарим», деб бўзлайди. Ёлғиз онанинг овози чиқмади. У бошини чайқаб, қўлларини кўксига уриб, кўзларини осмонга тикиб, сассиз пичирлайди, холос. Афифа уни бағрига босиб, далда бермоқчи бўлди.

Она телбаларча ўзини юлқиб, тортди. Аффифани танимади. «Танимас экан», деб ўйлади Афифа. «Ҳозир танийдиган аҳволда эмас-да», деди кейин ўзига-ўзи. Онасининг ёнида туриб «акам»лаб бўзлаётган ёш жувоннинг ноласига жўр бўлди.

Тобутни олиб чиқиш пайтида аёллар йиғиси кучайгандан-кучайди. Эркаклардан бирининг ҳукмфармо овози янгради:

– Бас қилиб туринглар энди. Ҳозир мотам митинги бўлади.

Аёллар овози аста-секин тинди. Тобут кўча ўртасига қўйилиб, видолашув маросими бошланди.

– Жанговор сафдошимиз Мўмин Қобилов ашаддий каллақесар жиноятчилар тўдасини тугатишда мардлик ва матонат кўрсатди, — деди туман ички ишлар бўлими бошлиғи митингни очар экан. — Иккита хавfli жиноятчини ер тишлатди. Аммо ўша отишмада ўзи ҳам оғир ярадор бўлди. Афсус, биз унинг ҳаётини сақлаб қололмадик. Мўминжон дўстимизнинг жасорати барча тартиб посбонлари учун абадий ибрат бўлиб хизмат қилади. Унинг ўзи жисман сафимизда бўлмаса-да, ҳамиша қалбимизда яшайди. Алвидо, дўстимиз! Алвидо, бирордаримиз!

Шундан сўнг «Сўз туман раҳбари вазифасини бажарувчи Даврбек Муқимхоновга», деган овоз кечадан бери тик оёқда юриб, йиғлаб-сиқтаб ҳолдан тойиб, карахт ва лоҳас бўлиб ўтирган Аффифани ҳушёр торттирди.

– Мўмин Қобилов – янги давр фарзанди эди, — дея бошлади нутқини у. — Яъни янги даврнинг жасоратли фарзанди эди. Турмушимизга, онгимизга шиддат билан кириб келаётган янги замон, янги турмуш муносабатларни тан олншни истамаган, ҳаётимизни ўрта асрлардаги даражага қайтариш илинжида бўлган қора кучлар уни ўлдирдилар. Лекин улар

янги замон нафасини ўчиролмайдилар. Чунки бу замоннинг Мўмин Қобиловлари битта эмас. Улар кўп ва тобора кўпайиб бораверади. Янгилик эскилик ва жаҳолат устидан муқаррар ғалаба қозонади. Ана шу йўлда қурбон бўлган Мўмин Қобилов сингари фидойиларни эса Ватан, халқ унутмайди...

Тобут кўтарилиб, издиҳом қабристон сарн кетди. Ҳовлида йиғи бир кўтарилиб ўчди. Шу орада Афифа буткул лоҳас бўлди. Боши айланиб кўзи тинди. Азахонадагн сирғалиб чиқди-да, уйлари сари кетди. Етиб келиб, яна кўрпак-тўшак қилиб ётиб қолди. Шу ётганича бир ҳафта, деганда ўрнидан турди. Врачлар буни толиқишдан, дейишди. Акаси пахта билан овора бўлгани боис ҳар куни киролмас, кунора хабар оларди. Бугун туш пайти келиб, бироз гапиришиб ўтирди. Суҳбат ўз-ўзидан Мўмин Қобиловнинг ўлими мавзусига бурилди.

– Бечора ёш кетди, – деди акаси Афифага ер остидан синовчан тикилиб. Чамаси, у сингисининг ўша мелисада кўнгли бор эди, шунинг учун касали қайталаб, ётиб қолди, деб ўйларди.

– Болаларига қийин бўлди, – деди Афифа.

– Болалари бир кунини кўради, амма-холалари бор экан, ўшалар қарайди, қолаверса, давлат боқади. Ўлганган қийин, – деди акаси.

– Қанақа қилиб... бунчалик оғир яраланган экан? Ака, тафсилотларини эшитдингизми? – деб сўради Афифа.

– Тафсилотиними? Тафсилотини эшитдим... лекин ишонмайман. Айтишларига қараганда, мелисалар тоғда яширин йўл билан наша олиб келаётган тўдани тўхтатишади. Отишма чоғи иккитасини отиб ўлдиришади. Биттаси қўлга олинади. Ўша қўлга олингани, «биз билан бирга Мирпўлат ака ҳам бор эди. У пистирмада турганди. Қобиловни ўша киши отган», деганмиш. Ҳозир мелисалар тоғнинг ҳар қаричини титкилаб Мирпўлатни ахтариб юришганмиш.

Афифанинг кўз олдида касалхонада юз берган воқеа келди.

– Унақа бўлиши мумкин эмас. Мўмин акани Мирпўлат ака отиши мумкин эмас, – деди у ишонч билан. Шундай деди-ю яна ўйланиб қолди. Мирпўлатнинг айби бўлмаса нега анча-

дан буён қочиб, яшириниб юрибди? Умуман, умрининг катта қисми қамоқда ўтган кишининг бу хил шоҳона яшаб юриши, данғиллама иморатлар қуриши ниманинг ҳисобига? Қишлоқдагилар унинг наша савдосига алоқадорлиги ҳақида гапиришади. Бу гаплар бекорга чиқмагандир. Ахир «шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди», дейишади-ку!.. Шошма, шошма! Мирпўлат билан бу ҳақда қай бир гал учрашганларида гап очилувди, шекилли. У «одамлар мени нашафурушлар билан бирга, деб ўйлайди. Аслида мен бу жирканч ишдан ҳазар қиламан», демаганмиди? Кейин Россиядаги шериклари билан бизнеси борлиги, асосий даромади ўшандан эканлигини гапирди. «Мен билан қамоқда ўтирган ўрис болаларнинг аксарияти ҳозир ўз юртида ҳалол бизнес қилиб, миллионер бўлиб кетган. Испания, Греция сингари мамлакатлардан ҳашаматли кошоналар сотиб олишган, мени эса ўз қишлоғимда бундайроқ бир иморат тиклашга ҳам қўйишмайди, «бунча пулни қаердан олади, деб», дея ёзгирди. «Бўрининг оғзи еса ҳам қон, емаса ҳам қон, деганлари тўғри экан-да асли», деди.

Касалхонадаги воқеадан сўнг Афифа Мўминдан «Уни нега таъқиб қиласизлар, ахир хорижда ҳалол бизнес қилаётган экан. Наша савдосига алоқам йўқ, дейди-ку», деганида, Мўмин кулди: «Эҳтимол, шундайдир. Лекин буни исботлаш керак», деди. Кейин қўшимча қилдики, Мирпўлат қўшни мамлакатларда ҳам номи чиққан ўғрилардан. Унинг ҳалол тадбиркорлик йўлига ўтганига ишониш жудаям қийин. «Мен, масалан, ишонишим мумкин, – деди у. – Бироқ бизнинг касбимиздаги барча одамларни ишонтириш мушкул. Улар «ўғрини гўр тузатади», деб ҳисоблашади. Қолаверса, ҳозир ашаддий жиноятчиларнинг аксарияти қанақадир ошқора бизнес билан номига шуғулланиб, яъни ўшани ниқоб қилиб аслида нашафурушлик, фоҳишафурушлик сингари разил ишлар билан машғул бўлиб юришибди. Сабаби – ўша жиноятлар ҳалол бизнесга қараганда эллик, юз баробар катта фойда беради...»

Афифа ўша лаҳзада холасини кўз олдига келтирди. «Чиндан ҳам биз бу ерда йил бўйи ўлиб-тирилиб топадиган арзи-

маган даромадни у ўтирган жойида бир ҳафтада ишлайди. Номи исловатхона, қўшмачиси бўлса ҳам барча унга, «опахон, опохон», дея иззат-икром кўрсатади. Орқасидан айтилган гапларнинг эса унга чивин чаққанчалик таъсири йўқ. «Одамларнинг гапи – менинг ...им», деди у. Демак... Демак, Мирпўлат ҳам тилда ҳалол бизнес қилиб юрибман, дегани билан аслида наша савдосига алоқадор бўлиши керак. Мўмин акам бекорга ўша куни унинг пешонасига тўппонча тирамаган шўрлик. Менинг гапимга кўниб, уни қўйиб юборган эди. Агар Мирпўлат чиндан ҳам унга панадан туриб ўқ узган бўлса, номард экан. Ундай одамнинг юзига тупуриш керак».

Афифа қатъият билан шу фикрга келар ва қаҳри қўзиб, ўрнидан туриб кетар, яна бироздан сўнг Мирпўлат билан бўлган суҳбатларни кўз ўнгига келтириб, у айтган сўзларни эслаб, яна иккилана бошлар ва «йўқ-йўқ, Мирпўлат акам унақа номардлик қилолмайди», деб ўйлар, хуллас, мудом икки ўт орасида қийналар эди.

Шу орада соғайиб ишга чиқди. Муаммолар ортидан елиб-югуриш боис бу ташвишлар ҳақида ўйлашга ҳам фурсати бўлмади.

18

Мирпўлат тоғлар қўйнидаги хилват овулда, чўпон ўтовидида пўстинга ўралиб, памил чойни аччиқ-аччиқ ичиб ўтирар экан, кейинги пайтларда бошига тушган савдоларнинг бош сабабчиси – Даврбек Муқимхоновдан қандай қилиб ўч олишни ўйлар эди.

«Аслида ўша биринчи учрашувда унинг барча шартларига рози бўлганимда олам гулистон эди. Ойлик улушини вақтида бериб, билган ишимни қилиб юраверар эдим...» Аммо унинг мўлжалидаги улушни бериш учун Қазбекнинг одамлари билан биргаликда катта миқдорларда нашафурушлик қилишдан бошқа чора йўқ эди. Мирпўлат эса ҳув ўша, анча йил олдин бўлган «халқаро машварат»да наша билан шуғулланмаслик тўғрисида қасамёд қилган. Ўшанда у «Наша сотиш, бу – қуролфурушликдан ҳам хавфли нарса. Қуролни

кўпинча ўзингни, оилангни, Ватанингни ҳимоя қилиш учун ишлатиш мумкин. Наша эса инсониятнинг тухумини қурилади», деганида «биродарлар» гулдурос қарсақлар билан олқишлашган. Бу қарсақлардан илҳомлангач, у яна қўшимча қилди: «Нашафурушлик – қотиллик. Мен қотил эмасман, мен – ўғриман». Муқимхоновга ҳам учрашув чоғида шу гапни такрорлаган эди. Унга ёқмади. «Эй, ўғрибой ошна, – деди у, – доно халқимизнинг «тақа бўлсин, сут берсин», деган нақлини эшитганмисиз? Агар шу Зардарё воҳасида соғсаломат, ўйнаб-кулиб тирикчилик қиламан, десангиз, наша сотасизми, нажас сотасизми, фарқи йўқ, белгиланган шартни бажарасиз. Акс ҳолда сичқоннинг инини минг танга қилиб қўямиз». Кейин у ҳиринглаб, аниқлик киритди: «Ҳазил!»

Кейин ўзини анча сипо тутиб, Мирпўлатнинг нашафурушликка қарши эканини яна маъқуллади. «Бояги ҳазилимни кўнглингизга олиб юрманг, шунчаки синаш учун айтганим», деди.

«Тушундим», дедн Мирпўлат. Яъни, у Муқимхоновга, «гапнингиз ҳазил эканини тушундим», деди. Аслида эса ҳазил тагидаги зилни яққол англаб турар эди.

«Шаҳар кўрган эчкидан кўрқ», деганлар. Бу Муқимхонов дегани юқори идораларда ишлаган, у билан ўчакишиш хавфли, – дея таҳдид қилди ёрдамчиси Мирпўлатни четга олиб ўтиб. Айтган ҳақини бериб, ялло қилиб юравермайсизми? Қизиқ одам экансиз».

Мирпўлат кўп ўйланди. Иккиянланди. Қасамёдини бузишнинг оқибати яхши эмаслигини тушунар, шунинг учун нима қилишни билмай боши қотганди. Бир-икки ҳафта гарангсиз, ўзини олиб қочиб юрди. Шу орада Муқимхоновнинг Казбек билан алоқа боғлашга уринаётганини эшитди. «Энди ўлар жойга келибди қисталоқ, – деди. – Казбек уни ўтлатиб-ўтлатиб юради-да, суғормасдан жуфтакни ростлаб қолади. Майли, нима бўлса ҳам мени тинч қўйишса бўлгани...»

Аммо уни тинч қўйишмади. Тез орада мелисадаги ошналари... «Муқимхонов вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғига учраб, сен ҳақингда гаплашибди. Яқин орада сени таъқиб қилиш бошланади. Эҳтиёт бўл», дея огоҳлантириш-

ди. «Мени нимада айблашлари мумкин? Наша савдосига аралашмасам, нимадан қўрқаман?» деди у. «Сени ё катта миқдорда наша билан ушлашади ёки уйингдан бирор нарса топилади. Дардингни худога айтиб қолаверасан...»

Мирпўлат тоғдаги биринчи ҳамладан осон қутилиб кетгач, ниҳоятда эҳтиёт бўлишга қарор қилди. «Қўшни давлатга ўтиб, бемалол юравермайсанми», деганларнинг гапига қулоқ солмади. Уёқда қўлга олиш осон. Яхшиси, тоғнинг энг баланд, одам оёғи етмаган жойларида яшириниб туриш керак. Икки йигити билан чўпон ошналари топиб берган кигиз ўтов ҳамда ов қилиш учун зарур анжомларни олиб «Қушқўнмас» дарасининг юқорисига арчазорлар қўйнига чиқиб кетди.

Йигитларга каклик оттириб, пастдан чўпон ошналардан олиб чиқилган кўзи гўштию серка кабоблардан тановул қилиб, қимиз ичиб тиниқиб юрди. Қўлидаги антиқа телефон сунъий йўлдош орқали ишлайди. Шу боис шаҳардаги энг ишончли кишиларига қўнғироқ қилиб, ҳамма гаплардан хабардор бўлиб турди. Муқимхонов Казбек билан бир неча бор учрашганини эшитди. «Казбекни тўхтатиш керак, – деди дўстларидан бири. – Акс ҳолда у бутун вилоятни нашаванд қилиб қўяди. Қўшни Тожикистон орқали Афғонистондан арзон қора дорини халталаб олиб келяпти. Уни мамлакат ичкарисига, қўшни давлатларга ўтказиш учун қашшоқ оилаларнинг аёллари, болаларидан фойдаланяпти. Уларни нашани қорнига солиб ўтишга мажбурляяпти. Қанчаси шунинг касрига қамалиб, ҳатто ўлиб кетди». «Яхши, мен бир ўйлаб, тегишли кишилар билан маслаҳатлашиб кўраман», деди Мирпўлат.

Шу орада Афифанинг касалхонага тушганини эшитди. Кўргиси келди. Бориш тараддудига тушди. «Ака, таваккал қилманг», деди йигитларидан энг содиқ ҳисоблаб, кечаюкундуз ёнида олиб юрадиган Оловиддин исмлиси.

– Бормасам бўлмайди, Олов, – деди у. – Ўша аёлни қаттиқ яхши кўраман. Сен буни тушунармикансан?

– Унда мен ҳам сиз билан боришим керак.

– Икки кишини пайқаш осон. Қўлга тушиб қолмайлик тагин.

– Пайқашмас. Хотиржам бўлинг.

– Яхши. Унда оқшом йўлга тушамиз. Шаҳарга тунда кириб боришимиз керак...

– Касалхона дарвозасидан киришгач, Мирпўлат Оловни қолдирди.

– Ичкари тинч, бежавотир. Сен киришинг шарт эмас. Сал нарироққа бориб, бирор дарахт тагида пойлаб тур.

Ичкари чиндан ҳам сокин эди. Мирпўлат зинадан кўтарилар экан, бу ерда Мўминга дуч келиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаганди. Унинг фикру хаёли Афифада эди. «Ҳозир уни кўраман, оппоқ юзларини нигоҳим билан силаб-сийпалайман, рубоб жарангидай овозини мазза қилиб эшитаман. Бироз маъюс диллик ва самимият ёғилиб турган кўзларига тикилиб-тикилиб қарайман», дея ҳаяжон билан ўйлаб борар эди у. Ҳар гал шундай бўлади. Мирпўлат учун Афифа билан учрашув бениҳоя ҳаяжонли, ширин, айни пайтда изтиробли бир ҳолат. Гоҳида бундан ўзи ҳайрон бўлади. «Мен, номи кетган ўғри, қанча-қанча аёллар висолдан баҳраманд бўлиб, ишрат нималигини беш қўлдай ўрганиб, яна бунинг устига ҳаётда не-не қийинчиликлар кўриб чиниққан одам, нега бу аёл қаршисида япроқдай титраб, ёш боладай талмовсираб, эсанкираб қоламан? Нега ҳар гал унга дадил-дадил гапириш, бор бисотимни оёқлари остига тўкиш ҳақида сўзлашга аҳд этиб бораману кўзим кўзига тушиши билан ўзимни йўқотиб қўяман?» деб ўйларди. «Муҳаббат деганлари шуми? Агар шунақа бўлса, нега мен уни бунчалик кеч топдим?» дея ёзғирар эди.

Ўша куни касалхонада Мўминнинг қўлига тушиб қолишининг боисини ҳам у муҳаббат туфайли унутилган сергаклик, йўл қўйилган эҳтиётсизлик, деб ҳисоблайди. Аслида чиннакам уста тажрибали ўғрилар худди исковуч ит сингари хавф ҳидини етти чақиримдан ҳис этишади. Мирпўлат ҳам шундайлардан. Умри давомида неча марта қамоққа тушган бўлса, бирор марта ҳам бевосита ўзи қўлга тушмаган. Бировнинг билвосита чақувни ёхуд шерикларнинг анқовлиги сабаб бўлган. Бу сафар эса... ўзи анқайиб чув тушди. Ўша лаҳзада: «Оловни бекор бирга олиб кирмабман», деган фикр

хаёлидан ўтди. Чунки Мўминнинг қуроли борлигига қарамай, Олов уни бир зарби билан беҳуш қилар ва улар чаққонлик билан жуфтакни ростлашар эди. Аммо начораки, Оловни ўзи хилватда қолдириб келган. Мирпўлат яна ўйладики, агар Мўмин ёрдамга одам чақирмасдан ўзи уни мелисахонага олиб борадиган бўлса, йўлда Олов уни қутқариб кетиши мумкин. Ҳар қалай, хайриятки, Мирпўлатнинг жонига яна... муҳаббат оро кирди. Мўминнинг Афифага бўлган муҳаббати! Қара-я, шунақа пишиқ изқувар Афифанинг бир оғиз гапи билан ўзлари айтмоқчи «ашаддий рецидивист»ни қўйиб юборди-я! Наҳотки, бу Афифа дегани шунчалар сеҳрли кучга эга бўлса? Шу топда Мирпўлатнинг хаёлига «бир аёлнинг макри қирқ эшакка юк бўлади», деган ибора келди. «Йўқ, деди ўзича – яхши аёлнинг меҳри... тошни ҳам эритиши мумкин. Ана шундай, дейиш керак».

Ўша воқеадан сўнг у Афифани яна ҳам кучли, яна ҳам ўтли муҳаббат билан севиб қолганини тушунди. «У менинг халоскорим», – деб ўйлар эди, – орзу-истагим – унинг васлига эришиш». Ҳалатилиги шундаки, худди шу истак билан бир қаторда унинг кўнглида Афифани авайлаш, унинг бахтли, тинч-осуда яшаши учун зарур бўлган барча ишни қилиш истаги ҳам кучли эди. Шу истак баробарида баъзан: «Агар Афифа мен билан турмуш қурадиган бўлса, бахтли бўла оладими?» деган иштибоқ ғалаён қилар эди. Оддий қилиб айтганда, Мирпўлатдай одам Афифага етишишни жуда-жуда хоҳлар ва айни пайтда бундан жуда-жуда қўрқар эди. Ўйлаб-ўйлаб чарчаб кетар ва пировардида: «Эй, парвардигор, ўзинг мени тўғри йўлга бошқар», дея мурожаат этарди.

«Агарки, мен унинг висолига етишиб, унга уйланиб, уни бахтли қилмоқчи эканман, энди қонун билан мушук-сичқон ўйнашни йиғиштириб тўғри яшашим керак», деб ўйлар эди. Албатта, ўғрининг тўғри яшашига биров ишониши қийинлигини у биларди. Шунга қарамасдан теварақдаги одамларга яхши муомала қилар, камбағал, ночор оилаларга беминнат ёрдам қилиб юрар, тўйлар, маъракаларда хизматга шай бўлиб турарди. Маҳалладаги чойхона қаровсиз бўлиб ётганини кўриб бир тўйда маҳалладошларга:

– Шу чойхонани тубдан қайта қуриб берсам, нима дейсизлар? – деганида кўпчилик маъқуллади. Фақат участка инспектори Тошқул Маллаев бўйнини қашиб эътироз билдирди:

– Мендан бошлиқларимиз, «қайси ҳисобдан қуряпти», деб сўрашса, нима деб жавоб бераман?

– Аслида бу тижорат сири, лекин сизга, майли, айтаман, – деди Мирпўлат уни чеккага тортиб. – Фақат ҳаммага айтиб юрманг. Мен қамоқдалигимда бир каттакон бойнинг қўлида қўриқчи бўлиб ишлаганман. Ота-бола бўлиб қолгандек. У аввалроқ чиқди. Менинг ҳам тезроқ чиқишимга кўмаклашди. Ўша одам менга бир неча катта корхоналарнинг акциясини арзон нархларда сотиб олишга кўмаклашган. Менинг асосий даромадим шундан. Бизнинг одамлар ҳали буни унча тушунишмайди. Шу боис уларга «ўғрилиқдан нафақага чиққанман, ўшанинг ҳисобига яшайман», деб қўя қолгандим.

– Унақа бўлса, дўкончилардан солиқ олишнинг сизга нима кераги бор? – деб сўради участкавой паст овозда. – Тинчгина, акциянинг фойдасини ишлатиб, мазза қилиб, король бўлиб яшамайсизми?

Мирпўлат кулди. Овозини пасайтириб ҳазил қилди:

– Улар ўзлари... худди сизга беришгани каби қўярдақўймай опкелишади. Олмасанг, хафа бўлишади... «Бу – ҳадя» дейишади. Нима қилай? Бундан кейин... опкелишса, сизга юборайми?

– Тушунган одамнинг садағаси кетсанг-да, – деди беўхшов кулиб участкавой сўнгра баланд овозда зълон қилди: – Чойхона қурилишига рухсат. Фақат... битта илтимос, сўраган одамларга: «ҳаммамиз пул ташлаб, ҳашар йўли билан қурдик», дейсизлар. Дарвоқе, маҳалла оқсоқоли нима деркин?»

– Оқсоқол туман раҳбариятидан маблағ ундириш учун югуриб юрибди. Агар ўша маблағ ҳал бўлса, бошқа ёрдамга ҳожат қолмайди, – деди кимдир.

Мирпўлат участкавойга гапнинг ростини айтган эди. Аслида ҳам у акциялардан яхшигина даромад олар ва чиндан ҳам у яшайдиган ҳудуддаги дўкончилар бир пайтлар,

ширкатчилик энди бошланган кезларда ўзларини назорат ва «ҳимоя» этувчи ташкилоту гуруҳлар раҳбарларига мунтазам «солиқ» тўлаб ўрганиб қолганлари боис эски одатларига кўра унга ҳам «назр-ниёз», деб пул жўнатишар, олмаса хафа бўлишарди. Мирпўлатга акция харид қилишда ёрдамлашган заводчи яҳудий отахони Полиграф Эмилянович Штуб анча-мунча номи чиққан бойлардан эди. У қамоқдан чиқибоқ Россияга жўнаворган. Ҳозир Санкт-Петербургда яшайди. Мирпўлатга ҳазиломуз бир гапни кўп айтгучи эди: «Пора бериш иштиёқи – ажиб бир касаллик. Яъни, тегишли одамларга чўзиб турмасанг, суягинг жойига тушмайди. Аъзойи баданинг қичиб, беҳаловат бўласан. Берганингдан сўнг кўнглинг жойига тушиб, ўзингни яхши ҳис этасан. Тинч ухлайсан. Соғлом бўлиб юрасан...»

Мирпўлат қамоқдан чиқиб акцияларнинг илк фоизаларини олиб, анча-мунча қорни тўйгач, уни зиёрат қилгани Санкт-Петербургда шаҳарига борди. Чол уни катта иззатикром билан қабул қилди. Катта зиёфат берди.

– Энди эски «касб»дан воз кечгин, болам. Энди қонуний бизнес билан шуғулланиш керак, – деди у. – Агар... сен қонунни бузиб турмасанг, кетинг қичиб кетадиган бўлса, у ҳолда бизнес соҳасида ҳам истаганча қонунбузарчилик қилиш мумкин. Яширинча, албатта.

– Қанақа бизнес? – деб сўради Мирпўлат.

– Оббо сен-эй, содда ўғригина болам-а, ўша акцияларнинг қолган қисмларини сотиб олиб, заводларни, банкларни хусусийлаштириш керак.

– Пул керак бўлса, бериб тураоласизми? – сўради Мирпўлат.

Яҳудий чол пул беришга йўқроқ эди.

– Ақлли одам отахонидан пул сўрамайди, – деди Штуб. – Ақлли одам отахонидан маслаҳат сўрайди. Сен «пулни қандай топишни ўргатасизми?» дегин. Мен сенга банклардан қанақа қилиб кредит олиш ва уларин қандай қилиб узиш йўл-йўригини тушунтирай...

Мирпўлат Питердан қайтгач, яҳудий чол айтган тарзда ншга киришди. Аммо мақсадига эришолмади. У харид қил-

моқчи бўлган электр асбоблари заводи «Чорвадор» тижорат банки акциялари шаҳарда яқиндагина пайдо бўлган «Дурдона» фирмаси томонидан сотиб олинган. Умуман, кўп гармоқли «Дурдона» фирмаси шаҳар ва туманлардаги жони бор корхоналарнинг аксариятини хусусийлаштириб олган экан. Мирпўлат суриштириб билди. «Дурдона» фирмасининг эгалари икки ака-ука шу ерлик Эрмамат ва Эшмамат Қулмамаатовлар. Бири туман касалхонасида оддий врач бўлиб юрган. Иккинчиси сут-ёғ заводидида инженер эди. «Булар бунча пулни қаердан олишган экан, – дея ўйлади Мирпўлат. Ё уларнинг ҳам менга ўхшаган яҳудий устози борми?...»

Шу тариқа Мирпўлатнинг Штуб сингари бой бўлиш орзуси амалга ошмади. Устига-устак қўлидан акцияларни арзон нархда сотиб олишга уринувчилар пайдо бўлди. Бошда Қулмамаатовларнинг каттаси келиб, азза-базза гап қилди. Мирпўлат юмшоқ гапириб жўнатиб юборди. Кейин кичиги келди. «Ана, айтган пулингизни бераман. Банкнинг йигирма етти фоиз чарм заводининг ўттиз фоиз, акцияси сизда экан. Ўшани бизга сотинг...».

«Шунча мол-мулкни хусусийлаштирибсизлар, етмадимми?» дея истеҳзо қилди Мирпўлат. «Ҳа, энди-и, бизда турса ишончлироқ бўлади-да», деди бўш келмай Эшмамат. Шунда Мирпўлатнинг лақаби «Амир» экани эсига тушди. Қаттиқ сўкинди. Эшмаматнинг ёқасидан олиб кўчага улоқтириб юборди. «Ҳали кўрсатаман сенга», деди қочиб кета туриб Эшмамат. «Сендан келганини худодан кўраман», деди Мирпўлат. Қулмамаатовлар қайтиб унга зуғум қилишолмади. Йил якунидаги ҳақини ҳам кечиштирмай тўлаб беришди. Аммо...

Кунларнинг бирида Мирпўлатга қўнғироқ бўлди:

– Сиз билан «Қонунчи» Монгол учрашмоқчи. Кечқурун «Хузур» ресторанига марҳамат қилсангиз.

– Ким экан ўша монгол? – деб сўради Мирпўлат. Гарчанд «Қонунчи», деган сўзнинг маъносини яхши билар эди. Бу Россиядаги «қонундаги ўғри», яъни жиноят оламида тан олиниб, тож кийдирилган, деган маънони билдиради. Мирпўлат бунақаларидан бир нечтаси билан шахсан таниш эди.

«Монгол», деганини эшитмаган экан. Янгилари, ёшларидан бўлса керак. Буёқда нима қилиб юрибди? Ҳойнаҳой меҳмон бўлиб келган. Меҳмон бўлиб келган бўлса... унинг сўзини ерда қолдирмаслик керак.

Мирпўлат ресторанга келибоқ «Монгол»ни таниди. Бу йигит асли кавказлик. Миллати нўғайми, қалмоқми, чувашми, ноаниқ У билан бир пайтлар Одесса шаҳрида Қора денгиз соҳилидаги учрашувлардан бирида танишишган. «Монгол»ни машина ўғрилари қироли, деб таништиришган. Кейин қайтиб кўргани йўқ.

– О, азизим, «Амир». Бормисан ушбу жаҳон майдонида? – дея бағрини очди у.

Мирпўлат қучоқлашиб кўришди. Зиёфат авжига чиқди. «Монгол» суҳбат орасида сал нарида ўтирган қоракўз, жингалаксоч йигитни Мирпўлатга таништирди.

– Менинг жияним Казбек! Бу ерга унинг таклифи билан меҳмон бўлиб келдим. Сендан илтимос. Уни қўллаб тур.

Казбек шу ерлик экан. Ота-онаси уруш пайтида кўчиб келган. Касбининг гайини йўқ. Аммо юриш-туришидан имкониятлари кенг эканлиги сезилади. Демак, бир гапи бор...

«Монгол» жўнаб кетганидан сўнг икки кундан кейин Казбек келди. «Ака», деб қучоқлашиб кўришди. Ўша ресторанга таклиф этди. Суҳбат чоғида, бизнинг бизнесда кучларни бирлаштирсак, фойда миқдорини уч-тўрт баробар оширад эдик», деган таклифни ўртага ташлади.

– Қанақа бизнес экан? – деди Мирпўлат кўнглининг тубида гап нимада эканини англаб турган бўлса ҳам.

– «Дори-дармон» етказиш Россияга. Афғонистондан Тожикистон орқали келаётган юкларни... Ўзбекистондан омон-эсон ўтказиб юборсак бас. Фойдани қуртдек санаб олаверамиз.

– Мен «дори» билан шуғуланмайман. Аввал ҳам кўп таклифлар бўлган, рад этганман, – деди Мирпўлат.

– Аввалги таклифлар майда-чуйда таклифлар бўлган, ака, – деди Казбек. Бизники жўяли таклиф. Йиллик даромадингиз миллион доллардан юқори бўлади.

– Миллиард бўлганда ҳам мен бу ишга бош қўшолмайман. Аҳд этганман, – деди Мирпўлат.

– Кейин... пушаймон қиласиз, кеч бўлади, ака, – деди Казбек кулиб. – Қулмаматовлар эгалик қилаётган заводлар акциясидан тушадиган пуллар... омонат. Завод тўхташи, банк ёпилиши мумкин. Бизнинг «пул дарёси» эса оқишдан ҳеч қачон тўхтамайди.

– Катта гапирманг, ука, – деди Мирпўлат. – Қанча-қанча азим дарёлар қуриб кетган. Ўзбекларда бир қўшиқ бор: «азим дарёман, деб савлатингга ишонма», деган.

– Майли, ўзингиз биласиз. «Монгол» айтгани учун таклиф билдиргандим. Демак, ўртамизда ҳеч қанақа суҳбат бўлмаган, деб ҳисоблайсиз...

Казбек кетди. Мирпўлатнинг кўнгли гаш бўлди. «Бу қисталоқ менинг акциядорлигимни қайдан билди экан?..»

Муаммолар эртасигаёқ бошланди. Участковой Мирпўлатнинг қурилиши тугай деб қолган уйига келиб анча ўтирди. Чайналиб-чайналиб, охири шивирлаб бир гап айтиб кетди.

– Амир ака, эҳтиёт бўлинг. Сизни... кимдир юқоридаги раҳбарларимизга чақиштирган. Сизни «овлаш» бошланиши мумкин.

Мирпўлат уни раҳмат айтиб, жўнатди. Кейин мелисадаги одамлари орқали чақиштирган одам кимлигини билди. Чақимчи туман раҳбари вазифасини бажарувчи Муқимхонов экан. У «Амир тумандаги нашафурушларнинг раҳбари, агар у бартараф этилса, туман орқали ўтувчи наша савдо карвони тўхтайдди», дебди.

Ҳолбуки, тунов куни у билан хуфя учрашган Муқимхонов мутлақо бошқа гап айтганди. «Сиз қаттиқ қаршн турунг, сизга ўхшаган жиддий одамлар қарши бўлса, бу иллатни таг-томири билан йўқотамиз», деганди. Тўғри. Бу гапларни у учрашув охирида айтди. Учрашувдан олдин эса унинг ёрдамчиси: «Хўжайин, сиз билан дўстлашмоқчи, агар савдо-сотикдан улушни яхши тўлаб турсангиз, қиёматли ака-ука бўласизлар», деди. «Қанақа савдо?» «Наша савдоси-да!» «Мен унақа савдога аралаш эмасман». «У ҳолда бу гапни унинг ўзига тушунтиринг».

Мирпўлат Муқимхоновнинг гаплари носамимий эканини дарҳол сезганди. Бироқ... ҳар қалай аралашмаган одамга

индашмас, деган фикрда эди. Энди билдики, Муқимхонов Казбекнинг ҳақ-ҳуқуқини кенгайтириш учун Мирпўлатни йўлдан олиб ташламоқчи.

Тоғдаги биринчи уриниш муваффақиятсиз чиққач, «милиция энди мени тинч қўяр, ахир мендан бошқа ташвиши ҳам кўп-ку», деб ўйлади. Бир хаёли: «Казбекни тутиб бериб, ҳақиқий айбдорлар ким эканини милицияга исботлаб қўйсаммикан», деб ўйлади. «Йўқ, мен умримда чақимчилик қилмаганман. Бу менинг шаънимга тўғри келмайди», деган қатъий ҳукм чиқарди. Милиция кўр эмас-ку, эртами-индинми, ростаканашафурушлар ким эканини аниқлар. Унгача яшириниб турай...

Лекин уни яна чув тушуришди. Казбек ўз гуруҳига кирмайдиган бошқа бир майда тўданинг ичига ўз одамини қўйиб, милицияга атай тутиб берди ва ўша одами отиб ўлдирилган милиция ходимини «Амир» отди, дея ёзма кўрсатма берди. Энг ёмони, отиб ўлдирилган милиционер – майор Мўмин Қобилов эди. Унинг Мирпўлат билан аёл талашиб юрганини милициядагилар билишарди. Шу боис, бу сохта кўргазма тузукроқ текширилиб, таҳлил этилиб ўтирилмади. Мирпўлатни қидириш янада кучайди.

Энди Мирпўлатни тутиш чоғи отиб ўлдиришлари ҳам мумкин. Унга милиция ходимининг қотили, деган даҳшатли тамға босилган. Нима қилиш керак? Агар иложини топса эди, Аффани олиб узоқ-узоқларга кетарди. Бунинг иложи борми? Иложини топиш керак. Бу ерда энди қолиш хавфли. Токи Муқимхоновлар ҳукм сураб экан, токи Казбеклар билан ишини қилиб юраб экан, Мирпўлатга нон қолмаганга ўхшайди. Насибасини яна мусофирликдан қидиришига тўғри келади. Аффанинг ишлари ҳам яхши эмас. Ҳойнаҳой, унинг ҳам кетишдан бошқа чораси йўғ-ов!.. Ажаб, бу қандай бедодликки, на тўғрига кун беришади, на ўғрига. Фақат ашаддий каззоблару иблис малайлари онасининг эмчагини кесган нобакорларнинг ошиғи олчи. Муқимхонов сингарилар валинеъматлик қилиб турганидан кейин яна ким ҳам яйрасин? Наҳотки, Муқимхоновларнинг мушугини пишт, дейдиган одам топилмаса? Наҳотки ундан халос бўлишнинг бирор бир йўли йўқ?..

Мирпўлат кейинги икки кун давомида нуқул шу ҳақда ўйлади. Муқимхоновни Казбекка қўшиб ўлдириб юбориш ёки яхшиси, тутиб бериш керак. Бу чақимчилик бўлмайди. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Бўрилар тўқ, қўйлар саломат бўлади. Тўғри, Муқимхоновни қамоққа тиқиш осон эмас. Унинг томири сувда. Юқорида қўлловчилари ҳам кўп. Аммо... Шу битта ифлосни тўрга туширолмасанг, нима қилиб юрибсан «Амир», деган лақабни кўтариб? Ўйла, ўйла, Мирпўлатбой. Шундай бир чора топки, ҳамма муаммоларинг бир йўла ҳал бўлсин...

Мирпўлат бир ҳафта ётиб ўйлагач, бир қарорга келди. Эргалабки нонуштага ёғли патир билан ширчай ичиб олгач деди:

- Олов, менга яхши оқ қоғоз билан ручка бер.
- Шеър ёзасизми? – кулимсираб сўради Оловуддин.
- Йўқ, жиддийроқ нарса, – деди Мирпўлат ўйчанлик билан.

19

Кузнинг охирги кунларида Афифа ғалати бир мактуб олди. Уни одатдаги сингари почта орқали эмас, нотаниш бир одам келтирди. Хат кимданлигини дарҳол англаган бўлса-да, Афифа уни ўқишга шошилмади. Аввали ўқимаёқ йиртиб ташламоқчи ҳам бўлди. «Мўминнинг ўлимида Мирпўлат бевосита айбдор экан», деган гапни эшитганидан буён юраги муздай эди. «Нима учун мен ҳаммиша фалокатларга сабаб бўлиб юраман?» деб ўйлаганди ўшанди. Гарчанд акаси: «Мирпўлат Мўминга қасд қилганига ишонмайман. У милиция ходимига қасд қилиш қанчалик оғир жиноят эканини яхши билади», деган бўлса-да, кўнглининг бир четида: «эҳтимол мени қизганиб, шундай қилгандир», деган иштибоҳ бор эди: «Агар шундай қилган бўлса, унн бир умр кечирмайман», дерди ўзига-ўзи. Акаси яна такрорлади: «Бу – бекорчи оғизларнинг «деди-деди»си, ҳақиқатни билмай туриб, бировнинг шаънига оғир гап қилиш яхши эмас». «Қани ҳақиқат, қачон юзага чиқади?» деб ўйлади дафъатан Афифа. Кейин ўз дарди, ўз ташвиши билан овора бўлди. Ўша кун-

ларда чиндан ҳам муаммоси кўпайиб кетган, очиги, ўзи хат ўқийдиган аҳволда эмас эди. Йиғиштириб олган пахталари мўлжалдагидан анча кам бўлди. «Шартнома режасини бажариш учун пунктдан пахта сотиб олиш керак», дейишяпти, лекин менга қолса, сираям бу ишга кўнглим йўқ», деди акаси. «Нега, деб сўради. Афифа, – кўплар шунақа қилармиш-ку». «Бир кун келиб миси чиқса, қамалиб кетади одам», деди акаси. «Ундай бўлса, кераги йўқ», деди Афифа. «Шартномани бажармаганларнинг ери қайтариб олинаркан», деди акаси ерга қараб. «Пешонадан кўрармиз, ака», деди Афифа. Ўша зумда хаёлидан: «Ўлдими, наҳотки Муқимхонов ақалли шу бобда бизга мурувват қилмаса», деган фикр ўтиб, кўнгли бироз тинчланди. Бир неча кундан кейин билдики, бекор хотиржамликка берилган экан. Уларнинг хўжалигини ҳам «қора рўйхат»га тиркаб қўйишибди. Афифа энди юзининг терисини қалин қилиб Муқимхоновнинг ҳузурига бориш керак, деган қарорга келди. Тўрт-беш бор кўнғироқ қилди. Ҳар гал ёрдамчи: «У киши муҳим ишлар билан марказда юрибдилар, келишлари билан ўзим сизга кўнғироқ қиламан», деди. Хатни олган куни ҳам эрталабдан телефонга ёпишди. Чунки вақт тигиз эди. Бу гал гўшакни ёрдамчи эмас, бошқа бир дағал овозли киши кўтарди.

– Муқимхонов? Қанақа Муқимхонов? – деди кўрслик билан. – Ҳа-а, Даврбек Муқимхонович жанобларими? У киши, ойимча, энди бу ерда ишламайдилар. Вазифасидан олиниб, устидан жинойи иш қўзғатилган. Энди бу ёққа кўнғироқ қилманг. Тушунарлими?

– Жинойи иш қўзғатилган? Қанақа қилиб? Ахир у киши яқинда биринчи раҳбарликка тасдиқланади, дейишганди-ку!

– Улгурмабди, – деди телефондаги овоз ва узилди.

Афифа дафъатан эшитган гапига ишонмади. Адашиб, бошқа жойга тушдим, шекилли, кимдир қалтис ҳазил қилди, деб ўйлади. Яна терди. Яна ўша дағал овозли эркак олди. Бу гал яна ҳам кўрсроқ гапирди.

– Ҳув, қанақа шармсиз аёлсан, буёққа бошқа кўнғироқ қилмагин, деб айтдим-ку сенга. Ўзи сенга ўхшаганларга илашгани учун шу аҳволга тушиб ўтирибди ўша... Муқимхонов.

– Лоақал... ҳозир қаердалигини айтинг, – деди Афифа бошқа нима дейишни билмасдан.

– Прокуратурага боринг. Ўша ерда аниқ маълумот беришади. Балким Тошкентда, балким қочиб кетгандир...

Овоз узилди. Афифа: «Ўзи ҳам анигини билмайди, демак, ёлғон гапиряпти», деб ўйлади.

Пешиндан кейин акаси янги гап топиб келди.

– Муқимхонов «Казбек» деган кавказлик бир тижоратчи билан бирга қамалибди. Икковлари шерикчиликда анчамунча жиноятлар қилган экан. Дарвоқе, ҳалиги... Муқимхоновнинг ёрдамчисини ҳам қамоқда, дейишди.

«Эчкига жон, қассобга мой қайғуси», деган мақол бу ўринда қанчалик жоиз эканлигини билмадик, ҳар қалай Афифа: «бечораларнинг ҳоли не кечади энди?» демади. Акаси ўйлаб турган гапни айтди:

– Энди... бизлар нима қиламиз?..

– Ерни олиб қўйишлари аниқ, – деди акаси мотамсаро оҳангда. – Қарздан қандай қутилишни ўйлаш керак. Тракторни сотсак...

– Тракторни сотмаймиз, – деди Афифа қатъий қилиб. Чунки у трактор сотилса, акаси яна ишсиз қолиши, бировларга ёлланишга мажбур бўлиши, онла яна оғир аҳволга тушишини яхши билар эди. – Холам билан гаплашаман. Бегона эмасмиз-ку!

Худди шу суҳбатдан сўнг Афифа эрталабдан бери нимчасининг чўнтагида юрган хатни олиб, ўқишга тутинди. Мактуб анча узун экан.

«Салом, хат. Салом, ҳурматли Афифахон. Саломдан сўнг етиб маълум бўлсинки, мен тақдир тақозоси билан бир муддат узокроқ сафарга чиқишига мажбур бўлдим. Менга оғир туҳматлар қилиниб, урмининг қолган қисмини қамоқда ўтказишига уринувчи кишилар бор. Мен ҳақимда айтилаётган гапларга мутлақо ишонмаслигингизни илтимос қилиб сўрайман. Мўминмарзонинг ўлимида менинг асло айбим йўқ. Сизни азбаройи севганим учун ҳам унга дахл эта олмасдим. Чунки мен уни ўлдириб, сиз билан бахтли бўлалмаслигимни яхши билар эдим-ку. Сирасини айтганда, мен охириги пайтлар сизнинг кўнглингиз кўпроқ ўшанда эканини сезиб, бунинг устига унинг ҳам сизга нисбатан муҳаббати нақадар ҳалол ва қудратли эканини би-

либ-тушуниб (касалхонадаги воқеа буни яққол тасдиқлади), сизларнинг орангизга Қоработир бўлишдан воз кечмоқчи, яъниким, сизларга бахт тилаб, ўзимни чеккага тортиш ҳақида ўйлаб юрган эдим. Бу ҳақда мени ўйлашга мажбур этган яна бир нарса, мен – ўғриман Гарчанд тоза ўғри бўлсам-да, ўғрилик касбини ҳалол сақлаб, мардлик билан қилган ишларим учун, истисно тариқасида, менга ўйлашни ва бола-чақатик бўлиш имтиёзи берилган эса-да, шундан келиб чиқиб, умримнинг кейинги палласини ошкора, ҳалол тижорат билан ўтказишга киришган ва бунда анчайин натижаларга эришган бўлсам-да, менинг барибир «ўғри», деган номим бор. Мен узоқ ва давомли ўйлаб, сиздек азиз севгилим умрининг кейинги қисмини «Ўғрининг хотини», деган ёқимсиз унвон остида ўтказилингиз жои эмаслигини тушуниб етаётган эдим. Бу бир жиҳатдан. Яна бошқа бир жиҳатдан тушундимки, ҳали бизнинг жамиятимиз қишлоқлари ўғрининг тўғри бўла олашга ишонадиган даражага етмабди. Бас шундай экан, одамларнинг ўнтадан тўққизтаси мени бугунги, эртани, индинги, қайтариб қамоққа тикиш ҳақида ўй суради. Муттасил давом этувчи чақув, шубҳа, гумон, туҳмат заптдан омон қолиш жудаям қийин. Бинобарин, иштижоларимни рад этолмай менга турмушга чиққан ҳолатингизда ҳам... умрингиз қамоққа «пердича» тилиши билан ўтиб кетишига рози бўлалмайман, азиз севгилим. Бу хатни умрида кўзидан бир томчи ёш сизмаган меҳри қаттиқ, юрактош бир одам илк бора бағри сўзан, чашмигирён бўлиб ёзаётганига ишонасизми? «Бу ўғри бўлсам кўнглида шунча гап бор экан-а, дея ҳайрон бўляпсизми? Ихтиёрингиз. Ҳар нечук бўлса ҳам битта гап: одам бўлиб, сизни ва фақат сизни севдим. Чин муҳаббатнинг кўзи кўр, ақлига эмас, кўнглининг гапига қулоқ солар экан. Шу боисданми, қаранг, Мўминмирзоннинг вафотидан қанчалик изтироб чеккан бўлишимга қарамасдан (унинг шундоқ ҳам кўнгли ярим болалари гирт етим бўлиб қолди. Сизнинг хайрли орзу-умидларингиз чиптака чиқди.) шу фожиа туфайли менинг кўнглимда яна умид тугилди. Сиз ҳақингизда ўйлаган гапларимни қайта бошдан таҳлил қилиб кўрдим. Яна бир гап: сизнинг фермерлик ишингиз баъзи бир эски танишларингизнинг қингир қарши туфайли аввал бошдан омадсизликка маҳкум этилганини яқинда аниқ-тиниқ билиб қолдим. Аччиқ гапларим учун кечиринг. Лекин уларнинг сизга бўлган муносабати ҳам худди менга бўлгани кабидир. Бу ҳақда сизга аввал ҳам гапирган эдим. Аммо-лекин сиз Мўминмирзоннинг паноҳига кирсангиз, ўша тамга, ўша сиртимоқдан қутилиб кетасиз, деган умид пайдо бўлган менда. Энди у йўқ. Афсус-

ки, ҳаётда, ҳатто тарихда Мўминмирзо сингари инсонлар жуда кам. Шўрликнинг исми ҳам, қисмати ҳам... бир пайтлар Навоӣ суйиб умид боғлаган Мўминмирзониксига ўхшаш экан. Ана шу яхши йиғитнинг хотираси ҳурмати олдида сиз билан бизни қанчалик оғир синовлар кутиб турган бўлишидан қатъи назар, бирга бўлишимиз зарур, деган фикрга келдим. Эндиликда кўриб турганингиздек, бу жудаям қатин. Туҳматчилар мени фақат юртда эмас, ундан ташқарида ҳам таъқиб этадилар. Мен эса умидимни узганим йўқ. Мўминмирзонинг ҳақиқий қотиллар аниқ бўлиб, улар ҳаққоний жазоланадилар ва мен пайт келиб, ёруғ юз билан уйга қайтаман. Эндиги ниятим аниқ бўлди. Сизга уйланиш (албатта, агар сиз рози бўлсангиз) ва Мўминмирзонинг етимларига қўлдан келганча гамхўрлик кўрсатиш. Агар имкони бўлса, Мўминнинг онаси кўнса (у ҳам бу кулфатдан сўнг тамоман букилиб қолгандир) болаларини қарамогимизга олиб, катта қилар эдик. Бу орзум сизга балким кулгили туюлар: ўғри Миршабнинг боласини тарбия қиладими, деб. Ўзимга ҳам бошида шундай кўринди. Амлю бу фикрни худо кўнглимга солганини англаб етдим ва уни, ўлмасам, бир кунмас-бир кун барибир амалга ошираман, деб ният қолдим.

Ҳозирча эса қочоқман. Сизга, «келинг», дегим келади. Бироқ бир қочоққа яна бир қочоқ қўшилишиши, айни шу кунда сизнинг номингиз ҳам қораланишини истамайман. Сабр тилайман сизга. Сиз-ла учрашиб, қилган ниятларим амалга ошишини умид қилиб қоламан. Хатим унчалик чиройли ва мазмунли чиқмаган бўлса узр. Нима бўлганда ҳам буни сиз ёзган хатнинг салкам-салкам йигирма йилдан кейинги жавоби, деб қабул этсангиз миннатдор бўлув эдим. Аксинча бўлса, зорим бору зўрим йўқ. Ҳа, айтганча, анча йиллар олдин қамоқда танишган бир шоиртабиат ўғри дўстим севгилисига ёзган хатларини менга кўрсатар эди. Ўша хатлардан бир неча шеърий жумлалар ёдимда қолган.

«Мени кутгин, интизор кутгин,

Айрилиқнинг доғини ютгин.

Машҳарда ҳам қайтмасам агар

Шунда мени, майли, унутгин».

Дийдор қиёматга қолмайди, деган умидим бор...

Сизни жондан ортиқ севиб яшовчи Мирпўлат».

Афифа хатни икки карра ўқиди. Биринчисида сал эйтиборсиз, нописандроқ, шунчаки кўз югуртирган эди. Иккинчисида синчиклаб, ҳижжалаб, ҳар бир жумласининг маъзи-

ни чақиб, ўқиди. Юраги сел бўлди. Кўзидан ёш томчилади. «Хайрият, Мирпўлат акам Мўмин акамнинг ўлимида айбдор эмас экан. Мен бўлсам уни... энди сираям кечирмайман, деб юрибман. У бўлса, одамгарчилик қилмоқчи, Мўмин акамнинг болаларини ўз қарамоғига олмоқчи экан. Барибир ҳам юраги тоза одам-да, ўғри бўлсаям. Ўғри... Хўш, нима бўпти ўғри бўлса? Ўзи айтиб берган эди-ку қандай қилиб ўғри бўлиб қолганини. Муҳтожлик мажбур қилган. Замона шунақа бўлган. Ҳамма ўғрилик қилган. Бугун-чи? Бугун ким ўғрилик қилмаяпти? Деярли ҳамма эмасми? Шунчаки қўлга тушмаган, қамалмаган ўғрининг номи ўғри, деб аталмайди, холос. Мирпўлат акамнинг номи эса ўғрига чиққан. Лекин ўзи ҳеч ҳам ўғрига ўхшамайди. У агар шу ерда бўлганида... манови муаммолар ҳам бўлмасди. Умуман бўлмасди, дейиш қийин-у ҳар қалай камроқ бўларди. Пул сўрасам ҳам бериб турарди. Ҳозир беролмайди. Чунки узоқда. Ким билсин, қаерларда сарсон бўлиб юрибди. Таъқибдан қочиб юриш осон эмас... Хатига жавоб ёзсаммикан? Қандай қилиб етказаман? Ҳа, дарвоқе, мактуб сўнгида майда ҳарфлар билан ёзилган бир элатма бор-ку. «Агар хатимга жавоб ёзишни истасангиз, ёзиб қўйинг. Уни олиб кетишади...» Демак, ёзса бўлади. Ёзиш керак. Ташвиш-муаммолари ҳақида ёзиш зарур. Эҳтимол, Мирпўлат ёрдам берар. Ёки ноқулайми? Ўзи қочиб беркиниб юрган одамдан ёрдам сўраш инсофдан бўлмас. Сабр қилиб турайлик-чи, худонинг ўзи бир томонга бошқарар. Хатни эса ёзиш керак. У ҳақда ёмон хаёлга борганим-у адашганимни ёзишим керак. Унга далда бўлади. Севгисига эса... аниқ жавоб бермайман. Ҳаммасини вақт кўрсатади»...

Хатни ташлаб кетган йпгит эртасига кечқурун келди.

– Жавоб ёзган бўлсангиз, олиб кетар эдим, – деди.

– Вой, ҳали ёзмагандим, – деди афсусланиб Афифа. Кейин бир лаҳза ўйланиб тургач қўшимча қилди: – Агар қараб турсангиз, бир пасда ёзиб берар эдим.

– Майли, мен кўчада кутиб тураман.

– Йўқ, шу ерда ҳовлида, анови сўрининг устида ўтириб туринг, – деди Афифа ва шошиб ичкарига кириб кетди. Ўн дақиқалардан сўнг буклоғлик қоғоз кўтариб чиқди.

– Конвертга ҳам солломмадим, – деди айбдорларча жилмайиб.

– Ҳечқиси йўқ. Конвертга ўзим солиб, керакли жойга етказаман, – деди йигит хатни чўнтагига солиб.

«Муҳтарам Мирпўлат ака. Аҳволимизни сўраб ёзган хатингизни олиб, бошим кўкка етди. Сوغ-саломат экансиз, шукр. Лекин қочиб, беркиниб юришингиз яхши эмас. Ахир, «Айбдор эмасман», деяпсиз-ку. Келиб, шуни исботлаб берсангиз бўлмай-дими? Ҳақиқат эгилади, лекин синмайди, дейишади-ку. Аммо уни юзага чиқариш учун курашиш керак-да! Мен баъзи одамларнинг гапига ишониб, сиз ҳақингизда нотўғри хаёлларга бориб юрган эканман. Бунинг учун узр. Энди, манави мактубдаги гапларингизни ўқиб, сизга бўлган ҳурматим янада ошди. Ўзингизни асранг. Ҳали... соғ-саломат кўришамиз, деган умиддаман.

Эҳтиром билан Аффифа».

«Мабодо бу хат мелисаларнинг қўлига тушган тақдирда ҳам, менга ҳеч нарса деб даъво қилишолмайди. Чунки Мирпўлат акамга «Қочиб, беркиниб юришингиз дуруст эмас», деб ёздим. Қолаверса, унинг тезроқ оқланиб, қайтиб келишини ўзим ҳам истаётиман. Агар тушунса, буни хатимда ҳам билдиришга ҳаракат қилдим...»

Кейин қилган ишидан ўзи уялди. «Бир пулга арзимайдиган жонингни бунча авайламасанг», дея гижинди. Ногоҳ кўшни ҳовлидан юракни ўртовчи таниш кўшиқ янгради: «Еганин ош, деманг ёлғиз аёлнинг, шайтон товоғига қўлин чўзади...»

«Ёлғиз аёл...» Аффифанинг кўзларидан тирқираб ёш оқди. Ўзига ачинди. Шунинг баробарида «Бундай яшашнинг нима қизиғи бор», дея тушкун кайфиятга ҳам берилди. «Эрта-индин ерни қайтариб олиб, фермер хўжалигимиз тугатилганидан сўнг, ота-онаминг, акам билан укамнинг юзига ҳам қарай олмайман. Яна... бош олиб кетишдан ўзга чора қолмайди. Бўйнимиздаги қарзларни узиш учун... тракторни ҳам, бошқа ускуналарни ҳам сотишга тўғри келади. Акам жўжабирдай жон, оиласи билан яна қашшоқлик гирдобига тушади. Ҳаммасига мен айбдор бўламан. Гарчи... Эй тақдири

азал! Менга лозим кўрган қисматинг шунчалар бўлурми? Нега бунча хўрлайсан? Нега бунча топтайсан?.. Нега бахтим, омадимни шундоққина ёнимга олиб келасан-у, худди масхара қилгандек, охириги лаҳзада кўлимдан чиқариб юборасан? Нима гуноҳ қилган эдимки, шунчалар қийнайсан?.. Нима қилай, нима қилсам бўлади?..»

Ўйлаб ўйинга етмади. Охири шартга ўрндан турди-да, дурустроқ кийимларини кийиб, шаҳарга отланди. Қаерга, нима мақсадда бораётганини ўзи ҳам билмасди.

Поездга чиққач, вагон гилдиракларининг бир маромдаги «тақ-туқи»дан салгина тинчланиб ўзига келди. «Унинг олдига бораман. Юзимни қаттиқ қилиб бориб... маслаҳат сўрайман. Қани, нима деркан?»

Шаҳарга қош қорайганда етиб келди. Субутнинг ишхонасини тахминан биларди. Уйини эса... яхши билади. Аммо уйига тикка бостириб боришга истиҳола қилди. Аввал ишхонасига бораин, деди. Такси кира қилиб, соат кечки еттига яқинлашганда кириб борди. Ҳафсаласи пир бўлиб қайтиб чиқди.

– Субут акам хорижга, хизмат сафарига кетганлар, – деди бениҳоя хушрўй котиба жувон. – Сиз бирон иш билан келган бўлсангиз... ҳал қилишга ёрдамлашим мумкин.

– Йўқ-йўқ. Ҳожати йўқ. Ўзлари борларида келарман. Сафардан қачон қайтаркинлар?

– Бир ҳафтадан кейин хабар олинг.

– Хўп бўлади. Раҳмат...

Кеч кузакнинг изғиринли оқшомида кўчаларни бемақсад айланиб-айланиб, беихтиёр холасининг уйи сари йўл олди. Холаси уни очилиб-сочилиб кутиб олди. У ўзидан бирмунча ёш, анчайин келишган бир аёл билан «қиттай-қиттай» қилиб ўтирар, кайфияти чоғ эди.

– Бормисан, азизам, асалу новвотгинам? – дея бағрига босиб, чўлп-чўлп ўпди. Кейин меҳмонга таништирди: – Мен сизга кўпдан-кўп таърифлаган Афилахон – Зардарё гўзали мана шу киши бўладилар.

– Чиндан ҳам, сиз айтгандан-да гўзал эканлар. Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал, – деди меҳмон аёл шоирона лутф қилиб.

– Сиз ҳам шоирамисиз? – деб сўради Афифа бир холасига, бир меҳмон аёлга қараб.

– О-о! Албатта, Шаҳина хонимдек, нозиктаъб аёл ҳузурига фақат шоираю олималар келади-да, – деди шарақлаб кулиб аёл.

Афифа холасининг қистови билан ваннага тушиб чиқди. Ювиниб, артиниб, дастурхон ёнига ўтириб, бир пиёла чой ичгач, холаси унга жажжи қадаҳда виски қўйиб узатди. Кейин меҳмон аёлни таништирди.

– Бу – Муштарийхоним – жаҳонгашта аёл. Ер юзида бунинг бормаган мамлакати қолмаган. Инглиз тилини сув қилиб ичган. Туристик фирмаси бор. Дарвоқе, қизим, жоним, сен ҳам инглиз тилини яхши биласан-а?

– Сал-пал.

– Ана, айтгандим-ку, – аёлга ўгирилди Шаҳина хоним. – Бу, ўзи, асли сизнинг фирмангизда ишлаши ксрак. Нодон қиз. Ўзини хор қилиб, далада лой кечиб, пахта териб юрибди, «фермерлик қиламан» деб. Мен бунга неча марта айтдим: «Ҳой қиз, фермерликни чидаганга чиқарган, сен билан биз қўлимиздан келадиган ишни қилишимиз керак», деб...

– Тўғри айтган экансиз, хола, – деди Афифа маъюс жилмайиб.

– Ана, кўрдингми! Кўзинг жойига тушгандир энди? Тушмаган бўлса, тушади. Э-э, сени қара-ю. Шаҳарда мазза қилиб юрмайсанми, бойвучча бир хуштор топи-иб... Ҳой, дарвоқе, эшитдингми, анови... Даврбек қурғур... қочиб кетганмишми?

– Йўқолибди, деб эшитдим, – деди Афифа.

– Ўшани бекорга қўлдан чиқардинг-да. Мана, йўқолиб ҳам кетар экан. Ҳамма бойлиги сенга қолар эди...

– Қўйинг ўшани, хола, бўладиган гаплардан гаплашайлик.

Холанинг анча кайфи борлиги учунми, Афифанинг бу гапи ёқмади. Негадир асабийлашди.

– Бўладиган гапни айтсам... қизим, жоним... ҳалиги... шу кунларда менга пул жудаям зарил бўп турибди. Муштарийхон билан бир оз олди-бердимиз бор эди. Шунни қайтармасам, уят бўп кетди.

– Холажон, узр, мен пулингизни ҳали қайтаролмайман...

– Ие, жоним қизим, куз охирида, сўзсиз, қайтади, дегандинг-ку. Мен ҳали сен бугун пулни опкегансан, деб хурсанд бўлиб ўтирибман, – ранги бўзарди холанинг. – Ишинг юришадими-юришмайдими, билмадим. Лекин менга пул керак, жоним. Мана, ўзинг кўриб турибсан. Бировнинг омонати, қизим, қарзни узиш – чиройли иш, дейдилар.

– Қўлимда ҳозир пул бўлмаса, нима қилай, ахир? – деди Афифа йигламсираб.

– «Ўйла, изла, топ» деган телекўрсатув бор, кўрганмисиз? – дея гапга аралашди меҳмон аёл. – Сиздай чиройли, ўқимишли, тил билувчи аёл пулсиз юриши инсофдан эмас. Холангиз ҳозир айтди, ҳуқуқшуносликка ўқиётган экансиз.

– Ўқиш ҳам қолиб кетди. Бормай кўйдим. Ҳисобдан ўчириб юборишгандир.

– Ректор билан танишлигим бор. Истасангиз, тиклаб кўйишим мумкин.

– Бекорга эмасдир? – деди Афифа кинояомуз.

– Вой, албатта-да, азизим. Ҳозир бекорга мушук офтобга чиқмайди-ю. Мен барча муаммоларингизни биттагина ҳаракат билан ҳал этишим мумкин-у... Сизга бу йўл маъқул тушармикан?

– Қанақа йўл экан? – деб сўради Афифа, гарчанд юраги шувиллаб, гап нимадалигини тахминан сезган бўлса ҳам, талмовсираб.

– Фирмамизга ишга кириб... хорижда бир оз ишлашга тўғри келади...

– Фоҳишалик билан шуғулланиш керакми? – ижирганиш оҳангида сўради Афифа.

– Йўқ! Дарров ёмон хаёлга борманг-да! Бу сиз ўйлаётган нарса эмас. Мана, холангиз айтди. Инглиз тилини билар экансиз. Албатта, қай даражада эканини текширамыз. Агар талабга жавоб берсангиз... Яқин Шарқ мамлакатларига саёҳатга борадиган мижозларимизга раҳбарлик қилишингиз мумкин. Маошларимиз катта.

– Саёҳатчи мижозларингизнинг аксарияти... Дубайга борувчи... алданган аёллар эмасми, ишқилиб?

– Биз ҳеч қачон, ҳеч кимни алдамаймиз. Биз – туристик фирма. Бизга мурожаат этган сайёҳларни олиб бориш ва олиб келиш билан шуғулланамиз. Сиз ўшаларга тилмоч ва йўл кўрсатувчи бўласиз. Сайёҳларнинг орасида, албатта, сиз айтгандақа ниятда бораётганлари ҳам бўлиши мумкин. Ахир, биз ҳар бир одамнинг ичида нима гапи борлигини билмаймиз-ку! Қолаверса... бу сиз билан менинг муаммони- миз эмас. Биз қонуний бизнес билан шуғулланамиз...

– Сиз хафа бўлманг, Муштарийхон, бунинг оғзи куйгаи. Шунинг учун сўради-да, – деди Шаҳина хоним. – Ўзи аммо тилни бутунлай гапирди. Бир синаб кўринг.

– Ду ю спик инглиш? – сўради Муштарийхоним.

– Ес ай ду, – деди жилмайиб Афифа

Афифа шу тариқа меҳмон аёлниинг инглиз тилида берган бир неча саволига баҳоли қуарат жавоб қайтарди.

– Дуруст биларкансиз. Леккин ҳали кўп машқ қилишингиз лозим. Истасангиз, эртагаёқ сизни ишга қабул қилиш маса- ласи билан шуғулланаман.

– Мен... ўйлаб кўришим керак. Ҳали қишлоқдаги ишла- римиз чала.

– Ўйлаб кўринг. Агар рози бўладиган бўлсангиз... мен холангиздаги қарзимни сизга ўтказиб, ораларингизни очиб кўярдим. Сиз билан эса... ишлаш асносида келишиб кетар эдик...

– Ўйлаб кўрай. Муҳлат беринг.

– Қанча муҳлат керак?

– Бир ой.

– Йўқ. Бир ой кутолмайман. Ўн беш кун.

– Ўн беш эмас, йигирма кун бўла қолсин, холажониси, – дея гапга аралашди Шаҳина хоним.

– Йигирма кунга розимисиз? – сўради Муштарийхоним Афифадан.

– Майли...

– Келинглар, энди яхши ниятларимиз амалга ошуви учун қиттай-қиттай олайлик, – деди Шаҳина хоним.

Афифа ўша оқшом умрида биринчи бор бўкиб ичди. Ширакайф бўлгач, Муштарийхонимга қараб:

– Тўғрисини айтсам... тўйиб кетдим бу турмушнинг азоб-уқубатларидан, – деди.

– Насиб этса, кўрмагандек бўлиб кетасиз, – дея унга тасалли берди меҳмон аёл. – Ҳали... шундай роҳат-фароғатда яшайсизки...

– Муштарийхон ҳам асли етним қиз, – деди Шаҳина хоним. – Ҳозир учта ҳовлиси, иккита «Мерс» машинаси, битта «Жип»и бор.

– Насиб этса, Афиабонунинг ишлари ҳам юришиб кетади...

Меҳмон аёл алламаҳал кетди. Кетаётиб, Афифага чиройли қилиб тайёрланган ташриф қоғозини қолдирди.

– Истаган пайтда тортинмасдан қўнғироқ қилинг. Кутаман, – деди.

Афифа холасиникида ётиб қолди. Эрталаб вақтли туриб, бекатга жўнаб кетди. Йўл бўйи хаёлида Муштарийхоним айтган гапларни такрор-такрор таҳлил қилди: «Таклифи қизиқарли. Агар алдамаса. Алдаса-чи? Алдаса... биринчи алданишинг эмас-ку. Йўқ. Энди у ботқоққа қайтиб тушмаслигинг керак...»

Эртаси куни яна Субутнинг ишхонасига борди. Бахтига, Субут кеча сафардан қайтган экан, ишга чиқибди. Юзини қаттиқ қилиб олдига кирди. Дардини тўкиб солди. Субут диққат билан эшитди. Кейин бирга олиб чиқиб, шаҳарнинг қоқ марказидаги бир квартирага олиб борди.

– Шу ерда яшаб, диплом олгунча институтга қатнайсиз. Кейин бошқа ишларни гаплашамиз, – деди.

20

Даврбек шаҳардаги ҳув ўша, янги харид қилган хуфия ҳовлисида саҳар чоғи ҳибсга олинди. Бу унинг не-не орзу-умидлар билан, бениҳоя катта пулга харид қилган муҳташам манзил-маконда ўтказган биринчи ва сўнгги оқшоми бўлди. Муқимхонов бир оз ажабланди. Чунки у ҳар галги-

дек терговга чақиришади, холос, деб ўйлаганди. Қўлига кишан урилган ҳолда ҳовлига чиқар экан, гуллар тагини ағдаётган қоровулга таскин оҳангида деди:

– Ҳовлига ҳазир бўлинг. Мен тез орада қайтаман.

– Насиб бўлса, денг, тақсир, – деди унинг қўлтиғидан тутиб олиб чиқаётган ходимлардан бири. – Бу ҳовлига энди қайтишингиз қийин. У мусодара этилади.

– Сиз ҳам «насиб бўлса» денг, командир, – деди Муқимхонов, бўш келмасдан. – Менинг уйимни мусодара қилиш осон иш эмас...

– Кўрасиз-да...

Қоровул «Илойим, тезроқ қутулиб, қайтиб келинг», дея дуо қилди. «Иншооллоҳ, айтганингиз келсин», дея пичирлади Даврбек.

Милиция ҳамда хавфсизлик ходимларидан иборат гуруҳ Муқимхоновнинг орқасидан тушганига анча бўлган эди. Бинобарин, Даврбек бу ҳовлини қачон, кимдан харид қилган, унинг қаерга қанақа мулклари яширилган – ҳаммаси аён эди. Шу боис тинтув жараёни ҳам узоққа чўзилмади. Унинг ичидаги қимматбаҳо эбу зийнатлар, олтину жавоҳирлар, даста-даста пуллар: сўмдан бошлаб доллар, евро, Россия рубли, қозоқ тангасио қирғиз сомлари, туркман манатларию Корея вонлари, яна аллақанақа пуллар саналиб, рўйхатга олинди.

– Мана бунини халқлар дўстлигига садоқат, деса бўлади, – деди криминалист ходимлардан бири, турли пулларга ишора қилиб, киноя оҳангида.

– Булар ҳаммаси менга... марҳум хотиним... дан қолган, – деди Муқимхонов хотиржам кўринишга уриниб.

– Хотинингизнинг ўлганига икки йил бўлди, шекилли, – деди криминалист. – Манави долларлар эса шу йил чиққан экан, қаранг-а! Ажойиб хотинингиз бўлган экан. Нариги дунёдан ҳам пул жўнатиб тураркан.

Муқимхонов тилини тишлаб қолди. Ашъвий далил сифатида олинган пул, қимматбаҳо буюмларни прокуратурага элтиш учун алоҳида битта машина керак бўлди. Муқимхоновни эса ходимлар ўзлари миниб келган «Мерседес» микроавтобусига солиб олиб кетишди. Тергов ўша кунгидея бошла-

ниб, биринчи сўроқ кеч соат саккизда ўтказилди. Муқимхонов жиноят устида қўлга тушмагани боис ўзини дадил тутар, «Агар биронтаси сотган бўлса, эрта-индин аниқ бўлади, адвокат ва бошқа тегишли одамларни ишга солиб, гапидан тондираман. Шунда мени айблаш учун асос топишолмай, қўйиб юборишга мажбур бўлишади», деб ўйларди у. Шу орада Казбекнинг Россияга қочиб кетганлигини эшитиб, кўнгли анча хотиржам бўлди. «Кавказ тоғларидан уни қирқ йил қидириб ҳам топишолмайди», деб кулиб қўйди у. Қулмаматовларнинг каттаси ҳам қидирувда экан. «Уни ҳам топишолмайди. Пухта бола». Демак, уни илдириш мумкин бўлган ҳеч нарса йўқ. Энди буткул тинчланиши мумкин. Қолаверса, биринчи сўроқ маҳали у терговчига «Мени оқлаб, ашёвий далил сифатида олинган пуллару қимматбаҳо буюмларни қайтариш чорасини кўрсангиз, тенг ярмиси ҳаққи-ҳалол сизники», деб очиқ айтди. Терговчи кулимсираб ўйланиб қолди. Даврбекнинг фикрича, ҳойнаҳой хаёлида Муқимхоновнинг уйдан олиб келинган бойликларнинг жами қийматини чамалаб кўрди. Ярмини оладиган бўлса ҳам, туваги тиллага айланиб кетишини кўз олдига келтирди. Аммо қўрқди. Маъюс жилмайди.

– Сизни озод этган тақдиримизда ҳам... Уларни... энди қайтариб олиб бўлмасов...

– Нега энди, мен айбсиз бўлганимдан кейин...

– Рўйхатга олинган пуллар, буюмлар, моддий қийматли ашёларнинг умумий нархи бир неча миллиард сўмни ташкил этади. Сиз уларнинг келиб чиқиш манбасини кўрсата олмайсиз-ку. Тўғрими?

– Ие, нега кўрсатолмас эканман? Хотинимдан қолган мерос-да!

– Хотинингиз ўлганидан кейин... уларни қонуний тарзда расмийлаштирамансиз.

– Расмийлаштираман бўлсам, расмийлаштирамиз. Адвокатга айтаман, аввалги муҳлатлар билан расмийлаштириб, ҳужжатлаштиради. Олиб келиб беради. Делога тикасиз.

– Бунинг иложи йўқ, – деди терговчи.

– Йўқса, мана бундай қилайлик. Сиз... ҳозир врач чақиринг. Менинг қон босимим ўта юқори эканлигини тасдиқ-

латиб, тиббий қисмга жойлаштиринг. У ёғини ўзимга қўйиб берасиз. Манови мулкларни қайтариб олишнинг иложи бўлмаса... садқайи сар. Шу ердан оқланиб чиқсам... Сизга боя ваъда қилинган миқдорни бошқа жойдан тўғрилаб бераман. Эркакча гап. Мен қўли очиқ одамман. Хоҳласангиз... шаҳарнинг баобрў маҳаллаларидан биридаги ҳовли кам десангиз, ёнига битта «Жип» машинаси қўшаман. Кейин ҳам сизни хафа қилиб қўймайман, ука, қиёматлик қадрдон бўлиб қоламиз. Сиз агар ишонмасангиз, одамлардан сўраб кўринг. «Муқимхонов қанақа одам?» десангиз, мени билган ҳар бир киши, «мард инсон» деб жавоб бериши аниқ. Ишқилиб, нима бўлсаям, мени шу ердан бегуноҳ қилиб чиқариб юборинг, илтимос, ука...

– Даврбек ака, – деди терговчи босиқлик билан, – бу гаплар энди бефойда. Сирасини айтганда, менинг ўрнимда бошқа, қизиққонроқ терговчи бўлса, бу гапларингизни ҳам... делога тикиб юбораман, деб ваҳима қилган бўларди. Мен қизиққон эмасман. Сизни тўғри тушуниб турибман. Кўп йиллардан бери масъул лавозимларда ишлаб келган одамсиз. Мисқоллаб йиққан обрў-иззатингиз бир пул бўлиши оғир масала. Аммо-лекин бу ҳақда аввал ўйлаш керак эди. Чамаси, сиз бу ҳаётда ҳамма муаммони пул билан ҳал қилиш мумкин, деб ўйлаб келгансиз, милиция, прокуратура, суд ходимларининг ҳар қанақасини истаган пайтда сотиб олам, деб ишонгансиз. Аммо сизни ҳайрон қолдиришга мажбурман. Орган ходимларининг асосий кўпчилиги ҳалол. Виждонли, сотилмайдиган одамлар. Айнан шундай бўлгани учун ҳам давлат давлат бўлиб, қонун қонун бўлиб турибди. Акс ҳолда, сизга ўхшаган одамлар давлатни ҳам, қонунни ҳам балчиққа ботириб ташлашарди. Тўғри, сиз айтгандақа одамлар ҳам анча-мунча топилади. Лекин эртами-кечми, хашаги очилиб, фош бўлиб, орган сафидан чиқиб кетади.

– Сиз ҳам... бу кетишда узоққа борармикансиз, – деди ўзини илжайишга мажбур қилиб Муқимхонов. – Биласизми, сизга ўхшаган шоввозларни «Дон Кихотлар», дейишарди. Ўзларича қанақадир маъдум гоъларга, таги бўш баландпарвоз тушунчаларга ёпишиб олиб, мен ҳалолман, мен виж-

донлиман. дея кўкрагига уриб, бир умр тишининг кирини сўриб. эгни тузукроқ кийинмга ёлчимай, бобосидан қолган гувала уйда яшаб ўтиб кетишади. Ишдаям иши юришмайди. Мартабаси ошмайди, кўпинча бўшаб кетишади. Ақллилари эса... қандай яшашни яхши билишади. Сиз менга... «Орган ходимларининг асосий қисми ҳалол одамлар», деб чўпчак айтиб, ишонтирмоқчи бўляпсиз. Мен ёш бола эмасман. Ҳамкасбларингизни бугун кўраётганим йўқ. Ўзингиз инсоф билан айтинг-чи, шаҳардаги маҳаллалардан хоҳлаганингизга бориб, энг муҳташам, энг баланд иморатни топиб, «Манави уй кимники?» деб сўрасангиз, ўнтадан тўққиз ҳолатда ё прокурор, ё мелиса, ё ДАН ходиминики бўлиб чиқмайдами? Хўш, нега шундай? Ўшаларнинг бирортаси участкани ҳалол пулга қурганми? Мана, сиз ҳалол ишларкансиз. Ойлик маошнингизга данғиллама иморат қуриб, «Жип» машинада юра оласизми? Юролмайсиз, албатта! Униям қўйнинг. мен сизга бошқа аччиқ бир ҳақиқатни айтаман. Ҳозир истаган мактабга бориб, ўқувчилардан «Ким бўлмоқчисан?» деб сўранг-чи, нима деб жавоб беришаркан? Ўндан тўққиз нафари «мелиса, прокурор, солиқчи, божхоначи бўламан», дейди. «Ўқитувчи ёки врач бўламан», дегани бармоқ билан санарли. Нима учун? Чунки болалар ҳам ким қандай яшаётганини кўриб-билиб турибди...

– Мунозарани бас қилайлик, Даврбек Муқимхонович, – деди ўта жиддий оҳангда терговчи. – Саволларимга жавоб беринг...

– Мен, барибир, судда оқланиб чиқаман, вақтингиз ва кучингизни бекорга сарфламанг, ука, – дея бошқача усулга ўтди Даврбек. – Менинг орқамда... кучли одамлар турибди. Сиз агар... яхши гапга кўнмайдиган бўлсангиз... боя ўзингиз айтганингиздек, хашагингизни очиб, фош этиб, орган сафидан чиқариб юборишади...

– Нима демоқчисиз бу билан?

– Агар... келишмайдиган бўлсак, бирон нарсани баҳона қилиб, терговни бошқа терговчига топширинг.

Терговчи кулди.

– Агар у билан ҳам келишолмасангиз-чи!

– Уни ҳам алмаштирамиз...

– Чучварани ҳам санабсиз, фуқаро Муқимхонов, – деди терговчи энди анчайин қаҳрли овозда. – Сизни мен тергов қиламан. Ишингизни судгача ўзим етказаман. Судда қилмишингизга яраша адолатли жазо олишингизга эришмай қўймайман. Тушундингизми? Мен ҳалол, адолатли терговчиман. Лекни... Жаҳлимни чиқарманг. Жаҳлим ёмон. Жаҳлим чиқса, боя айтганингиздай, бу ҳаётда бир умр тишимнинг кирини сўриб, қашшоқлик билан яшаётганим учун қасду аламимни сизга ўхшаганлардан оламан.

– Урасизми? Калтаклаб, қийнаб, йўқ айбни бўйнимга иласизми? Демак... айрим терговчиларнинг маҳбусларни қийноққа солиши ҳақидаги гаплар рост экан-да? Бас. Етар. Энди сиз билан пачакилашиб ўтиришни истамайман. Адвокатимни чақиринг. Энди сиз билан фақат унинг иштирокида гаплашаман.

– Марҳамат.

Адвокат қабулхонада кутиб ўтирганди. Аслида терговчи сўроқ бошидаёқ уни чақиртирмоқчи бўлган, бироқ Муқимхонов «аввал ўзимиз бир оғиз гаплашиб олайлик», деб унамаганди. Энди у терговчининг гапга кўнмаслигига амин бўлди. Адвокатни чақиртириб, энди ишни бошқа терговчига ўтказишга уриниб кўрмоқчи бўлди. «Зоҳидийнинг адвокати тажрибали собиқ терговчи, эски бўрилардан, ишнинг кўзини биледи, иложини топиб ўзига таниш терговчилардан бирини ўтказса, нарғи осон кўчади», деб ўйлади.

Адвокат кирди. Сўроқ бошланди. Муқимхонов саволларга мужмал ва чучмал жавоб қайтарар, терговчининг тобора энсаси қотиб борар эди. Охири чидамади.

– Даврбек ака, илтимос, сал жиддийроқ бўлинг. Ҳамонки биз сизни қамоққа олган эканмиз, қўлимизда... рад этиб бўлмайдиган далиллар, гувоҳлар ва сизнинг пора олишингизда бевосита иштирок этган воситачи гумашталарингизнинг ёзма кўрсатмалари, иқдорлари бор...

Муқимхонов ўзидан бир кун кейин ёрдамчиси ҳам ҳибсга олинганини билмас, айти шу маҳалда қўшни хонада уни ҳам сўроқ қилишаётганидан беҳабар эди. Табиатан қўрқоқ,

иродасиз, бунинг устига касалманд бўлган ёрдамчи терговчининг:

– Агар айбингизга тўла иқрор бўлиб, терговга астойдил ҳамкорлик кўрсатсангиз айбингиз енгиллашади, соғлиғингизни ҳисобга олиб, жазодан бутунлай озод этиш масаласини ҳам ўйлаб кўрармиз, – деган гапига лаққа тушди.

– Айтамаи, ҳаммасини айтиб бераман, фақат, фақат мени бу ердан тезроқ чиқариб юборишга сўз беринг, ака, – деди.

– Сўз бераман, – деди терговчи.

Шундан сўнг ёрдамчи булбулигўё сингари сайрашга тушди: Терговчи берган саволларга керагидан ортиқ даражада батафсил жавоб беришга тириша бошлади.

– Муқимхоновнинг қачон, кимлардан, қанча миқдорда, қанақа усулда пора олганлиги ҳақида аниқ мисоллар билан гапиринг, – деди терговчи.

– Муқимхонов жаноблари пора олишнинг юз хил усулини билади, – деди ёрдамчи ҳовлиқиб.

– Илтимос, шошмасдан, ана шу усулларни бирма-бир, муфассал тарзда қоғозга ёзиб чиқинг, – деди терговчи унга қоғоз ва қалам узатиб.

– Хўп бўлади, – деди ёрдамчи, илҳом билан қалам тебратишга тушди. Дастлаб «Муқимхонов Даврбекнинг пора олиш усуллари» деб сарлавҳа қўйди. Сўнгра ёзди:

1. Тумандаги бирон раҳбарлик лавозимига қўйиш учун олинадиган пора. Мисол учун: туман почтаси раҳбарини лавозимга тайинлашда ... миқдоридан пора олган. Вақти: тахминан ўтган йили декабрь ойининг бошлари.

2. Туман ҳудудидан ер ажратгани учун.

3. Давлат мулкларини арзон-гаров иарҳда сотиш учун.

4. Қамоқдан асраб қолиш учун.

5. Ҳибсга тушган кишини «касал» деган баҳона билан озод этиш учун.

6. Судланаётган кишининг оқланиши ёки жазосини енгиллатиш учун.

7. Олий ўқув юртига ўқишга киритиш учун.

8. Ишлаб турган қолоқ раҳбарни вазифасида қолдириш учун.

9. Қурилиш тендерларида ғолибликни олиб бериш.
10. Спорт мусобақасида биринчи ўринни олиб бериш учун.

11. Газетадаги танқидий мақолани қолдириш учун.

12. Банкдан кредит олиб бериш эвазига.

13. Унвон ёки орденга тавсия этиш эвазига.

14. Хориж фирмаларининг маҳсулотини туман ҳудудидаги фирмаларга мажбуран сотиб бериш эвазига.

15. Уюшган гуруҳнинг туман ҳудудида бемалол ҳаракат қилиши учун рухсат бериш эвазига. Тумандаги энг йирик гуруҳ раҳбари «Амир» лақабли Мирпўлат (фамилияси эсимда йўқ) дан мунтазам катта миқдорда пора олиб турган.

Хуллас, газетдан тортиб даллолгача, гўрковдан тортиб ғас-солгача, бозордаги чекчидан тўйдаги отарчигача – ҳаммаси, лўнда қилиб айтганда, тумандаги, пуллик жойда ишловчи ҳар бир шахс Муқимхоновнинг «сулуши»ни беришга мажбур эди...

Ёрдамчи ўзи ёзди. Терговчи сигарет тутатиб сабр билан кутиб ўтирди. Охири сабри чидамай:

– Сал... лўндароқ қилинг, – деди.

– Мана, – деди ёрдамчи. – Бир оз шошилганим учун қисқа қилдим. Агар... шаронти яхшироқ бир кишилик камера бўлса... ҳали айтадиган гапларим кўп.

– Яхши, – деди терговчи, – ушбу саъй-ҳаракатларингиз инобатга олинади. Сизни алоҳида камерага қўйишади. Дарвоқе, ўзингиздан қолар гап йўқ. Манави ёзган ва ёзадиган гапларингизнинг барчасини Муқимхонов билан юзлаштириш чоғида ҳамда судга айнан такрорлашингиз шарт.

– Албатта, албатта, – деди ёрдамчи.

Муқимхонов ёрдамчи «ижод этган» битикни ўқир экан, ғазабдан пешанаси тиришди.

– Аблаҳ, сотқин, – деди ва яна нималардир деб сўкинди. Кейин яна хотиржам тусга кирди.

– Тухмат бунинг ҳаммаси. У ўзи қилган қилмишларни менинг бўйнимга қўймоқчи бўлибди. Ғирт аҳмоқона гап-

лар. Қаранг: «Кўчадаги тиланчилардан ҳам участкавой мелнса орқали улуш оларди», деб ёзибди. Қип-қизил жиннику бу! Мен, кимсан – Даврбек Муқимхонов, гадойдан улуш оламанми? Бу гапта ким ишонади? Мана буниси эса муқаддас миллий урф-одатларимизни оёқости қилишга уриниш. Нима эмиш, «Бировникига тўй ёки азага борадиган бўлса ҳам, албатта, сарпосиз қайтмасди». Ақлдан озиб, мияси айниб қолган бўлса керак ўша ёрдамчининг. Ўзи... қачонлар кетига тепиб, ишдан бўшатиб юбормоқчи эдим-а. «Жон ака, сахар касалим бор. Раҳм қилинг, ажалимдан беш кун бурун ўлиб кетмайин», деб ялинган. Савобнинг таги тешик, деганлари тўғри экан. Кўрнамак, туҳматчи!

– У ҳалиям сизни аяди, – деди терговчи. – «Казбек» лақабли ҳамтовоғингиз билан қилган ишлар ҳақида ҳеч нарса демаяпти. «Хабарим йўқ», деб турибди. Ҳолбуки...

– Қанақа «Казбек?» Мен ҳеч қанақа Казбек-Пазбекни билмайман, – деди кўзи ола-кула бўлиб Муқимхонов. Чеҳрасидан қўрқиб кетгани шундоққина аён бўлди.

– Казбек деганлари Россияда наркотик моддалар ва қурол-яроғ савдоси, одам ўғирлаш, қотилликлар, рекет, қасддан баданга оғир жароҳат етказиш, ноқонуний валюта операциялари ва бошқа қатор жиноятларда айбланиб, халқаро қидирувда бўлган шахс, жаноб Муқимхонов. Сиз ана шунанга разил кимсалар билан ҳамтовоқ бўлишдан ҳам ҳазар қилмагансиз. Унинг туман ҳудудида бемалол ҳаракат қилиши, жиний йўл билан топган пулларига давлат мулкларини сотиб олиши, бошқача айтганда, ҳаром пулларини «ювиши» ва легаллаштириши учун шароит яратгансиз. Ака-ука Қулмаматовлар сизнинг ёрдамингизда Казбекнинг пулларига бир неча завод-фабрикаларни ва, ҳатто «Чорвадор» тижорат банкининг акцияларини сотиб олишган...

– Исботлай оласизми, шу гапларнингизни? – деб сўради Муқимхонов, хаёлидан «Казбек ҳам, Қулмаматовлар ҳам қочиб кетган-ку», деган фикрни ўтказиб, яна у ўйладики, «Агар уларни ушлаб келишган бўлса, терговчининг гапидан сезилиши мумкин. Ишқилиб, ушлолмаган бўлишсин...»

– Исботлаймиз, хотирингиз жам бўлсин.

– Юзлаштиринг мени ўша Казбек, Қулмаматовлар билан, агар...

– Юзлаштирамиз... вақти келса...

«Демак, ушлашган эмас», деди ичида хурсанд бўлиб Муқимхонов.

– Конвой, олинб чиқинг...

Уни деярли ҳар куни сўроққа чақирншар, афтидан, ишни тезроқ судга оширишга шошилншар эди. «Бунинг иккита сабаби бўлиши мумкин, – деб ўйлади Муқимхонов. – Биринчиси – уларни юқоридан кимдир шоширмоқда. Иккинчиси – терговчи ўзининг «Ҳар қандай мансабдор, агар у жиноят қилган бўлса, эртами-кечми, муқаррар жинойий жавобгарликка тортилади», деган гапини Муқимхоновга тезроқ исботлаб кўрсатмоқчи. Муқимхонов ўша куни унинг бу гапини эшитиб, роса кулди. «Порахўр мансабдорлар шунчалик кўпки, ука, уларни қамашга турмадан жой етмайди». Терговчи ҳам бўш келмади: «Фоҳиша хотин ўз айбини хаспўшлаш учун теварақдаги барча аёлларни «бузуқ» деб гап тарқатиб юраркан. Сизнинг гапингиз худди ўшаникига ўхшайди». «Э, ука, қани, сиз менга биронта олмайдиган мансабдорни топиб кўрсатинг, мен тан берай». «Раҳбарлар орасида ҳалол одамлар жуда кўп. Ўзимнинг отам ўттиз беш йил раҳбарлик лавозимида ишлаган. Ҳалолликни ундан ўргандим», деди терговчи хотиржамлик билан. «Ҳалол, иймондиёнатли бўлса... юргандир ҳали-ҳануз бири икки бўлмай, отасидан қолган гувала иморатда яшаб, йигирма йиллик костюм-шимни кийиб, туфлиснинг таги тешилиб», деди Муқимхонов масхаромуз. Терговчи унга синчиклаб тикилди. Муқимхонов «Бир ўқ билан икки қуённи урдим, отаси баҳонасида унинг ўзига ҳам ачитиб юборадиган қилиб теккизиб қўйдим», деб ўйлаб турар, буни яна ҳам таъкидлаш мақсадида терговчининг анчайин униқиб қолган уст-боши, таг чарми едирилган пойафзалига ўқтин-ўқтин қараб қўярди. Терговчи ҳам буни сизди. «Сиз биласизми шуни, одми кийинувчи одамлар... башанг кийиниш имконияти йўқлигидан эмас, башанг кийинишни исташмагани, чунки ўзи табиатан камтар, одми бўлгани, бунинг устига, одамлар орасида ола-

қарғадай ажралиб туришни хоҳламагани учун одми. Лекин тоза-озода кийиниб юришди. Кийим-кечак ҳар қанча башанг, қимматбаҳо, чиройли бўлмасин, унинг ичидаги вужудни наҳс босиб кетган бўлса, егани-ичгани, қилган қилмиши, ҳаром-харишга қоришган бўлса... бундай башанглик, улуғсифатликдан сассиқ ҳид уфуриб туради».

Муқимхонов терговчи билан бошқа тортишиб ўтирмади. Фақат «Ана, отангиз ҳам раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлса, ҳамкасбимиз экан, лоақал шуни ҳисобга олинг, ахир», деди. «Тақдирингиз ўз қўлингизда, ака, – деди терговчи. – Агар гуноҳларингизни сидқидилдан тан олиб, пушаймон бўлиб, терговга ёрдам берсангиз, жазо енгилроқ бўлиши мумкин. Акс ҳолда... йигирма йил нақд, деяверинг».

Ўтган ҳафта ёрдамчи билан юзлаштиришди.

– Олиб келинган пораларни Муқимхоновга қай тарзда кiritиб берар эдингиз? – деб сўради терговчи.

– Кабинетларига опкириб... телефонлар турадиган тумбочканинг тортмасига солар эдим, – деди ёрдамчи. – Тортма доим очиқ турарди.

– Муқимхонов шуни кўриб турармиди?

– Албатта.

– Хўп, тумбочкага солиб чиқдингиз. Муқимхонов пулларни олган-олмаганини қандай билар эдингиз?

– Ҳар куни кечқурун ишдан қайтишдан олдин тумбочка тортмасини текшириб кўрардим-да!

– Бу киши порани фақат сиз орқали олармиди? Ёки ўзлари кириб тўғридан-тўғри бериб чиқувчилар ҳам бўлармиди?

– Бўларди. Лекин улар ҳам киришдан олдин мендан маслаҳат олишарди. Қанча опкелганини айтиб, «Бу кам эмасмикан?» деб сўрашарди. Кейин яна сўрашардики, «Қўлига бериш керакми ё столнинг устига қўйиш керакми?» Мен айтардим: «Телефон тумбочкасининг устида доим қайноқ чой дамланган чойнак туради. Сиз ўрнингиздан турун-да, «Даврбек ака, чой қуйиб берайми», деб ўша томонга ўтинг, шу аснода қоғозга ўралган пулни қия очиқ турган тортмага ташлаб юборинг...»

– Ҳей, қовоқбош, нима деяпсан, ўзи-а? Қанақа тумбочка? Мендай катта раҳбарнинг кабинетига тумбочка тура-

дими? Тумбочка касалхонадаги палатада бўлади-ю! Сен ўзинг тумбочкасан, тушундингми, сенинг ўша... калланг тумбочка! Ҳе, ифлос, онангни... – деди Муқимхонов жаҳл билан.

– Ҳақорат қилманг, фуқаро Муқимхонов, – деди ёрдамчи. – Сиз... ҳозир раҳбарлик курсисида ўтирганингиз йўқ. Терговхонанинг қаттиқ табуреткасида ўтирибсиз.

– Шошма, ҳали. Сен туҳматчини онангни кўзингга кўрсатмасам... отимни бошқа қўяман, – деди таҳдид билан Муқимхонов.

– Отингиз аллақачон бошқа қўйилган, фуқаро Муқимхонов, – деб кулди ёрдамчи.

Кейин кулиб чиқиб кетишди. Муқимхонов аламланди.

– Аблаҳ, сотқин, – деди ёрдамчининг орқасидан. – Мелисадан ҳайдалиб, кўчада қолиб кетган жойидан олиб келиб, яна одам қаторига қўшгандим. Сотқин, барибир, сотқинлигига борар экан-да!..

Кейинги кунларда уни ўнлаб одамлар билан юзлаштиришди. Муқимхонов уларнинг кўпчилигини юзидан эсласада, кимлиги, қанча олганини, ростдан ҳам, ёддан чиқариб юборганди. Шу боис ҳеч қайсиси билан тортишиб ўтирмади. «Нима фойдаси бор? – деб ўйлади у. – Мени энди, барибир, қамашади. Демак, «тепадан» шунақа буйруқ бўлган. Адвокатнинг слиш-югуришлари ҳам ҳозирча натижа беролмаяпти. Эндиги ягона умид – суддан. Судьяни агар... яхшилаб рози қилса, муҳлатни қисқароқ беради. Нарёғини кейин кўрамиз...»

Бугунги юзлаштириш бошда қанчалик ёқимсиз туюлган бўлмасин, пировардида Муқимхоновни мамнун этди. Дастлаб у кўзларига ишонмади. Чунки... қаршисида... Мирпўлат турарди.

– Ие, «Амир» ҳазратлари, сизни Афғонистонга қочиб кетган, деб ёзишганди-ку тарих саҳифаларида, – дея сўз ўйини қилди у, гарчанд миясида «Ҳозир бу ҳам бир нима-лар деб сасийди», деган гумон айланиб турган бўлса ҳам.

Мирпўлат ҳам қочиримга қочирим билан жавоб қайтарди:

– Амиру хонлар қаерга қочмасин, барибир, борадиган жойлари битта экан, катта бобо!

Кейин сўроқ бошланди. Мирпўлатдан «Сизни Муқимхонов хуфия учрашувга чақириб, «Жиноий даромадингдан улуш тўлаб турасан, ана шунда туман ҳудудида бемалол, эркин ҳаракат қилишинг мумкин», деганлигини тасдиқлайсизми?» деб сўради терговчи. Муқимхонов «Амир»га ижирганиб қаради. Чунки у «Чамаси, «Амир» илгари бу ҳақда ёзма иқрорлик билдирган бўлса керак, энди юзма-юз ҳолатда такрорлатишмоқчи», деб ўйлаб турарди.

– Йўқ, – деди кутилмаганда Мирпўлат.

– Ҳар қалай, тоғлар орасидаги хуфия қароргоҳингизга бориб, сиз билан учрашган, шундайми?

– Йўқ, – деди яна Мирпўлат. – Мен бу одам билан... биринчи марта учрашиб турибман.

– Э, отанга балли, ўғри бўлсанг ҳам, мард йигит экансан, анови сотқинларнинг юзтасини сотиб, сенга едириш керак экан! Ташла бешни, оғайни, – деди Муқимхонов.

– Менинг қўлим... кўчада қолган эмас, ўғри бўлсам ҳам, – деди Мирпўлат Муқимхоновнинг юзига ҳам қарамасдан. – Сизга қўл беришдан ҳазар қиламан.

– Демак, фуқаро Муқимхонов бевосита ўзи ёки ёрдамчиси орқали сизга нисбатан ҳеч қанақа тамагирлик, шантаж хатти-ҳаракатларини содир этмаган? Сизга тўхмат уюштириб, қўлга туширишга уринмаган, шундайми?

– Шундай.

– Яхшилаб ўйлаб кўрдингизми? Сиз... кимни ҳимоя қилаётганингизни биласизми? Ахир, бу одам... ёрдамчиси орқали устингиздан чақув уюштириб, катта миқдордаги гиёҳванд модда билан ушлаб бермоқчи бўлган, биласизми?

– Йўқ.

– Казбекни биларсиз? Бу одамнинг гумаштаси. Сизнинг тоғдаги чорбоғингизга наша олиб бориб ташлаган ўша...

– Билмайман.

– Тушунарли. Демак, сиз ўз айбингизни енгиллаштиришни истамайсиз?

– Истайман, лекин бировларни сотиш эвазига эмас.

– Бу гапинг энди ўхшамай қолди, ошна, – деди Муқимхонов ўзини қувноқ тутишга ҳаракат қилиб. – Мен билан қўл

олишиб кўришишни... одамлар йиллаб орзу қилиб юришади. Сен, ўзи, кимсан? Бит босган бир ўғри бўлсанг, яна ноз қилганингга куяйми! Сени одам билиб гап қотганимга хурсанд бўлмайсанми, хумпар!

– Сиз билан гаплашадиган гапимиз, ҳисоб-китобимиз кўп, – деди Мирпўлат унинг кўзига қаттиқ тикилиб. – Бироқ бу ерда эмас, тергов тугаб, суд ўтганидан сўнг... нарёқда бафуржа гаплашамиз.

– Демак, сиз фуқаро Муқимхоновнинг судланиб, қамалиб кетишига қатъий ишонаркансиз-да? – дея ўсмоқчилаб сўради терговчи. – Хўш, нимага асосан? Таҳдидингизга қараганда, сиз унинг ўзингизга душманлигини бевосита тасдиқламоқдасиз.

– Менни ҳариф қилмай қўя қолинг, гражданин бошлиқ. Шунақа катта лавозимдаги одамни ҳамонки олиб келиб авахтага тикқан экансизлар... уни энди, нима бўлсаям, нарёққа жўнатасизлар-да... Акс ҳолда, ўзингизга қийин бўлади.

– Хўш, унда қанақа ҳисоб-китоб ҳақида гапиряпсиз?

– Бу одам раҳбарлик даврида менинг ҳамқишлоқларимга кўп жабр-зулм ўтказган. Ерларини ноҳақ тортиб олган. Ана шуни назарда тутдим.

– Масалан, кимнинг? Аниқ факт айта оласизми?

– Айтаман. «Зокир» фермер хўжалигининг ерини тортиб олиб, синдириб, касодга учратган.

– Ҳой, сенда калла борми? Туманда шартномани бажармаган фермер хўжаликларининг ҳаммаси йириклаштирилган. Бунда менинг айбим нима?

– Сиз «Зокир» фермер хўжалигини атайлаб, қасддан синдиртиргансиз... гапингизга кўнишмагани учун.

– Мана бу бошқа гап, – деди терговчи. – Демак, сиз Муқимхоновнинг фермер хўжаликларини атай қийин аҳволга солиб, ерини қайтариб олиб қўймаслик эвазига пора талаб этганини тасдиқлаб гувоҳлик беришингиз мумкин.

– Йўқ, – деди Мирпўлат. – Бу бизнинг ўзаро ҳисоб-китобимиз. Қолгани мени мутлақо қизиқтирмайди.

– Лоақал, сизни нега қамашгани ва нима учун суд қилишлари қизиқтирар?

– Қизиқтирмайди. Чунки мени ҳам, барибир, узоқ муддатта кесиб юборишларингиз аниқ. Ҳолбуки... адолатли, зукко терговчи бўлса эди, Мўмин Қобиловни отган мен эмас, манави маразнинг одамлари эканлигини аллақачон исботлаб, мени бу ерда ушлаб ўтирмасди. Афсуски...

– Мўмин Қобилов отилган қирқма милтиқда сизнинг бармоқ изларингиз топилгани экспертиза томонидан тасдиқланган. Буни кимдир ўйлаб топган эмас. Қолаверса, ўша милтиқ айнан сизга тегишли эканлиги ҳам факт ва далиллар билан тасдиқланган. Бу масалада оёқ тираб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Қайтанга... биз ўйлагандикки, сиз терговга Муқимхоновни тўла фош этишда яқиндан ёрдам бериб, гуноҳингизни бир оз енгиллатармиканмиз, деб.

– Аввал-бошдан сохта далил, сохта бармоқ изларига асосланиб иш кўрувчи терговга қанақа ёрдам беришим мумкин? Ахир, шусиз ҳам сизлар истаган ишни истаган йўналишга солишга устасифаранг бўлиб кетгансизлар-ку.

Мирпўлат, чиндан ҳам, бошқа бирорта ҳам ортиқча гап гапирмади. Фақат икки оғиз сўзни энг нозик, энг қувончли ва айни пайтда энг оғриқли лаҳзада айтди:

– Афсус, – деди у Афифа билан юзлаштирганларида, – сизга берган ваъдамни бажаролмадим. Ҳозирча...

– Ҳали... Ҳали олдинда бутун бир умр бор, – деди Афифа. – Улгурасиз.

Мирпўлат сезилар-сезилмас хўрсинди.

– Агар... ўлмасам, барибир, сўзимнинг устидан чиқаман, Афифа, – деди у. – Биз, албатта, бахтли бўламиз. Мени... кутасизми?

– Ҳа, – деди Афифа.

– Узоқ кутишга тўғри келади.

– Ҳечқиси йўқ. Мен кутиб ўрганганман.

Шу билан уларнинг мулоқоти тугади.

21

Субут Муқимхонов ва унинг гумашталари устидан суд жараёни бошланганини яна Арслондан эшитди. Улар шаҳар милиция бошқармаси бошлиғи ўринбосарларидан би-

рининг неварасини суннат қилиш муносабати билан бераётган наҳорги ошида учрашиб қолишди.

– Мана, охир-оқибат, барибир ҳам, қора курсига ўтирди эски ошнализ, – деди у. Гапининг оҳангидан унинг бу воқеадан афсусланаётганини ҳам, хурсанд эканлигини ҳам билиб бўлмасди.

– Нима қилиб қўйибди, қанақа моддалар билан айблашяпти? – деб сўради Субут ва айна пайтда кўнглининг тубтубидаги «Хўш, мен ўзим-чи, бундан қониқиш ҳосил этаётирманми?» деган саволга жавоб қилади.

– Айби кўп, – деди Арслон. – Суд тугасин, ҳукмдан бир нухасини бераман. Мақолами, ҳикоями, ёзасиз.

– Судда оқланмаслигига кафолат борми? – деб сўради яна Субут. – Ҳар қалай, бу одам катта охурлардан озиқланиб, катта-катта танишлар орттирган...

– Оқланолмайди. Энди... оқланолмайди. Судгача ўша, сиз айтган валинеъматлари роса ҳаракат қилиб кўришди. Ҳатто... уни жиннига ҳам чиқаришмоқчи бўлишди. Лекин бу найрангларнинг бирортаси иш бермади. Ишни судгача олиб келдик. Давлат айбловчиси – жуда тажрибали, қатъиятли прокурор. Унинг қўлидан омон чиққани... шу пайтгача бўлмаган. Қолаверса, жаноб Муқимхоновнинг халқаро қидирувдаги жиноятчилар тўдаси билан оғиз-бурун ўпишиб, қилган кирдикорлари рад этиб бўлмас далиллар билан иботланган.

– Вой, қисталоғ-ей, халқаро жиноятчилар билан... топишган эканми-а?

– Ҳа, жудаям... чиркин, разилона ишлар... Хуллас, суд ҳукми асосида ўткир саргузаштларга бой бир асар ёзсангиз бўлади.

– Унда... менга судда қатнашишга... рухсат олиб бера оласизми?

– Ҳожати йўқ. Унинг қиёфаю башараси... сизга шусиз ҳам яхши таниш. Кейин... қисқаси, судда қатнашмаганингиз маъқул. Унда сиз эшитишингиз ноўнғай воқеалар ҳақида ҳам сўз бориши кутилмоқда.

– Тушунмадим...

– Судга чақирилаётган гувоҳлар орасида... собиқ хотинингиз Афифа Зокирова ҳам бор.

Энди Субутнинг энциси қотди.

– Оббо-о, шу... Аффани аралаштирмасликнинг иложи йўқмиди-а, Арслон? Эски яраларни тирнашнинг нима ҳожати бор эди?

– Гап фақат эски яралар ҳақида эмас, биродарим. Муқимхоновга қўйилган айблар орасида фермер хўжаликлари-га ер бериш чоғида уларни пора беришга мажбурлаш билан боғлиқ ҳолатлар бор. Ундан кейин... Афифа Зокирова унинг разил талабларини инкор этгани боис унга тегишли фермер хўжалигини қасддан банкрот ҳолатига олиб келган.

– Вой, аблаҳ-ей! Ёмоннинг кучи япалоққа етибди-ку! Шунчаликка ҳам борадим?

– Буниси ҳали ҳолва. Жиноятчи гумашталарига милиция ходими Мўмин Қобиловни отиб ўлдириш ҳақида кўрсатма берган. Қотилликни эса ўзига буйсунишни истамаган бошқа бир... кишининг бўйнига қўймоқчи бўлган.

– Аҳ-а-а, демак, гап кўп экан-да...

– Ҳа, гап кўп. Дарвоқе, сиз уни... Афифа Зокированинг ҳаётини поймол қилганлиги, марҳум Зоҳидийга катта пул эвазига сотганлиги ҳақидаги гапларни яна қўзғаш ҳақидаги фикрга қандай қарайсиз? Ўтган гал Муқимхонов Зоҳидийнинг кутилмаган ўлими туфайли сувдан қуруқ чиқиб кетганди. Энди унга аввалги сафар қўйишнинг иложи бўлмаган айбларни ҳам исботлаш имкони туғилмоқда.

Субут кулди. Арслонга қараб бошини чайқаб қўйди.

– Энди унга, агар, чиндан ҳам, ҳимоячилари юз ўгиришган бўлса, нима айб қўйсангиз ҳам ўтаверади. Аммо-лекин... менга қолса, эски гапларни қўзғаб ўтирмаган бўлардим.

– Фикрингиз қисман тўғри. Бироқ Афифа Зокирова гувоҳлик бераётган чоғида... ўтмиш билан боғлиқ саволлар ҳам тушиши тайин.

– Билмадим, билмадим...

Арслон ишга шошаётгани муносабати билан суҳбат ана шу нуқтада узилди.

– Суд тугаб, инстанциялардан ўтгач, ўзим сизга хабар қиламан, – деди Арслон. – Хайр!

Субут идорасига келиб, анча вақтгача бояги суҳбат таъсиридан чиқолмай ўтирди. Муқимхоновнинг қамоққа тушиши уни ростакамига ҳайратга солган, «Наҳотки бу ўтда ёнмас, сувда чўкмас одамнинг ҳам сафари қариган бўлса?» дея астойдил ажабланаётган эди. Нафсиламрини айтганда, Субут бадий ижод, бинобарин, инсон руҳияти таҳлили билан анча йиллардан буён шуғулланиб келаётган киши сифатида, Муқимхонов шахсига доимо фавқулодда бир ҳодиса деб қарарди. Бунинг сабаблари кўп эди. Энг биринчиси: «Бу одамнинг узлуксиз омади келиб юриши – ўзи бир мўъжиза, – дерди Субут. – Қачон, қайси замон, қанақа тузум бўлмасин, дарров сувнинг бетига чиқиб олади. Ҳар қанақа мушкул муаммони ечишга қодир. Таниш-билиш қилибми, ялиниб-ёлворибми, дўқ-пўписа биланми, совға-салом ёки катта пора эвазигами, хуллас, ишини битказади. Мухтасар қилиб айтганда, тегирмонга тушса ҳам бутун чиқади. Ўрисларнинг «Аҳмоқлар омадли бўлади», деган гапи бор. Муқимхоновни эса сираям аҳмоқ деб бўлмайди. Уни ўтакетган айёр дейиш ҳам мумкин эмас. Ўрни билан ғалати-ғалати соддаликлари ҳам бор. Чамаси, унинг охир-оқибат қонун қўлига тушишига ҳам ана шу соддалиги сабаб бўлган».

Муқимхоновни ҳадлан ортиқ очкўз, хасис ва лаин одам дейишга ҳам Субутнинг тили бормасди. Ундай бўлса, Афифага қилинган лутфу карам, айниқса қимматбаҳо ҳовли туҳфа этишда ҳеч бир мантиқ қолмас эди. Ёки... Ёки у Субут ўйлаганчалик мураккаб шахс эмасмикан? Эҳтимол, у оддийгина бир нафс бандаси, аниқроғи, ўз ҳирсининг қули, шаҳвоният хизматкоридир? Эҳтимол, унинг бутун умри орзу-умидлари, номаи аъмоли ана шу оддий ва жўн тушунчага бўйсундирилган бўлса-чи? Бундай насларни лўндагина қилиб «хотинбоз» дейишади. Бу қавм учун номи аёл бўлса, бас, суқланиб қарайверади. Учраган хотинга қараб, «шуни ҳам бир кўрсам», деган ҳайвоний майл уйғонаверади. Бунақа эркак ҳайвондан ҳам баттар бўлади. Чунки ҳайвон зотининг жинсий майли йилда бир, белгиланган вақтда уйғонади ва бу

табиатнинг муайян қонун-қоидалари билан боғлиқ. Шаҳватпараст, зинокор эркакнинг эса майли йил бўйи ҳар кун, ҳар соат авжида. «Ҳар хотинга ошиғу ҳар қизга хуштор авлиё» деганлари айнан шунинг ўзи бўлади. Баъзилари «Умрим давомида мана бунча аёлни кўрдим», деб мақтаниб ҳам юради. Гўё шу билан ҳаётда юксак бир натижага эришгандек ҳис этади ўзини. Ажаб. Махлуқ экан-да, ўзи, инсон зоти!

Албатта, Муқимхонов шунчаки хотинбоз эмас. Бу борада ҳам унинг бошқаларга мутлақо ўхшамайдиган, ўзига хос жиҳатлари бор. У аёлга фақат ҳирсини қондириш манбаи дебгина қарамайди. У аёлга жамиятда юксак мавқе-мартабаларни эгаллаш воситаси дебгина ҳам муносабатда бўлмайди. Унинг аёлга бўлган муносабати бир жумбоқ. Шунча йил яшаб, шунча аёллар билан турмуш қилиб ёки яқин муносабатда бўлиб, ҳанузгача фарзанд кўрмагани ҳам ғалати. Ёки... бепуштмикан? Ўта шаҳватпараст кимсаларнинг кўпинча уруғдони пуч бўлади, дейишади. Ё ўзи истамаганми? Ўзи сингари махлуқот уруғини кўпайтириб, одамият сафини булғашни хоҳламадимикан? Қаранг-а!

Дарвоқе, олижаноблик масаласида... Муқимхоновни жудаям расво одам дейиш тўғри бўлмас. Пайтида Субутга ҳам астойдил ёрдам бермоқчи бўлди. Ишларга жойлади. Қолаверса... Афифага муносабатини ҳам мутлақо номардлик деб баҳолаш инсофдан бўлмас. Биринчидан, Арифани у хуфия исловатхонада учратгани боис... дарҳол хотинини қўйиб, унга уйланиши мантиқан ҳам мумкин эмасди, гарчанд... қизнинг бокиралигига ишонч ҳосил қилган ва уни юракдан яхши кўриб қолган бўлса ҳам. Иккинчидан, Афифага кейин ҳам мудом кўмаклашишга ҳаракат қилган. Ҳовли туҳфа этган... Албатта, кейинроқ уни Зоҳидийнинг қўйнига солишга уринганини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бу – бориб турган разолат, пасткашлик. Бироқ Муқимхонов ўсган, улғайган ва айланиб юрган доираларда мансаб-мавқе, манфаат учун ўз хотини, қизини бировга қўшишдан тоймайдиган одамлар тўлиб-тошиб ётибди-ку! Шу маънода унинг бу ҳаракатини ўта даҳшатли хиёнат деб баҳолаш адолатдан бўлармикан?

«Мен нималар деяпман, ўзи? – бирдан хушёр тортди Субут. – Мен нега Муқимхоновга ачиняпман, нега ҳадеб уни оқламоқчи бўляпман? Менга нима бўляпти? Ахир, яқин-яқингача уни кўргани кўзим, отгани ўқим йўқ эди-ку! Уни ҳатто... одам деб ҳисоблашдан ижирғанар эдим-ку!.. Нега мен бунақа... ўзгариб қолдим? Бунинг сабаби нима?»

Субут рудиятида юз бераётган кескин ўзгаришни бугун биринчи марта ҳис этаётгани йўқ. У бу ўзгаришни Фаризанинг тўшагида биринчи ҳис этган. Ўшанда айш-фароғатли оқшомдан сўнг маза қилиб уйқуга кетган ва айна саҳар кўкрагида ногаҳон пайдо бўлган оғриқдан сўнг сачраб уйғонган ва ўзига «Менга нима бўляпти, ўзи?» – дея савол берган эди.

Шундан буён ўтган ойлар, йиллар мобайнида ўзи «тубсиз жарлик» деб атаган гирдобдан узоқроқ юришга ҳарчанд уринмасин, ич-ичидан унинг қирғоғига тобора яқинлашиб бораётганини ҳис этар, Фаризани кўкрагидан ҳарчанд итармасин, ўқтин-ўқтин унинг сирли хотираларга тўла хобгоҳида ётиб қолар, буни «мастлик оқибати» ёки шу бечора бева-нинг савобини ҳам кимдир олиши керак-ку, хоҳлаган пайтида уни ташлаб кетиши мумкин, қабилидаги аҳмоқона баҳоналар билан изоҳласа-да, амалда тўлигича бойвуччанинг тутқунига айланиб қолаётганини сезар, бундан гоҳ қўрқар, гоҳида эса «Хўш, нима бўпти», дея парво қилмасликка уринар, баъзида эса тунлари уйқуси қочиб, у ҳақда узоқ-узоқ ўйларга толар, «Ҳамонки, мен биринчи хотиним ва фарзандим ҳузурига қайтиб боролмадим, Афифани кечиролмадим, энди Фариза билан дўстлашиб юришга ҳақлиман-ку, муҳими, ўз ҳаётий принципларим, имон-эътиқодимга хиёнат қилмасам бўлди-да», дея ўзига тасалли беришга уринарди. Шунинг баробарида кўнглининг бир четида «Сен аллақачон ҳаётий принципларингга хиёнат қилиб бўлгансан, сен энди бошқа дунё, бошқа муҳит одамига айландинг», деган оғир бир танбеҳ янграб тургандек туюлар эди.

«Нега шундай бўлди? – деб ўйлади бугун у. – Нега мен тўқ, тўкис ҳаёт кечира бошлаганимдан сўнг бошқача одамга айландим? Пулим етарли. Уй-жойим бор. Қизимга, қишлоқдаги укаму қариндошларимга етарлича ёрдам қилиб туриш им-

кониятига эгаман. Истаган чоғимда дунёнинг энг хушхаво жойларига саёҳат қилиб, яйраб дам олишим, хоҳлаган куним кўнглимга ёққан машинани сотиб олишим, кўзимга яхши кўринган аёл билан... дўстлашим мумкин. Аслида фаровон ҳаётнинг мазмун-маъноси шу эмасми? Илгари, қашшоқ журналист чоғимда фақат чиройли орзулар, баландпарвоз хаёллар суриб, ўзимча «тоза, ҳалол, принципиал» яшаб юрар эдим. Ҳаром-харишдан ўзимни узоқ тутар эдим. Пора олмасдим. Ўғирлик қилмасдим. Нега? Иложи, имконияти бўлмагани учунми? Бор эди, шекилли? Шунчаки... мен мана бунақа тўкис, фаровон ҳаётнинг мазасини татиб кўрмаган эдим. Энди эса... бу ҳаётдан мосуво бўлмаслик учун ҳар қанақа ишга қўл уришга тайёр ҳолатга келиб қолдим. Машҳур кинофильмдаги «Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши», деган ҳазиломуз гап қанчалар тўғри эканини энди тушуниб турибман. Демак... Демак, мен Муқимхоновни ҳам тушунишга ҳаракат қилишим керак. Даврбек тўкис ва фаровон яшашни, дунё лаззатларидан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлишни истовчи киши. Бас, шундай экан, унинг мудом яхши амалу лавозимларни эгаллашга бўлган интилишини, мансабда бўлган ишларида одамлар мушкулини осон қилиш эвазига улардан хизмат ҳақи олиш истагини кўр-кўрона қоралаш мумкинми? Ахир, фақат маошнинг ўзига яхши яшаб бўлмайди-ку! Пора дегани ҳам аслида шартли бир тушунча. Одамларнинг ўзи орқандан қувлаб, излаб юришади, «Қандай қилиб берсам экан», деб. Бериб бўлгач эса ўзида йўқ бахтиёрлик ҳис этади. Қувончини бошқалар билан баҳам кўришга шошади: «Ахийри шунгаям бердим-а», дея чуқур қониқиш билан ҳикоя қилади. Чунки у бериб ўрганган. Мактабда ўқитувчига, касалхонада шифокорга, мелисага, прокурорга, судга ва ҳоказо... Чунки у пора бериш... ўзи учун номусидан воз кечиш сингари пасткашлик, ҳақоратли ҳодиса эканини унутиб юборган. Аниқроғи, унга эсини таниган кунидан бошлаб шуни ўргатишган. Кимгадир ишинг тушса, уни пора билан ҳал қилиш мумкинлигини обдон тушунтиришган».

Тўғри, болалиқдан ҳар бир ишни ҳалол, ҳаққоний, қонуний ҳал қилишга ўрганган, яъни мактабда ўз кучи билан

ўқиган, ўқишга ўз билими билан кирган, ишга ўз иқтидори туфайли жойлашган одамлар бор... Субутнинг ўзи ҳам шунақалардан. Лекин бундай одамларнинг бутун умри оғир меҳнат, машаққат, азоб-уқубат ва ярим камбағаллик билан ўтади. Шунинг учун уларнинг аксарияти маълум бир нуқтага етгач бузилади. Аниқроғи, мўмай, ноҳалол даромад топишга имкон берувчи мавқе-мартабага эришгач, ўзини тия олмай бузилиб кетади. Чунки... Чунки ҳалол яшаш, ҳалол меҳнат қилиш билан тўқис, бой-бадавлат турмуш кечирининг иложи йўқ...

Шунақамикан? Ахир, қанча-қанча кишилар фирма очиб, тижорат қилиб ёки маҳсулот ишлаб чиқариб бойиб кетяпти-ку?

Ўшалар ҳам ҳалол, тўғри яшамоқчи бўлса, топгани қоридан ортмайди. Демак...

«Агар Муқимхоновнинг ўрнида бўлганимда, мен ҳам худди шу йўлдан борардим, шундайми?»

«Билмадим, билмадим... Балким... Балким, мен адашаётгандирман. Балким... ҳалол-покиза, тоза ва тўғри яшаш мумкиндир ҳали...»

Ишхонасига келгач, Фаризанинг олдига кириб, Арслондан эшитган гапларини айтиб берди. Фариза унга хавотирланиб қаради.

– Ишқилиб... тергов чоғида бизларни ҳам сотиб қўймасин-да!

– Мени нима деб сотади? Ҳалиги...

– Қўшма корхона очиш чоғида узатгандик-ку...

– Э-э, ҳа-а, ўшамми? – деди бепарволик билан Субут. – Муқимхонов учун бизлар узатган пора... денгиздан томчи. Агар у бунақа тарзда олганларининг ҳаммасини айтадиган бўлса... яна юзлаб томлар ҳосил бўлади, унинг жиноят ишида. Менимча, унгача бормас. Чунки унга қўйилаётган айблар... жуда жиддий экан.

– Ҳар қалай озгина бўлса ҳам виждонингиз қийналаётгандир? – деб сўради Фариза мутлақо жиддий оҳангда.

Субутнинг энсаси қотди:

– Нега? Нима деб қийналиши керак?

– Ўша одамнинг мутлақо тубанлашиб кетишида менинг ҳам ҳиссам бо-ор, деб-да.

– Ҳа-а, уни айтяпсизми? У ҳолда биринчи галда сизнинг виждонингиз қийналиши керак. Вақтида ташлаб кетмасдан, тарбия қилганингизда, эҳтимол, шунчалик хор бўлиб, аянчли аҳволга тушмасмиди?

Фариза Субутнинг гапидаги аччиқ кинояни англаб, жаҳли чиқди. Ўзини босди.

– Бировни биров ҳеч қачон хор қилолмайди, билиб қўйинг, – деди. – Одам ўзини ўзи хор қилиши мумкин.

– У ҳолда бировни биров бахтли ҳам қилолмайди. Шунанамми?

– Албатта. Ҳар бир киши ўз тақдирини ўзи яратади.

– Мен бўлсам, Оллоҳ таоло кишининг тақдир-пешанасини олдиндан белгилаб қўйди, деб ўйлаб юрган эканман.

– Киноя қилмай қўя қолинг. Оллоҳ «Сендан – ҳаракат, мендан – баракат», деган экан.

– Мавзудан четга чиқиб кетдик. Гапимиз Муқимхоновнинг қисмати ҳақида бошланган эди.

– Мавзуга қайтиш қийин эмас. Муқимхонов ҳам ўз қисматини ўзи яратган. Ҳаром-харишга қоришган ҳаёт ва фаолиятнинг якуни бир кунмас-бир кун худди мана шундай якунланиши аниқ эди.

– Сиз, ҳатто ҳозир ҳам унга ачинмаётган экансиз-да? Бағрингиз бунча қаттиқ бўлмаса.

– Ачинишдан нима наф? Сизу биз энди унга ёрдам ҳам беролмаймиз, мабодо бир мўъжиза юз бериб, у узоқ йиллик қамоқ жазосидан қутулиб қолган тақдирда ҳам... ўзгармайди. Ҳаммасини худди ўша тарзда давом эттиради. Чунки... табиатан жоҳил одам у. Мен уни ўзгартиришга ҳаракат қилиб кўрган эдим. Сиз айтмоқчи, тарбиялашга уринганман. Фойдаси бўлмаган. Чамаси, нафси бузуқлик ҳам... туғма дард бўлса керак. Гарчанд бу дард кейин, одамнинг имкониятлари миқёси кенгайганидан сўнг пайдо бўлиши ҳам мумкин...

Фариза шундай деб, ер остидан Субутга қаради. Субут кўзини олиб қочди. Шаъмани сезмасликка олди. У ҳув ўша кунги воқеадан сўнг «Фариза менинг ёш жувонлар билан

ишқибозлик қилишимга қарши эмас экан», деган хулосага келган эди...

– Орадан тўрт кун ўтгач, Арслон яна қўнғироқ қилди.

– Сизни бир пиёла чойга таклиф қилмоқчи эдим, – деди.

– Бахайр? Тинчликми? – деб сўради Субут.

– Нима, прокуратура ходими, бирор кишини чойга таклиф қилишим мумкин эмасми? – кулди Арслон.

– Мумкин эмас, – деди Субут ҳам ҳазилни давом эттириб, – у фақат сўроққа таклиф этиши мумкин.

– Агар... ўзининг иши тушган бўлса-чи?

– А-а, унда бошқа гап. Хўш, қаерда зиёфат қиласиз?

– Ресторанда.

– Йўқ. Қаҳвахонада. Қаҳва ичамиз.

– Майли.

Улар қош қорайганда «Аҳил» қаҳвахонасида учрашишди. Суҳбат анчайин қисқа бўлди.

Дастлаб Арслон Афифани судга чақириш фикридан воз кечилганлигини айтди.

– Шусиз ҳам Муқимхонов ҳаққоний жазосини олади.

– Инсонпарварлигингизга қойил, – деди Субут. – Сиз асли прокурор эмас, оқловчи бўлишингиз керак. Аммо-лекин Афифага яна ёрдам қилганингиз учун раҳмат.

– Арзимади. Сиз ҳам, иложи бўлса, бир кишига ёрдам қилсангиз.

– Кимга?

– Синглимининг эрига...

– Абдивойгами? Ие, нега дарров айтмадингиз? У ўзимизнинг укамиз-ку! Қандай ёрдам керак экан?

– Париждаги халқаро фотоқўрмадада қатнашиш учун асарларини йиғиб, чиройли бир альбом тайёрлаш керак экан. Сизнинг Германияда шерикларингиз бор, деб эшитганман.

– Германиядами ёки Финляндиядами, қаерда чиқариш керак?

– Ишқилиб, сифати зўр бўлсин-да.

– Ҳал қиламиз. Айтинг, келсин. Ўзи келаверганда ҳам бўларди. Дарвоқе, синглингиз яхшими?

– Ҳа, раҳмат, – деди Арслон. Шу билан уларнинг суҳбати тугади...

Эртасига Субут Арслоннинг илтимосини бажариш ҳақидаги ваъдасини, Фаризага айтайми-йўқми, деб бир зум иккиланди. Кейин, барибир, айтди. Фариза маъқуллади.

– Тўғри ваъда берибсиз. Прокуратура билан яхши муносабатда бўлиш керак.

– Унда... Сиз яқинда Германияга борасиз-ку! Ола кетасиз-да.

– Майли, – деди Фариза. Кейин Субутга ер остидан қараб сўзини давом эттирди: – Бугун... пайшанба, янаги ҳафта чоршанбада, яъни беш кундан сўнг кетар эканман. Дарвоқе, бугун... вақтингиз қалай, кечки нонуштани бирга қилсак...

Субут мийиғида жилмайди. «Бугун пайшанба» деган гапга ургу бергани кулгисини қистатди.

– Вақтим... Вақтим... бор! – деди.

Жувоннинг кўзида мамнунлик учқуни чақнади.

– Бўлмасам... мен вақтлироқ кетаман. Сиз ўзингиз бора-верасиз-да. Майлими?

– Майли.

– Кутаман...

Тунни улар бирга ўтказишди. Фариза ғалати гаплар айтди:

– Мен... Мен сиздан ортиқча ҳеч нарса талаб қилмайман. Майли, истаганга ёш жувонлар билан юринг. Фақат тозалари билан. Эҳтиёт бўлинг. Фақат... Мана бунақа... беғараз... яқинлигимизга путур етмаса бўлди. Мен сиздан... бир чимдимгина меҳр, бир ҳўпламгина... муҳаббат сўрайман, холос. Шуни, шугинани мендан аямасангиз бас. Бошқа... ҳамisha, ҳар нарсада тўлалигича эркинсиз. Менга зигирча қарам ёки қайсидир маънода қарздор, ёки бурчдор эмассиз. Иш бобида тенг шериклик қилиб, ҳисоб-китобли бўлиб юраверайлик. Мен айтган... манави муносабатимиз ишга халал бермайди. Аксинча, таранглашган чоғларда юмшатишга кўмаклашиши мумкин...

«Мана аёлнинг марди! – дея фикран хитоб қилди ўзига ўзи Субут. – Бунақаси эртакларда бўлиши мумкин, холос. Сен бўлсанг нозу фироқ қилиб юрибсан, хумпар!»

– Бу... бундай самимий меҳр, бундай бегараз муҳаббат учун сизга садоқатли итдек хизмат қилсам ҳам арзийди, Фариза, Фариз, жоним, суюкли дўстим, азизим, меҳрибоним...

– Жоигинам, лочиним, бургутим...

Улар шавқли ишрат оғушида тонг отганини сезмай қолишди.

22

Муқимхонов тергов ҳибсхонасидаги олти кишилик муъжаз хонада ётиб ўй сурмоқда. Наҳотки ҳаммаси тугади? Наҳотки?..

Бугун суднинг учинчи ҳафтаси ниҳоясига етди. «Сизни суднинг дастлабки кунларидаёқ оқлаб озод қилиб юборишади», дейишганди. Ундай бўлмади. Аксинча, судланувчиларнинг ҳар бири бераётган иқрорлик ва шоҳидликлар уни жар лабига тобора яқинлаштирмоқда. Бугун у биринчи марта тушкун кайфият билан мулоҳаза юрита бошлади. Ҳолбуки, ҳибсга олинганидан сўнг дастлабки пайтларда пинағини ҳам бузмаган, қўзғатилган жиноят иши тез орада «далиллар етарли бўлмаганлиги учун» ҳаракатдан тўхтатилишига қатъий ишонар эди. Чунки... ўзини ҳибсга олиш учун келган гуруҳ аъзолари орасида у аввалдан «олди-берди» қилиб юрган эски қадрдонларидан бирини кўриб, кўзи чақнаб кетди. Ходим унга маъноли тикилди. Бу «Сир бой берманг, ҳаммаси жойида бўлади», дегани эди. Ўша ходим дастлабки сўроқ пайтида ҳам бир-икки марта кириб чиқди. Терговчи билибми-билмайми, ниманидир баҳона қилиб атиги бир неча лаҳзага ташқарига чиққан пайтда «Гаплашамиз, ишингизни ҳал қиламиз, атаганингизни айтинг», деб шипшиди. Муқимхонов «оғзингга сиққанича сўра, оласан, фақат шуни тезроқ бир ёқли қилиш керак», деди. «Хотиржам бўлинг, фақат пулни олдин бериш керак...»

Муқимхонов бунақа ҳолатга тушиши мумкинлигини анча аввал билар, шунинг учун тадоригини кўриб қўйган эди. Шаҳарда унинг эски пайтлардан бери учрашиб юрадиган

анчайин хушрўй ва садоқатли Олия исмли бир гунг хуштор аёли бўлгуси эди. Дарвоқе, унга муносиб уй-жой қилиб берган, бир оғиз қилиб айтганда, Муқимхоновнинг «омонат хазинабони» ҳисобланувчи, аниқроқ айтганда, «чапдан келган» жамийки бойликлар, зебу зийнату нақд пулларга посьонлик қилувчи бу аёлнинг егани олдида, емагани ортида эди. У Муқимхоновдан бир ўғил ҳам туққан, болани Даврбекнинг кўрсатмаси билан дарҳол гўдаклар уйига жойлаштиришганди. Аёлнинг айниқдай баҳайбат бир гунг укаси бўлиб, унинг феъли ўта бемаза эканлиги боис, шимолий вокзал яқинидаги ҳовлиларига одам тугул ит ҳам яқинлаша олмас, қўни-қўшнилар эшикларини нариги кўчадан очиб олишганди.

Муқимхоновнинг аёл билан учрашиш тартиби қуйидагича эди. У мобиль телефон орқали муайян матндан иборат SMS жўнатар, аёл «парол»ни тушуниб, белгиланган жойга келар, сўнгра улар хат орқали «суҳбатлашар» эдилар.

– Яхши, менга мобиль телефон керак, – деди Даврбек ходимга.

Ходим шу заҳоти чўнтагидан телефон чиқарди.

– Фақат тезроқ бўлинг, ака, ҳозир терговчи қайтиб келиб қолиши мумкин, – деди.

Муқимхонов Олиянинг телефон рақамига SMS жўнатди.

– Энди қоғоз, қалам беринг, – деди ходимга. Ходим унга ручка билан ён дафтарчасини узатди. Муқимхонов «Ушбу хатни олиб борувчи кишига 30.000 кўкидан бериб юбор», деб ёзди. Ходим тепасида қараб турган экан.

– Биринчи рақамни «5» қилиб ўзгартиринг, ака, «беш» яхши рақам. Ишлар ҳам «беш» бўлади, насиб этса, – деди.

Муқимхонов ходимга хушламайроқ қаради-да, «3»ни «5» қилиб ўзгартирди. Кейин «Бу занғар «5»ни «8» қилиб ўзгартариб юбориши ҳам мумкин», деган хаёлга бориб «Эллик минг» дея сўз билан ҳам ёзиб қўшимча қилди. Кейин бориши керак бўлган манзилни айтди. Ходим ён дафтарни олиб, қўйнига тикқан заҳоти терговчи қайтиб кирди.

Ходим эртасигаёқ навбатдаги сўроқ пайти кириб, «ишлар режадагидек кетаётганлиги»ни шипшиди. «Агар тезроқ

ҳал қилсангиз, чиққанимдан кейин яна ўшанча миқдорда «ҳада» оласиз», деди Муқимхонов. «Насиб этса», деб қўйди тиржайиб ходим. Даврбек ўйлади: «Яна эллик минг ваъда қилдим, энди нима бўлсаям, масалани ечиши керак». Юз минг доллар ҳазилакам пул эмас. Уч-тўрттаси бўлишган тақдирда ҳам йигирма бештадан тегади. Бу ҳеч бўлмаганда иккита, йўқса учта машинанинг пули...

Терговчи эса гўёки ҳеч нарсадан хабари йўқ («Чиндан ҳам, ҳеч нарсадан хабари бўлмаслиги мумкин», деб ўйлади Даврбек), дўқ-пўписани кундан-кунга кучайтириб борди. Бошда сизлаб, «ўртоқ Муқимхонов» деб юрган одам кунларнинг бирида дабдурстдан сенсираб, бақриб кетди:

– Сен... сен... анови Казбек билан тил бириктириб, наркотик сотиш, унинг пулини террорчи жангариларга жўнатишга бош қўшгансан. Сени умрбод қамоқ жазоси кутяпти! Агар... терговга ўз ихтиёринг билан ёрдам берсанг, ҳаром-хўрликдан топган пулларингни ўз ихтиёринг билан топширсанг, гуноҳинг енгиллашиши мумкин. Акс ҳолда, умринг қамоқда чирийди!

Муқимхонов қўрқиб кетди. Казбекнинг террорчилар билан алоқадорлиги исботини топса, бунинг қанақа оқибатларга олиб боришини у яхши билар эди. Шу боис дастлаб терговчининг қўполлигини ҳазм қилолмасдан, қўрслик билан:

– Сиз мени пушкага олиб, туҳмат гапни тиқиштирманг, оғайни, керак бўлса, мана шу гапингиз учун жавоб берасиз, – деди.

Терговчи Даврбекнинг отдан тушса ҳам, эгардан тушмай, дўқ қилаётганини кўриб қотиб-қотиб кулди.

– Ҳа-ҳа-ҳа! «Отвечать қиласан», денг! Гапларингиз ҳам ўша «крутой»ларникига ўхшаб кетибди, «катта» ака! Сизга ишониб, аввалги гуноҳларингизни кечиришиб шундай масъулиятли лавозимга юборишган. Сиз бўлсангиз «ўрганган кўнгил ўрганса қўймас» деганларидек, мунтазам равишда пора олиш билан шуғуллангансиз. Лоақал шуни тан оларсиз?

– Туҳмат.

– Шунақами? Унда сизни собиқ ёрдамчингиз билан юзлаштирамиз. У ҳаммасини ипидан-игнасигача ёзиб берган.

Ўзимиздан чиққан пухта йигит-да, ҳар бир олган порангизнинг куни, соати, дақиқасигача кўрсатиб ёзиб юрган экан «темир дафтари»га.

Муқимхоновнинг юраги яна бир марта шувиллади. Шу пайт терговчи унинг кўзига тикилиб турди-да:

– Яхшилаб ўйлаб кўринг, тихирликдан асло фойда йўқ, – деди ва даҳлизга чиқди.

Худди шу лаҳзада Муқимхоновга қадрдон ходим кирди. Даврбек ўрnidан сакраб турди. Унга қараб қўлини пахса қилди. Қаҳр билан паст овозда:

– Эй, мен нимага пул тўлаяпман? Ҳар куни бўйнимга янги-янги айб тақашлари учунми? – деди.

– Тс-с-с. Шовқин қилманг, – деди ходим. Кейин эшикни зичлаб ёпди. – Берган ҳадянгиз... камлик қилди, ака, қўйилаётган айблар... жудаям жиддий. Ёрдамчингиз булбулигўёдай сайраб ётган экан. Бундай шароитда... сизни омон-эсон оқлаб чиқиш учун... яна камида юз элликта керак.

– Нима, юз элик?! Ўйлаб гапиряпсизми? Менда бунақа пул... ҳеч қачон бўлмаган...

– Излаш керак, топиш керак. Ул-бул сотиладиган нарсалар бўлса, соттириш лозим. Қолаверса, дўст-биродарлардан қарз кўтариш мумкин. Ҳалиям... мен шунга кўндирдим. Йўқса, икки юз элик сўрашганди.

– Йўқ, менда унча топиш имкони йўқ, – деди Муқимхонов латтадай шалвираб.

– Акс ҳолда... тунов кунги элликта ҳам... бекорга куйиб кетади, қумга сингиган сувдек. Йўқ, деманг, ака, топиш керак.

Муқимхонов саросималанди, иккиланди. Буни кўрган ходим дарҳол чўнтагидан телефон чиқариб узатди.

– Мана, ака, қўнғироқ қилинг. Бўлинг тез. Вақт зиқ. Ҳозир келиб қолади анови...

Муқимхонов ноилож телефонни қўлига олди. SMS юборди. Кейин ходимнинг ён дафтарига «юз элик минг» деб ёзди. Дафтарни эгасига қайтариб узатар экан:

– Билиб қўйинг, энг охирги пулларимни қоқиштиряпман. Бошқа сариқ чақа ҳам қолмади. Бу ёғига инсоф қилиб, масалани пиширинглар.

– Хўп бўлади, ака, – деди илжайиб чиқиб кетар экан ходим.

«Ишқилиб, булар мени алдаб шилишаётган бўлмасин, – деб ўйлади Даврбек. – Энди сўраса, бир тийин ҳам бермайман...»

Терговчи қайтиб кириб, сўроқни қолган жойидаи давом эттирди. «Порахўрлигингизни тан олсангиз, Казбекнинг жиноятларига шериклигингизни камайтирамиз», деди сурбетлик билан.

– Ё унисига, ё бунисига кўнинг, ака, – деди у. – Бизгаям осон тутманг-да, давлат ойлик бериб ишлатяпти. Ҳеч бўлма-са битта айбингизни исботлаб, сизни судгача олиб бормасам, нима деган одам бўламан?

«Қанақа сурбет булар, икки юз минг долларни олиб, яна судгача олиб боришим керак», дейди.

Эртасига уни ёрдамчи билан юзлаштиришди.

– Мен ҳаммасига иқрор бўлиб, рўй-рост айтиб бeryпман, Даврбек ака, – деди у. – Сизга ҳам укалик маслаҳатим: терговга кўмаклашинг. Пулларни топширинг. Албатта, инобатга олинади.

– Маслаҳатингни пишириб е, тўнка, – деди Муқимхонов. – Йўқ пулни қаёқдан топиб бераман?

– Шахсан ўзим ўртада туриб олиб берган пулларни ҳисобласам, эҳ-е... миллиондан ошиб кетади.

– Тушингни сувга айт...

Терговчи Муқимхоновга бунақа юзлаштиришлар кор қилмаслигини яхши биларди. Шунинг учун унга ортиқча азоб бериб ўтирмади. Ёрдамчига:

– Ана шу кўрсатмаларни судда такрорлайсиз, – деб жавоб бериб юборди. Сўнгра Муқимхоновга: – Камерага бориб, дўппини олиб қўйиб, обдон ўйланг, ака, ўжарликдан фойда йўқ, – деди.

Икки кундан кейин «ҳожатбарор» ходим яна келди. «Маблағлар тегишли жойларга етказилди, ҳадемай самарасини сеза бошлайсиз», деди. Бироқ самара қургур шундан кейин ҳам сезилмади. Шунда Муқимхонов захирадаги «кузир»ларидан яна бирини ишлатишга қарор қилди. Ҳибсхо-

надаги шерикларидан бирининг хуфия қўл телефони бор экан. Ўшани эллик минг сўм эвазига беш дақиқага олди-да, бир-икки жойларга қўнғироқ қилди.

Аввалига йиғламсираб ялинди: «Қутқариб олинг, бир умр қул бўлиб хизмат қиламан, – деди. – Топган-тутганимнинг ҳаммасини бераман, келинг, энди, шунча нарса бегоналарга кетмасин». Суҳбатдоши бу гапларни эшитишни ҳам истамади. «Сиз йиққан маблағингизни бир тийинигача қолдирмай давлатга топширинг, ўшанда сизни қутқариш ҳақида ўйлаб кўриш мумкин», деди у. Муқимхонов бу шартга ўла қолса ҳам кўнмасди. «Мени гадо қилиб, қамоқнинг тўрига тиқишади, – деб ўйлади. – Пул керак. Пул... ҳатто турмада ҳам шоҳона яшашга имкон яратади...»

Кейин у таҳдидга ўтди.

– Мен... ҳозирча «миқ» этганим йўқ. Бироқ, агар кесилиб кетишим нақд бўладиган бўлса, айрим кишиларнинг номларини айтишга мажбур бўламан, – деди у.

Телефон ортидаги одам зигирча ҳадиксирамади.

– Бу билан ўз қисматингизни янада оғирлаштирасиз, холос, – деди хотиржамлик билан. Кейин бояги гапини яна такрорлади: – Ҳеч бўлмаганда беш-олти миллион доллар топширинг. Ўшанда сизга раҳм-шафқат қилишлари мумкин.

Муқимхонов телефон тугмасини босиб, алоқани узди. «Сендан мадад сўраган мен аҳмоқ, – деди ёниб. – Беш-олти миллион сарфлайдиган бўлсам, қамоқхонада ҳам Хорун ар-Рашид сингари шоҳона яшайман-ку». Кейин яна қайгадир қўнғироқ қилди. «Энг кучли адвокатларни ёлла, истаган одаминг билан гаплаш, юз минг, икки юз минг, уч юз минг, беш юзминг доллар бўлса ҳам, майли, мен қутулиб чиқишим керак», деди. Хуллас, ўтган уч ҳафта давомида у қўл қовуштириб ўтиргани йўқ. Ҳатто ишни олиб бораётган терговчининг ўзи билан ҳам очиқча савдолашишга уриниб кўрди:

– Эй, менга қаранг, ука, дўстим, келинг, эркакча гаплашайлик. Шу ишни бир дўхтирларингиз билан гаплашиб, мени «касал» деб касалхонага жойлаштиринг, нақд юз минг бераман. Кўкидан. Ўн-ўн беш кун касалхонада ётай, у ёғини ўзим биламан.

– Иложи йўқ, – деди терговчи. – Сиз мен айтган маслаҳатга кўра, барча айбларингизни бўйнинигизга олиб, ноҳалол мол-мулкларингизни ўз ихтиёрингиз билан топшинг. Ўшанда яхши бўлади. Ҳа, дарвоқе, бизни лақиллатаман, деб хом хаёлга борманг. Қанча мол-мулкингиз борлигини яхши биламиз. Пойтахтдаги хуфия ҳовли-жойингиз ҳам, тумандаги яна данғиллама иморату машиналарингиз – ҳаммаси аниқ. Хазиабонингиз бўлмиш Олия исмли гунг аёл ҳам мунтазам кузатув остида. Ҳадемай у орқали яширган бойликларингиз ҳам аниқланади...

Муқимхонов бу гапдан у қадар қаттиқ қўрққани йўқ. Сабаби Тошкентдаги ҳовли жойини ўша қоровулга «олдиротди» шартномаси асосида расмийлаштириб қўйган. Олия эса... Олиядан кўнгли тўқ. Ундаги сармояни... Шерлок Холмс ҳам қидириб тополмайди...

Бугун у бир қадар тушкун кайфият билан фикр юритар экан, мабодо кесилиб кетган тақдиримда ҳам, Олия қамоқхонада мени қоғозга ўралган қанддай қилиб асрайди, дея ўзига тасалли бермоқчи бўлди. Бироқ... «Агар унинг ўзини ҳам қамаб ёки... ўлдириб юборишса-чи», деган фикр юрагига игнадай санчилди. Кейин яна ўзини тинчлангирди: «Олия йўл топади. Ҳатто ўлиб кетадиган бўлса ҳам, бирон йўл, чора топиб кетади. Худо унга тил бермаган бўлса-да, беқиёс ақл-фаросат ато этган. Агар... агар омон-эсон қутулиб чиқсам, етимхонадаги ўғлимни олдириб, Олия билан ошкора яшайман. У мени бахтли қилади...»

Ҳибсхонадаги тақдирдошлари уни ҳурматлаб «Даврон ака» деб чақиришлари, орқаваротдан «каттакон», «эшонзода» дейишлари кўнглига тасалли берувчи яна бир ҳолат эди. «Бунақа ҳурмат-иззат билан турмада ҳам хор бўлмайман, nasib этса», деб қўярди у. Бироқ... адашган экан. Ўша кунлар у ҳануз айбларидан бирортасини бўйнига олмаганди. Терговчи тажанг. Гоҳида урмоқчи бўлади. Ўзини тутиб қолади.

– Сизни урмайман. Сизга бошқа бир «сюрприз» бор...

Ўша куни Муқимхоновни бошқа камерага ўтказишди. Хонадошларидан бирини, қирқ ёшлардаги тепакал йигитни аввал қайдадир кўргандек бўлди. Эслай олмади. «Қовоқ уй-

ишига қараганда бирон ишини битирмай сарсон қилгандирман», деб ўйлади.

– Қалайсиз энди, катта бой ака, охир-оқибат жиғилдонингиздан осилдингизми? Энди кўзингиз жойига тушгандир?

– Бунақаларнинг кўзи ўлганда жойига тушади, ёшулли, – деди тепакал. – Бугун кечириб, озод қилиб юборсангиз, эртага эрталабдан яна эски ҳунарини бошлайди.

– Сизларга мен нима ёмонлик қилганман, оғайнилар, на салому на алик, дарров маломатга ўтдинглар, – деди Муқимхонов саволига жавоб кутмай. Зеро, шу топда ҳеч қанақа жавоб уни қизиқтирмас, ҳар қанақа жавоб ўзининг фойдасига бўлмаслигини биларди. «Омадинг бир кетмасин, бир кетса ҳар ёндан кетур» деган қўшиқ мисраларини эслади.

– Катта лавозимга жойлаштираман, деб саксон минг долларимни олиб, ишни ҳал қилмай, пулни ҳам қайтариб бермай кетганингиз эсингиздан чиқибди-да? – деди тепакал.

– Ҳа-а, ўша... мансабсеварлардан бириман, денг, – кулиб юборди Муқимхонов. – Ўша пулингизни... тегишли одамларга берганман. Ўзим бошқа ишга ўтиб кетганим учун кейин натижасини суриштиролмагандирман. Ҳал қилишмаган бўлса, билмадим...

– Пулни мендан сиз олгансиз. Шунинг учун бунга сиз жавоб беришингиз керак, акабой, – деди даванг.

– Ҳозир қанақа қилиб жавоб бераман? – ҳайрон бўлди Даврбек. – Кўриб турибсизлар-ку, ўзим ҳам қамоқда ўтирибман. Чиқай-чи, кейин бир гап бўлар...

– Чиқиш шарт эмас, шу ерда ҳам жавоб бераверасиз.

– Қанақасига?

– Шунақасига. Ҳозирча бизга хизмат қилиб турасиз.

– Нима хизмат? – елкаси тиришди Даврбекнинг.

– Жудаям масъулиятли хизмат. Ахлатимизни тозалайсиз. Унитаз, яъни нажас челагини ювасиз. Пол артасиз. Чой дамлайсиз. Битимизни ўлдирасиз. Хуллас, шу дақиқадан этиборан сизнинг лақабингиз «масъул ходим» бўлади. Аслида «гумашта» деб қўйишимиз керак эди-ю, майли. Айтиб қўяй: яхши хизмат қилмасангиз, калтаклаймиз. Эшак қилиб... минамиз. Онангизни учқўрғондан кўрасиз!

– Сизлар инсоф-диёнатни биласизларми? Куни кеча катта лавозимда ишлаб, эл оғаси бўлиб юрганимни, қолаверса... аслзода оқсуяк эканимни ҳисобга олмайсизларми?

– Эътиборга олиб, лақибингизга «маъсул» деган қўшимча қўшдик-ку, акабой. Аслзода, яъни оқсуяклик масаласига келганда... бу ҳақда ҳам, мусулмонлик ҳақида ҳам бошқа қайтиб гапирманг. Қилиб келган ишларингиз ипсоф-диёнат, ақл-фаросат доирасига сиғмайди. Энди, туринг, челакни ювинг, ҳамма жой сасиб кетди...

Муқимхонов қимирламади. Ўтираверди.

– Тур, эй қанжиқ, ҳозир жигингни эзиб, кетингга қозиқ қоқиб, ўтиролмайдиган қилиб қўяман, – деди даванг.

Даврбек, «Оғзаки дўқдан нарига ўтолмаса керак», деб ўйлади. Ўтираверди. Шунда даванг шаҳд билан ўрнидан туриб, унинг қулоқ-чаккасига қўйиб юборди. Даврбек курсидан ағдарилиб тушди. Биқинига келиб тушган тепки зарбидан аъзойи бадани қақшаб кетди.

– Тур, мараз, ҳозир уриб ўлдираман, – дея пишқирди даванг.

Муқимхонов сапчиб туриб, унитарга ёпишди.

– Мана бу бошқа гап, – деди даванг. – Яхшилаб, қўл билан ювинг, ака, чиннидай тоза бўлсин. Кейин... ўзингиз ҳам яхшилаб ювиниб, сасимай... Изғирин кунлари камера совиб кетади. Сиз дўмбоққина экансиз, ёғингиз кўп. Совқотмаслик учун ўртага олиб ётамиз...

Муқимхонов мана шу ҳақоратли лаҳзалардан қутулиш учун бутун хонумонини беришга тайёр эди. «Эрталабки сўроқ пайтида терговчи билан жиддий гаплашаман. Майли, қанақа қилиб бўлсаям... бошқа хонага ўтказин...»

Терговчи унинг илтимосини адо этишга рози бўлди.

– Фақат... шарт шуки, ҳеч бўлмаганда ўзингизни «қисман айбдор» деб тан олишингиз керак.

– Қисман бўлса... майли, – деди Даврбек ноилож.

Шундан сўнг уни бир кишилик хонага ўтказишди. Тез орада «айбнома» билан танишишга киришди. Саҳифаларни бирма-бир ўқир экан, тепа сочи тикка бўлди. Ҳаммаси: ёрдамчи ҳам, Казбек ҳам, бошқа гувоҳлик берган фермеру

тадбиркорлар ҳам бутун айбни унга тўнкашган. Фақат битта одам – Мирпўлат «Муқимхонов билан ҳеч қанақа олди-берди қилмаганман», деб ёзиб берибди. Гарчанд... ҳар гал «Раҳбар одамсиз, меҳмонларингиз кўп, вилоятга, пойтахтга борасиз, кўп харажат қилишга тўғри келади», деб семиз-семиз конвертлар узатиб турган. «Ўғри бўлса ҳам мард йигит экан, қойил, – деб қўйди у. – Ановилар, орқамдан чопиб ялиниб-ёлвориб, ҳол-жонимга қўймай, «Она сутидай ҳалол ҳады», деб пул тиқиштирган каззоблар эса, «Пора беришга мажбур қилганди, пора бермагунимизча эзган, сўккан, ҳақоратлаган, урган», деб ёзиб беришибди». Даврбек ўшалар билан ўтказилган юзлаштиришларни эслар экан, афти буришиб кетди. Ерга тупурди. Биттасининг гапи ҳаммасидан ошиб тушганди. «Агар айтгани қилмасанг, кетингга лом тикаман», деб ҳақорат қилди, – деди ўша «гувоҳ». – Шунинг учун қўрққанимдан бир миллион сўм пора олиб келиб беришга мажбур бўлдим...» «Хўш, индамасдан олдимми? – деб сўради терговчи». «Йўқ, – деди гувоҳ, – Муқимхонов пул ўралган тугунни очиб кўриб, юзимга отиб юборди. «Мен сенга гадойманми? – деб қичқирди. – Кўтар бу қоғозингни!» деди. Шундан кейин уч миллион сўмлик тилло буюмлар олиб келиб бердим...»

– Туҳмат қилманг, биродар, – деди Муқимхонов. – Биринчидан, мен умримда қўлимга лом ушламаганман. У нарсанинг нимага ишлатилиши ҳам эсимдан чиқиб кетган. Шунинг учун сизга унақа дейишим... ақлга сиғмайди. Иккинчидан, мен сиёсий ҳушёр одамман. Иқсодиёт-молия соҳасидаги масъул идораларда ишлаганман. Бинобарин, миллий валютамиз бўлган сўмни «қоғоз» деб атаб сизнинг юзингизга улоқтиришим... мумкин эмас. Бу – ғирт бўҳтон.

Терговчи кулди. Бошини чайқаб қўйди...

Ҳозир ўша ҳолатни эслаб, Муқимхоновнинг ўзи ҳам беихтиёр кулиб қўйди. Айблов фикрининг давомини ўқиш давомида юзидаги табассум ўчиб, қовоғи уйила борди. «Энди булар мени кесмай қўйишмайди, шекилли. Шунча пулнинг ҳайф кетгани ёмон бўлди. Майли, боши-кўзидан садақа». Олияникига бекитган зеб-зийнатлари умрининг охиригача

шоҳона яшашга бемалол етади. Энди... муҳлатни камроқ олишга ҳаракат қилиш керак. Кейин зонадагиларни «боқиб», бир-икки йилда чиқиб кетиш мумкин...

* * *

Суд Муқимхоновни 13 йилга кесди. Казбек 20 йил, Мирпўлат 9 йил олди.

23

Баҳор. Ҳаво илиқ ва ифорли. Боғларда қийғос гуллаб ётган дарахтлар кўзни яшнатади.

Афифа юридик институтидан чиқиб, хиёбонда анча сайр қилиб юрди. Кайфияти яхши. Диплом ишини домласига кўрсатганди, у мақтади:

– Бу диплом ишини сал бойитиб, номзодлик диссертациясига айлантириш мумкин, – деди кейин. – Ўзингиз ёздингизми шуни? – деб кулиб сўради. Жавоб ҳам кутмай: – А-аҳ, бунинг аҳамияти йўқ ҳозир, ҳар қалай илгари ёзилган тайёр диплом ишидан айнан кўчирмаган бўлсангиз бўлгани...

– Йў-ўғ-е, ўзим... ўзимиз, бир... ўртоғим ёрдамида ёздим, – деди. «Ўртоғи» Субут эканини айтмади. Ичида Субутдан яна бир бор миннатдор бўлди. «Астойдил меҳнат қилган экан, соҳаси бошқа бўлса ҳам, ҳуқуқшуносликни яхши тушунар экан, – деб ўйлади. Менинг ҳам меҳнатим сингди, ахир, кутубхонада бир ҳафта ўтириб, адабиётларни ўзим топдим-ку...»

Чиндан ҳам, домласи тузиб берган рўйхат асосида кутубхонадан зарур қонунлар, қўлланма ва рисоаларни, газета-журналларни ўзи топди. Субут белгилаб берган ўринларни ўзи кўчирди. Субут фақат «кириш» ва «хотима» қисмларини ёзиб берди, холос.

– Ҳимоя қилиб олсангиз... бир ювамиз-да, майлими? – деди у компьютерда кўчиртирилиб, муқоваланган диплом ишини Афифага узатар экан.

– Насиб этса, – деди Афифа.

Ўша куни ижарахонасида ётиб Субут ҳақида яна узоқ ўйлади. Ижарахонанинг икки йиллик ҳақини тўлаб қўйган экан. «Бемалол тураверасиз», деди. Нега икки йиллигини олдиндан тўлаган экан? Ё бу квартира анови... дугонаси билан учрашиб юрадиган жойимикан? Жиҳозлари ҳам анчайин шоҳона. Музхона тўла гўшт. Мева-сабзавот. Қазноқда гуруч, ёғ, ун, хуллас, ҳамма нарса бор. Ҳа, бу – шунақа, дам олиб, истироҳат қиладиган жойи, шекилли. Аммо унақа бўлса, мени нега бу ерга олиб келди? Ахир, мен «Энди сиз билан бўлолмайман», деб очиқ айтдим-ку! Ёки... «Ишларини битказсам эрийди», деб ўйлаётими? Холамнинг қарзини узишга пул бераман, деганди. Ҳали жим. Холам яхшиям менинг бу ердалигимни билмайди. Йўқса, сўраб безор қиларди. Қачон бераркан пулни? Ё ўзим яна сўрашимни кутяптими? Майли, дипломни қўлга олволай-чи, ишга кирсам... эҳтимол, холам яна бир оз муҳлат берар...»

Диплом ҳимояси куни институт ҳовлисидаги одамлар тўдасига қараб «Субут акам ҳам келармикан», деб ўйлади. «Агар вақт, имкон топсам бораман, боролмасам кечқурун уйингизга ўтаман», деганди. Кўринмаяпти. Демак, бу ерга келмаган.

Ҳимоя зўр ўтди. Афифа «аъло» баҳо олди. Ҳайъат аъзолари ҳам домласи айтган гапни такрорлашди:

– Бу жуда долзарб мавзу. Албатта, давом эттиринг. Магистратура, аспирантурада ўқинг. Ҳуқуқшунос олим бўлинг, – дейишди.

– Қайдам, кучим етармикан?.. – деди Афифа.

– Сиздаги билим ва заковат, ҳусну малоҳат билан... беш йилга қолмай фан доктори бўлиш мумкин, – деди сочлари оппоқ, лекин ҳали қомати тик ва кўзлари ўйнаб турувчи бир профессор. – Хоҳласангиз, ўзим раҳбарлик қиламан.

– Ўйлашиб кўрармиз, – деди Афифа ҳайъат аъзоларига яна бир карра гаъзим қилиб, имтиҳон хонасидан чиқар экан. Бу орада профессор унга чиройли ташриф қоғозини уза-тишга улгурди. Ташқарига чиққач, қоғозга кўз югуртирди. «Юридик фанлар доктори, профессор Нурқувват Шодиқулов» деб ёзилганди. «Нияти холисми ё... одатдаги шилқим

эркаклардан биримикан? деб ўйлади Афифа ва ташриф қоғозини сумкасига солди. – Майли, тура турсин-чи...»

Субут негадир ярим тунда келди. Қўлида гулдаста. Қирмизи атиргуллар. Сархуш... «Бирон ўтиришдан чиқиб келяптими», деб ўйлади Афифа.

– Табрикласам бўладими? – деб сўради Субут гулдастани узатар экан.

– Ҳа, – деди Афифа.

– Муборак бўлсин, – деди Субут ва Афифанинг ёноғидан ўпмоқчи бўлди. Афифа «Ўптирайми, йўқми, бу, ахир, шунчаки дўстона табрик ифодаси-ку», деб ўйлаш баробарида Субутнинг ёқасидан ўзига бир пайтлар жуда яхши таниш бўлган ғоят қимматбаҳо фаранг атрининг ҳиди димоғига урилди. «Нега Субут акам аёллар духисини сепиб юрибди?» деган содда бир иштибоҳ айланди кўнглида. Лаҳзанинг ўзида миясида «У ўшанинг қучоғидан чиқиб келяпти-ку», деган даҳшатли фикр чақнаб кетди. Жон ҳолатда юзини олиб қочди. «Бировнинг бағридан чиқиб келиб, бошқасига ёпишяпсиз-ми?» деб узиб олмоқчи бўлди. Қутлагани келган одамни ранжитгиси келмади. Субутнинг қўлидан гулдастани олиб, уни ичкарига таклиф этди.

– Узр, мен ҳозир... – деди ва ҳаммомга кириб, бир лаҳзада оловдек қизиб кетган юзини муздай сув билан ювди. «Уни тергашга нима ҳаққим бор?» деди ўзига-ўзи. Шу билан бирга кўнглида «Унинг қўлида... шунчаки ўйнаш бўлишни ис-тамайман», деган ўжар фикр айланди. Қайтиб кирганида Субут оромкурсига ястаниб, ҳирс тўла кўзларини унга тикиб турарди.

– Шу халат сизга жудаям ярашар экан, – деди у, ўрнидан сакраб туриб Афифага яқинлашар экан.

– Энди кийимларимни алмаштириб, ухламоқчи бўлиб тургандим, – деди Афифа.

– Вақтида улгурибман-да, – деди Субут қувлик билан кўзини қисиб. – Энди... бирга ухлаймиз. Майлими?..

– Аччиқ чой дамлаб берай, ичинг, кайфингиз босилади, – деди Афифа, Субутдаги ноодатий шилқимликдан кўнгли ғаш бўлиб.

– Кайфим йўқ. Чойни... кейин ичамиз. Ҳозир дам оламиз. Аффанинг жаҳли чиқди, алами, хўрлиги келди. «Нега менга бунақа муомала қиляпти?»

– Ким сизни бунчалик «чарчатиб» юборди? Ҳадеб дам оламан, дейсиз, – дея имкон қадар юмшоқроқ оҳангда гинахонлик қилмоқчи бўлди.

– Ким чарчатарди, қиёлмайдиган бир ўртоғимнинг... тутилган кунда ўтириб қолдим. Озгина ичишга ҳам тўғри келди...

– Ўша ўртоғингиз... «Шанель-5» деган аёллар атирини сепар экан-да, – деди киноя билан Аффифа. – Ёқангиздан ҳиди келиб ётибди.

Субут ўнғайсизланди. Ўзини оқлаш учун сўз қидирди. Нима дейишни билмади. Охири бошқача йўл тутди:

– Аффифа, мени... айблайверманг...

Аффифа буни «Мени айблашга нима ҳаққинг бор?» деган маънода тушунди. Ҳаяжонланиб гапириб кетди:

– Тўғри, менинг сизни айблашга ҳаққим йўқ. Мен сизга... бегона одамман. Лекин... Лекин мен сизни ҳамиша бутун борлигим билан севганман. Буни яхши биласиз. Тўғри... сизнинг муҳаббатингизни оёқ ости қилдим, янглишдим. Бир хатомни тўғрилайман, деб иккинчисига йўл қўйдим. Шунинг учун ҳам сизга муносиб эмаслигимни ҳис этиб, ўзимни четга олдим. Шунинг учун ҳам хув ўша, суд тугаган кун бетимга қарамаганингиздан ҳам хафа бўлганим йўқ. Сизга халал бермасликка, ҳаётингиздан, хотирангиздан бутунлай чиқиб кетиш учун қишлоққа бордим. Фермерлик қилмоқчи, ҳатто бошқа киши билан турмуш қуриб кўрмоқчи бўлдим. Бироқ омадим келмади. Сизнинг олдингизга шунчаки маслаҳат сўрагани келгандим. Тўғри маслаҳат бердингиз, ўқишимни тугатишимга ёрдамлашдингиз. Булар учун минг раҳмат. Тушунинг, сиздан... бошқа ҳеч қанақа умидворлик жойим йўқ. Яқин муносабатда бўлиб юрган аёлингиз борлигини быламан. Шу боис сизга... соф, дўстона муносабатда бўлишни истайман. Аммо ўзингиз қайтадан бағрингизга олмоқчи бўлсангиз, муносабатларимиз тоза ва шарый бўлишини хоҳлайман. Шунчаки хуштор, ўйнаш бўлишни истамайман. Тўғри тушунинг.

– Тўғри тушуняпман, Афифа, – деди Субут кулимсираб. – Агар гап... бирорта муллани чақириб, никоҳ ўқитиб қўйишда бўлса, ўқитамиз. Севги, муҳаббат эса ҳар қанақа никоҳ ва ЗАГСлардан юқори турувчи қудратли туйғу. Сизни бегингизга қарамай кетганимдан кейин ҳам менинг олдимга бошлаб келган, мени эса... шунча гаплардан кейин... яна сизнинг васлингизни ҳамма нарсадан устун қўйишга ундаётган нарса ҳам ўша – севги! Бизнинг севгимиз, Афифа, қаттиқ синовларга дучор бўлмоқда. Шукурки, ўша синовларнинг барчасидан омон-эсон ўтиб келмоқда. Сиз менинг... Фариза билан муносабатларим ҳақида... ташвишланманг. Мен шу чоққача ҳеч кимни сизни севганчалик севган эмасман. Ўзингиз айтганингиздек, сизга бўлган муҳаббатимни бошқа бировнинг меҳрига қўшмоқчи бўлиб, бунинг уддасидан чиқолмай юрган кунларимда яна сиз пайдо бўлдингиз. Бизни яна тақдирнинг ўзи учраштирди...

Субут шу гаплар баробарида Афифани авайлабгина қучоқлади. Ётоқхона томон судради. Афифа қаршилик кўрсатди.

– Айтдим-ку сизга, – деди.

Шу он Субутнинг чўнтагидаги телефон жиринглаб қолди. Субут Афифани бағридан бўшатиб, телефонни қўлига олarkan, рақамига қаради. Пешанаси тиришди. Қулоғига тутди.

– Ҳа, мен ҳали... йўлда эдим. Ярим соатлардан сўнг уйда бўламан, – деди. Кейин телефон тўғмасини босиб, Афифага ўғирилди: – Майли, айтганингиздай бўлади. Эртага... кечки пайт келаман. Ҳозир... бир иш чиқиб қолди. Хайр.

Субут шундай деди-ю, шошиб чиқиб кетди. Афифа ёлғиз қолди. Қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай, қарахт ҳолда ўйлаб ўтирди. Субутга қўнғироқ қилган киши Фариза эканини ўша заҳоти сезганди. «Мабодо Субут акам айтганимни қилиб, мени яна никоҳига оладиган бўлса... бу аёл турмушимизга ҳалал бермайдими? Аввали, Субут акам унинг юзидан ўпиб, менга такроран уйлана олармикан?..»

Субут эртасига келмади. Қўнғироқ қилиб:

– Дипломни олаверинг, бирйўла ювамиз, мен беш-ўн кунга хорижга кетадиган бўлиб қолдим, – деди.

Афифа икки-уч кун уйда ётиб зерикди. Қишлоққа бориб келмоқчи бўлди. «Йўл-йўлакай Мўмин аканикига кириб, онасидан ҳол-аҳвол сўраб келаман», деб дилига тугди. Эрталабки электричкага ўтириб жўнаб кетди. Ҳаво ёқимли. Вагон деразасидан гулни тўкиб, мева тугаётган зумраддек япроқлари ярақлаб турган дарахтларга боқиб кўнгли яйради. «Субут акам хориждан қайтиб келса, нинкоҳ ўқитиб яна турмуш қурсак, ҳаммаси яхши бўлиб кетса... Мўмин акамнинг болаларидан хабар олиб турардим. Агар... онаси рози бўлса... Субут акам кўнса, уларни олиб тарбия қилсак эди. Мўмин акамнинг руҳи шодланар эди...»

Мўминнинг онаси Афифани бағрига босиб, бир қур йиглаб олди. Болалар ҳақида гап очилганда:

– Болаларга қарайдиган одам кўп. Улар бир кунини кўради. Холалари, аммалари бор. «Менга беринг, менга беринг», деб туришибди. Ўлганга қийин. Болам бечора шундан бугун тупроққа кириб кетди, – деб гапни калта қилди.

Афифанинг кайфияти бузилди. Уйга келиб, отасининг тоби йўқлигини, акаси қарзларнинг қолганини тўлаш учун тракторни ҳам сотиб юборганини эшитиб, дарду дунёси қоронғилашди. Холаси пул сўраб келиб-кетганини эшитгач, бутунлай адоёи тамом бўлди.

– Сенинг манзилингни сўради, бизлар айтолмадик, қизим, – деди онаси. – Сабр қилгин, қарз бўлса – узармиз, дедим. Кўнмаяпти қургур. «Ўзимнинг ҳам қарзим бор, тўламасам фоизи ошиб кетяпти», дейди.

– Ташвишланманг, холам билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан. Аммо акам тракторни сотиб юборгани яхши бўлмабди. Энди яна... ижарага олиб ишлайдимиз?

– Аллақачон олиб, ишлаб юрибди. Ҳар қалай, бу ердаги қарзлардан қутулгани яхши бўлди. Кейин... уканинг ўқишига деб, отанг ҳам пича пул берди. Холанг келганда, бир хаёли ўшани бериб, бир қисмини узасмикан, деб ўйладик. Сен билан маслаҳатлашмаганимиз учун бермадик. Ҳозир сандиқни очиб, олиб бераман.

– Керак эмас, она, отамни даволатишга, укамнинг ўқишга киришига ишлатасиз. Холамнинг қарзини ўзим узаман.

Ўқишим битди. Яиаги ҳафта диплом топширишади. Кейин ишга кираман...

– Ишқилиб, холангникига бир кириб, уни тинчитиб қуй. «Атай ўзини олиб қочиб юрибдн», демасин.

– Майли, она, эртага шаҳарга қайтган заҳотим кираман...

Қўшни хонада ётган отаси тун бўйи қув-қув йўталиб чиқди. Онасининг гирдикапалак бўлганни кўриб, Афифа ҳам ухлолмади.

– Дўхтир нима деяпти, ўзи, бирон ноёброқ дори керак бўлса, шаҳардан топиб келиб берай, – деди Афифа, онаси бир гал ташқарига чиққанида орқасидан чиқиб.

– Дориларнинг ҳаммаси бор, қизим. Қари суяк-да. Буткул тузалиб кетиши қийин бўляпти. Сен хавотир олма, ўзимиз бир амаллаб эплаймиз. Аканг бор... Сен фақат... анови... холангнинг нафасини ўчир, йўқса, менга яна «Бутун оилангни боқиб юрибман», деб иддао қилади...

Афифанинг юраги гашланди. Холасининг сур башарасини кўз олдига келтирди. «Қизим, ўзинг ҳам менинг орқамдан шунақа мартабаларга эришиб юрибсан-ку, нонтепкилик қилмагин-да», деган гапини эслади. «Эртага тўғри бориб... йўқ. Субут акам келган заҳоти, ноқулай бўлса ҳам, айтаман, холамнинг қарзини узишга етарли пул бериб турсин. Холамга муттаҳам бўлгандан кўра, майли, Субут акамдан қарздор бўлай», деб ўйлади.

Эрталабки чой маҳали акаси келди. Афифанинг юзига қарамай сўрашди. Афифа акаси ўнғайсизланаётганини сизди.

– Тракторни сотиб тўғри қилибсиз, ака, – деди. – Энди ҳеч кимнинг бизга даъвоси қолмадими, ишқилиб?

– Ҳеч кимнинг, – деди акаси бир оз журъат билан. – Ўзимиз қийналсак ҳам, бировдан тилимиз қисик бўлмасин, дедим-да. Ўзингнинг... ишларинг қалай?

– Дуруст. Ўқишим битди. Энди ишга кирмоқчиман. Насиб этса, ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

– Ўртада уйинг сотилиб кетгани яхши бўлмади...

– Уй ҳақида куйинманг. Ўша уй... барибир буюрмас эди. Энди ўзим... бошқа уй оламан. Фақат сизлар мендан хафа бўлмаган бўлсаларингиз бас. Ёрдам бермоқчи эдим. Ҳозирча

қўлимдан келмади. Неилож. Лекин тушкунликка тушганим йўқ. Ишлайман, худо хоҳласа, ҳали яхши кунларингиз олдинда...

– Худо омадингни берсин, қизим, – деди боядан бери нафаси ҳарсиллаб, гапга аралашмай тўшакда ёнбошлаб ётган отаси. – Сендан мингдан-минг розиман. Ўлгунимча дуо қиламан, бахтли бўлишингни худодан тилайман. Қайда бўлсанг ҳам, омон бўл!

– Раҳмат, ота, – деди Афифа кўзига ёш қуйилиб. – Бўлма-са менга рухсат...

Отаси юзига фотиҳа тортди. Афифа чиқиб кетар экан, отасининг сўлгин чехрасига қараб, «Яна кўришиш насиб этармикан», деб ўйлади. Кейинроқ поездга мингач, «Нега хаёлимга бунақа фикр келди?» дея ҳайрон бўлди. Отасининг ҳали кўп яшашини, ўзининг бахтли кунларини кўришини сўраб, фикран Яратганга илтижо қилди.

Поезддан тушиб, бир хаёли «Холамникига кириб, яна бир оз муҳлат сўрайми», деб ўйлади. Фикридан қайтди. «Унинг олдига энди пул билан бормасам, ерга уриб, ҳақоратлаб ҳайдаб солади».

Квартирага йўл олди. Етиб келиб, темир эшикка қистириб кетилган қоғозга кўзи тушди. Олиб ўқиди. Солиқ идорасидан экан. «Зудлик билан идорага келинг», дейилган экан. Соатига қаради – бирга яқинлашган. Уйга кириб, енгил тамадди қилиб, солиқ идорасига йўл олди. «Бирон муаммо туғилиб юрмасин», деди. Туман солиқ идораси икки кўча нарида экан. Тез етиб борди. Қоғозда исм-шарифи кўрсатилган инспекторга учради.

– Квартира эгасининг ўзи қани? – деб сўради у Субутнинг фамилиясини айтиб.

– У киши сафарда эдилар, – деди Афифа, хаёлидан «Демак, бу квартира ҳам Субут акамнинг ўзиники экан-да», деган ихтиёрсиз қувончли фикр ўтиб.

– Сиз кимсиз, хотинимсиз?

Афифа бир лаҳза саросимага тушгач:

– Йўқ, ижарада тураман, – деб жавоб берди.

– Аҳ-а, бу Субут акахонингиз квартирани олганидан бери мулк солиғи тўламагани – бир, бунинг устига ижарагир

қўйиб, ундан олаётган даромадидан ҳам солиқ тўламай юрган экан-да ҳали, – деди солиқчи ясама таҳдид билан.

Афифа мулк солиғи нима эканлигини сал-пал биларди. Унча катта пул эмас.

– Солиқни... мен тўлаб қўя қолай, – деди.

– Йўқ. Субут акага айтинг, ўзи келсин, тезроқ келмаса... чатоқ бўлади. У киши декларация ҳам тўлдиришлари керак. Шунақа деб айтинг. Хайр!

Афифа ҳафсаласи пир бўлиб, квартирага йўл олди. Йўл-йўлакай бояги ихтиёрсиз қувончли фикрига қайтди. «Демак, квартира ўзиники, бироқ нега менга «ўртоғимники» деди? Нега яширди? Талабгорлик қилмасин дедими? Нима деб талабгорлик қилади, ажралиб кетишган бўлса?.. Майли, нима бўлса ҳам, бу воқеани Субутга тезроқ айтиш керак. Жари-ма солиб юришмасин. Субут эртага келса керак...»

Кечгача гашланиб ўтирди. Кечки нонушта тайёрлаш ҳам қўли бормади. Азбаройи толиққани боис эртароқ ётиб ухламоқчи бўлди. Уйқуси ҳадеганда элтмади. Туриб димедроль ичди. Ярим оқшомда қотиб қаттиқ ухлаб қолди. Бир маҳал уйқу аралаш юзида иссиқ нафас ҳис этгандек бўлди. «Туш кўряпман... Субут акам. Уни кўп ўйлаганим учун тушимга кирган», деб ўйлади тушида. «Субут ака-а, ўзингизми-и?», деди эркаланиб. «Ҳа, ҳа, менман, Афифа, жоним, севгилим», деди овоз. Кейин у Афифанинг қўйнига кирди. Эҳтиётлик билан баданини силай бошлади. Кийимларини оҳиста ечиб, бағрига олди. Шўрлик Афифа ҳамон «туш кўряпман» деб ўйлар, роҳатланар, ҳатто илгари кўнглидан кўп кечирган-у, лекин бирон марта айтмаган гапларини айтиб, Субутни эркалар эди, «Мунча яхшисиз, Субут ака...»

Лабларига қайноқ лаб босилиб, устида бошқа бир тана оғирлигини ҳис этгач, сакраб уйғонди:

– Вой, ким бу? Субут ака! Бу нима қилганингиз? Гуноҳку... Ахир... Ахир, айтгандим-ку, сизга ношъарий яқинлик қилмайлик, деб...

Субут жавоб бермади. У ўз иши билан банд эди. Шу ҳолати билан у Афифага қишлоққа жўнаб кетишдан олдин ўз квартирасида юз берган ўша жирканч оқшомни эслади.

Афифа куч билан Субутни иргитиб ташламоқчи бўлди. Бироқ кечиккан эди. Уйқу чоғидаги роҳат оғушидан чиқолмаётган вужуди ҳам, руҳи ҳам унинг ақли измига бўйсунмади. Мадорсизлик ва алам билан кўзларини юмди... Тўшакдаги лаззат, ҳаловат ўрнини ўнгида тушуниксиз бир лоқайдлик, афсус, пушаймонлик ва озорланиш ҳисси эгаллади.

Муродини ҳосил қилиб, ёнига беҳол чўзилган Субутга қараб:

– Сиз... Сиз бунақа эмасдингиз-ку, – деди.

Субут кўзларини юмиб ётган кўйи илжайди:

– Қанақа эдим?

– Ўғрилиқча кириб... зўравонлик қилиб... одамнинг кўнглини... қолдирмасдингиз-ку!..

– Нега кўнглингиз қолади, ахир... халиям севишимни айтдим. Сиз ҳам севасиз. Никоҳ ўқитиш керак бўлса ҳозир, туррайлик, мулла чақиртириб келаман. Узоқ йўл юриб чарчаб, сизни соғиниб келдим. Тушунинг-да, жоним...

– Тушунолмайман мен буни, билдингизми? – кутилмаганда йиғлаб юборди Афифа. – Сиз... Сизнинг ўша Муқимхоновдан, оғзи сассиқ ҳуқуқшуноздан... фарқингиз бўлишини истайман. Холамнинг, «Эркакларнинг ҳаммаси ҳимоясиз аёлни кўрганда ҳайвондан фарқ қилмайди», деган гапини лоқал сиз тасдиқламаслигингиз керак...

Субут белига чойшабни ўраб, ўрнидан турди.

– Кечиринг, – деди Афифанинг кўзига қаролмасдан. – Бир пайтлар... ишдан кеч қайтиб, ухлаб ётган чоғингиз қўйингизга киришимни ёқтирардингиз. Ўшани эслаб, бир... эркалик қилмоқчи бўлган эдим. Аммо-лекин... никоҳ, мулла ҳақидаги гапим самимий, бугуноқ қубба ўқитамиз.

– ЗАГСдан ўтмай, никоҳ ўқитамизми? Унақа никоҳ ҳақиқий бўлмайди, қонунга зид. Яширин никоҳ... Ҳозир иккинчи, учинчи хотин оладиган одамлар шунақа қилишади. Аввал... ЗАГСдан ўтайлик. Ё «ЗАГСдан ўтсам, яна ҳовлимга, манови квартираларимга шерик бўлиб қолади», деб қўрқаётирсизми? Дарвоқе, солиқ инспектори хат ташлаб кетган экан, борсам, «Ўзи келсин», деди.

– Майли, борарман. Лекин ЗАГС... ЗАГСдан ўтишга бир оз шошмай турганимиз маъқул.

– Нега? Фариза опам рухсат бермайдими?

– У менга хўжайин эмас. Гап бошқа ёқда...

– Холамдан олган қарзимни узишга пул бериб тураман, дегандингиз.

– Бераман, шошмай туринг. Узасиз ўша қарзни. Қўшма корхонамизнинг иши юришмай турибди. Катта қарзларимиз бор. Кризис бошланган. Аҳвол нима бўлишини ҳеч ким билмайди...

– Тушунарли. Демак, ҳозир иложи йўқ.

– Ҳа, пича сабр қилиб туришга тўғри келади...

Афифа индамасдан ўрнидан туриб, ювингани чиқиб кетди. Чой устида гаплари қовушмади.

– Мен эртага яна сафарга жўнаб кетаман, – деди Субут. – Бирон ҳафта бу ерда бўлмайман. Диплом топшириш қачон? Индинми?.. Яхши. Дипломни олган заҳотингиз Кўксарой туманидаги иккинчи рақамли нотариал идорага боринг. Бошлиққа учранг. Шогирд қилиб ишга олади. Мен тайинлаб қўйганман.

Афифа индамади. Субут чиқиб кетди. Афифа тушкун кайфиятда холасиникига йўл олди. Энди унинг олдига бориб, муҳлат сўрашдан бошқа чораси йўқ эди.

Хола уни қўлида найза билан кутиб олди.

– Сен қиз мениям, ўзингниям абгор қиласан, бу кетишда. Пул қани? Муҳлатидан уч баробар кўп вақт ўтиб кетди. Мени ўлдиришади-ку! Биласанми шуни? Сениям соғ қўйишмайди.

– Ким ўшалар, айтинг, яна бир оз сабр қилиб туришсин. Ҳаммасини тўлаймиз.

– Ҳали шунисини тўла! Фоизларп билан осмонга чиқиб кетди-ку.

Холасининг бугун фикри-зикри пулда бўлгани боис, Афифа билан деярли сўрашмади. Қаерда юрибсан, нима қилияпсан, деб ҳам қизиқмади.

– Нима қилай, ҳозир қўлимда пул йўқ, – деди йиғламсираб Афифа. – Сал сабр қилинг, индиндан бошлаб, худо хоҳласа, нотариусга ишга кирапман.

– Эҳ-ей, тентак қиз, нотариуснинг ойлиги билан бу қарзни ўн йилда ҳам узолмайсан-ку.

– Нима қилай, эмасам?

– Бошқа бировдан қарз олиб, буни узиб туриш керак.

– Қани ўша «бошқа биров?»

– Топамиз...

Шаҳина хоним қайгадир қўнғироқ қилди. Ярим соат ўтмай, эшик қўнғироғи жиринглаб, хонага Афифага таниш ўша – туристик саёҳат соҳасида ишловчи хоним кириб келди...

– Бу киши қарзни узишимиз учун етарли миқдордаги пулни бериб туради, – деди Шаҳина хоним. – Эвазига... у киши айтган бир-икки шартни бажариш керак, холос.

– Аниқроқ айтганда, қарзингизни мен сотиб оламан. Зимангиздаги ўн минг долларни холангизга эмас, менга тўлайсиз. Шартим эса.. аввал айтгандим: фирмамининг Дубайдаги таржимони ва ҳуқуқшуноси бўласиз. Дарвоқе, ўқишни битириб, олий маълумотли юрист бўлганингиз билан табриклайман. Хўш, шарт маъқулми? Дубайда ишласангиз, қарзни қутулишдан ташқари, йигирма-ўттиз минг доллар пул қилиб келасиз. Бу ерда хусусий адвокатлик ёки нотариал идора очиб, маликалардай яшайсиз. Хўш, маъқулми, нима дейсиз?

– Мен... Мен ўйлаб кўришим керак...

– Нимани ўйлайсан, қизим, энди ўйлайдиган жойи қолмади. Менга қарз берган одам қаттиқ шарт қўйган. Агар бир ҳафта ичида ўн минг долларини тўғрилаб бермасак, бундан буёғи ойига ўн фоиздан қўшаман, деярли. Ҳозир доллар қанақа сакраб кетганини кўриб турибсан...

– Барибир... менга бир оз муҳлат керак...

Холасининг жаҳли чиқиб кетди:

– Эшитдим, собиқ эринг билан яна ош-қатиқ бўлиб юрганмишсан. Айтиб қўяй, агар яна ўша бесубут Субутбойга умид боғлаётгани бўлсанг, янглишсан...

– Ие, яна у киши билан... ярашдингизми? – деб сўради ясама ҳайронлик билан «халоскор хоним». – У одам ҳозир... шаҳримиздаги энг пулдор, аммо... энг ишратпараст, хотинбоз бойваччалардан бири сифатида ном қозонган-ку. Демак, сизни ҳам яна лақиллатиб юрган экан-да...

– Нега унақа дейсиз, агар лақиллатса, шахсий квартирасини бериб қўйган бўлармиди? Қолаверса... яқинда биз такроран никоҳдан ўтмоқчимиз, – деди Афифа бу икки ифвогар хотиннинг оғзини ёпиш мақсадида, бироқ улар ҳам бўш келишмади.

– Нима, квартирани номингга ўтказиб бердимми? Шунчаки ижарага қўйиб... эвазига... айшини суриб юргандир-да, – деди холаси.

– Бунақа квартиралар ва Афифaxonга ўхшаш «ижарагир»ларнинг сон-саногини йўқ у одамда, – деб қўшимча қилди «халоскор хоним».

– Тухмат қилманглар, асоссиз, – деди Афифа бўшашиб.

– Тухмат? Нега тухмат бўларкан? – бўш келмади «халоскор» хоним, – Керак бўлса, исботлаб берамиз. Менинг бир чиройли шогирдимни котибаликка олганди. Ўшани ҳам ҳозир уйларида бирига ижарага қўйиб, хушторлик қилиб юраркан. Агар истасангиз, ўша аёл билан учраштираман. Манзилини биламан. Уйига олиб бораймми? Эҳтимол... муҳтарам Субут акангиз ҳам шу топда унинг қайноқ қучоғида яйраб ётгандир...

– Олиб боринг, қани, олиб боринг-чи, агар... гапингиз тўғри чиқса... тан бераман. Айтган шартингизнинг ҳаммасини бажараман.

«Халоскор хоним» Шаҳина хонимга қаради. У бош ирғаб «маъқул» ишорасини қилди.

– Яхши, телефонингизни ёзиб беринг. Эрта ё индин қўнғироқ қиламан.

– Бўлмаса, ҳозирча хайр, – деди Афифа ва шарт ўрнидан туриб, эшикка йўналди. Холаси ортидан жавраб қолди.

Афифа квартирага келиб, тушкун хаёлларга берилди. Наҳотки Субут... уни алдаб юрган бўлса? Агар тунов куни ўз квартирасини «ўртоғимники» демаганида Афифа унинг ёлғон гапириши, бировни лақиллатиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган бўларди. Бироқ Субут уни чиндан ҳам алдагани маълум бўлди. Буни Афифа билиб қолганини англаганидан кейин ҳам мулзам бўлмади, кечирим сўрамади. Эшитмаганга олиб, гапни бошқа томонга буриб юбор-

ди. Демак... «Бир ёлгондан қирқ ёлгон» деган эртақ бўларди. Ёлгонга ўрганган одам... унга ўрганиб, кўникиб қолади. Кичик ёлгон катта ёлгонларни келтириб чиқаради. Ёлгон бор жойда хиёнат ўз-ўзидан пайдо бўлади...

«Қайтиб келсин-чи, очиқча гаплашиб, ҳаммасини аниқлаб оламан», деди Афифа ўзига-ўзи. Ҳозирча кундан-кун ваҳимага тушмасликка аҳд қилди...

Диплом топшириш маросимидан чиқиб уйга келган чоғи телефон жириглади. Субут экан. Табриклади. «Эртагаёқ нотариусга боринг, ишга қабул қилишади», деди. Афифа бир оз тинчлангандек бўлди. «Қачон келасиз?» деб сўради. «Эртаниндин қайтиб қолсам керак», деди Субут. Аффанинг назарида, унинг овози Германиядан эмас, шу яқин орадан эшитилгандек бўлди. «Овозингиз худди яқиндан эшитилаётгандек», дедн. Субут кулди. «Ҳозир йигирма биринчи аср, телефон алоқаси ривожланиб кетган», деди.

Эртасига Афифа нотариал идорага борди. Бошлнғи аёл экан. «Телефон рақамингизни қолдилинг, жой очилган куни кўнғироқ қиламиз», деди. «Очиладими, ўзи, жой?» деб сўради Афифа. «Очилади, албатта, очилади», деди мудира. Барибир, Аффанинг ҳафсаласи пир бўлди. Руҳи сўниб уйга қайтди. Эшикдан кириб эди ҳамки, кўлидаги телефон жириглади. «Субут акам бўлса керак, ҳозир узиб оламан, ахир, иш тайёр, кутиб турибди», деганди-ку», деб ўйлади Афифа. Кўнғироқ қилган холаси экан: «Зудлик билан етиб кел, шошилишч гап бор!» деди. «Нима гап экан?» «Келганда биласан, тез бўл!»

Холасининг уйига етиб борганида Шаҳина хоним пастда, дугонаси бўлмиш ўша «халоскор хоним» билан бирга мағзава рангли «Нексия» ёнида турарди.

– Қани, мин машинага, – деди холаси салом-аликни ҳам насия қилиб.

– Нега? Қаяёққа? – сўради Афифа.

– Борганда биласан...

Хола билан Афифа орқага, «халоскор хоним» олдинга, ҳайдовчининг ёнига ўтиришди. Машина шаҳарнинг четроқдаги мавзеларидан бири бўлмиш Ҳалқали шаҳарчаси сари елиб кетди.

Кейинги воқеалари... нохуш бир туш каби... Афифанинг тасавурида губорли, гуё атай уюштирилган аччиқ бир ҳазилдек, телевизор орқали ҳар куни намойиш этиладиган охири йўқ сериаллардаги каби ҳам кулгили, ҳам аянчли лавҳадек...

Тўққиз қаватли уйлاردан бирининг саккизинчи қаватига кўтарилиб, темир эшиклардан бирининг тугмасини босишди. Узоқ жимликдан сўнг ичкаридан аёл кишининг «Ким у?» деган овози эшитилди.

– Менман, оч, қизим, – дея овоз берди «халоскор хоним».

– Ёлғиз эмасман, – деди ичкаридаги аёл.

– Хавотир олма, қизим, манави омонатингни бераману кетаман, – деди «халоскор хоним».

Ичкаридаги аёл бу макрга алданди. Эшикни очди. «Халоскор хоним» билан Шаҳина хоним биргаликда куч билан итаришиб юборишгач, эшик ланг очилиб кетди. Икковлон шаҳд ила ичкарига отилишди. Афифа ҳеч нарсани тушунмай остонада қаққайиб қолди. Бир неча сониядан сўнг ичкари хонадан белига чойшаб ўраган ҳолда:

– Нима гап, ўзи, тинчликми? – дея Субут чиқиб келганини кўргач, ҳаммасини тушунди. Қўллари билан юзини тўсганича ташқарига отилди.

24

Субут Сокин ўзига ниҳоятда мос тахаллус танлаганлигини яна бир карра намойиш қилди. Эшик кесакисига суяниб турган Афифага кўзи тушиши билан юраги бир марта «зирқ» этди-ю, дарҳол ўзини қўлга олди-ю, сокинлик билан мулоҳаза юритишга киришди. Дастлаб хаёлига келган фикрданоқ қониқиш ва мамнунлик ҳис этди: «Хўш, нима бўпти, осмон узилиб ерга тушибдими? Ҳар қалай тўшакда ачомлашиб ётган ҳолда қўлга тушганим йўқ-ку! Қўлга тушиш дегани, нима ўзи? Афифа менинг қонуний хотиним эмас-ку? Наридан борса, у... мендан қаттиқ хафа бўлиши мумкин, холос, бошқа нима деб даъво қилиши мумкин?

Анови икки манжалақи қўшмачининг гапю ўзи – бир пул, бир чақа. Албатта, Афифанинг қошида ноқулай бўлди.

Куни кеча унга «ниқоҳлаб оламан» деб ваъда бериб, энди бегона аёл билан қўлга тушиб ўтириши – чиройли иш эмас. Бу бегона аёл тушмагур ҳам пайт қуригандек шу кунларда топилиб қолганини қаранг. Йўқса, Субут ўша офатижон собиқ котибасини излаб-излаб охири умидини узган. Эндигина унута бошлаган эди. Кутилмаганда «лўп» этиб, оёқ остидан чиқиб қолди. Ўша Субут одатига кўра, шундан сўнг «Танҳо» супермаркетига кириб, бозор-ўчар қилиб кетмоқчи эди. Шундоққина эшик ёнида ўшанга дуч келиб қолса бўладими! Собиқ котиба шу қадар очилиб, гўзаллашиб кетгандики, Субут дастлаб танимади. Шунчаки «кўрмоқ бор-у ейиш йўқ» гўзаллардан бири бўлса керак, дея уни тўйиб-тўйиб томоша қилмоқчи бўлди. Айниқса бели ва қуймичига ёпишиб, ҳолатини нақадар хушбичим этиб турган «жинси» шимидан кўз узолмай қолди. Сўнгра юпқагина «батник» кўйлагининг ёқасини йиртиб юборай деб илгарига интилаётган кўкраклари, латиф ва нафис бўйни, ёш, чиройли тулкникидек қора, катта ва бир оз қийиқ кўзларига боқди ва беихтиёр:

– Ис, ўзингизми? – деб юборди.

– Ўзимман, ўзимман, Субут акажоним, – деди жувон шахло кўзлари порлаб. – Танимадингиз-а, шунақа дарров унутиб юбораркан-да одам деган.

– Унутганим йўқ. Ҳар дақиқа, ҳар дам эсимдасиз, – деди Субут нима деяётганини ўзи ҳам билмай. – Ширин овозингиз кечаю кундуз қулоқларим остида жаранглаб тургандек...

– Ҳо-о, жа-а оборасиз-а гаппиям, унутмаган одам бирров хабар олмайдими?..

– Қаердан излашни билмадим. Ўзингиз бирор бир дарак бермадингиз. Қайларда юрибсиз? Жигарлар кабоб бўлиб кетди-ку.

– Сал узоқроққа... сафарга кетувдим. Мана, энди... агар истасангиз... кўришиб туришимиз мумкин.

– Истайман, ҳозироқ кўришишни истайман, – деди Субут. – Бир холи... жой бор. Ўша ерга борамиз.

– Бугун иложим йўқ. Эртага.... Йўқ, яхшиси, индин бе-малол суҳбатлашимиз мумкин.

– Майли, – деди Субут. – Қаерда, соат нечада учрашамиз?
– Шу ерда соат ўн бирларда бирга тушлик қиламиз. Майлими?

– Маъқул. Демак, индин соат ўн бирда. Шу ерда ҳозир нозир бўламан.

– Хайр, бўлмасам, кўришгунча...

«Омадинг бир келса, қўша-қўша келади. Ниҳоят муродим ҳосил бўлганининг устига... буни учратганим зўр бўлдида», деб ўйлади севинч билан Субут.

Тунов куни бекатдан қайтаётганида йўлда машинанинг олдини бир тулки кесиб ўтганини эслади. Ўшанда йўлда шофёр йигитга «Йўлда тулки учраса, кишининг бахти эмиш. Қани, кўрамиз, нима масалада омад келар экан», деб ҳазиллашиб қўйган, табиатан ирим-сиримларга ишонувчан бўлмаса-да, миясидан «Чиндан ҳам, ишларимиз гуркираб кетса-я», деган ширин хаёл ўтган, бу билан у қўшма корхонадаги ишларни назарда тутганди. Зеро, кейинги пайтлар бизнесларидан бир қадар путур кетиб, нуқул зарар кўришаётган эди. Шу жойда эса жилмайиб, «Тулкининг учраши севги бобидаги ишларнинг гуркирашини билдирган экан-да, – деб ўйлади. Сўнгра: – Мана шу омад... тулкиларининг думидан маҳкам ушлаб олсам, бизнес ҳам юришиб кетади», деган умидни кўнглига тугди.

Шу ўйлар баробарида ич-ичида «Афифанинг келиши ҳам, манови тулкикўзнинг учраши ҳам, балким, тасодиф эмасдир, балким, буларнинг ҳаммаси кимнингдир томонидан уюштирилаётгандир», деган иштибоҳ уйғонди. Кўз олдида Фаризанинг қувонч билан жилмайиб турган қиёфаси келди. Ҳув ўша воқеа муносабати билан кейинроқ ораларида бўлган ғалати суҳбатни эслади. Ўша оқшом «Тичерс» вискисидан анча отишиб, шоҳона парқув каравот устида ачомлашиб, роса ағанашди. Бироқ Фаризанинг кўнгли тўлмади. Ўзини мастликка солиб, собиқ котибани эслатди.

– Бизга қолганда... шаштингиз паст. Анови... секритуткангизга оч бўридай ташланардингиз-у, – деди ярми ҳазил, ярми чин оҳангда.

– Айб ўзингизда, – деди Субут ҳам худди шу оҳангда. – Агар уни ҳайдаб юбормаганингизда, шаштим янада юқори

бўлар эди. Ахир... ўйнаш дегани бамисоли қайроқтош. Эр-как эса пичоқ мисоли уига ўзини қайраб олиб, янада ўткир-лашади, асосий вазифасини бажарганда янада кескирроқ бўлади...

– Гапга роса устасиз-да, – деди Фариза астойдил тан бериб. – Ишгаям... шунақа уста бўлганингизда-ку...

Субут у қанақа ишни назарда тутаётганини илғаб ололмади. Чунки, нафсиламбирини айтганда, кейинги пайтлар ҳар куни ҳам жа-а қойиллатаётгани йўқ эди. «Шуни ҳозир юзга солиш шартмикан», дея туриб, аразлаб кетворгиси келди. Ўзини тутди. Шундай бўлса-да, ҳазилни давом эттирди:

– Айтяпман-ку, пичоқни чархлаш керак, деб. Ана шунда... қарабсизки, миянинг тархи очилиб, каллага ажойиб ғоялар келади. Ажойиб асарлар ёзилади.

– Пичоқ ва мия. Ажойиб муқојси, – деди Фариза киноя билан. – Дарвоқе, ижод ҳам қилмай қўйдингиз. Нега?

– Бизнес ва ижод – ўт билан сув. Бизнес мудом ёнишни, ижод эса сокин дарё қўйнида оқишни, аниқроғи, ички хотиржамликни талаб этади. Сиз мени хотиржам қилиб қўйинг. Мен сизга оламшумул асарлар яратиб берай...

– Майли, хотиржам дамлар ҳам келар, – деди Фариза мунозарага яқун ясаб.

«Котибанинг тасодифан оёқ остидан чиқиши Фаризага қайроқ ҳақидаги қилган шаманинг натижаси эмасмикан?»

Бу фикр индинга хуфий квартирасида «тулкикўз» жонони билан висол айшнини суриб ётган дамларида ҳам бир неча бор хаёлида айланди. Кейин жононга жавоб бериб, ювиниб, тараниб, уйга келгач ҳам узоқ ўйлаб ётди. Ўйлаб ўйига етмади. Ростдан ҳам, Фаризаси тушмагур «ўтмаслашган Субутни бир қайраб олай» дедимикин? «Қизиқ, ҳеч бир аёл ўз эркагини ўла қолса ҳам бошқа аёлга раво кўрмайди. Фариза эса... Фариза бу борада ҳам замонавий тараққиётпарвар фикрловчи аёл. У шунчалик уддабуронки, хоҳласа... қисир сигирдан ҳам сут соғиб олиши мумкин. Йўқса, мени, ижод одамини қип-қизил бизнесменга айлантириб қўярмиди!» Фариза уддабуронгина эмас, у жудаям ақлли аёл. Ўша куни кайф устида ҳазил баҳонасида қилган гинахонлиги учун орадан

бир неча кун ўтгач, жиддий қилиб узр сўради. «Эркаланиб айтган гапларимни кўнглингизга олманг, – деди. – Мен сизни хуштор сифатида, кўпол қилиб айтганда... наслдор бир буқа тариқасида асраб юрганим йўқ. Мен сизни танимга эмас, юрагимга ошно одам, бир умр садоқатли дўст деб билман. Ростини айтсам, сиз менга эрдан ҳам яқин одамсиз. Отамга қандай суянсам, сизга ҳам шундай суянаман. Қўшма корхона ишлари юришмаётганидан хафа бўлманг. Жуда бўлмаса ёпилиб кетар ўша корхона. Отамнинг йиққан давлати юз йил ётиб ейишга ҳам етади... Фақат биз доимо бирга бўлишимиз керак. Айтганча, янаги чақириқда номзодингизни депутатликка қўйдиришни ўйлаб юрибман. Отам «Юқори идораларга ишга жойлаштириб қўяйми», дегандилар. Кўнмадим. Депутат бўлганингиз яхши. Олий ҳокимият таркибида туриб, бизнесимизни ҳимоя қилиб юрасиз...»

Субутнинг беихтиёр ори келди. «Ота-бола менинг тақдиримни истаган кўйга солишаркан-да! Нима, мен бир қўғирчоқмидим? Бу ишларга индамай кўнаверадиган...»

– Агар сиёсатга ҳам, тижоратга ҳам аралашмай, тинчгина ижод қилмоқчиман, десам, розн бўлармидингиз? – деди у синовчанлик билан.

– Албатта, – деди Фариза, – бироқ нуқул уйда ётиб қалам тебратишнинг қизиғи йўқ-да. Зерикиб кетасиз. Депутатликка сайланиб олсангиз, ўтирган жойингизда ҳам сиёсат, ҳам тижорат, ҳам ижод билан шуғулланишингиз мумкин. Депутат бўлганингиздан кейин китобларингиз чиқиши, машҳур бўлишингиз ҳам осонлашади. Бундан ташқари, катта ёзувчи сифатида ҳам шуҳрат қозонишингиз учун ҳамма нарсани қиламиз. Асарларингизни чет тилларга таржима қилдириб, хорижда чиқарамиз. Қисқаси, сиз учун ҳеч нарсани аямаймиз.

– Раҳмат, азизим. Каллангиз зўр-да, – деди Субут, юрагидаги ғашлиғи тарқаб. – Менинг омад фариштамсиз.

– Сиз самимий айтяпсизми шу гапни? – деб сўради кутилмаганда Фариза.

– Қасам ичайми?

– Йўқ. Қасам ичиш керак эмас. Фақат битта маслаҳатимга амал қилсангиз, битта илтимосимни бажарсангиз бас.

– Нима илтимос экан?

– Жуда нозик илтимос.

– Айтавернинг, мен учун ҳеч нарсасини аямайдиган инсон учун мен ҳам ҳар қандай шартни бажаришга тайёрман.

– Аслида бу нарса мен учун эмас, ўзингиз учун муҳимроқ, – деди Фариза. – Гап... Афифа ҳақида боряпти. У билан яна учрашиб юрганингизни биламан. Бунга қарши туришга ҳаққим йўқ. Майли, жудаям кўнглингиз тусаб кетган чоғлар хуфия учрашиб юринг. Лекин... у билан ошқора яқин бўлиш... обрўйингизга тўғри келмайди. Кўзлаётган режаларимизни пучга чиқаради...

Субут жим бўлиб қолди. Эътироз билдириш, баҳслашиш учун ўзида куч ҳам, журъат ҳам топмади. Фақат алам билан лабини тишлади.

Бу суҳбат Субут Аффанинг васлига эришган оқшомнинг эртасига бўлганди. Суҳбатдан сал олдин Субут Фаризага ўзи Афифа ҳақида гап очмоқчи, «уни яна никоҳимга оламан, лекин бу иккаламининг муносабатларимизга заррача таъсир этмайди», демоқчи ва Аффанинг қарзи учун банкдан ўн минг доллар олмоқчи эканини ҳам билдириб қўймоқчи эди. Энди нима дейишни билмай қолди. Пул-ку ўзиники, истаган пайтда олиши мумкин. Бироқ... Фаризага билдирмаслик мумкин эмас. Акс ҳолда ораларида ўзи айтган самимийликка путур етади. Нима қилиш керак? Битта йўли бор. Фаризага «Худди сиз айтгандек иш тутаман, Афифа билан яқинлашмайман, фақат унга қарздан қутулиш учун ўн минг доллар ёрдам беришим керак», деса, Фариза ўша пулни ёнидан чиқариб бериши ҳам мумкин. Аммо... Афифага берган ваъдаси нима бўлади? Боши қотди. Аламини вискидан ола бошлади. Афифага, хорижга кетмоқчиман, деб ёлғон гапирди. Уйда икки кун ичиб ётди. Фариза хорижга кетгани боис буни сезмади. Телефон қўнғироқларига жавоб бермагани боис ташқи муҳитдан узилиб қолгандек бўлди. Юраги сиқилди. Ногаҳон яна телефон жиринглади. «Фариза бўлса, хавотир олиб юрмасин, жавоб берай», деб гўшакни олди. Олди-ю чеҳраси очилиб кетди.

– Ие, ўзингизми? – деди яна ўша таниш овозни эшитиб.

– Соғиниб кетдим, Субут акажон, юрагим қон бўлиб кетди, – деди у.

- Ўша ўзингиз билган квартирада учрашамиз, – деди Субут.
- Қачон?
- Бир соатдан кейин ўша ерда бўламан...

Кейин... кейин у қўлга тушди. Аффифа юзини қўллари билан бекитиб, отилиб чиқиб кетгандан сўнг Шаҳина хоним ҳам дугонаси билан хайр-хўшни насия қилиб, жуфтакни ростлашди. Улар ниятларига етган, шу боис юзларида музаффарона заҳарханда зоҳир эди.

Субут аччиқ ва қайноқ қаҳва ҳўплаш асносида «Аффифа билан муносабатларимиз энди қандоқ кечади?» деб ўйлади. Зеро, у собиқ рафнқасининг феълени анча-мунча билар эди. «Бир оздан сўнг ортидан бориб, кечирим сўрасам ва... сўраб юрган ўн минг долларни шу бугуноқ ҳал қилиб бераман, такроран турмуш қуриш-қурмаслигимиздан қатъи назар, шу яшаб турган квартирани унга ҳадя этаман, десам, дарров шаштидан тушармикан?.. Ҳар қалай, ҳар ёмоннинг бир яхшиси бор, деганларидек, бугунги воқеадан сўнг... Аффифа «ЗАГСдан ўтайлик, никоҳ ўқитайлик» деб тихирлик қилмас керак. Бериладиган ўн минг доллар ва текин квартира эса... уни менга ипсиз боғлаб қўяди. Натижада ўзим кўзлаган мақсадга ҳам етаман ва Фаризаннинг илтимос шаклида қўйган шартини ҳам адо қилган бўламан. Худди шундай қилиш керак.

Демак, аввал Фариза билан гаплашиб... иложи бўлса, пулни ҳам олиб, кейин Аффифанинг олдига бориш керак...»

Шаҳд билан кийинди. Шунинг баробарида Фаризага қўнғироқ қилиб, олдига муҳим иш билан бораётганини айтди. Ҳеч ёққа чиқиб кетмасликни илтимос қилди. Юзма-юз сўрашдан кўра телефонда айтишни осонроқ билиб пул ҳақида ҳам гап очди:

– Менга пича пул зарур бўлиб қолди, шошилишч. Агар иложи бўлса, ўшани ҳам тайёрлаб қўйсангиз. Бир-икки кундан сўнг суришиб кетардим. Қанча дейсизми? Ўн минг. Ҳа, шу бугун керак. Ҳозир. Хўп. Раҳмат.

Фаризанинг кабинетида уни ўн минг доллардан ташқари гоят қизиқарли бир хушxabар ҳам кутиб турарди. Шу боис Фариза «пул нимага керак» деб ҳам сўрамади. Бир боғлам

тахи бузилмаган юзталикини индамай узатди ва юзидан ўпиб, қулоғига шивирлади:

– Суюнчи беринг, депутатлик масаласи ҳал бўлди.

Субут пулни қўйин чўнтагига шошмасдан жойлаштирди. Кейин ўнг қўли билан Фаризанинг елкасини силаб:

– Депутатлик бир кунда, бир соатда ҳам бўладиган масала эмас-ку. Сайлов, сайловчи деган гаплар бор. Ундан кейин ҳали номзод кўрсатилиши керак.

– Ҳаммаси рисоладагидек бўлади. Отам Зуҳур Бузрукович Аҳмадовга қўнғироқ қилибдилар. У кишини биласиз, асли ижодкор, бир пайтлар Тошпўлат Аъламовичнинг ўринбосари бўлган. Ўша киши ҳозир унча катта бўлмасаям, жуда муҳим бир лавозимда ишлар эканлар. Хуллас, Зуҳур Бузрукович айтибдиларки, «Мен Субутжонни биламан, зўр йигит, бирон депутатнинг бўшаб қолган ўрнига сайлангириб юборамиз, аввал менга бир учрашсин», деяптилар.

– У одамни биламан, бир оз шеър-пер ёзиб юрарди бир пайтлар. Қачон учрашиш керак экан? – қизиқсинди Субут.

– Темирни иссиғида босиш керак. Ҳозир қўнғироқ қилинг. Ҳали вақтли, улар қора шомгача ишда бўлишади.

– Эҳтимол, эртага эрталабдан, бемалолроқ гаплашармиз, ҳозир озроқ ишим бор эди.

– Э-э, қўйсангиз-чи майда-чуйда ишларни, ҳозир қўнғироқ қилинг. Мана рақамлари!

Субут ўн минг долларни гинг демай санаб бериб ўтирган, «Бунча пул нимага керак?» деб сўрамаган валлават ва меҳрибон Фаризасининг гапини икки қилиш мумкин эмаслигини ич-ичидан англаб турарди. Ноилож телефон гўшагини кўтариб, қоғоздаги рақамни терди. Сим ортида ғоят ёқимли овоз янгради.

– Эшитаман.

– Ассалому алайкум, Зуҳур Бузрукович. Мен журналист ва ношир Субут Сокинман. Бевозта қилганим учун узр...

– Э-э, ҳа-а, Субутжон. Журналист, ношир, тадбиркор Субут Сокин. Эшитиб юрибман. Яхши-яхши. Гап бундай: сиз вақт топиб, менинг олдимга бир ўтинг.

– Қачон борай?

– Вақтингиз бўлса... бирон соатлардан сўнг. Мен пастга айтиб, рухсатнома буюртириб қўяман. Хўпми, жон ука? Раҳмат!

– Хўп бўлади, Зуҳур Бузрукович!.. – Субут телефон гўшагини қўйиб, Фаризага юзланди:

– Бир соатдан кейин деяпти.

– Югуринг тезроқ! Етиб боргунингизга бир соат ўтиб кетади. Шошманг. Менинг машинамда, ўзим олиб бораман. Шофёрингиздан гап қочиб юрмасин. Қани, кетдик.

Улар олдинма-кетин идорадан чиқиб, Фаризанинг «БМВ»сига ўтиришди.

– Мен машинада кутиб тураман, – деди Фариза мўлжалланган жойга етганларидан сўнг. – Қани, олга! Худо омадингизни берсин! Ҳа, айтганча... «Ишончингизни оқлаймиз, қанақа хизматингиз бўлса, бажарамиз», дейиш эсингиздан чиқмасин.

– Хўп...

Субут машидан тушиб, икки юз қадамлар наридаги чироқлари порлаб, салобат солиб турган баланд ва муҳташам олтинранг иморат сари юрар экан, ичидаги эски шайтон гимирилаб, миясидан саркаш ва кинояли фикрлар ўтди:

«Менинг нуфузли идораларда, юксак лавозимларда ишлашим ўзимдан ҳам кўра қадрдон Фаризам ҳамда унинг муҳтарам падари бузруквори учун зарур ва муҳимроқ. Қаранг-а! Ўз одамларини давлат идораларига тиқиб қўйиш учун бугунги бойлар ҳар қандай сарф-харажатларга, қурбонларга рози. Бу давр тақозоси. Капиталнинг ҳокимият сари интилиши жамият тараққиёти қонунларидан келиб чиқадиган ҳодиса. Фақат... Фақат бу ўйинда сен оддий қўғирчоқ ролини бажаришинг яхши эмас. Чунки сени ҳам истаган пайтда қурбон қилиб юборишлари мумкин. Гарчанд... сен қўғирчоқ мақомидан чиқиб, қўғирчоқбозлик рутбасига эришмоқчисан. Бу қўлингдан келармикан? Вақт кўрсатади...»

Зуҳур Бузрукович уни қучоқлашгудай бўлиб қарши олди. Ҳашаматли курсисига эмас, қуйига, Субутнинг рўпарасига ўтирди.

– Чой ичасизми, қаҳва буюрайми? – деб сўради Субутдан. «Йўқ, раҳмат», деган жавобни эшитгач, негадир ўзи

ҳам «раҳмат» деб қўйди. Умуман, Субут эътибор қилди: бу одам «жон» ва «раҳмат» деган сўзларни кўп ишлатар экан.

– Ажойиб бир инсон сиз ҳақингизда гапириб қолдилар. Мен унга «Субутжонни ўзим ҳам яқин биламан. Ҳаёти ва ижодини анча йиллардан бери кузатиб келаман, жудаям қобилиятли йигит», деб айтдим. Ва яна айтдимки, бугунги кунда ана шунақа йигитларга таянишимиз зарур... Ҳалиги... бир пайтлар беш-олти кун ҳибсга тушиб қолганнингизда... тўла оқланиб чиққан эдингиз-а?

– Ҳа-а, – деди Субут. – Иш судгача етмай тўхтатилган эди.

– Яхши, раҳмат, – деди Зуҳур Бузрукович бир оз ўйланиб тургач. Субутнинг ота-онаси, ака-укалари ҳақида суриштирди. Сўққабош эканини эшитгач, кулиб: – Ҳали ёлғиз экансиз, бахт-иқболингиз олдинда, – деб қўйди.

Кейин кутилмаганда Даврбек Муқимхонов ҳақида гап очди.

– Муқимхоновни билардингиз-а? Мараз одам эди. Ҳаққоний жазосини олиб кетди, – деди. Сўнгра секингина: – Сиз у билан ошначилик қилмагансиз-а, Субутжон, бордикелдингиз бўлмаганми? – деб сўради.

Субут бир зум иккиланди.

– Узоқдан билардим. Яқин муносабатда бўлмаганмиз, – деди.

– Яхши-яхши, раҳмат, – деди Зуҳур Бузрукович, – демак... сизни... Сиз ҳақингиздаги режаларни амалга оширишга киришсак бўлади. Муҳтарам акахонимиз сизни «Бир депутатлик қилиб кўрса, қанақа бўларкан», дегандилар. Бу ҳам яхши фикр, албатта. Менга қолса, аввал сизни бирон вазирликка масъулроқ ишга қўйиб чиниқтирсак. Тажриба орттирасиз, дўст-ошна орттирасиз. Унгача, қарабсизки, сайловлар ҳам яқинлашиб қолади. Нима дейсиз шунга?

– Билмадим, – деди Субут. – Эплай олармиканман?

– Эплайсиз, эплайсиз. Сиздай етук ижодкорга ҳар қандай нуфузли ташкилотнинг исталган бўлим ё бошқармасини, ҳатто вазир ўринбосарлигини бемалол ишониб топшириш мумкин. Ҳозирча. Келгусида эса ундан ҳам юқори идораларга раҳбар бўласиз.

– Раҳмат, эътибор ва ишончингиз учун, – миннатдорчилик билдирди Субут. – Қанақа хизмат бўлса, айтасиз, бажарамиз.

– Кейин, укажон, хизмат кейин, – деди Зуҳур Бузрукович. – Демак, келишдик. Катта режаларни амалга ошириш учун муайян тайёргарлик жараёнини босиб ўтасиз. Маъқулми?

– Маъқул.

– Маъқул бўлса, хайр. Мен сизни ўзим чақираман. Хўпми, Субутжон?

– Хўп бўлади, – деди Субут ва чўнтагини кавлаб, рухсатномани олди.

– Мановини...

– И-и, керак эмас, укажон, кейин дедим-ку, кейин, – саросималанди Зуҳур Бузрукович. Чамаси, у Субут хизматининг бир қисмини ҳозироқ кўрсатиб кетмоқчи, деб ўйлади. Субут ҳам устоди аъзамнинг нимадан хавфсираганини тушунди. Бенхтиёр жилмайди.

– Йў-ўқ. Бу... рухсатнома, чиқиб кетиш учун қўл қўйиб беришингиз керак экан, – деди.

– Э-э, шунақами, ҳа, майли, опкелинг, – деди Зуҳур Бузрукович. – Мен сиз кундаи бурун подадан олдин чанг чиқариб, мени ноқулай аҳволга соласизми, дебман.

– Хизматга ҳамиша шаймиз... айтган кунингиз...

– Айтаман, ўзим айтаман, укажон, хайр...

– Хайр, – деди Субут ва эшикдан чиқаётғиб «Аслида чақирришдан мақсад – менинг «хизмат қилиш»га имкониятим борми-йўқми, шуни билишдан иборат бўлган», деб ўйлади. Муҳташам идорадан машина томон юрар экан, хаёлидан «Энди Фаризани уйга жўнатиб, Афифанинг олдига бориш керак», деган фикр ўтди.

– Ҳа, қалай, бўримисиз, тулкимисиз? – деб сўради, машинага ўтирганида ундан Фариза.

– Айиқ, – деди Субут. – Устози кироми аввал замминистр қиламан, кейин депутат бўласиз, деди. Энди ҳамма гап қиладиган «хизмат»имизга боғлиқ.

– Аниқ бир рақамни тилга олдимми?

– Йўқ. Чунки ҳали аниқ лавозим ҳам таклиф этгани йўқ. Ўзи чақираркан.

– Яхши. Кетдик, бўлмаса. Уйга бориб...

– Мени ишхонага ташлаб ўтинг. Бир-икки соатлик ишим бор. Кечроқ ўзим бораман.

– Майли. Кўпам кеч қолиб кетманг-да.

– Хўп...

Фариза уни идоранинг эшиги ёнига тушириб кетди. Субут ишхонага бирров кириб чиқди-да, ўзининг машинасига ўтириб, квартирага йўл олди. Йўл-йўлакай Афифага айтадиган гапларини бирма-бир кўнглидан ўтказиб борди.

«Борган заҳоти чўнтагимдан пулни чиқариб, олдига қўяман. Бу уни қуролсизлантиради. Кейин дейманки, «Мен ҳам тирик одамман, менинг ҳам жисмоний эҳтиёжларим бор. Хуллас, «Шу охириги учрашувимиз эди, у билан умрбод видолашдик», дейман. Нима деб эътироз билдириши мумкин? Жуда таранг қилса... ҳозирча яна хайрлашиб қўя қолармиз... Йўғ-е, ҳозир қийналиб, менинг ёрдамим ва ғамхўрлигимга муҳтож бўлиб турган пайтда уни ташлаб кетсам, инсофдан бўлмайди. Йиғлаб-сиқтаб инжиқлик қилса... Эчки қасамдан ичавераман. Кейин... яхшилаб кўнглини олсам, кўрмагандай бўлиб кетади...»

Эшик кўнғироғини аввал бир оз секин, журъатсизлик билан, кейин шошиб-шошиб устма-уст босди. Жавоб бўлмади. «Уйга келмай, аразлаб кетдимикан? – деб ўйлади. – Қаёққа кетади? Холасиникигами? Пулсиз боролмайди-ку уникига. Ё яна... қишлоғига кетиб қолдими? Нима қилади у ёқда? Ота хонадонидаги аянчли аҳволдан безор бўлиб қочиб келган-ку...»

Залдаги думалоқ стол устида ётган бир энлик хатта кўзи тушди. «Ҳаммаси учун раҳмат. Лекин энди бу ерда қололмайман. Узр. Мени тўғри тушунарсиз, деган умиддаман. Алвидо! Афифа»

Субут мактубдаги сўнгги сўзни ўқиб, сапчиб тушди. «Алвидо? Бу нима дегани экан? Қайга кетди? Қайдан излаш керак уни? Излаш керак! Барибир, излаш керак!»

Шу шарт билан шоша-пиша эшикни бекитиб, пастга тушди. Машинага ўтириб, ҳайдовчига шаҳарнинг Шаҳина хоним яшайдиган мавзесини айтди:

– Кўксувга ҳайда!..

Шу топда Шаҳина хоним билан орасидаги ноҳуш муносабатни ҳам унутди. «Агар у ердан топмасам... қишлоғига

ҳам бораман», деб аҳд қилди. Машина Кўксув даҳасига бир зумда етиб келди. Шаҳина хоним уйда экан. Субутни бир оз хушламай, сохта жилмайиш ва манзират билан кутиб олди. «Афифа келмадими?» деган саволига қаҳр билан қарғаниб жавоб қайтарди.

– Келмайгина қуриб кетсин, келгани йўқ!

– Майли, унда узр, – деди Субут. – Зарур бир гапим бор эди. Мабодо келиб қолса, айтинг, зудлик билан мени қидириб топсин. Хўпми? Жуда муҳим иши бор экан, денг!..

«Қишлоғига кетган, – деб ўйлади у кўчага чиққач, – борсаммикан? Кеч бўлиб қолди. Эртага ўтиб келарман. Фариза ҳам кўзи тўрт бўлиб кутиб ўтиргандир».

– Уйингга ҳайда, – деди ҳайдовчига.

Уйига етгач, уни туширди-да, машинани ўзи бошқариб, Фаризаникига йўл олди.

25

Зинадан пастга қандай тушди, кўчага қандай чиқди, таксига қандай минди – эслолмайди. Фақат квартирага яқинлашгач ҳуши ўзига келди. «Кирайми ё кирмай кетайми, бошим оққан томонга?» деб ўйлади. Қаёққа боради? Холасиникигами? Ўзи ундан қочиб юрибди-ку! Яхшиям, улар бу манзилни билишмайди. Акс ҳолда, ортидан қувиб, етиб келишган бўлишарди. Субут-чи? Субут бевафо... ортидан келётганмикан? Келиб нима деркин? Кечирим сўрармикан? «Ҳали сизга уйланганим йўқ-ку, сизга содиқ бўлишга мажбур эмасман», дейдими сурбетлик билан? У ҳолда тунов кунги севги ҳақидаги гаплари қайда қолди? Севган одам... хиёнат қилмаслиги керак эмасми? Албатта, хиёнат қилмаслиги керак. Лекин... Сен ундан буни талаб этишга ҳақлимисан? Ўзинг... хиёнаткор эмасмисан? Энг қийналган, энг оғир дамларда унинг муҳаббатини Муқимхоновнинг арзимаган садақасига алиштириб юбормаганмидинг? Сендай «ит теккан», шаъни булганган қизни бағрига олиб, никоҳлаб, оқлаб, кўзига суртиб юрган чоғида кўзига чўп суқмаганмидинг? Кейин эса бир хатони оқлаш учун такрорий хатога йўл қўйдинг.

Ўзингни Зоҳидийга, Субутни озод қилиш эвазига сотдинг. «Севгилимни қутқаринг, унга садоқатимни кўрсатиш учун хиёнат қилдим», демоқчи бўлдинг ўзингча. Ўша хатойинг нақадар оғир гуноҳ эканини ўзинг ҳам тушунар эдинг. Бироқ «Бошқа чора йўқ, буни ўз ўлимим билан оқлайман», деб ўйладинг. Ўлиб кетганингдами, эҳтимол, хиёнатингни оқлаш мумкин эди. Аммо ўлмай қолдинг. Шу боис Субутнинг ёнига қайтиб келолмадинг, юзига тик қарай олмадинг.

Қилинган хиёнат... агар у кечирилмаса, унутилмайди. Ҳеч қачон унутилмайди. Субут ўша хиёнат учун сени кечирган эмас-ку. Ёниб кетиш олдидан ёзган мактубга на ёзма, на оғзаки жавоб қайтарди. Умуман, ўша мактубда ўз-ўзингнинг устингдан чиқарган ҳукмингни нега унутдинг? Нега яна сурбетларча «Такроран никоҳдан ўтайлик, турмуш қурайлик», деб юрибсан? Бунга ҳаққинг борми? Тўғри, сен эмас, Субутнинг ўзи ташаббус кўрсатмоқда, яқинлашиш учун. Бироқ биринчи бўлиб унинг олдига сен келдинг-ку. Собиқ эрининг олдига ёрдам сўраб келган боши очиқ аёл... ҳақида нима дейиш мумкин? Хору зор бўлиб, ўлиб, ириб-чириб кетганингда ҳам... унинг ҳузурига такроран муҳтож бўлиб келишинг керак эмасди-ку. Фуруринг, оринг борми, зиғирча? Сен ўзингни «Муҳаббат етаклаб келди», дея алдамоқчи бўласан. Муҳаббат хору зорликка ҳам, ғурур ва ориятнинг топталишига ҳам тайёр туйғу дейсан. Аёл муҳаббати беҳуда ўжарлик, ортиқча ноз-фироқдан холи бўлмоғи зарур, деб ўйлайсан. Чунки у аёл, яна мудом ҳимояга, ғамхўрликка муҳтож, дейсан. Шунинг учун у эркакдан кўра бир неча ҳисса кечиримли бўлмоғи шарт, шунга мажбур, деб ишонтиришга уринасан ўзингни.

Аммо мана бундай манзарага дуч келгандан кейин ўзингни... ҳа, Субутни эмас, айнан ўзингни оқлаш учун иззатнафсингни, ғурурингни ер билан битта қилиб, яна унинг меҳрига муҳтож бўлганингни, ҳузурига туртиниб келганингни изоҳлаш учун нима дея оласан?..»

Аёл учун ўз севимлисини, дунёда ҳаммадан азиз, ҳаммадан қадрли, яккаю ягона деб ҳисобловчи кишисини бошқа бир аёл билан кўришдан кўра... ўлган афзал эмасми? Нега

ўлиб кетмадинг ўшанда? Ўша машъум оқшомда нега Абдининг оёқлари остига ўзингни ташлаб, Зоҳидийни ҳам, сени ҳам ўлдириб кетишни сўрамадинг? Зоҳидийни ўлдирмасди. Ундан пул олишга қизиқди. Мени эса... Мени ёқтирган эди. Шу боис ўлдирмади... Баҳона изласа, топилаверади. Ўлимни истаган одамда аввало, шунга яраша журъат, шашт бўлиши керак. Ўлиш осон эмас.

Квартирага кириб, ўзини каравот устига отди. Хўрлиги келиб, юм-юм йиғлади. «Сен ўзи кимсан, сен бир ташландиқ, сен бир... булганган аёл бўлсанг, сенинг нимангни иззат-ҳурмат қилиш керак? – дея пичирлади алам билан. – Сени у ҳеч қачон севмаган. Сенга у раҳм қилган, холос. Ушбу раҳмшафқат ҳам йўқ жойда пайдо бўлмаган. Сенга... осонгина эрншиш мумкин бўлган хушрўй бир аёл деб қараган. Даврбек сени алдаб, қимматбаҳо совғалар, зеб-зийнатлар билан кўзингни қамаштириб қўлга киритган бўлса, Субут раҳмшафқат ва ғамхўрлик билан қалбингни эгаллаган. Аёл – ширин сўзининг гадоси. Шу боис сен Субут кўрсатган шафқат ва ғамхўрлик замиридаги тамани, асл мақсадни сезмагансан. Аслида у ҳам барча эркаклар қатори оддий бир эркак ва унга ҳам сенинг ёш, чиройли, соғлом баданнинг керак бўлган, холос. Унинг севги ҳақидаги чиройли гаплари сени ўзига маҳлиё этиш, сенинг бутун бор-йўғингни, яъни нафақат танинг, балки руҳингни, қалбингни унга астойдил хоҳиш билан бағишлашга ундаш учун айтилган. Эркаклар аёл ўз хоҳиш-истаги билан таслим бўлишини, айниқса кучли ҳиссиёт билан рўйхушлик беришини яхши кўришади. Бу уларга икки-уч карра кучлироқ лаззат бағишлар экан... Севги ўзи йўқ нарса. Сенинг севишинг ҳам... кўрсатилган муруват ва меҳрибонликка жавобан туғилган миннатдорлик туйғуси бўлган, холос. Ҳатто... Субутни қамоқдан қутқариш учун номусингни қурбон қилмоқчи бўлганинг ҳам... яхшиликка яхшилик қайтариш истагидан ўзга нарса эмасди.

Ўзингни ўлдирмоқчи бўлганинг эса... турмуш қийинчиликларидан тўйиб кетганинг туфайли туғилган ёввойи бир истак бўлган. Одам тушкунликка тушган чоғларида бундай телба хоҳиш хуруж қилиб туради. Айниқса аёллар учун ўлим

азоблардан қутулишнинг ягона йўли бўлиб кўринади. Сен бу дунёга келиб, ҳали нима азоб кўрдинг? Ахир, ҳали ҳаммаси олдинда-ку!»

Шу топда ўзини нимагадир алаҳситгиси келди. Ўрнидан туриб, ошхонага ўтди. Қаҳва қайнатди. Ичди. Алаҳсиди. Ҳатто бир оз ажабланиб ҳам қўйди. «Нега кейинги пайтларда ўлим ҳақида тез-тез ўйлайдиган бўлиб қолдим? Бу – гуноҳ, ахир. Ҳали ота-онамнинг кўзи тирик. Наҳотки мен уларнинг фарзанд доғида куйиб кул бўлишларини истасам? Ҳув бир пайтлар, Даврбек алдаб, бузиб қўйганида ўзимни ўлдирганимда ҳам бошқа гап эди. Мудҳиш бир сирни яшириб, ота-онам, ака-укамни куйдириб бўлса ҳам, ҳар қалай юзим шувит бўлишидан асраб, ўтиб кетган бўлар эдим. Бўлар иш бўлган, менинг алданганимни, бунга енгилтабиат холам айбдор эканини, хотин қўйган бир одамга тегиб, ундан ҳам ажраб кетганимни, хорижга бориб келганимни кўпчилик билганидан кейин ўзимни ўлдиришимдан нима фойда? Қайтанга бу... эскирган гапларни янгилайди-ку! Номим яна тилларда «достон» бўлиб, ота-онамнинг боши эгилиб қолади-ку.

Тўхта-чи, нега боши эгилади? Ахир, «Касал бўлиб ўлибди», дейишса бўлмайдами? Бўлади. Лекин қанақасига касал бўлиб ўлиш мумкин? Ҳеч жойингни оғритмасдан. Тинчгина юрагингни тўхтатиб қўядиган дорилар бор-ку. Истамбулдаги бой кампир нуқул шу ҳақда гапирар эди. «Қариб-чириб қолдим. Энди менга азоб бериб нима қиласан? – дерди у ўғлига. – Ановинақа дорилардан бирортасини олиб келиб бер, тинчгина оёғимни узатиб нариги дунёга – мангу ҳаловат қучоғига кетай...» Ўғли уни койирди: «Мен туққан онамни кўра-била туриб ўлдираманми, ўйлаб гапирсангиз-чи!»

Кейинроқ, Афифа келиб қўйганидан сўнг эшитдики, кампир, барибир, вафот этибди. «Тайин, ўша ниятига етган, заҳар ичиб ўлган», деб ўйлади Афифа. Чунки хоним афандим ҳали ўладиган эмасди. Ёши бир жойга борган бўлса-да, «калтак»дек эди. Аммо кампир яшашдан зериккан эди. Бу дунёнинг жамийки ҳузур-ҳаловатларини татиб тўйган эди у. Эришмаган нарсаси қолмаган эди бу ёруғ оламда унинг.

Бой-бадавлат турмуш, ҳашаматли ҳовли-жойлар, беҳисоб зебу зийнат, сайру саёҳатдан ҳам армони қолмаган эди. Ер юзининг барча гўзал мамлакату шаҳарларини кўрганди. «Фақат бир армоним бор: битта эр билан ўтиб кетяпман, – дея ҳазиллашар эди у гоҳида. – Эрим раҳматлик эса жа-а юрағон эди. Немис, фаранг, англис, япон, ҳатто, хитой аёлларини ҳам кўрган экан. Дунё савдогари эди-да, жойинг жаннатдан бўлгур. Мен ҳам... ёшлигимда жа-а хушрўй эдим. Кўп афандилар хушомад қилишган. Эрим узоқ муддатли сафардалиқ чоғида биттаси сал қолган йўлдан уришига. Жудаям келишган йигит эди, қурғур. Қадди-қомати келишган, бўйдор, жингалак сочи билан қўнғир мўйлови ўзига чунонам ярашар эди. Ёши мендан беш ёш кичик экан. «Минг бир кеча»да ўқигандим. Бой хотинларнинг кўпчилиги ёш қулбаччалардан ўйнаш тутишган. Ўшалар бир нарсани билишган-да, акс ҳолда, ўз ҳаётларини хавф остида қолдириб юришармиди. Қара, қанақа ёш, хушрўй, танаси айни кучқувватга, шарбатга тўлган йигит. Маза қилиб дон олишиб юрсанг бўлмайдими? дерди шайтон ўлгур. – Кўп ўйладим. Ўша йигитга юрагим урадими, кўнглим ётадими, кейин қаттиқ севиб қолиб, эримдан талоғимни олиб, бу билан бахтли бўла оламанми? Йўқ. Бу йигит ҳарчанд ёш, чиройли, кучқувватга тўлган бўлмасин, ўзимнинг пакана, тепакал, қорни дўмпайган эримнинг ўрнини босолмас экан. Чунки севиб қолмаган эканман уни. Агар кучли севги бўлса... ҳатто эрингга хиёнатни ҳам, болаларингни ўйламай, ажралиб кетишни ҳам тушуниш, кечирриш мумкин. Зеро, севган пайтингда кўзингга ҳеч нарса кўринмайди. Севги, бу – кўнгли подшоси. Унинг ҳукмига бўйсунмай илож йўқ. Аммо севгисиз, шунчаки тан ҳузури, бадан ҳаловати учун ўйнаш тутишни мен ҳазм қилолмас эканман...»

Афифа бу бахтиёр кампирга астойдил ҳавас қилган, «Мен ҳам шундай умр кечирсам, сира армоним қолмас эди», деб ўйлаган эди. Шу ҳавас билан айни бир лаҳзада кўнглида «Мен бу кампир сингари тўқ, тўкис ва имонли, яъни жисмонан ҳам руҳан пок-покиза умр кечиролмайман», деган армон ҳукмрон эди. Шунга қарамасдан, хориждан қайтиб кел-

гач, айнан ўша имонли кампир сингари бойвучча бўлиб яшаш мақсадида қишлоққа йўл олди. Зеро, ўша кунлар телевизорнинг қайси қулоғини бурасанг, қишлоқда ер олиб, фермерлик қилиб катта бойлик орттираётган кишилар ҳақидаги баландпарвоз ҳамду санолар янграб ётар эди. «Мен ҳам қишлоқ қизиман, даланинг чангини ютиб, лойқа сувидан ичиб улғайганман-ку, фермерликни мендайлар қилмаса, ким қилади», деган фикру иштиёқ уйғонганди кўнглида. Кейин... кейин ҳаммасини гўёки рисоладагидек бошлашди. Ҳамма қатори меҳнат қилинди, елиб-югуришди. Лекин... Лекин омад келмаса қийин экан-да! Гап Муқимхоновда ҳам, йилнинг қурғоқчил келишида ҳам эмас. Омад келмади. Омад келмаса, оғзингдаги чайнаб турган луқмангни ҳам ютолмайсан. Кейин... Кейин яна бир сабаб – камбағалчилик. «Камбағални туяни устида ҳам ит қопади», деганлари рост.

Агар камбағал бўлишмаганида, жилла қурса, яна ўттиз-қирқ минг доллар захираларида турганда, ўтган йилги қарзни кўзни чирт юмиб, нақд тўлаб юбориб, бу йилисига ғайрат қилиб ишлаб, кўрилган зарарни ҳам қоплаб, фойда билан чиқишлари мумкин эди. Чунки омаднинг келиши абадий бўлмагани сингари, омадсизлик ҳам муттасил давом этиши мумкин эмас. Субут тунов кунни тўғри айтди: «Фермерлик қилмоқчи бўлган одам салгина қийинчиликдан кўрқиб, дарров ташлаб қочмаслиги керак-да...» Аммо шу «салгина қийинчилик» камбағал одамни етти қават ернинг тагига киргизиб юборишини ҳар ким ҳам тушунавермайди. Чунки камбағалнинг бунақа қийинчиликларни енгиш учун «қора кунга аталган» пули бўлмайди. «Йўғон чўзилганда, ингичга узилиб кетади», деб шунга айтишган бўлса керак.

Пул ҳақидаги фикрлар туфайли яна қарзи эсига тушди. Кўз ўнгида холасининг вазоҳат билан чақчайган кўзлари пайдо бўлди. «Молнинг бўлмаса, жонингни олишади», дея қилган таҳдиди қулоқлари остида жаранглади. «Ёш, чиройли аёл бўлсам, наҳотки арзимаган ўн минг доллар учун ўлдириб юборишса», деди ўзича аламли кулимсираб.

Ногаҳон эшик кўнғироғи жиринглади. «Субут акам, – деб ўйлади Афифа, – кечирим сўраб келган. Ўша аёл билан уни...

тўшакда ушлаб олганим йўқ-ку. Эҳтимол, улар шунчаки... суҳбатлашиб ўтиришгандир, иш юзасидан».

Бу гапга ўзи ҳам ишонмаса-да, мажбуран шундай деб ўйлади. Қолаверса, тўшакда ушлаган чоғида ҳам унга «хиёнат қилди» деб айтишга қонуний ҳаққи йўқ-ку. Собиқ эри, холос. Демак... ҳар иккала ҳолатда ҳам Аффанинг унн кечиришга тўла ҳаққи, тўғрироғи, имконияти бор. Шуниси яхши. Кечириши керак. Лоақал қарзини қутулиб, ишга кириб, ўзини эплаб олгунча Субутнинг ҳар қанақа «шўхлиги»га чидаб туришга, кечиришга мажбур. Кейин... кейин бир гап бўлар.

Бунақа шармсиз мулоҳазасидан ўзи ҳам уялиб кетди. Эшикни очиш учун даҳлизга йўналар экан, «Бунақа фикр юргизадиган, бунақа яшайдиган бўлсам, холамдан нима фарқим қолади», деб ўйлади. Шу ўй таъсиридан қутулишга улгурмай эшикни очди ва ҳайратдан қотиб қолди. Миясидан «Бўрини йўқласанг, қулоғи кўринади», деган ибора чақмоқдек чақнаб ўтди. Рўпарасида холаси турар ва у ёлғиз эмасди. Ортида «ҳожатбарор» дугонаси ва спорт кийимидаги, кўзлари маъносиз боқувчи алпқомат бир йигит турар эди. «Боя улар икковлари эди-ку, йигит қаердан пайдо бўлди?» деб ўйлади беихтиёр Аффифа.

– Ҳай қиз, нега унақа қиласан? – дея бобиллаб кетди холаси. – Манзилингни ҳам айтмай қочворибсан. Қидириб топгунча уч соат вақтимиз кетди.

– Бошим гаранг бўлиб, кўзимга ҳеч нарса кўриимади ўша лаҳзада, – деди Аффифа. – Узр. Мана, топиб келибсизлар-ку! Марҳамат. Ичкарига киришлар.

– Марҳамат демасанг ҳам кирамиз, – холаси шундай деб, тўғри залга ўтар экан, теварак-атрофга кўз югуртирди. – Яшашинг чакки эмас. Манави мебелларнинг ўзи фалон пул турса керак. Келинлар, ўтиринлар.

– Мен чой қўяман ҳозир, – эшик томон юрди Аффифа.

– Чой керак эмас. Ўтир, мана бу ерга, – деди хола унга ўзи ўтирган дивандан жой кўрсатиб. – Муҳим гап бор.

Аффифанинг юраги шувиллади. Хола кўрсатган жойга ўтирди.

– Манави полвон акангни пулнинг эгаси юборибди. Сенга айтгандим, огоҳлантиргандим. Тушунмадинг. Мана, энди жавобини ўзинг бер, – деди холаси.

Алпқомат йигит қовоғини осилтириб, муштини дўлайтириб, салмоқ билан гап бошлади:

– Холангизнинг ҳурмати учун сизга бир йилга фоизсиз қарз берилган. Қарзни вақтида қайтармадингиз. Муҳлат тўлганидан кейин ҳам орадан шунча вақт ўтиб кетди. Энди берилган миқдорнинг устига эллик фоиз жарима қўйиб, ўн беш минг қилиб беришингиз керак. Бундан буён кечиктирилган ҳар бир кун учун бир фоиздан қўшилади.

– Вой, мен бунча пулни қаёқдан топаман? – деди Афифа йиғламсираб.

– Бу сизнинг муаммонингиз, – жавоб берди йигит хотиржамлик билан. – Ўн кун ичида ҳал қилмасангиз... оғирроқ жазо берамиз.

Нажот излаб холасига қаради. Холаси дугонасига имо қилди. Аёл кўзини олиб қочди.

– Бўпти, мен кетдим, – деди йигит.

– Энди нима қиламан? – йигитнинг ортидан эшикни бекитиб қайтар экан, кўздан дув-дув ёши тўкилди Афифанинг.

Холаси яна дугонасига қаради. Дугонаси афсусланган бўлиб бошини чайқади.

– Вақтида мен айтган таклифга кўнмадингиз. Энди у ишга бошқа одам жойлашиб кетди.

– Бир иложини топинг, холажониси, илтимос, – деди Шаҳина хоним сохта ялинган оҳангда.

– Битта йўли бор. Лекин... Афифахонга маъқул келармикан...

– Айтнинг-айтинг, чўкаётган одам хасга ёпишади, – деди хола сурбетлик билан илжайиб.

«Ҳожатбарор» аёл бир зум ўйлаб турди. Кейин кулимсираб гап бошлади:

– Сизни алдаб, қўйнингизни пуч ёнғоққа тўлдирмоқчи эмасман. Бошиданоқ очиғини айтаман. Токи бир кун жавоб беришга тўғри келиб қолса, менинг номимни тилга олиб,

«Ўша аёл алдаб чув туширган эди», деб нокаслик қилиб юрманг. Хуллас, гап мана бундай: хорижлик бир бойнинг ҳарамига... чиройли аёллар керак. Сиз яна ўйламанг, «Кўчага чиқиб, фоҳишалик қиламан», деб. Фақат ўша бойнинг ихтиёрида бўласиз. Ҳарам катта. Унда неча аёл борлигини ҳеч ким билмайди. Аммо-лекин кўнглидан чиқиб, ёқиб қолсангиз, қонуний хотинликка олиши ва фарзанд туғсангиз, меросхўр бўлиши мумкин. Ҳозирча... канизак бўласиз. Энг муҳими, қарзингизни эртагаёқ узишади. Бундан ташқари, барча канизаклар қатори сизга ҳам ейиш-ичиш, кийим-кечакдан ташқари, ойига минг доллар атрофида маош белгиланади...

Афифанинг қулоқлари чиппа битди. Миясига қон тепди. Боши гувиллади.

– Шарманда... Шарманда бўламан-ку! – деб шивирлади лаблари беихтиёр.

– Ким билиб ўтирибди, қизим? – деди холаси ва сумкаси-дан «Ессе» сигарета қутисини чиқариб очди. Бир донасини сертук лаби учига қўндириб, «Зиппо» деган ёзувли ёндиргич билан тутатди. – Хорижга ўқишини давом эттиришга кетди, деймиз. Хўпми?

– Билмасам, – деди Афифа. – Майли... – оёқ-қўлидан жон чиқиб кетгандек бўлди.

– Мана бу бошқа гап, қўзичоғим, – деди холаси голибона тиржайиб. – Чет элларда юрасан. Мазза! «Ҳам саёҳат, ҳам тижорат» деган машойихлар. Кимсан – қайтиб, сийму зарга кўмилиб, «маликаи сайёр» бўлиб.

– Одамлар нима дейди?..

– Тупур одамларнинг гапига!!!

– Демак, келишдик-а? – деб сўради «ҳожатбарор» аёл. – Агар рози бўлсангиз... Ҳозир менга паспортингизни берасиз. Эртага кечгача бу ердаги ишларнинг ҳаммасини ҳал қилиб, қарзингиз узилганлиги ҳақида тилхатни олиб, индин йўлга отланамиз.

– Опчиқ паспортингни, – деди хола.

Афифа мажолсизлик билан ётоқхонага йўналди. Кирди. Анча тимирскиланди. Ғаладонни очиб, паспортни олди. Бир зум кўкрагига босиб ўйланиб турди. Холаси ортидан кирди.

– Ўйланма, қўрқма, жоним, бу аёлга ишонсанг дар қолмайсан. Ундан ташқари, мана бу ёқда мен турибман. Бер бу ёққа паспортни.

Хола унинг қўлидан ҳужжатни тортиб олди. Залга чиқиб, дугонасига узатди. Улар Аффанинг ётоқхонадан чиқишини ҳам кутмай кетишга чоғланишди.

– Эшикни ўзимиз бекитиб кетвурамиз, – деди хола дугонасига. – У бир оз иккиланиб ўтирибди. Ҳечқиси йўқ. Бир оздан кейин ўзига келади.

Икки аёл бирин-кетин уйдан чиқиб кетишди. Аффифа ётоқда, тошойна қаршисида ўз аксига тикилган кўйи узоқ ўтирди. «Нима қилиб қўйди? Наҳотки шундан бошқа чора бўлма-са? Бор, тўғрироғи, бор эди. Лекин Субут келмади. Эҳ, Субут ака, Субут ака... Шунчалик бағритош бўлиб кетдингизми?.. Мени бу аҳволдан қутқармай, қайларда юрибсиз? Наҳот менинг яна шармандалик ботқоғига ботиб қолишимга қўйсангиз?..»

«Сен нима ҳолингга бунча ноз-фироқ қиласан? Ўзинг кимсан-у, дабдурустдан ориятли бўлиб қолганингга куяйми? Ер юзида шунча аёл қилиб юрган кўҳна ва ҳамиша навқирон, даромадга кон касбни қилсанг қилибсан-да!» Бу холасининг овози. Қайдан эшитяпти? Боя чиқиб кетувди-ю! Қайтиб келдими? Йўқ. Қайтиб келгани йўқ. Уйда туриб гапиряпти. Сенга эса... аён бўляпти. Тўғрироғи, худди шунақа дейишини аниқ билганинг учун ўзинг унинг тили билан гапиряпсан. Ростдан ҳам, нимангни асрамоқчи бўласан? Аллақачонлар ер билан битта бўлган шаънингними? Шаън деганлари нима, ўзи? Холангнинг умр бўйи суюқоёқлик билан шуғулланган дугоналари, бугун оқ рўмол ўраб, отинлик қилиб, ҳеч кимга гап бермай юрган дугоналаридан бирортаси ўзини шаъни булганган, ёмонотлиқ бўлган, деб ҳисоблайдими? Аксинча, ўзларини дунёдаги энг покдомон, энг солиҳа аёл қилиб кўрсатишади-ку! Кўпчилик шунга ишонади ҳам. Қачондир фоҳишалик, қўшмачилик қилганини ким исботлаб кўрсатиши мумкин? Уларнинг «ҳиммат»идан баҳраманд бўлган ўғри, каззоблар эса бу сирни имкон қадар яширишади. Чунки уларнинг ўзлари ҳам соқол қўйиб, ҳеч

бўлмаганда мошранг духоба дўппи кийиб, сўфи бўлиб юришади. Соқолини силкиллашиб, яна қиз-жувонга гап отади. Отинчалар бўлса, ёшроқ келишган йигитни кўрса «оҳ» деб оғзининг суви қочади. Аффифа Шаҳина хонимнинг бундай армонли хўрсинишларини кўп кўрган.

«Холам, энди, паспортни ҳадеганда қайтариб бермайди», деб ўйлади Аффифа. Чунки у Шоҳини хонимнинг феълени яхши биларди. Қарзга пулни ўзи бериб, энди «Бировнинг пули эди», дея қасам ичиб, бу ҳам етмагандек, анови муштумзўр «разборчи»ни ишга солиб юрганидан ижирганди. Одам шунчалик ҳам пасткаш бўлиши мумкинми? Ўз мақсади, манфаати йўлида ҳар қанақа қабиҳликдан қайтмайди. Бир пайтлар дуппа-дуруст аёл бўлган, одамларга санъат, маданият бобида ваъз-насиҳат қилиб юрган, кейин эса... фосиқ қўшмачига айланиб, қанча-қанча қизларнинг хонумонини куйдирган, бечораларнинг неча-нечаси Аффифага ўхшаб алданиб, номус-иффатини шу ифлос аёлнинг макр-ҳийласига қурбон қилган, бутун умри хазон бўлиб одамгарчиликдан чиқиб қолган. Бирлари хонимнинг чангалидан қутулолмай, жонига қасд қилиб ўлиб ҳам кетган...

Ногаҳон Аффифанинг қулоқлари остида водийлик Рафоат исмли қизнинг сўзлари жаранлагандек бўлди: «Бу «мама-роза»дан фақат ўлиб қутулиш мумкин...»

Ўша Рафоат кунларнинг бирида тўсатдан ўлиб қолганди. Тунда ухлаган-у тонгда уйғонмаган. Шаҳина хонимнинг «сийлови»дан баҳраманд бўлган врачлар юрагида туғма касали бўлган, шу боис навбатдаги хуружи туфайли вафот этган, дея хулоса бериб юборганлар. Ҳолбуки, қизлардан бирининг айтишича, Рафоат ўлимидан икки кун олдин дорихонадан икки-уч қути уйқу дори сотиб олган экан. Ўша дорилар топилмади. Демак, Рафоат ҳаммасини бирйўла ичган...

«Уйқу дори ичиб ўлиш яхши, – деб ўйлади дафъатан Аффифа. – Ҳеч қанақа оғриқ, ҳеч қандай азоб-уқубат ҳис этмайсан. Ухлайсан-у, қайтиб турмайсан. Жудаям чиройли, муносиб ўлим...»

Энди рostaкамига қўрқиб кетди. Нега ўлиш истагидан қутулолмаётганига ҳайрон бўлди. Боя бошда у бу ҳақда бир

қадар ҳазиломуз фикр юритган эди. Шуурининг тубида эса «нима, ўлиш осон эканми, ахир, ҳали яшашим керак. Мен ақлдан озган эмасман, эс-ҳушим жойида», деган хотиржамлик бор эди. Энди эса ўша хотиржамликнинг моҳияти тамоман ўзгарганини, «Хўш, ўлсам нима бўпти, ахир, бу энг яхши чора-ку, шу йўл билан ҳаммасидан бирйўла қутуламан-ку», деб ўйлай бошлаганини сезиб қолди. Миясида аллақандай бир ғубор пайдо бўлди. Ўтган умри, кўрган кўргиликлари, кечирган кечмишлари тамоман унутилгандек, фақат олдинда сукут оғушидаги бир абадий ҳаловат бор-у, ўша уни тўхтовсиз имлаётгандек...

Жунунми бу, талвасами, васвос касалими, англолмади. Зеро, бу ҳақда ҳам ўйламай қўйганди шу топда. Кайфияти ўз-ўзидан яхшиланди. Худди катта омад келтириши муқаррар бир ишни бошлаётган кишидек, телбаваш севинч оғушига тушди. Таниқли хонанда қуйлайдиган, ўзига бағоят ёқувчи бир ашулани хиргойи қила кийинди, таранди, безанди, бўянди. Эшикни яхшилаб бекитди. Кўчага чиқди. Яқин кўчадаги дорихонага кириб боқди.

– Бувим кексайиб, уйқусиз бўлиб қолган. Унча-мунча дорилар таъсир қилмаяпти. Яхши ухлатадиган, кучлироғидан борми? – деб сўради жилмайиб.

Дорихона ходими бу ёш ва чиройли, юзида ҳаётдан мамнуният ва аъло кайфият балқиб турган жувонга қараб, одатий эҳтиёткорлигини хаёлига ҳам келтирмади. Ҳолбуки, уларни ёш болалар, тушкун кайфиятдаги кексаларга бунақа дориларни сотишда ҳушёр бўлиш кераклиги тўғрисида огоҳлантиришган.

– Янги чиққани бор, берайми? – деди у.

– Ҳа, беринг, қанча туради, бир қутисидан неча дона бўлади? Пулим стармикан? – дея ясама соддалик билан сўради Афифа.

– Унча қиммат эмас. Анчага етади. Қутисидан... юз дона. Лекин кунига бир-икки донадан ортиқ ичиш мумкин эмас. Эҳтиёт бўласиз-да. Қўлига бериб қўйманг. Хўпми?

– Майли...

Дори шишасини кафтида маҳкам қисиб кўчага чиқди. Юраги севинч ва армонга қоришиб кетган кучли бир ҳаяжон таъсирида гурсиллаб ура бошлади.

«Қаерга борай? Квартирагами? Ұлигим у ердан топилса... Субут акамни тагин қамаб юборишади. Йўқ. Ұлсам ҳам унга ёмонлик қилмай ўлишим керак. Яхшиси, дорини... холамникида ичаман. «Меҳмон бўлиб келдим, бир кеча ётиб кетай», дейман. Тунда ухлаш олдидан ичаман дорини. Худди Рафоат сингари тинчгина абадий уйқуга кетаман. Кейин холам нима қилса-қилсин. Хоҳласа, ўлигимни сотиб, қарзни узсин. Хоҳласа...»

Шаҳд билан Шаҳина хонимнинг уйи сари йўл олди.

Хоним уйда экан. Аффанинг ўз оёғи билан кириб келганини кўриб қувониб кетди. «Масала ҳал», деб ўйлади.

– Кел, болам. Кел, кўзим, – деди.

– Сиздан маслаҳат сўрагани келдим, – деди Аффифа.

– Майли, қизим, қанақа маслаҳат бўлса, бераман. Ҳозир эса кечки овқат тадоригини кўрайлик. Нима ейсан? Ош пиштирайми? Ё мантихўрлик қиламизми?

– Ихтиёрингиз...

Мантихўрликдан сўнг узундан-узоқ суҳбат бўлди. Суҳбат асносида хоним яна хориждаги гўзал ҳаёт, халта-халта пуллар ҳақида ютоқиб сўзлади.

Аффифа жим тинглади. Унинг хаёли тамоман бошқа томонда эди. Қани энди, бу ғўнғир-ғўнғир суҳбат тезроқ тугаса ва унга алоҳида хонада жой солиб беришса...

Ниҳоят музокара ниҳоясига етди. Аффифа бир пайтлар турган хона банд экан. Унда қорақош, қоракўз, рангпар бир ёш қиз тураркан. Шу боис Шаҳина хоним жиянига меҳмонхонанинг ўзидаги диванга жой солдирди.

– Қолган гапларни эрталаб гаплашамиз, – деб чироқни ўчириб чиқиб кетди.

Аффифа шоша-пиша сумкасидан дорилик шишани олди. Тешигини очиб, ичидаги ҳабдориларнинг ҳаммасини кафтига бўшатди. Аввал бир қисмини оғзига солиб, қийналиб-қийналиб ютди. Кейин иккинчи қисмини, кейин яна... Дори томоғига тиқилиб йўталди. Чойнак қидириб ошхонага чиқди. Совуқ чой ичди. Қайтиб меҳмонхонага кирди. Кийимини ҳам ечмай ўринга чўзилди. Аввал ўхчиб, қусгиси келди. Кейин боши айлана бошлади. Шунга қарамай, ҳали ҳуши

ўзида эди. Ногаҳон миясида «Ўлар чоғим бир одамга ёмонлик қилиб кетишим тўғри бўлармикан?» деган иштибоҳ айланди. «Йўқ, яхшиси, ҳеч кимга оғирим тушмагани маъқул», дея ўрнидан турди. Гандираклаб даҳлизга ўтди. Кўча эшикни эҳтиётлик билан очиб, ташқарига чиқди. Зиналарни бир-бир босиб пастга тушди. Кўчага чиқди. Яқингинадаги хиёбон сари юрди. Дуч келган биринчи ўриндиққа ўзини ташлаб, ҳушидан кетди...

ҲАБИБ ТЕМИРОВ

ҚОРА ҚЛСР АСИРАСИ

Учинчи китоб

Муҳаррир
Анвар НАМОЗОВ

Тех.муҳаррир
Вера ДЕМЧЕНКО

Бадий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Мусаҳҳиҳ
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Босишга 11.04.10 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 8,25. Шартли босма тобоғи 13,86.

Гаритура “Lex Times Cug+Uzb”. Газета қоғоз.

Адади 2000 (1 завод 1000) нусха. Буюртма № 260.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожсаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс — 273-00-14; e-mail: yangiasr@inbox.ru

«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» ТАҚДИМ ЭТАДИ:

Меълибой МУРОДОВ.

“ГУНОҲ”. 304 бет.

Адади 3000 нусха.

Қалли муқовада.



Иисон айниқса ўзининг ёшлик йилларида баъзан ўткинчи ҳис-туйғулар таъсирида, баъзан ҳақиқий ишқнинг ўрнини босган ҳавас ва ёки эҳтирос оқибатида билиб-билмай катта-кичик хатоликларга йўл қўйиши мумкин. Тақдим этилаётган ушбу китобда айнан ёшлик даврларида қалтис хатога йўл қўйган Шамсиддин ва Гулсаранинг кейинги умрлари чуқур изтироблар гирдобиди, афсус-надоматлар қийноғида ўтганлиги ёрқин бўёқларда тасвирлаб берилган.

Ҳабиб ТЕМИРОВ.

“МАКРМИ Ё МУҲАББАТ”.

176 бет. Адади 2000 нусха.

Юмшоқ муқовада.



Муҳаббатни ҳар биримиз бегубор, покиза, улуг ришта деб биламиз. Аммо бу олий туйғу манфаат, ҳатто жиноят учун хизмат қилиши ҳам мумкинми?! Ёки баъзан ўткинчи ҳою ҳавасларга берилиб, ҳақиқий севгини кўра олмаймизми? Муҳаббат шу қадар маккормики, бизни не кўйларга солмайди?!

Ушбу ҳайрат, муҳаббат ва нафратга тўлиқ асар саволларингизга жавоб беради, деган умиддамиз.

Ҳабиб ТЕМИРОВ.
“ДУНЁДАГИ ЭНГ ГЎЗАЛ АЁЛ”.
 180 бет. Адади 1000 нусха.
 Юмшоқ муқовада.

Севги-муҳаббат оташи инсонни не кўйларга солмайди, ие-ие жасоратларга ундамайди, дейсиз?! Бу туйғу аслида инсонга берилган мукофотмикан, жазомикан ё? Гўзаллик-чи?

“Дунёдаги энг гўзал аёл” қиссасини ўқиб рассом йигитнинг тақдир билан боғлиқ муҳаббат қиссаларидан воқиф бўласиз.



Ҳабиб ТЕМИРОВ.
“ҚЎШ УЗУК”.
 84 бет. Адади 1000 нусха.
 Юмшоқ муқовада.

Ҳар кимга ҳар хил қисмат, ҳар кимга ҳар хил тақдир битилган. Аслида бу ҳаётнинг ўзи бир имтиҳон, ўзи бир синов. Бу имтиҳонлардан ақл билан ўта олган инсонларнинг юзлари ёруғ. Бу дунёда меҳр-муҳаббат ва яхшиликкина абадийдир.

“Қўш узук” сизга инсонлар орасидаги меҳр ва муҳаббатдан, яхшилик ва оқибатдан ҳикоя қилади.



Қурбон ЭГАМБЕРДИЕВ.
“ДИЁНАТ ВА ХИЁНАТ”.
 204 бет. Адади 1000 нусха.
 Қалин муқовада.

Диёнатли инсонлар ҳамиша эзгуликка интилади. Инсофли, эътиқодли, фидойи кишилар билан яқинроқ юриш, уларнинг ноёб фазилатларидан баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади. Аммо бунинг акси ўлароқ айрим ҳолларда ўзлигини англамаган, инсонийликни унутган кишилар ҳам борлиги дилимизни ўртайди. Турмушимизда учрайдиган мана шу каби ҳаётини воқеаларни ўз ичига олган китоб ўқувчиларимизга манзур бўлишига ишончимиз комил.





ҚОРА ҚАСР
АСИРАСИ

ISBN 978-9943-08-464-3



9 789943 084643